

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2006**



ҲАМИД ЗИЁЕВ

**ЎЗБЕКИСТОН  
МУСТАМЛАКА  
ВА ЗУЛМ  
ИСКАНЖАСИДА**

(XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2006

**Такризчилар:**

*тарих фанлари номзодлари*

**А. ШАРОФУТДИНОВ,**

**З. ФАЙЗИЕВА.**

**Зиёев, Хамид.**

Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари). — Т.: «Шарк», 2006. — 352 б.

Тарих фанлари доктори Х. Зиёевнинг мазкур асари Туркистон ўлкасининг Чор Россияси даврида (XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошлари) босиб олиниши ҳамда пахтачилик ва саноатнинг ривожланиш тарихига бағишланган. Чуқур илмий тадқиқотлар, архив материаллари асосида ёритилган қатор мавзулар Туркистоннинг ўша даврдаги ахvoli, аҳолининг ўта қийин турмуш тарзи тўғрисида кенг тасаввур беради.

Ушбу тарихий асар кенг ўқувчилар оmmasига бағишланган.

**ББК. 63.32(Ў)**

## КИРИШ

Маълумки, юртимиз заминда узок тарихий давр да-вомида давлатлар вужудга келиб, фан ва маданият соҳа-сида улкан ютуқларга эришилган. Аждодларимиз жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо тараққиёт узлуксиз мўъта-дил давом этмай орада узилиш ва ўпирилиш содир бўлган-лиги ҳам маълум. Бу айниқса, чет мамлакатлар тажову-зи ва ҳукмронлиги даврида авжига чиққан. Чунки бос-кинчилар қўплаб шаҳар ва қишлоқларни вайронага ай-лантирди. Моддий ва маданий бойликлар таланди. Бун-дай фожиа ва талофатлар чор Россияси тажовузи ва ҳукмронлиги даврида ҳам рўй берди.

Бу хусусда сўз юритилганда, авваломбор шуни қайд этиш лозимки, Чор Россиясининг Туркистон заминига қарши ҳарбий юришлари Волга ва Урал бўйлари, Си-бирни босиб олишидан бошланган эди. Шундан кейин у Ўрта Осиё билан чегарадош бўлиб янги ҳарбий юриш-ларни бошлади.

Бу Ўрта Осиё учун қаттиқ зарба бўлди.

Хўш, бунинг сабаблари нималардан иборат эди?

Чунки бу ҳудудларда қадимдан асосан туркий тил-ли аҳоли яшаб ўрта осиеликлар, хусусан, ўзбеклар билан ўзаро сиёсий, иктисодий ва маданий алоқалари узок йиллар мобайнида давом этиб, тараққиёт учун катта аҳамият касб этган. Ҳатто ўзбекларнинг маълум қисми бу ерларга ўрнашиб савдо, хунармандчилик, дех-қончилик ва маданиятни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган.<sup>1</sup>

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди туркий мамлакатлар мар-казининг бир қисми эди. Хоразм орқали ўтувчи халқаро карвон йўллари бир томондан Ўрта Осиёнинг ички ҳудуд-ларига, иккинчи томондан Волга ва Урал бўйлари, Си-бирь ва Қрим орқали Шарқ мамлакатларига, Кавказ ва

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Зиёев Ҳ. Сибирь, Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар. Т., 2003.

Европага боғланган. Ўзбек савдо аҳли бу қадимий йўллардан унумли фойдаланган.

Волга ва Урал бўйлари, Сибирь ва Қримда Турк хоқонлиги, Ҳазар, Булғор, Олтин Ўрда, Шайбонийлар ва бошқа давлатлар ташкил топган. Улар сиёсий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан Ўрта Осиё билан чамбарчас боғланган. Ҳатто уларнинг бир давлатга бирлаштирилган вақтлари бўлган. Масалан, бир мингинчи йилларда Хоразм—Ҳазар империяси тузилган. Бундай салтанат турк хоқонлиги даврида ҳам кўзга ташланган. Амир Темури хам Олтин Ўрдани қўлга киритган эди.

Тарихдан маълумки, XVI аср бошларида Олтин Ўрда ҳукмдори Шайбонийхон Темурийлар давлатини ағдаргандан кейин у билан минглаб кишилар келиб ҳозирги Ўзбекистон ерларига ўрнашган.

Ички ва ташқи урушларда ҳам кўп одамлар ўлдирилган. Охир оқибатда Олтин Ўрда ҳувиллаб қолди. Олтин Ўрда давлати чуқур инқирозга учраб кичик хонликларга парчаланди. Улар ҳар жиҳатдан ожиз ва заиф эди. Бу вақтга келиб куч-қувватга тўлган Рус давлати XVI аср иккинчи ярмида Астрахань, Қозон, Сибирь ва кейинчалик Қрим хонликларини босиб олди. Шу орқали у олтин, қумуш, темир, мис, қўмир, ўрмон ва бошқа турли табиий бойликлар эгаси бўлиб қолди. Шунингдек, Каспий, Қора ва Азов денгизларини, қўплаб дарё, қарвон ва сув йўлларини қўлга киритиб, жаҳондаги мавқеини бир поғона кўтарди.

Бу ерларда қўплаб рус посёлкалари ва шаҳарлари қурилиб, қонлар ишга туширилди, темир йўллар қурилди. Рус ҳарбий флоти тузилиб қўшиннинг куч-қудрати оширилди. Хорижий мамлакатлар билан алоқалар ривожланди.

Ўрта Осиё учун бу XVI—XIX асрларда хонликларни қолоқликка учратган омиллардан бири ҳисобланди. Улар кўп асрлар мобайнида тарихан шаклланган ва икки томон учун ўта фойдали иқтисодий ва маданий алоқалардан, қарвон ва сув йўлларидан маҳрум қилинди.

Чор Россияси шундан сўнг ўзбек хонликларини ҳам босиб олишга киришди. Бундан мақсад Туркистон заминини тўлиқ қўлга киритишдан иборат бўлиб, ўлкани босиб олишнинг ўзига хос сиёсий ва иқтисодий сабаблари бор эди.

XIX асрнинг биринчи ярми ва ундан кейинги йилларда Россияда саноат, хусусан капиталистик муносабатлар маълум даражада ривожланиб борди (1-жадвал).

1-жадвал

Корхоналар номи	Фабрика ва заводлар сони			Ишчилар сони		
	1804 й.	1830 й.	1860 й.	1804 й.	1830 й.	1860 й.
Мовут ва бошқа жун газлама фабрикалари	159	389	706	28689	67241	120025
Ип газлама фабрикалари	199	583	1200	8181	76228	152236
Полотно фабрикалари	285	190	117	23711	26845	17284
Ипак ва ярим ипак газламалари фабрикалари	58	108	166	1520	2780	5385
Ёзув коғозлари	365	234	393	9161	14019	14287
Кўн заводлари, совун ва шағам заводлари	269	1031	1827	687	6252	12122
Қанд заводлари	10	57	467	108	1687	64763
Тамаки фабрикалари	7	61	343	19	306	6059
Ишқор заводлари	116	185	263	469	1533	1531
Кимё ва бўёқ заводлари	12	81	135	—	1028	3440
Селитра заводлари	—	98	101	—	1470	3467
Биллур ва ойна заводлари, чинни заводлари	114	172	195	3937	6616	11464
Пўлат, темир ва чўян заводлари	55	40	55	—	1274	2629
Мис заводлари	28	193	963	4121	19889	54832
Бошқа корхоналар	37	113	161	546	3103	8504

Хуллас, Россия империясида энгил ва офир саноат тармоқлари йил сайин ривожланиб, шунга мос равишда ишчилар сони ҳам кўпайиб борган. Айниқса, тўқимачилик саноати ўсиб, газлама ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 1804 йилда 701 та бўлса, 1860 йилда—2189 тага етди. Бироқ мамлакатда ҳукм сураётган феодал-крепостной тузум саноатнинг жаҳон андозаси даражасида ривожланишига тўсқинлик қилди. Саноатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Европа ва бошқа илғор мамлакатлар бозорларида рақобатга бардош беролмади. Оқибатда Россия Европанинг хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозори бўлиб қолди.

Маълумки, Россия тўқимачилик саноати учун пахта ни асосан олис Америкадан олаётгани туфайли кўпдан-кўп ортиқча харажат ва бошқа қийинчиликларга дуч келган. XIX асрнинг 60-йилларида Америкада фуқаролар уруши кетаётганида пахта келтириш камайиб кетди ва оқибатда Россияда кўп корхоналар ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Шу боис саноатни узлуксиз равишда арзон пахта билан таъминлай оладиган Ўрта Осиё ерларига эгаллик қилиш зарурияти туғилди. Шунингдек, саноат молларига талабчан бозорни қўлга киритиш масаласи кўндаланг турган эди. Чор ҳукумати буни ҳам ўзбек хонликларини босиб олиш ҳисобига ҳал этишни режалаштирди.

Чор ҳукумати сиёсий жихатдан ҳам хонликларни эгаллашни мақсад қилиб қўйган. 1853-1856 йилларда, Қрим уруши вақтида Туркия, Англия, Франция ва Австрия томонидан мағлубиятга учратилиб, катта талофат кўрди ва халқаро майдондаги нуфузи пасайиб кетган эди. Шунинг учун Чор ҳукумати ўзбек хонликларини қўлга киритиш орқали ўз куч-қудратини намойиш қилишга эришмоқчи бўлди. Айни пайтда Қрим урушида заифлашган рус армиясининг қаддини ростлаш ва руҳини кўтариш назарда тутилди.

Бундан ташқари Россияда ҳукм сураётган қашшоқлик ва норозилик кучайиши оқибатида вазият офирлашганди. Шу боис аҳолининг маълум қисмини Туркистонга кўчириб, вазиятни юмшатиш ва ўлкани руслаштириш режалаштирилди.

Чор ҳукумати ўлкани қонга белаб, минглаб одамларни ўлдириб бойликларни талади. Шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантди. Натижада ўзбек халқи моддий



ва маънавий жихатдан катта талофатни бошидан кечирди. Мана шундай вахшиёна йўл билан ўлкада мустамлакачилик ва улуг миллатчилик сиёсати ўрнатилган эди.

Чор ҳукумати Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Еттисув ва Каспийорти вилоятларидан иборат Туркистон генерал-губернаторлигини тузди. Тошкент унинг маркази сифатида танланди. Генерал губернаторликка турли йилларда қуйидаги генераллар бошчилик қилган:

Кауфман К.П.	1867 – 1882 й.	Мищенко П.И.	1907 – 1909 й.
Черняев М.Г.	1882 – 1884 й.	Самсонов А.В.	1909 – 1913 й.
Розенбах И.О.	1884 – 1889 й.	Флуг И.О.	1914 й.
Духовский С.М.	1889 – 1901 й.	Мартсон А.И.	1915 й.
Иванов Н.А.	1901 – 1904 й.	Еровеев М.Р.	1916 й.
Тевяшав Н.Н.	1904 – 1905 й.	Куропаткин А.Н.	1916 – 1917 й.
Субатич Д.И.	1905 – 1906 й.		

Вилоят ва уездларнинг бошлиқлари вазифасига ҳам ҳарбийлар қўйилди. Энг қуйи лавозимлар, хусусан, волост ва қишлоқ оқсоқоллари мансабига маҳаллий аҳоли вакиллари ўта итоткор ижрочилар сифатида ўтказилди.

Бухоро ва Хива хонликлари вақтинча сақланган бўлса-да, улар Чор Россиясининг қўл остида бир қўғирчок эди, холос.

Чор ҳукумати ўлкани Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро ва Хива хонликларидан иборат уч қисмга парчалаб, ҳукмронлик қилган. Бундан мақсад ўзбек, тожик, қозок, қирғиз, туркман миллатига мансуб туб аҳолининг бирлашишига, миллий туйғу ва маданиятининг ривожланишига, сиёсий онгининг кучайишига йўл қўймасликдан иборат эди.

Ўша даврда айрим рус зиёлилари вакиллари ҳам чор ҳукуматининг босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатини қўллаб-қувватлаган.

Маълумки, Совет даврида чор ҳукумати томонидан ўлканинг босиб олинishi ва ҳукмронлигининг «ижобий оқибат»ларини ёритиш ва тарғибот қилишга катта эъти-

бор берилди. Натижада узок вақт халқимиз бу борада нотўғри тасаввурга эга бўлиб келди. Шу боис юртбошимиз Ислон Каримов шундай таъкидлаган эдилар: «Совет даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар. Тарихдан жудо бўлиш нималигини яхши билсангиз керак. Инсон учун тарихидан жудо бўлиш, ҳаётдан жудо бўлиш демакдир».<sup>3</sup>

Дарҳақиқат, совет даврида тарих шу даражада қаттиқ сохталаштирилган эди.

Ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинаётган мазкур асарда Чор Россияси томонидан ўзбек хонликларининг босиб олиниши, ўлқанинг Россия хом ашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилишини ёритиш мақсад қилиб қўйилди. Хусусан, пахтачилик ва ипакчилик, темир йўл ва саноат тармоқлари ривожлантирилиши сабабларини таҳлил қилиш вазифаси белгиланди. Умуман, Чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва улўғмиллатчилик сиёсатини холисона ёритишга ҳаракат қилинди.<sup>4</sup> Бу асар муаллиф олдинги йилларда нашр қилинган қуйидаги китобларининг мантиқий давомидир:

1. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши курашлар (XVII—XX аср бошлари). Тошкент, 1998.

2. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашлар тарихи (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). Тошкент, 2001.

3. Сибирь, Волга ва Урал бўйидаги ўзбеклар (ўзбек ва рус тилларида). Тошкент, 2003.

4. Ўрта Осиё ва Сибирь. Тошкент, 1963.

5. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари. Тошкент, 1965.

6. Средняя Азия и Сибирь (XVI—XIX вв). Ташкент, 1964.

7. Узбеки в Сибири. Ташкент, 1964.

8. Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент, 1973.

---

<sup>3</sup> Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998, 9-бет.

<sup>4</sup> Айрим маълумотларни тўплашда ёрдам берганликлари учун Маъруфжон Қаюмов, Илхомжон Назиржон ўғли ва Ражаб Қиличевларга миннатдорчилик изхор этамиз.

9. Экономические связи Средней Азии с Сибирью XVI—XIX вв. Ташкент, 1985.

Буларда ўзбек хонликлари даврида ва кейинги йилларида Россия билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, яъни тарихий даврлари ўз ифодасини топган. Кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган мазкур асар эса уларнинг бамисоли яқунловчи қисмидир.

Шуни айтиш лозимки, мавзу бўйича айрим статистик маълумотларда маълум даражада бир-биридан фарқ қилувчи рақамлар учрайди. Бу ҳолат кўпроқ пахтачилик масаласида кўзга ташланади. Ўқувчилардан буни назарда тутишларини сўраймиз.

Бир асар ҳажмида бундай кўламдаги катта ва мураккаб масалаларни узил-кесил ҳал этишнинг имкони йўқ, албатта. Шубҳасиз, улар бўйича илмий изланишлар давом этади.

## **ЎЗБЕК ХОНЛИКЛАРИНИНГ РОССИЯ ТОМОНИДАН БОСИБ ОЛИНИШИ**

### **XVIII ва XIX асрнинг 30—40-йилларидаги ҳарбий юришлар**

XVIII асрнинг биринчи чорагида Россия Европанинг йирик давлатларидан бирига айланди. Олиб борилган бир қатор урушлар натижасида унинг ерлари кенгайди. Янги жойларни босиб олиш ҳаракати давом этаверди. Империя ғоясини кучайтириш учун Пётр I ўзбек хонликларида ҳам ўз ҳукмронлигини ўрнатишга киришди.

Шу ўринда айтиш лозимки, чор Россияси томонидан хонликларга бостириб кириш ва уларнинг бойликларини ўзлаштириш ҳаракати XVII аср бошларида кўзга ташланган эди. Жумладан, Ёйиқ (Урал) дарёси атрофида яшовчи рус казаклари Урганчга ҳужум қилиб, бойликларни талаган, аҳоли хонадонларига ўт қўйган. Хива хони Араб Муҳаммадхон (1602—1623) бошчилигидаги аскарлар 15 кун мобайнида жанг қилиб, казакларни қириб ташлаган.

Ундан кейин ҳам рус казаклари Атаман Нечаев бошчилигида Урганчга бостириб кириб, бойликларни талаган. Бироқ улар ҳам хон аскарлари томонидан тор-мор этилганди. Рус казаклари икки маротаба мағлуб бўлганларига қарамай, яна бир бор Урганчга отланган, аммо йўлда қаттиқ совуқ ва бўронга учраб, очликка, касалликка чалинади. Шу тариқа улар йўлда қирилиб кетган.

Юқорида кўрсатилган Хива хонлигига қарши қартилган ҳужумлар қароқчилик хусусиятига эга эди, холос.

Пётр I хонликка қарши ҳарбий юришни давлат сиёсати даражасига қўтариб, уни босиб олишни мақсад қилиб қўйди. Шунини қайд этиб ўтиш лозимки, Хива хонлигида тахт учун кураш олиб бораётган айрим сотқин гуруҳлар Россияга таяниб, ҳокимиятни сақлашга ҳаракат қилган. Масалан, рақиблари ва душманлари дастидан тахтда юрагини ховучлаб ўтирган Исҳоқ оға Шоҳниёз (1694—1701) 1700 йили Россияга элчи юбориб, хонликни рус давлати тобелигига олишни сўрайди. Бу таклиф Пётр I га жуда

кўл келиб, ўша йилнинг 30 июнида Хива хонлигини Россия тобелигига олиш ҳақида фармон чиқаради. Аммо Хива хонлигининг Россия тобелигига олиниши ҳақидаги таклиф бир гуруҳ ватан хоинларининг истагини ифода этганлиги учун қоғоздагина қолди.

1703 йилда эса Араб Муҳаммадхон II (1702—1714) Москвага элчи жўнатиб, хонликни Россия тобелигига қабул қилишни илтимос қилди. Натижада Пётр I Хива хонлигини рус давлати тобелигига олиш ҳақида иккинчи маротаба фармон чиқаради. Бироқ Пётр I фармони бу гал ҳам амалга ошмади.

Шундан кейин Пётр I ҳарбий юриш уюштиришга киришиб, 1714 йилнинг 19 майида Хива хонлигини забт этиш ҳақида фармон чиқаради. Бекович-Черкасский ҳарбий қисм қўмондони лавозимига тайинланди. Айни пайтда ўша йили Сибирь орқали Шарқий Туркистонга, хусусан, Ёркентга ҳарбий юриш ташкил этиш ҳақида Сибирь генерал-губернаторига кўрсатма берилди. Шунга биноан 1715 йили Бухгольц бошчилигидаги ҳарбий қисм Ямишев кўлига келиб, қалъа қуради. Бу ерда кўшин қалмоқларнинг қаршилигига учраб, орқага қайтди. Шу тарика бу режа ҳам амалга ошмади. Пётр I Хива хонлигига қарши тажовузни тўхтатмай, ҳарбий саркарда Бекович-Черкасскийга вазифалар белгилаб берди. Бунга кўра у Амударёнинг Каспий денгизига қуйиладан эски йўлини тиклаши ва бу ерда 1000 кишилик ҳарбий истехком қуриши лозим эди. Хива хонлигини чор ҳукуматига бўйсундиришга эришиш ва ҳатто Бухоро хонлигининг ҳам тобеликка олинишини таъминлаш керак эди. Айни пайтда хонликдан Ҳиндистонга борадиган йўлни яхши ўрганиш ва маълумотлар тўплаш топширилди.

Бекович-Черкасский 1717 йилда тўплар, милтиқ ва қилич билан қуролланган 3000 нафардан ортиқ кўшин билан йўлга чиқиб, Хива хонлигининг чегараларида пайдо бўлди. Бу вақтларда хонлик аскарлари пилтали милтиқ, қилич, найза, ойболта ва бошқа оддий қурол-аслаҳалар билан қуролланган бўлиб, хонликнинг ҳарбий техникаси замон талабидан анча орқада бўлган. Шерғоziхон (1714—1728) бошчилигидаги 100 минг (ёки 60 минг) кишидан иборат кўшин босқинчиларга қарши тўрт кун жанг қилди. Шундан кейин элчилар орқали алоқа ўрнатилиб, Шерғоziхон ва Бекович-Черкасскийлар учрашадилар. Музокарадан сўнг Шерғоziхон Бекович-Черкас-

скийни Хивага таклиф этади. Аммо рус аскарларининг хаммасини Хивага жойлаштиришнинг иложи йўқлиги билдирилиб, уларни турли жойларга тақсимлаш ҳақида фикр билдирилади. Бунга Бекович-Черкасский рози бўлиб ўз қўшинини бир-биридан ажратиб, йўлни давом эттиради. Шерғозихон бундай қулай фурсатдан фойдаланиб, рус қўшинини кириб ташлайди, Бекович-Черкасский бошчилигидаги боқинчиларнинг тор-мор этилиши бутун Россияни ларзага солган, десак муболаға бўлмайди. Бу дахшатли хабарни Пётр I қаттиқ ҳаяжон ва алам билан қарши олди. Россиянинг кичик бир хонликдан енгилиши Пётр I ни ноқулай аҳволга солиб қўйган эди.

Ҳатто у 1724 йилда ўлим тўшагида ётганда ҳам Хива хонлигидан «қонга-қон» тарзида хун олишини тавсия қилган. Русларнинг машҳур шоири А. С. Пушкин сўзича: «Пётр I икки армон билан кетди: бири Прут соҳилидаги мағлубияти учун Туркиядан, иккинчи Бековичнинг тор-мор этилиши учун Хивадан ўч ололмаган эди».

Афтидан Пётр I Каспий денгизи ва Устюрт орқали Хива хонлигини, умуман, ўзбек хонликларини эгаллаш мушкуллигини англаб, биринчи навбатда Қозоғистон ерларини эгаллашга даъват этган. «Шарқ билан алоқада, — деган у, — Қозоғистон тасарруфи қалит ва дарвозадир. Шунинг учун миллионлаб пул сарфланса ҳам Қозоғистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса, у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарур».

Пётр I нинг бу орузси ўлимидан унчалик кўп ўтмай замон тақозосига кўра жуда осонлик билан амалга ошиб борди. Чунончи, XVIII асрнинг биринчи чорагида ва кейинги йилларда козоқ султонларининг ўзаро урушлари, айниқса қалмоқларнинг тажовузлари аҳволнинг ғоятда ёмонлашувига олиб келди. Шу боис Абдулхайрихон бошлиқ юқори табақа вакиллари рус давлати тобелигига ўтишга ва шу орқали ўз ҳокимиятининг хавфсизлигини таъминлашга қаттиқ интилдилар. Улар халқнинг истак-хоҳишини мутлақо инobatга олмай, биринчи навбатда ўзларининг шахсий манфаатини ўйлади.

1730 йилда Абдулхайрихон элчилари Уфага келиб рус маъмуриятига ўрта ва кичик жуз козоқларини рус давлати тобелигига олиш ҳақидаги сўровни топширди. Чор ҳукумати буни бажонидил қабул қилди. Қозоқларнинг тобеликка олиниши Хива хонлиги ва бошқа жойларнинг бўйсундирилишини онсонлаштириш ҳамда сав-

до-сотикнинг ривожланишида муҳим ўрин эгаллаши уқтириб ўтилди.

1731 йил 19 февралда император Анна Ивановна кичик жуз қозоқларининг рус давлати тобелигига ўтказилиши ҳақидаги ёрлиққа имзо чекди. 1739—1740 йилларда ўрта жуз қозоқлари ҳам рус давлати тобелигига ўтказилди. Шу тариқа рус давлати шахсан Абулхайрихоннинг ташаббуси ва ҳаракатлари натижасида кичик ва ўрта жуз қозоқлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Бу ҳол рус давлатига кўплаб табиий бойликлар, бепоён ерлар, қарвон йўллари ва бошқа кўп даромад манбаларини қўлга киритиш имконини берди. Булар рус давлатининг қудрати ошишини таъминлади.

Қозоғистон ерларида шаҳарлар, посёлкалар, ҳарбий истехкомлар қурилиб, руслар кўчириб келтирилди. Чунончи, Омск (1715), Железинск, Пётропавловск, Семипалатинск (1718) ва Усть-Каменогорск (1720) сингари қалъалар, XVIII аср 30-йилларида ҳозирги Оренбург шаҳри қурилди. Жами 60 дан ортиқ катта-кичик ҳарбий истехкомлар юзага келди. 1744 йилда Оренбург губернияси тузилиб, у Кама дарёси, Каспий денгиз, Фарбий Сибирь ва Қозоқ даштлари ўртасидаги бепоён ерларни ўз ичига олган эди.

Қозоғистонда бунёд қилинган шаҳар ва ҳарбий истехкомлар келажакда ўзбек хонлиқларини босиб олишда муҳим таянч бўлди.

1839 йилда Оренбург генерал-губернатори В. А. Перовскийнинг ташаббуси билан император Николай I (1825—1855) Хива хонлигини босиб олиш ҳақида фармон берди.

Ўша йили генерал Перовский 4250 нафар аскар ва 18 та тўп билан Хива хонлигига қарши йўлга чикди. У Чўчка қўлга келиб, қалъа қурди. Бундан хабар топган Оллақулихон (1824—1843) Отамурод қушбеги ни 18 сардор ва 8 минг нафар аскар билан ўша жойга жўнатди. Бу ерда Хива ва рус қўшинлари ўртасида кичкина жанг бўлди. Аммо қалин қор ёғиб, совуқ ва бўрон кучайгандан кейин Хива хонлиги жангни тўхта-тиб орқага қайтишга мажбур бўлган. Қаттиқ совуқ ва бўрон туфайли бирин-кетин душман аскарлари ўла бошлади. От ва туяларни боқишнинг иложи бўлмади. Қўшин орасида оммавий касалликлар кўпайди. Шу боис генерал Перовский 1840 йил февраль ойининг

бошларида қўшинни Оренбургга қайтаришга буйрук берди. Бу муваффақиятсизлик катта талофат ва йўқо-тишларга олиб келди. Чунончи, 1054 киши ҳалок бўлди, 10000 туя ва 8000 от йўқолди. Юзлаб одамлар жароҳатланди ва оғир дардга чалинди. Кўп аскарлар йўлларда адашиб ёки толиқишдан юролмай, хон қўшинлари томонидан асирликка олинди.

Император Николай I генерал Перовскийнинг қўшини орқага қайтарилиш ҳақидаги рапортига: «Афсус, жуда афсус, лекин начора, худо-таолонинг хоҳишига бўйсунмасликнинг ҳеч иложи йўқ», — деб имзо чеккан. Шу билан бир қаторда у Хива хонлигига қарши янги ҳарбий юришни уюштириш ҳақида кўрсатма берди. Шунга биноан режалар тузилиб, бир генерал, 140 офицер, 6668 аскар ва хизматчиларни ўз ичига олган ҳарбий қисм шакллантирилиши назарда тутилди. Аммо генерал Перовский ўзининг ҳукуматга юборган рапортида ҳарбий юришни уюштиришни тезлик билан амалга оширишнинг иложи йўқлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Биринчи ҳарбий юриш Оренбург губерниясининг хазинасига катта талофат етказганлиги, кийим-бош ва озиқ-овқат етишмаслиги кўрсатилди.

Умуман, генерал Перовский янги ҳарбий юриш тарафдори бўлса-да, лекин юзага келган оғир шароит юришни амалга ошириш имконини бермаслигига ҳукумат вакиллари ишонтиришга ҳаракат қилди. Вазият қалтислиги императорга ҳам равшан бўлган бўлса керакки, Хива хонлигига қарши ҳарбий юришни муайян муддатгача кечиктириш тўғрисида фармон берди.

Бу вақтларда Қўқон хонлиги анча кучайиб, Фарғона билан бир қаторда Тошкентдан Оқмасжид қалъасигача, Тянь-Шань, Помир ва Хитой чегараларигача ёйилган бепоён ерларни қамраб олган эди. У Тошкентдан бошлаб Чимкент, Сайрам, Туркистон, Авлиёота, Оқмасжид, Пишпек, Тўқмоқ ва бошқа жойлардаги қозоқ ҳамда қирғизларни ўз таъсир доирасида ушлаб, ҳарбий истехкомлар қурган. Кўрсатилган жойларни бошқариш Тошкент беки зиммасига юклатилган.

Қўқон хонлигининг кўрсатилган жойлардаги ҳарбий истехкомлари ўзбек хонликларини босиб олишга бел боғлаган рус давлатининг йўлини тўсиб турган қалқон эди. Шу боис Чор ҳукуматининг Қўқон хонлиги билан тўқнашиши табиий ҳол бўлиб қолди. Эндиликда Чор ҳукума-



ти узоқ ва табиий шароити ниҳоятда оғир йўлда жойлашган Хива эмас, балки Туркистон ўлкасининг марказий ва обод қисми Қўқон хонлигини эгаллашни мақсад қилиб қўйди.

XIX асрнинг 40-йилларида, бир томондан Қўқон хонлигида тахт учун курашлар тобора авжига чиқди, иккинчидан эса унинг Бухоро хонлиги билан алоқа кескинлашиб, қонли уруш юзага келди. Бухоро хонлигининг қўшини Қўқонга ҳужум қилиб, бойликларни талади, кўп одамларни ўлдирди ва асирликка олиб, хонликнинг кучкудратига қаттиқ зарба берди. Бу рус давлатига жуда қўл келди. У янги ҳарбий истехкомлар куриб, Қозоғистонда мавқеини янада мустаҳкамлаб олди. Бу борада 1846—1847 йилларда қозоқларнинг қолган қисми ҳам рус давлати тобелигига олиниши катта аҳамият касб этди. Тўғри, айрим қозоқларнинг султонлари Чор Россиясига қарши курашдилар. Бироқ улар Чор маъмурияти томонидан шафқатсизларча бостирилди. Масалан, Султон Кенесари бошчилигидаги озодлик кураши шулар жумласидандир. Чор ҳукуматининг қўшинлари Қўқон хонлигининг Қозоғистондаги баъзи кичик истехкомларини босиб олиб, бузиб ташлади.

### **Оқмасжиддаги жанглар**

Ҳозирги Қизил Ўрда шаҳри ўрнида жойлашган Оқ масжид қалъаси Қўқон хонлигининг Қозоғистондаги энг йирик ва мустаҳкам истехкоми ҳисобланган. Унинг ҳоқими Ёқуббек Кумушқўрғон, Жулак, Чимқўрғон ва Тошқўрғон сингари истехкомларда 1700 аскар тўплаб, босқинчиларга қарши курашга тайёргарлик кўрди.

Душман билан бўлган жангда ватан ҳимоячиларидан 70 киши ҳалок бўлиб, жароҳат олиб, чекинишга мажбур бўлган.

1852 йил 18 июлда полковник Бларамберг бошчилигидаги қўшин Оқ масжид атрофига жойлашди. Бу ернинг бошлиқлигига янги тайинланган Ботирбоши мудофаани мустаҳкамлаб, душманнинг ҳужумига қарши мардонавор курашди. Душманнинг тўплардан отишига қарамай ватан ҳимоячилари жангни давом эттирдилар. Гарчанд, рус аскарлари қалъанинг биринчи деворини бузган бўлсаларда, қаттиқ қаршилиқка учраб орқага чекинишга мажбур бўлишди. Баъзи маълумотларга кўра жангда душ-

ман томондан 15 киши ўлдирилган ва 57 киши ярадор қилинган бўлса, иккинчи манбада ўлганлар сони 72 киши эканлиги кўрсатилган. Амалда рус қўшини мағлубиятга учраган эди. Шунинг учун ҳам император Николай I ушбу жанг ҳақидаги ахборот варақасининг четига «Оқ масжиддаги муваффақиятсизлик қўқонликлар хуружини янада зўрайтирмаса, деб хавотирланаман. Янги ҳарбий юришни уюштиришдан олдин ғалабани таъминлайдиган чораларни кўриш лозим», деб имзо чеккан. Бу кўрсатма асосида тайёргарлик ишларига катта эътибор берилиб, қўшиннинг умумий сони 2840 кишига етказилди. Унда бошқирд ҳарбий қисми ҳам бор эди. Офицерлар сони 100 кишига борган. Қўшинда 2600 та от, 1350 та туя ва 500 нафар кишидан иборат қозоқ хизматчилари бўлган.

Оқ масжид қалъаси Сирдарёдан чорак чақирим масофада қурилган бўлиб, қалин девор билан ўралган эди. Деворнинг тўрт бурчагида миноралар бўлиб, атрофи сув билан тўлдирилган зовур билан ўралган. У ерда бор-йўғи 300 киши 3 мис замбарак билан мудофаада турар эди, холос.

Рус қўшинига шахсан Оренбург губернатори Перовский бошчилик қилиб, 1852 йил июль ойининг 2—4 кунлари Оқ масжидга етиб келди. Қалъа атрофига тўплар ўрнатилгач, ҳар икки томондан отишма бошланиб кетди. Биринчи отишув 3 соат давом этди. Қалъадан ойна ёки металл қириндилари билан қорамой аралаштирилиб, чарм ўралган порохли шар отилган. Бу душманларга талофат келтирган. Рус офицерларининг тан олишича, қалъадигилар «милтиқлардан мерганлик билан отганлар».

Душман аскарлари 3 та тўп ва милтиқлардан ўқларни ёмғирдай ёғдиришларига қарамай ватан ҳимячиларининг иродасини бука олмадилар. 13 июлда генерал Перовский бир қозоқ орқали Оқ масжид қалъаси бошлиғига сурбетларча ёзилган хатни юборади. «Мен, — дейилгани унда, — умумроссия императори фармонида биноан бизнинг еримизга қурилган Оқ масжидни эгаллаш учун келдим. Гарчанд уни сиз эгаллаб турган бўлсангиз-да, Оқ масжид олинди, деб ҳисоблайверинг, ҳаммаларингизни қириб ташлашим ҳеч гап эмас. Бекорга қалъа деворларини тузатаётирсизлар. Мен Оқмасжидга дарвоза орқали қираман, негаки ўз қалъасига ҳеч ким девор орқали ўтмайди. Агар бу деворлар меники бўлмаганда уни аямай бузардим, бунинг учун менда куч етарлидир. Бу ерга

руслар бир кунга ёки бир йилга эмас, балки абадул-абадга келганлар.

Агар яшашни истасанглар, раҳм-шафқат сўранглар, агар Оқ масжидда ўлишни истасангизлар, бу сизнинг ихтиёрингиздадир. Мен бу ерга урушиш учун келганим йўқ, аммо қалъани олмасдан кетмайман».

Ватан ҳимоячилари бу хатга: «Бизлар бир сиқим порох ва кўчада бир дона кесак қолгунча, ҳамма қуро-ларимиз тамоман синиб битгунча жанг қиламиз», — деб жавоб қайтарган.

Сўнгра икки томон ўртасида дахшатли жанг бошланиб, қалъа тинимсиз тўплар ва милтиқлардан ўққа тутиб турилди. Бундай ҳолат салкам бир ой давом этиб, душман кучлари 28 июлга ўтар кечаси ҳал қилувчи хужумга ўтди. Жанг тонг соат 4 гача давом этди. Уни ўша даврнинг тарихчиси мулла Ниёз Муҳаммадали шундай тасвирлайди: «Оқ масжид ҳарбий қўмондони Муҳаммадали уч кеча-ю уч кундуз қаттиқ урушгач, пировардида, порох ва қўроғошин етмай қолди. Буни билган душман қалъа деворини портлатиб бузиб, ичкарига бостириб кирди. Қамалдаги эркак ва аёллар қуро-ларини ташлаб, ханжар ва қиличлар билан қўл жангига ўтиб, шундай дахшатли қирғинбарот бўлдики, бунақасини фалак ҳали ҳеч қачон эшитмаган эди. Охир-оқибатда кўп эркаклар ва аёллар мисли кўрилмаган азоб-укубатда шахид бўлдилар».

Ватан ҳимоячиларининг қаҳрамонона жанг қилганликлари кишини ҳайратга солади. Хатто аёллар ҳам охириги ҳал этувчи жангда душман аскарлари билан юзма-юз қиличбозлик қилганлар. Ватан ҳимоячиларининг ватанга содиқлиги, жасорати ва жанговарлиги рус ҳарбий бошлиқларини ҳам ҳайратга солган эди.

Қалъадаги эркак ва аёллар асир тушишни номус билиб ўзларини ўлимга маҳкум этдилар.

Шу тариқа 1853 йил 28 июлда Оқ масжид қалъаси тор-мор этилган эди. Унинг ўрнига қурилган рус қалъасига генерал Перовский номи берилиб, «Перовский форти» деб аталадиган бўлди.

Оқ масжиднинг босқинчилар томонидан босиб олин-ши хонликда, биринчи навбатда Тошкентда катта қайғу-алам билан қабул қилиниб, оммавий курашга отланиш кенг қулоч ёйди. Тошкент қушбегиси Шодмонхўжа ва ҳарбий саркарда Холназарбий бошчилигида 7 минг киши-

дан иборат аскар ва кўнгиллилардан иборат қўшин Оқ масжид томон йўлга чиқди. Ватан химоячилари Сирдарё бўйида 3 та тўп билан душман қўшинига қарши эрталабдан кечгача жанг қилдилар. Ҳар икки томондан кўп кишилар ҳалок бўлди. Пировардида ватан химоячилари Оқ масжидини ололмай, Туркистон орқали Тошкентга қайтдилар. Қўқон хонлигининг Қозоғистондаги муҳим таянчи Оқ масжидни қандай бўлмасин қўлга киритиш учун иккинчи маротаба Эрназарини ва Муҳаммадқосим мингбоши бошчилигида 12—13 минг кишидан иборат қўшин 1853 йил 14 декабрда Оқмасжид ёнида душманлар билан тўқнашди. Жанг шу даражада даҳшатли бўлдики, ватан химоячиларидан 2000 киши ҳалок бўлди.

Ватан химоячилари чекинишга мажбур бўлдилар. Совуқнинг тобора авж олиши уларни оғир аҳволга солиб кўйган эди.

Чор ҳукумати 1854 йили Перовский форти, 1-форт, 2-форт, 3-форт (Кумушқўрғон ўрнида) ва атроф жойларни ўз ичига олган Сирдарё линияси (чизигини) ташкил этди. Бу линия Россия ва Қўқон хонлиги ўртасидаги чегара ҳисобланарди.

1855 йилда рус давлати Или водийсини эгаллаб, Или-орти бўлимини ташкил этди.

Оқ масжиддаги ғалаба рус қўшинларини руҳлантириб, улар 1860 йилда Қўқон хонлигининг Тўқмоқ ва Пишпек ҳарбий истехкомларини эгаллади. 1860 йилда босқинчилар ва ватан химоячилари ўртасида Кастак ва унинг атрофидаги жойларда қаттиқ жанг борди. Бунда икки минг кишилик ватан химоячиларидан 1500 киши қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Бундай катта талофат кўриш уларнинг «бир томчи» қони қолгунча жанг қилганлигидан далолат беради.

### **Авлиёота, Туркистон ва Чимкентнинг босиб олиниши**

Генерал Черняев 1864 йилда Авлиёотани (ҳозирги Жамбул шаҳри) қамал қилиб, тўплардан ўққа тутди. Шаҳар ҳокими кўркиб, бир гуруҳ одамлари билан Туркистонга қочди. Бироқ халқ оммаси мардонавор туриб, шаҳар дарвозасидан чиқиб душманлар билан жанг қилди. «Фуқаро, — дейилади манбада, — ўз азлу аёлини ғайрат ила мудофаа қилди, уч кеча-кундуз бозорларда

туриб, хотин ва болалари билан оғир жанг олиб борди». Хатто болалар ҳам жангда қатнашган. Урушда 1600 эркак, аёл ва болалар ўлдирилган. Босқинчилар томонидан ҳалок бўлганлар бор эди. Кичик шаҳар ҳеч қаердан ёрдам ололмагандан кейин тинчлик сулҳи тузишга мажбур бўлади. Натижада генерал Черняев 1864 йил 4 июнда Авлиёотани эгаллади.

1864 йил 22 майда полковник Вереvский бошчилигидаги қўшин Туркистон атрофига ўрнашди. Жанглар июнь ойида бошланиб, ватан ҳимоячилари душманни анча гангиб қўйди. Тор-мор қилинишини анлаган босқинчилар тўпларни Аҳмад Яссавий макбарасига тўғрилаб, таслим бўлишни сўради. Акс ҳолда макбарани вайронага айлантирилиши маълум қилинди. Ватан ҳимоячиларининг раҳбарлари бундай фожианинг олдини олиш максатида таслим ҳақида қарор қабул қилди.

Авлиёота ва Туркистоннинг қўлдан кетиши бутун хонлик аҳолисини ларзага солди. Шаҳар ва қишлоқларда халқ кўнгиллилари тўпланиб, қўшин сафида Тошкентга келдилар. Бу ердан Қўқон хони Султон Саидхон ва лашкарбоши Мулла Олимқул бошлиқ бир неча минг кишилик ватан ҳимоячилари йўлга чиқиб, Чимкент атрофига ўрнашдилар. Бу ерда улар босқинчиларни қарнай-сурнайлар садоси остида қуршаб, хужумга ўтдилар. Жанг шу даражада қаттиқ бўлдики, ватан ҳимоячиларидан 12 минг киши ҳалок бўлди. Бундан ташқари ярадорларнинг сони кўп эди. Бироқ катта талофат беҳуда кетмай, душман устидан ғалабага эришилди. Босқинчилар уруш майдонини ташлаб орқага чекинганлар. Шундан кейин Султон Саидхон ва Мулла Олимқул бошчилигидаги зафарга эришган ватан ҳимоячиларининг маълум қисми Тошкент ва Қўқонга қайтиб, ғалаба шарафига бутун хонлик ерларида суюнчи берилди.

1864 йил 22 июлда анча кучайтирилган рус қўшини Чимкент атрофида 15—18 минг атрофидаги ватан ҳимоячиларини қуршаб олди. Қаттиқ жангдан сўнг душман мағлубиятга учраб, Авлиёотага чекинган.

1864 йил 20 сентябрда генерал Черняев бошчилигидаги рус қўшини Чимкентни тўпдан эрталабдан кечгача ўққа тутиб, ичкарига бостириб киргач аёвсиз жанг бўлди. Пиrowардида душман ғалаба қилиб, шаҳар аҳолисининг талай қисми қириб ташланади.

1847—1864 йилларда рус давлати Қўқон хонлигининг Қозоғистон ва Қирғизистондаги харбий истехкомларини босиб олиб, унинг бу ерлардаги хукмронлигига зарба берган эди.

## Тошкент учун жанглр

Юқорида кўрсатилган жойларнинг босиб олиниши рус кўшинига Тошкентга қарши хужум килиш учун кенг йўл очиб берди. Бу вақтларда Қўқон хонлигининг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган Тошкент 25 чақирим узунликдаги айланма мудофаа девори билан ўралган эди. Унинг баландлиги 5—7 метр, эни эса 2—3 метрга етган. Тепа томони ички тарафдан очик, сиртидан оралатиб пахсадан ишланган. Мудофаа минорачалари қурилган. Сарбозлар мазкур минорачалар орқали душманга ўқ узганлар. Шаҳар Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч ва Каймас сингари 12 дарвозага эга эди. Шаҳар деворининг атрофи сув тўлдирилган чуқур зовур билан ўралган.

1864 йил 1 октябрда генерал Черняев бошчилигидаги кўшин шаҳарга яқинлашганда сарбозлар ва аҳоли жангга тайёрланди. 2 октябрь куни эрталабдан бошлаб хар икки томон ўртасида тўплардан ўқлар отилди. Рус аскарлари шаҳар деворининг бир чеккасини бузиб, бу ердан кириш учун зовурга тушганлар. Шу онда ватан химоячилари ўзларини зовур ичига ташлаб, аскарларга қарши ханжарлар билан хужум қилдилар. Икки томон ўртасида қўл жанги қизиб, душманлардан 72 киши ўлдирилди. Бошқа маълумотда 80 киши ўлдирилганлиги қайд қилинган, айни пайтда 60 киши жароҳатланган. Шу тариқа босқинчилар мағлубиятга учраб, Чимкентга қайтганлар. Бу ғалаба Қўқонда катта хурсандчилик ва мамнуниятлик билан қарши олиниб, навбатдаги жангга тайёргарлик қизитиб юборилди. Қўқон хони Султон Саидхон (1863—1865) ва лашкарбоши Олимқул бошлиқ кўшин Тошкентга келганда шаҳар аҳолиси хурсандчилик билан қарши олдилар. Уларга қўшимча кучлар қўшилиб 12 минг кишини ташкил этди. Султон Саид ва Олимқул раҳбарлигидаги аскарлар Чимкент томон юриб, йўлда Иқон кишлоғида душман аскарлари билан тўқнашдилар. Жангда рус аскарларидан 114 ва офицерларидан 57 киши

халок бўлиб, 48 таси жароҳатланган. Улардан жуда оз кишиларгина Туркистонга чекинишга эришганлар. Султон Саидхон ва Мулла Олимқул Тошкентга келиб, сўнгра Қўқонга кетганлар.

Шундай қилиб, улар икки жангдан сўнг мағлубиятга учратилган душманларни изидан изчиллик билан қувмай ва урушни давом эттирмай Тошкентни ўз ҳолига ташлаб Қўқонга жўнаганлар. Бу душманга жуда қўл келиб, унда янги урушга тайёргарлик кўриш имкони туғилган. Хусусан, генерал Черняев тайёргарликдан кейин 1865 йил 28 апрелда 9 рота аскар ва 12 та тўп билан Чирчиқнинг чап қирғоғидаги Ниёзбек қалъаси атрофига жойлашади. Бундан хабар топган шаҳарликлар уч минг кишидан иборат ватан химоячиларини душманга қарши жўнатади. Қаттиқ жангдан кейин душман ғалабага эришиб, ватан химоячилари Тошкентга қайтганлар. Ниёзбек қалъаси генерал Черняев томонидан эгалланади.

Бу вақтларда Тошкент ва умуман Қўқон хонлигининг тақдири хавф-хатар ва қил устида турган пайтда шаҳардаги бир гуруҳ табақа вакиллари хоинлик йўлига ўтиб, генерал Черняевга маълумотларни етказиб турганлар. Масалан, улардан бири Абдурахимбек (асли шахрисабзлик) Черняев томонга қочиб ўтиб, шаҳардаги Анхор сувининг Чирчиқдаги тўғонини бузишни маслаҳат беради. Шундай қилинса, шаҳар сувсиз қолиб, таслим бўлиши осонланишини маълум қилади. Черняев бу ишни дарҳол амалга ошириб, шаҳарни сувдан маҳрум қилади. Натижада шаҳар аҳолиси сувсизликдан жуда қийналади. Бунинг устига устак тошкентликлар ёрдам сўраб, Бухоро хонлигига элчилар юборган эди. Аммо ҳеч қандай мадад олинмади. Бухоро саройида тошкент масаласи муҳокама қилинаётганида айрим амалдорлар ёрдам бериш лозимлигини гапирганлар. Аммо биринчи навбатда Султон Саидхоннинг Бухорога келиши ва шу тариқа Бухорога бўйсунганлигини бўйнига олиши лозимлиги уқтириб ўтилган. Бухоро амири Музаффархон эса: «Мен бир оддий рус лашкарбошиси (генерал Черняев) билан жанг қилишни ўзимга ор-номус деб биламан, хоҳласам, тўппа-тўғри Москва ёки Петербургга бориб, рус давлати билан урушаман», деб катта кетган.

Тошкентликлар Бухородан умидини узгандан сўнг Қўқонга элчи юбориб, зудлик билан ёрдам берилишини сўраганлар. Бу ерда тайёргарлик кўрилиб, хонликнинг

барча жойларидан, хусусан, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўратепа ва бошқа ерлардан кўшин ва кўнгиллилар жамланди.

Улар Султон Саидхон ва Олимкул билан биргаликда Тошкентга келдилар. Бу ерда Султон Саидхон ва Олим, сарбозлар ва шаҳар жамоаси шарафига зиёфат берилди. Шу вақтда Олимкул нутқ сўзлаб, шаҳар аҳолисининг душманга қарши кўрсатган жасорати ва қахрамонона курашига миннатдорчилик билдириб, бу билан фахрланишини уктириб ўтди. Шунингдек, у «бир томчи қони қолгунча» курашишини ҳамда Бухоро амирининг умумдушманга қарши ҳаракатга катта зиён келтираётганлигини гапирган.

Генерал Черняев ўз кўшини билан шаҳар биқинидаги Салор ариғи атрофига ўрнашади. Бу вақтда қозоқ халқининг қаҳрамони ва душманга қарши тинимсиз курашаётган Содик Кенесери Олимкулнинг ўн қўли сифатида лашкарбоши лавозимига тайинланган эди. Мулла Олимкул душманга қарши биринчи навбатда қора кийимли сарбозларни, сўнгра нимча кийганларни ва уларнинг орқасидан темир совут кийган 2000 навкарни, 2000 қулохпуш (шлем) кийганларни, сўнгра милтиқ билан қуролланган отлиқларни ҳамда ҳар бир минг киши орасида икки замбаракни жангга отлантирди. Жами 36 та замбарак билан душманга ўқ узилди. Жанг майдони тўп ва милтиқлар тутунидан, чанг-тўзондан киши бир-бирини кўролмайдиган даражага етди. Шунга қарамай ватан ҳимоячилари ҳужумга ўтиб, рус аскарларини чекинишга мажбур қилдилар. Уларнинг орқасидан Шўртепагача қувлаб борилди. Бу ғалабани қўлга киритишда шаҳар аҳолисининг барча тоифалари ва аёллар фаол қатнашдилар.

Душман устидан қозонилган ғалаба барча хонликларнинг ерларида зўр хурсандчилик билан нишонланди. Ватан ҳимоячилари душман аскарларининг навбатдаги ҳужумига қарши жанг қилиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Даставвал ҳар икки томондан тўплардан ўқлар ёғилди. Қўл жангига ўтилиб, кўп кишилар ҳалок бўлди ва жароҳатланди. Бош кўмондон Олимкулнинг ўзи ҳам шахсан қиличбозлик қилиб турган вақтида қорнидан жароҳатланиб отдан йиқилади. Бу ҳолат ватан ҳимоячиларини қаттиқ ларзага солиб, улар сардорсиз қолдилар. Натижада тартибсизлик ва парокандалик кучайиб борди. Шунга қарамай улар ўз куч ва иродалари-



га таянган холда уруш майдонини ташлаб кетмадилар. Замбараклардан душманга қарши ўқлар отиб, сўнг бирданига хужумга ўтдилар. Юзма-юз жанглардан сўнг Салор ариғига яқинлашдилар. Аммо баъзи хоин гуруҳларнинг хатти-ҳаракатлари душманга қарши курашга анча зарба берди. Биринчилар қатори Себзор даҳасининг ҳокими Ҳакимхўжа калон бошлиқ себзорликлар жанг майдонини ташлаб қочдилар. Қипчоқ, қирғиз ва бошқалар қўлга тушган нарсаларни олиб, Фарғона томонга йўл олдилар. Ватан химоячилари шаҳар мудофаасини таъминлаш мақсадида зовурлар (окоплар)га жойлашдилар. Султон Саидхон эса 500 кишилик сарбозлар билан Бухорога жўнади. Бунинг устига устак оғир жароҳатланган Олимкул вафот этди. Бухоро хонлиги у ёқда турсин, Қўқон хонлигидан ҳам ҳеч қандай ёрдам келмади. Манбаларда кўрсатилишича, «Тошкент мамлақати беҳоким ва эгасиз қолди. Айниқса, мусулмонлар бесаранжом бўлиб, бошсиз қолдилар. Ҳар бир фирқа ўз холича эди. Бунга қўшимча, Тошкент аҳолиси қолдирилган қўқонлик сарбозларни навбати билан боқардилар».

Бу хавфли ва масъулиятли шароитда шаҳар мудофаасини мадраса мударриси Муҳаммад Солиҳ ва унинг бир гуруҳ сафдошлари бошқариб турганлар. Бир кенгашда у шундай деган: Тошкентликлар очликка, сувсизликка, ташналикка ҳамда ҳалокатга ва талофатга қарамай, урушни давом эттириб, шаҳарни ўз қўлларида ушлаб турибдилар. Ҳозирда ғозийлар, етим-есирлар, очлар ва ташналар номидан ёрдам сўраб Қирувчи қалъасидан тортиб Курама, Чиноз, Хўжанд, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва Фарғона ерларига хатлар юбориш зарур. Аммо бу таклиф амалга ошмади.

Генерал Черняев хужум билан ғалабага эришишга кўзи етмай ватан химоячилари ўйламаган жойдан шаҳарга бостириб киришни мақсад қилиб қўйди. Шунга бинотан поручик Макаров бир ўзи девор ташқарисидан боғлар, чакалакзорлардан бекиниб бориб Камолон дарвозаси ва девори орқали шаҳарга бостириб кириш имкони борлигини аниқлади. Шундан кейин генерал Черняев шаҳарга Камолон дарвозасидан бостириб киришни режалаштирди. Рус аскарлари Қўқон дарвозаси томонидан шаҳарни ўққа тутиб ватан химочиларини чалғитиб турди. Шу вақтда ҳарбий қисм Камолон дарвозаси томон аста-секин бориб, яхши мустаҳкамланмаган деворидан

15 июнь эрта тонгида шаҳарга бостириб кириб қаршилиқ кўрсатганларни ўлдирган. Бу вақтда шаҳар кўчаларининг бошида арава ва ёғочлардан баррикада (тўсик)лар қурилган эди. Бу жойлар ва бошқа томонларда шиддатли жанглар олиб борилди. Ҳатто ватан химоячилари масжид ва савдо дўконларига жойлашиб, душманга қарши мардонавор курашдилар. Кўпдан-кўп одамлар халок бўлиб, уй-жойлар ёндирилди. Раҳмат ариғининг пастлигида «икки наманганлик навкарнинг икки рус аскарига ёпишиб, тўрт ўлик икки ўлик бўлиб ётганлиги» яқкама-яқка жанг бўлганидан далолат беради. Султон Саидхоннинг собиқ қароргоҳида ҳам химоячиларининг ўлиги қалашиб ётарди.

Шаҳар кўчалари ва атроф жойларда шу даражада дахшатли жанглар бўлдики, улар халок бўлган ва жароҳатланганлар билан тўлиб-тошган эди. Шунингдек, масжид, хонадон ва дўконларда ўлик мурдалари ётарди. Шу тариқа босқинчилар шаҳарни харобага айлантириб, минглаб одамларни ўлдириб, зўрға ғалабага эришдилар, Генерал Черняев ярашиш сулҳи тузиш ва урушни тўхта-тиш йўлларини тинимсиз излаган эди. Чунки унинг харбий кучи катта талофатга учраб, заифлашган эдики, агар четдан харбий ёрдам келганда тор-мор бўлиши аниқ эди. Шу боис шаҳарнинг нуфузли ва илғор кишилари Бухоро, Қўқон, Хоразм ва Тошкентдан ёрдамга кўз тиккан ҳолда курашни давом эттиришга каттиқ бел боғлаган эдилар. Аммо ҳеч қандай ёрдам келмагандан кейин тинчлик сулҳи тузишдан бошқа илож қолмади. Бунга кўра мол-мулк ва дин дахлсизлиги сақланиб, савдо-сотикни, мадрасалар ва мактабларда ўқишни давом эттириш уқтириб ўтилди. Шунингдек, шаҳар аҳолисидан харбий хизматга олмасликка келишилди. Тошкентда урушларда асир олинганлар ёки кўчманчилар томонидан олиб қолинган бегона миллат вакиллари қул сифатида ишлатилган эди. Генерал Черняев бундай қулларни озод қилиш ҳақида фармон чиқарди. Натижада шаҳар бўйича 40 яқин қул озод қилинди.

Тинчлик сулҳи 1865 йил 1 июлдан кучга кирди.

Тошкентни қонга белаб, босиб олиниши жаҳонда, айниқса Англия ва Туркияда норозилиқ ҳамда шов-шув кўтарилишига олиб келди. Матбуотда рус давлатининг пировардида Ҳиндистонга ҳам бостириб кириши мумкинлиги ҳақида турли ташвишли хабарлар босилди. На-

тижада бу ҳол рус ҳукуматининг ташқи сиёсатини анча мураккаблаштирди. Шу боис генерал Черняев ўзининг босқинчилик урушини яшириш ва жаҳон шов-шувини бартараф этиш мақсадида гўё Тошкент ихтиёрий равишда рус кўшинларига бўйсунганлиги борасида қалбаки ҳужжат тузди. У шаҳар катталарини тўплаб, бу ҳужжатни тасдиқлаб имзо чекишларини талаб қилди. Мазкур хатни мазмуни билдирилгандан кейин шаҳар катталари ҳайрон бўлиб турган пайтда Муҳаммад Солиҳ додхоҳ шундай жавоб берган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Оқмасжидгача ва бу ердан Фулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киритдилар. Уруш кўпинча кечаси ва тўсатдан олиб борилди. Тошкент шаҳри Зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-сигача, яъни 42 кун давомида сувсиз ва озик-овқатсиз қолдирилди. Мулла Олимукул шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси дини, миллати ва ватани учун қаттиқ туриб, урушни давом эттириб, сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин сахарга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан фуқаро уйқудалиги чоғида шаҳарга кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунгача икки кеча-кундуз уруш олиб борилди. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч, ташна, сувсиз ҳолда яккама-якка уруш бўлиб, охирида яраш сулҳи тузилди».

Ҳақиқатни акс эттирувчи бу жавоб генерал Черняевнинг ғазабини кўзғатди. У Муҳаммад Солиҳ додхоҳни сўзига қўшилувчи кишиларни бир тарафга ўтишларини буюрди. Шундан кейин шаҳар катталаридан олти киши, шу жумладан Ҳалимбой мирза, Бердибой саркар, Мулла Мирзо Охун, Мулла Музаффар хўжа, Мулла Азим Файзибойвачча, Мулла Қуш исмли кишилар Муҳаммад Солиҳ додхоҳни қувватлаб кўрсатган томонга ўтдилар. Бу кишилар ва Муҳаммад Солиҳ додхоҳ дарҳол рус аскарлари томонидан ўраб олиниб, қамокқа олиндилар.<sup>5</sup> Генерал Черняевнинг бу ишидан чўчиган шаҳар катталари қалбаки ҳужжатга имзо муҳрларини босдилар. Қал-

---

<sup>5</sup> Улар Гомска сургун қилинди. Бу ерда Муҳаммад Солиҳ додхоҳ ўлдирилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

баки хужжат Петербургга жўнатилди. Хатдан нусха олиниб, Туркияга юборилиб, Истанбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконлар ва умуман кўзга кўринадиган жойларга ёпиштирилиб кўйилган. Бу ишларни Туркиядаги рус элчихонаси амалга оширган. Шундай қилиб, генерал Черняев ўз ҳукуматининг кўрсатмасига биноан гўё Тошкентнинг ихтиёрий равишда рус давлатига бўйсунганлигини ниқобламоқчи бўлди. Бироқ бу найрангбозлик фош этилган эди.

1865 йил 29 августда Тошкент рус давлатининг таркибига расмий суратда киритилди.

### **Қўқон хонлигидаги вазият**

Оқ масжид, Авлиёота, Туркистон, Чимкент ва бошқа жойларнинг рус давлати томонидан босиб олиниши Қўқон хонлигини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлаштириб юборди. Айниқса, Тошкентда Россия ҳукмронлиги ўрнатилиши Қўқон хонлигини ниҳоятда оғир аҳволга солиб қўйди. Мана шундай оғир шароит ҳукм сураётганлигига карамай тахт учун курашлар тўхтамади. Зеро Бухоро хони Музаффархон 1865 йил 15 июлида Қўқонга ҳарбий юриш қилиб ўз паноҳида Бухорода яшайдиган Худоёрхонни тахтга ўтказди.<sup>6</sup> Шундан кейин у Қўқон хазинасидаги кимматли молларни, 400 га яқин қиз ва хотинларни ўлжа сифатида Бухорога олиб кетди. Оқибатда Қўқон хонлиги жуда катта талофат ва инқирозга учради.

Бу камдек Худоёрхон халқни шилиш ва бойлик орттиришга муккасидан тушиб кетди. Айни пайтда рус давлатига қарши ҳарбий тайёргарлик кўриш ўрнига унга нисбатан итоаткорлик сиёсатини қўллади. Худоёрхон 1866 йил 17 майда ўзининг Туркистон вилояти ҳарбий губернатори Романовскийга ёзган хатида Россияга чин дўстлигини изҳор этди. Унда Бухоро хонининг Хўжандга бориб, биргаликда босқинчиларнинг тажовузига қарши курашини ҳақидаги таклифига юрмаганлигини маълум қилган. Ҳатто Худоёрхон Хўжанднинг рус қўшини томонидан босиб олиниши муносабати билан русларни табриклашгача борган.

---

<sup>6</sup> Худоёрхон 1845–1858, 1862–1863 ва 1865–1875 йилларда Қўқон хонлиги тахтини бошқарган.

Умуман айтганда, Худоёрхон Россиянинг панохида жон сақлаш ва унга қарши курашмаслик кайфиятида яшади. Ваҳоланки, Чор ҳукуматининг хонликка қарши тажовузи аниқ эди. Шу боис хонликнинг айрим ҳарбий қисмлари ўзларича курашни давом эттириб, Қировчи йўлида рус аскарлари билан тўқнашиб, мағлубиятга учрадилар.

Ўлкадаги рус ҳарбий маъмурияти хонликнинг заифлигидан фойдаланиб, Россиянинг савдо соҳасидаги манфаатини таъминловчи битим тузишга эришди. 1868 йил январь ойида Қўқон хонлиги билан тузилган битим куйидаги масалаларни ўз ичига олган:

1. Қўқон хонлигининг барча шаҳар ва қишлоқларида Россия савдогарлари учун бемалол савдо-сотик билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади. Шунга ўхшаш Қўқон савдо аҳлига ҳам Россияга қарашли ерларда иш юритиш ҳуқуқи тавсия этилади.

2. Россия савдогарларига хонлик шаҳарларида, хоҳласалар, ўз қарвонсаройларига эга бўлишга рухсат берилади. Қўқон хонлиги савдогарларига ҳам бундай имкон Россия шаҳарларида яратилади.

3. Савдонинг боришини ва божларнинг қонун асосида олинишини назорат қилиб туриш учун рус савдогарлари хонликнинг барча шаҳарларида ўз савдо агентларини тайинлайдилар. Бундай ҳуқуқ Россия шаҳарларида Қўқон савдогарларига ҳам берилади.

4. Россия Қўқон хонлигига ва бу ердан у жойга олиб кегиладиган молларни Туркистон ўлкасида олинадиган микдорда, яъни молларнинг таннархидан 2,5 фоиз бож олинади.

5. Рус савдогарлари қарвонларнинг хонлик ерлари орқали қўшни хонликларига бемалол ва хавф-хатарсиз қатнашлари таъминланади. Бундай шароит қўқонликлар учун Россия ерларида ҳам яратилади.

Шундай қилиб, рус савдогарлари худди ўз ватани Россияда қандай шароитда юрган бўлсалар, хонликда ҳам шундай ҳолатда фаолият юритиш ҳуқуқини олдилар. Россияга бориб иш юритишга доир хонликка берилган ҳуқуқларни амалга ошириш амри маҳол эди. Чунки, Туркистон ўлкасидаги ҳарбий маъмуриятнинг Россия ерлари бўйича қарор чиқаришга тамомила ваколати йўқ эди. Қарор фақат Марказий ҳокимият томонидан қабул қилингандагина кучга кириши мумкин эди. Шу боис ўша

қўқонликларга берилган ҳуқуқлар «хўжа кўрсин»га қилинган эди, холос.

Ўша битим 1868 йил 29 январда Туркистон генерал-губернатори Кауфман, 13 февралда эса Худоёрхон томонидан тасдиқланди. Бундан бир неча йиллар илгари Россия билан тенг ҳуқуқли давлат сифатида элчилик ва савдо алоқаларини олиб борган Қўқон хонлиги энди, заифлашиб кичрайиб империянинг бир кичик қисми бўлмиш Туркистон генерал-губернаторлиги билан алоқа қилиш даражасига тушиб қолди ҳамда амалда губернаторликнинг таъсир ва назорати доирасига тортилди.

## **Бухоро хонлигига қарши ҳарбий юришлар**

Тошкент босиб олиниб, бутун ўлканинг тақдири хавф остида қолганда ҳам Бухоро ҳукмдорларининг кўзи очилмади. Бухоро амири Музаффархон (1860—1885) босқинчиларга қарши олиб борилаётган курашларга зиён келтириб, рус қўшинининг ғалабасини осонлаштирди. Унинг калтафаҳмлиги шу даражага бордики, рус давлати Қўқон хонлигига қанчалик қаттиқ зарба берса, шунчалик кўп мамнун бўлди.

Ўлкада ҳукм сураётган уч хонлик ҳукмдорлари орасида умумий душманга қарши биргаликда курашиш масаласини кўтарган бир киши топилмади. Хива хони Саид Муҳаммад Раҳимхон эса, гўё ҳеч нарсадан хабари йўқдек, «бир бурчакда бошини кўрпага буркаб» тураверди. У ҳам тошкентликларга ёрдам қўлини чўзмади.

Музаффархоннинг чидаб бўлмайдиган даражадаги фаолияти халқнинг қаттиқ норозилиги на нафратини уйғотди. Зеро, оломон амир саройини қуршаб, тошбўрон қилди. У ҳайит байрами муносабати билан Баҳовуддин Нақшбанд қабристони зиёратига кетаётганида одамлар уни «мусулмонларга хоинлик қилишда айблаб, рус давлатининг тажовузига қарши курашиш учун тўпланган маблағни тўғри мақсадда сарфламаётганлигини» қаттиқ қоралаганлар.

Амир ўз ҳаёти хавф остида қолганлигини англаб, шаҳарга бормай Ғиждувонга юрган. Йўлда кишлоқлардан келган одамлар амир тўхтаган ҳар бир хонадонга хат ташлаб, агар у ўлкадан рус қўшинини ҳайдамаса, ўлимга маҳкум этилишини билдирганлар. Халқ оммасининг мана шундай муносабатини юмшатиш мақсадида Музаф-

фархон генерал Черняев ҳузурига элчи юбориб, Тошкентни эгаллашдан воз кечишни сўради. Генерал Черняев бунга рад жавобини берди.

Музаффархон уруш бўлишини англаб, Жиззах мудрофаасини мустаҳкамлашни йўлга қўйди. Натижада девор билан ўралган Жиззахнинг мудрофаа қуввати анча ошди.

Генерал Черняев 1865 йилнинг 1 февралда Мирзачўл орқали Жиззахга яқинлашди. Шу вақтда ватан химоячилари шаҳардан чиқиб душманга зарба берди. Душман Сирдарё томонга чекинишга мажбур бўлди. Бу ерда унинг орқасидан қувлаб келган 8—10 минг кишилик ватан химоячилари рус аскарлари билан жанг қилиб, ғалабага эришдилар. Шундан кейин генерал Черняев Тошкентга кайтди.

1866 йил 5 апрелда Мирзаработдаги жойда 2—3 мингли Бухоро аскарлари душман томонидан мағлубиятга учратилди. Бухорода норозилик ва нафрат янада кучайиб, Музаффархон умумий сафарбарлик эълон қилишга мажбур бўлди.

Бир маълумотга кўра қўшин ва оломоннинг сони 60.000, иккинчисига 100.000 кишига етган. 1866 йил май ойининг бошларида Амир қўшин ва халқ оломони билан Сирдарё томонга юриб Оқ жар деган жойга ўрнашади. Бу ерда улар салкам бир соат давомида ўқ ёғдирганларидан кейин душман тўплари ва милтиқларидан жавоб ўқлари отилди, Отлиқ аскарлар ҳужум қилиб турдилар. Душман тўпларидан кўпдан-кўп одамлар ҳалок бўлиб, жанг майдони мурдалар билан тўлиб кетган эди. Тирик колганлар турли томонларга, яъни чўлу биёбонларга қочди. Йўлларда очлик ва сувсизликдан тинка мадори қуриган ватан химоячилари жон берди. Шу тарика ватан мустақиллиги учун жонини тиккан минглаб халқ кўнгилчилари ўз ҳолига ташлаб қўйилиши туфайли ҳалок бўлдилар. Бу катта талофат ва азоб-уқубатларни юзага келтирган мағлубиятга шахсан амир Музаффархон сабабчи эди. У Оқ жарда урушга бевосита бошчилик қилиш ўрнига энг хавфли вазиятда ҳам хотиржам майшат билан шуғулланган эди. Бу тўғрида маҳаллий манбада шундай ёзилган: «У чодир ичида ўтириб шахмат ўйнарди. Унинг ҳузурида бир гуруҳ кишилар мусика чалар ва бесокол болалар ҳам бор эди. Амир эса шахмат ўйнаб туриб бармоқларини мусика оҳангига солар эди. Шу орада мулозимларидан бирига: тез бориб тўпхона бошлиғи Са-

лимбек ва аскар қўмондони Шерали инокка айтингларки, рус хазинаси талон-тарож қилинмасин, руслар кўп ўлдирилмай асирликка олинсинлар. Булар қўшинимизда хизмат қилишга ва тартиб ўрнатишга жалб қилинади».

Афтидан амир қўшин ва оломоннинг сони кўплигини эътиборга олиб ғалабага ишониб, манманликка берилган. Бироқ у душманнинг устун қилаётганлигини билиб, отда биринчилар қатори қочган.

У Оқ жардаги ғалаба ҳақида шахсан императорга юборган телеграммага «чин юракдан хурсандман ва сабр-сизлик билан батафсил маълумотни кутаман», деб имзо чеккан.

Оқ жар жангига бошчилик қилган Романовский 1866 йил мобайнида Хўжанд шаҳри атрофига ўрнашиб, уни кун бўйи тўплардан тинимсиз ўққа тутди. Бу ерда ватан химоячилари Романовскийнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифини қабул қилмай жангга киришдилар. Бу вақтда шаҳарда баррикадалар қурилиб уларнинг орқасига тўплар ўрнатилган эди. Кўчалар бошида сарбозлар мудофаада турганлар. Аммо, хиёнаткорлар шаҳар дарвозасини очиб бериши туфайли душман аскарлари шаҳарга бостириб киришга муваффақ бўлди. Натижада ҳар икки томон ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, аҳоли ва сарбозлардан кўп кишилар ҳалок бўлди. Хатто «ғарибу бекаслар, кўру чўлоклар, гадою дарвешлар, майибу мажруҳлар — ҳаммалари қолмасдан нобудлик оламига кетдилар». Мадраса ва саройлардаги жангларда ҳам кўп одамлар ўлдирилди. 1866 йил 24 майда Хўжанд рус қўшини томонидан эгалланиб, шаҳар дарвозасининг қалити Петербурга юборилди. Бу қалитлар императорнинг кўрсатмасига биноан катта сарой черковида сақланадиган бўлди.

1866 йил сентябрда рус қўшини Ўратепага тўплардан ўқ отиб, шаҳар ичида ёнғинлар чиқарди. 1 октябрда душман ҳужумга ўтиб, шаҳарга бостириб кирганда уларга қарши ватан химоячилари қаҳрамонона курашди. Улардан 2500 киши ўлдирилди. Босқинчилар шаҳарда уч соат мобайнида одамларни ўлдириш ва бойликларни талаш билан шуғулландилар. Улар Ўратепани эгаллагандан кейин Зомин қалъасини қўлга киритдилар. Қон тўкиш ва вайрончилиكنинг навбати Жиззах шаҳрига келди. Бу ерда 10.000 кишидан иборат ватан химоячиларида 53 та тўп бор эди. Босқинчилар даставвал шаҳарга борадиган сув йўлларини беркитиб, Самарқанд ва Ўратепа дар-



возаларига хужумни бошлаб юбордилар. Ҳар икки томон ўртасида жанг қизиқ кетди. Ватан ҳимоячилари шу даражада қаттиқ туриб курашдиларки, душманлар ҳам ҳайратини яширолмади: «Шаҳар ҳимоячиларининг, — деб ёзади рус муаллифларидан бири, — қаҳрамонлиги ва қаттиқ қаршилигига тан бериш лозим. Ҳатто қалъадаги бир қисм кишилар урушни давом эттиришнинг иложи қолмаганлигидан порох омборига кириб, ўзларини портлатиб юбордилар. Бундай қилиш учун юксак маънавият, катта жасорат ва матонат керак бўлган албатта».

Қаттиқ жангга монанд равишда талофат ҳамда вайронагарчилик ҳам ўта даҳшатли бўлган. Бу воқеани ўз кўзи билан кўрган офицер Зинаев шундай ёзади: «Менинг рўпарамда кўплаб одамлар ва отлар мурдаси тоғ каби уюлиб ётибди. Мен бир неча дақиқа кўз ўнгимда нима гавдаланаётганлигини англамадим. Яқинроқ борганимдагина қаватма-қават ётган одамлар ва отларни кўрдим. Ўлик уюмларидан одамларнинг қўл-оёқлари ёки отларнинг бошлари ёки туёқлари чиқиб турибди. Бундан ташқари, отларнинг инграётгани ва туришга интилаётганини кўриш мумкин эди. Ўликларнинг сони камида 3 минг кишига боради». Бундан ташқари юзлаб кишилар жароҳатланган. Рус аскарлари Жиззахдаги жангда ватан ҳимоячиларининг қонини дарё каби (кровь лилась реками) оқизиш билан бир қаторда бойликларни ҳам талади. Зеро, «Русский вестник» газетасининг ёзишича, Жиззахда турли-туман бойликлар шу даражада кўп ва қимматли бўлганки, бунақаси ҳали рус аскарларининг қўлига тушмаган эди.

1868 йил апрель ойининг охирларида Туркистон генерал-губернатори К.П.Кауфман қўшин билан Зарафшон дарёси атрофига бориб жойлашди. Бу ерда жанг бошланиб, ватан ҳимоячилари дарёнинг чап қирғоғига жойлашишга мажбур бўлдилар. Бу вақтда Чўпонотада 12000 пиёда аскар, 3000 отлик, 1500 тўпчи ва жами 100000 кишидан иборат ватан ҳимоячилари мудофаада турган эди. Уларнинг асосий қисмини халқ кўнгилдилари ташкил этган. Улар босқинчиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатиб, кўп кишилар қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар. Аммо лашкарбошиларнинг нодонлиги ва жасоратсизлиги туфайли душман ғалаба қилиб, 1868 йил 2 майда бир гуруҳ нуфузли сотқин кишилар шаҳар дарвозасини душманга очиб бердилар. К.П.Кауфман ғалаба муносабати

билан Петербургга ахборот юборади: «Сиз император олий хазратларини Ўрта Осиёнинг қадимий ва машҳур шахри, ўзининг шон-шухрати билан ғурурланаётган мусулмонларнинг маркази Самарқанднинг эгалланиши билан табриклайман».

1868 йил 3 майда амир Музаффархон Самарқанднинг рус аскарлари томонидан босиб олинганлигидан хабар топгач, қахру алами шу даражада авжига чиққанки, хабарчини дарҳол дорга осишни буюрган. У: «Самарқанд қўлдан кетгандан кўра Худо жонимни олса яхшироқ бўларди», — деб хўнграб йиғлаб юборган.

Босқинчилар Самарқанддан кейин Челак ва Ургутни босиб олдилар. Каттақўрғон ҳокими кучлар тенг эмаслигини ҳисобга олиб, Шаҳрисабзга қочди. Натижада Каттақўрғон урушсиз эгалланган эди. Аммо бу ерда кейин жанг қилинди. Самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг қўлдан кетиши амирлик аҳолисининг ғазабини оширди. Эндиликда Шаҳрисабз босқинчиларга қарши кураш ўчоғига айланди. Шаҳрисабз йўлида 15 минг қўшин ва халқ қўнгиллилари ҳамда босқинчилар ўртасида 5 соатлик жанг бўлиб, ватан химоячиларидан 1000 киши ўлдирилди. 1868 йил 29 майда Каттақўрғон атрофида 30 минг кишилиқ ватан химоячилари душманга қарши жанг қилиб, 7000 нафари ҳалок бўлди.

Бирок улар бундай катта талофатга қарамай Каттақўрғон шаҳридаги рус аскарларига ҳужум қилдилар. Жанг бир ярим кун давом этгандан кейин ватан химоячиларининг талай қисми Шаҳрисабзга қайтган. Уларнинг қолган қисми душманни тинимсиз ўққа тутган. Ҳал қилувчи жанг нихоятда шиддатли ва даҳшатли ўтиб, кўп кишилар нобуд бўлган. Душманлардан 25 киши ўлдирилиб 211 таси жароҳат олган. К.П.Кауфманнинг ёрдамга келиши ватан химоячилари ғалабасига тўсқинлик қилди. У ғазабга тўлиб-тошиб Каттақўрғон шаҳрини остин-устун қилиб, минглаб кишиларни кирди. Бу ҳолдан «қўчалар, ўлик билан тўлиб тошган. Фожеани тасвирлашга ожизлик қиламан» — деб ёзган.

К.П.Кауфман 1868 йил 21 майда Каттақўрғонда Бухоро хонлиги элчиси билан учрашиб, амирдан уруш харажатларини қоплаш учун 125.000 тилла миқдорида тоvon тўлашни талаб қилади.

К.П.Кауфманнинг Бухорога қарши юришга тайёргарлик кўраётганлиги учун амир Музаффархон саройда кен-

гаш ўтказди. Бу ерда босқинчиларга қарши курашни давом эттириш ҳақида бир қарорга келинди. Буни халқнинг ўзи хоҳлаётганлиги маълум қилинди. Шундан кейин тайёргарлик кучайиб 15 минг отлик, 6 минг пиёда аскар ва 14 тўпдан иборат ватан химоячилари Зирабулоқ тепалигига жойлашдилар. Шу ерда амир Музаффархон уларга шундай мурожаат қилди:

«Содик фуқаролар! Сизларнинг қилаётган ишларингиз учун миннатдорчилик изҳор қиламан. Ишонаманки, ғалаба биз томонда бўлмай. Самарқанд ва Каттақўрғоннинг қўлдан кетиши биз учун кичик йўқотишдир. Бизлар Темур авлодларимиз, биз ўз ерларимизни қандай қайтариб олишни кўрсатамиз.

Мусулмонлар! Сизлар дин ва ватан учун қахрамонона курашишни кофирларга намоён этишларингизга ишонаман. Халқ ғалаба кутмоқда. Улар жангдан сўнг сизларнинг қарши олаётганларида дин ва ватан учун курашиб, кофирларни еримизда тамомила суриб ташланганлар, деб айтишсин.

Зирабулоқда мардларча халок бўлганларга шонли ёдгорлик ўрнатилади.

Мусулмонлар! Туркистон генерал-губернатори талаб қилаётган 125 минг тиллани сизларга мукофот тарзида бераман. Сизларни менинг ишончимни оклашингизга ва самарқандликлар кийимидаги доғни ювишларингизга ишонаман.

Хайр, мусулмонлар, сизларга муваффақиятлар тилайман!».

Мазкур халқ оммасининг хоҳиш-иродасини акс эттирувчи сўзлар тўп ўқлари садолари остида тугатилган. 1868 йил 2 июнга ўтар кечаси К.П.Кауфманнинг буйруғига биноан аскарлар Зирабулоқ тепалигига яқинлашди. Сўнгра ўша кунни эрта тонгда ҳужумга ўтилди. Икки томон бир-бирига тўплардан ўқлар ёғдирилиб, ватан химоячилардан 1000 дан ортиқ одам халок бўлди. Улар ҳужумга ўтганларида жанг ниҳоят даражада қизиқ кетди. Бу ҳужум рус қўшини томонидан қайтарилиб, улар ғалабани қўлга киритдилар. Бу мағлубият бутун Бухоро ахлининг қаттиқ норозилигини уйғотганлиги учун амир Музаффархон қўриқ Қизилқумга қочди. У ерда юрагини ховучлаган амир уч кеча-кундуз сувсиз яшаб, сўнг Карманага келди. У ўтказган кенгашда урушни тўхта-тиш хусусида бир қарорга келинди. «Эндиликда, — де-

ган эди амир — менинг барча кўшин ва яроғ-аслаҳаларни оқ подшога (императорга) топширишдан бошқа иложим қолмади. Мен ўлимнинг яқинлашганини ва тақдирим халқнинг қўлидалигини сезмоқдаман».

Бинобарин, Зирабулоқ мағлубиятидан кейин хонлик тақдири узил-кесил ҳал бўлиб, амир таслимликни очиқ тан олган. Мана шундай қалтис ва фожиали вазият юз бераётган пайтда Шахрисабз ва Китоб беклари Жўрабек ва Бобобеклар амирга қарши бош кўтардилар. Улар К.П.Кауфман Бухоро шахрига юриш қилса керак, деб ўйлаб, Самарқандни озод қилишга киришдилар. Жўрабек 20000 кўшин ва халқ кўнгиллилари билан Самарқанд шахрида жойлашган қалъадаги рус ҳарбий қисмини кураш олдилар. Ватан ҳимоячиларининг раҳбарларидан бири амирнинг ўғли Абдумалик Тўрабек эди.

Шаҳар аҳолиси ҳам ёппасига бош кўтариб, душманга қарши мардонавор курашди. Ватан ҳимоячилари қалъага шу даражада қаттиқ ҳужум қилдиларки, 500 кишидан иборат душман кучларидан 275 киши ўлдирилди. Самарқанддаги воқеадан хабар топган К.П.Кауфман дарҳол у ерга келиб, шаҳарни эгаллади. Шундан кейин ҳам шаҳарда қирғинбарот тугамади. Хусусан, хонадонлар, дўконлар ёндирилди. Кўхна ёдгорликлар, ўймакор дарвозалар ва ажойиб устунлар қулга айлантирилди.

Душман аскарларига аҳолининг мол-мулкани талаш учун рухсат этилди. Қўлга туширилган ватан ҳимоячилари К.П.Кауфман ҳузурига келтирилганда у шафқатсизларча «отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин» деган буйрукни такрорлаб, кўп кишиларни ўлимга маҳкум этган.

Жўрабек, Абдумалик ва Бобобеклар Кауфманнинг Самарқандга келаётганлигини эшитиб, қўл остидаги одамлари билан қочган эди. Бу Самарқанддаги озодлик курашига катта зиён келтирди.

Чор ҳукуматининг Зирабулоқ ва Самарқанддаги ғалабасидан кейин Амир Музаффархоннинг тинчлик сулҳини тузишдан бошқа иложи қолмади. Шу боис 1868 йил 23 майда Кауфман томонидан юборилган сулҳ шартларига имзо чекди. Бунга кўра Хўжанд ва Каттақўрғон хонликдан тортиб олиниб Россия империяси таркибига киритилди. Хонликка тегишли жойларда россияликлар савдо агентликлари ташкил этиш учун ҳамда уларнинг шахси, мол-мулки хавфсизлигини таъминлашга доир имко-

ниятлар яратиш амирлик зиммасига юклатилди. Музаффархон ўз тахтида қолдирилди.

1868 йилнинг 24 июнида К.П.Кауфман Самарқанд ва Каттакўрғонни ўз ичига олган Зарафшон округини тузди.

Амир Музаффархоннинг мағлубияти ва тинчлик сулҳи хонликда унга нисбатан нафратни янада кучайтириб юборди. Биринчи навбатда Қаршида ҳокимлик қилаётган ўғли — Абдумалик Тўрабек тахтга даъвогар сифатида бош кўтарди. Уни Жўрабек ва Бобобеклар қўллаб-қувватлаб турдилар.

Шу боис амир Музаффархон Қаршига ҳарбий юриш қилиб, уни мағлубиятга учратди. Абдумалик Тўрабек Шаҳрисабзга қочиб қутилди. Унинг кўрсатмасига бинотан Нурота ва Карманада амирга қарши қўзғолон кўтарилиб, Содиктўра Кенесари томонидан босиб олинди.

Тахтда илиниб турган амир Музаффархон ғоятда ҳаттарли ахволга тушиб, Зарафшон округининг бошлиғи Абрамовдан ҳарбий ёрдам сўради. К.П.Кауфманнинг ижозати билан генерал Абрамов 1868 йил 26 июнда Қаршига юриш қилиб Абдумалик Тўрабек кучларини тор-мор қилди. Амир Музаффархон генерал-губернатор билан иттифоқ тузиб, биргаликда озодлик курашларини бостириш сиёсатини қўллади. Эндиликда босқинчилар ўзларининг ҳарбий юришларини давом эттириш учун кенг имкониятларга эга бўлдилар. 1870 йил 11 августда генерал Абрамов Шаҳрисабзга юриш қилиб, ватан ҳимоячилари билан жанг қилди. Бунда шаҳрисабзликлардан 500 киши ўлдирилди. Кўп уй-жойлар ёндирилди. Абдумалик Тўра Урганчга, сўнгра Афғонистонга кочди. Жўрабек ва Бобобек пировардида босқинчилар томонига ўтдилар. К.П.Кауфман Шаҳрисабз ва Китобни Бухоро хонлигига берди.

У 1873 йил 23 сентябрда амир Музаффархон билан шартнома тузиб, Бухоро хонлигини Россиянинг вассалига айлантирди. Шартнома мазмунига кўра амир хонлиқнинг фақат ички ишлари билан шуғулланиб, хорижий мамлакатлар билан мустақил равишда алоқа қилишдан маҳрум қилинди. У ҳар бир қадамида Россияга содиқлиги ва дўстлигини намоён қилиши шарт эди. Россиянинг савдогарлари ва умуман фуқароларига хонликда фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар яратилди. Ҳатто улар хонлиқнинг исталган жойида мулк эгаси бўлиш ва доимий яшаш ҳуқуқини олди.

Шартномада хонликдаги кулларни озод этиш ҳам кўрсатилди. Бундан мақсад биринчи навбатда «император аъзам жанобларининг обрўсини кўтаришдан» иборат эди.

Шартномада Бухоро хонлигининг таркиби ва чегарасига доир масала акс эттирилган. Унга биноан хонлик Жиззах, Хўжанд, Самарқанд, Каттақўрғон ва уларнинг атроф жойларидан маҳрум қилиниб анча заифлашди. Хонликда 27 беклик ташкил топди. Масалан, Кулоб, Қўрғонтепа, Болжувон, Дарвоз, Қоратегин, Хисор, Денов, Кабодиён, Бойсун, Шеробод, Чоржўй, Қарши, Чирокчи, Фузор, Яккабоғ, Китоб, Шаҳрисабз, Зиёвуддин, Кармана, Хатирчи, Нурота, Бухоро, Қорақўл, Қобокли бекликлари шулар жумласидандир.

### **Хива хонлигининг забт этилиши**

Рус давлатининг Туркистонга нисбатан босқинчилик ҳаракатлари Англияни безовта қилиши турган гап эди. Негаки, ўлкада рус давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилиши унинг Ҳиндистонга ҳам юриш қилиш хавфини туғдирарди. Шу боис Англиянинг Ҳиндистондаги ҳукумати Аббат исми ўз элчисини Хива хони Оллоқулихон хузурига юбориб хонлик Англияга қарам бўлсагина уни Россия босиб ололмаслигини маълум қилган. Акс ҳолда Россия 50 йилдан кейин хонликни босиб олиши турган гап. Оллоқулихон бу таклифга: «Эллик йилгача ким бор-ку ким йўқ, биз эллик йилдан кейин келур ишнинг андишаси билан бу кун юртимизни қўлдан бермасмиз», — деб жавоб берган.

Хива хонлигига Каспий денгизидан борадиган йўлларда рус давлати истеҳкомлар қуриб уларга ҳарбий қисмларни жойлаштирди. Шу муносабат билан Хива хонлиги кўшини ва рус аскарлари ўртасида тўқнашувлар давом этиб турди. Аммо Чор ҳукуматининг Хива хонлигига ҳал қилувчи тажовузи 1873 йилда содир бўлди. Бу ҳарбий юришга жуда пухта тайёргарлик кўрилиб, уч тарафдан хонликка қарши кўшин сафарбар этиш режалаштирилди. Ўша йил апрелнинг биринчи ярмида Манғишлоқдан йўлга чиққан кўшин Устюрт орқали юриб, Қўнғиротни эгаллади. Оренбург тарафидан ҳам кўшин юришни бошлаб, 1873 йил 20 майда Қўнғиротда Манғишлоқдан чиққан ҳарбий қисм билан бирлашиб, улар йўлни давом эттирдилар. Туркистон генерал-губернатор-

лигига қарашли жойлардаги қўшинлар Тошкентдан йўлга чиққан. Жами 11 минг қўшин тўпланиб, унга К.П.Кауфман бошчилик қилган. Шунингдек, қўшин юришида императорнинг яқин қариндоши Н.К.Романов қатнашган.

Хива хони Саид Муҳаммад Раҳим (1865 – 1910) ўзбек ва туркманлардан иборат қўшинни шарққа – К.П.Кауфман келаётган томонга, 6000 нафар аскарни Қўнғиротга, 2000 нафар аскарни Ҳазораспга, яна бир қўшинни Хўжайлига юборади. Қўшиннинг бир қисми Қўнғиротдан келган душман кучлари билан Хўжайлида тўқнашиб, бироз жанг қилгач орқага қайтди. Хўжайли душман томонидан эгалланади. Айниқса, Манғитда генерал Веревкин бошчилигидаги қўшин ва ватан химоячилари ўртасида қаттиқ жанг бўлади. Одамлар хонадонларга ҳам ўрнашиб ўқ отганлар. Пировардида босқинчилар устун келиб, шаҳар аҳолисини ёппасига қириб ташлади. Манғит ёндирилди, хонавайрон қилинди, бойликлари таланди. Генерал Веревкин Манғитдан йўлни давом эттираётганида ўзбек ва туркманларнинг биргаликдаги кучлари билан жанг қилиб, ғалаба қозонди. Шундан кейин ҳам ҳар икки томон ўртасида тўқнашувлар юзага келди. Айниқса, Шайхариқда жойлашган 4000 – 5000 кишилик қўшин босқинчиларга қарши мардонавор жанг қилди. Бироқ, барибир чекинишга мажбур бўлишди.

К.П.Кауфманнинг кўрсатмасига мувофиқ рус қўшини Шайхариқдан Ҳазораспга юрди. Бу ерда уларга қарши ўқлар отилган бўлса-да, Ҳазорасп душман томонидан эгалланди.

1873 йил 26 майда Веревкин бошчилигидаги қўшин Хива атрофидаги хоннинг боғига ўрнашди. Муҳаммад Раҳимхон унга элчи юбориб, тинчлик сулҳи тузишни таклиф этади ва Хивада уни меҳмон сифатида кутиб олишини билдирди. Бироқ, хоннинг таклифи инobatга олинмади.

Шундан кейин Муҳаммад Раҳимхон Хива шаҳрида жанг қилишга бел боғлаган ватан химоячиларига бошчилик қилиш ўрнига туркманларнинг ерларига яширинади.

Шаҳардаги бир гуруҳ нуфузли кишилар ўзаро келишиб, Муҳаммад Раҳимхонни акаси Амир Тўрани тахтга ўтказиб, хон деб эълон қилдилар.

Душман аскарлари Хивани қуршаганда у ердан тўп ва милтиқлардан ўқлар отилади. Ўз навбатида босқинчилар шаҳарга ўқлар ёғдириб турган.

1873 йил 29 май эрта тонгда қаттиқ отишмалардан сўнг босқинчилар девор ва дарвозаларни тешиб, шаҳарга бостириб кирганида хиваликлар бакириқ-чакириқлар билан уларга ташланди. Шу орада дарвоза ағдарилди ва шаҳарга душман замбараги киритилди. Отишувлардан сўнг уруш тўхтатилди.

Хазораспдан йўлга чиққан К.П.Кауфман қўшин билан 29 майда эрталаб Хива атрофига жойлашди. Сўнг у рус аскарларининг жасорати ва қахрамонлигини мақтаб, уларни ғалаба билан табриклади.

К.П.Кауфман ғалабани тантанали равишда нишонлашни соат 14<sup>00</sup> да ташкил қилишни буюрди. Мана шу вақтда хон саройи майдонида қўшинларнинг барча турлари саф тортиб, бирин-кетин К.П.Кауфман хузуридан ўтди. Шу тариқа Хива хонлиги ҳам тор-мор этилиб, ўз мустақиллигини йўқотди.

К.П.Кауфман хузурига юкорида кўрсатилганидек, тахтга ўтказилган Амир Тўра укаси Отажон Тўра билан келиб, тинчлик сулхи тузишни таклиф қилди. К.П.Кауфман бунга хохламай Мухаммад Раҳимхон билан шартнома тузишни маълум қилди. Шундан кейин Мухаммад Раҳимхон қайтиб Гандумконда истиқомат қилаётган К.П.Кауфман билан учрашди. Ўзаро суҳбат чоғида Мухаммад Раҳимхон: «Мени хоҳишим битта — буюк оқ подшонинг хизматкори бўлишдир», — деган эди.

К.П.Кауфман шартнома тузиш ва бунга итоат қилиш шарти билан унинг тахтда қолдирилишини маълум қилди.

Шундан кейин ўз вақтида мамлакат тақдирини ўйламай иш юритган, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан жуда заиф хон душман олдида бошини эгиб саройга қайтган.

Мухаммадхон ва унинг қўл остидаги амалдорлар ўзларининг ўта ожизлиги, жасоратсизлиги ва қобилиятсизлиги орқасида халқ оммасининг босқинчиларга қарши курашига бошчилик қилолмасдилар. «Хоразм халқи, — дейди Баёний, — марди ва мубориз жамоа эдилар. Бир неча ватан хоинлари ўз мақсадларини ҳосил этмак учун мундоғ ҳасратни уларнинг бошларига келтурдилар. Агар тамоми Хоразм аҳолилари яқдилу якжиҳат бўлиб, иттифоқ ила русия аскарига муқобил бўлиб, уруш этсалар эрди, эҳтимол йўқдерким, русия аскарлари оларга зафар топа олғайлар, мундан бурун беш навбат келиб асло зафар топа олган эмасдурлар».



Дархакикат, агар хоразмликлар билимдон ва тadbиркор давлат арбоби ва лашкарбошилар томонидан бошкарилганда душманни енгишлари аниқ эди.

Рус лашкарбошилари хон саройида тинтув ўтказиб, бойликларни таладилар. Қимматли қўлёзма асарлар Петербургга жўнатилди.

1873 йил 12 августда Гандумкон боғида қуйидаги мазмунда сулҳ шартлари имзоланди:

1. Хон умумроссия императорининг итоатли хизматкорлигини тан олиб Ўрта Осиёдаги олий рус маъмуриятининг рухсатисиз шартномалар тузмайди.

2. Хонлик ва рус ерларининг орасидаги чегара Амударё хисобланиб, унинг ўнг томонидаги қирғоқлари Россияга ўтади.

3. Рус кемаларининг Амударё бўйлаб сузишлари учун барча имкониятлар яратилади.

4. Руслар Амударёнинг чап қирғоғидаги қулай деб топилган жойларда кемалар тўхтайдиган бандаргоҳлар қуришга ҳақлидирлар.

5. Русларга дарёнинг чап қирғоғида савдо омборлари қуришга рухсат берилиб, улар муҳофазаси хонлик зиммасига юклатилади. Хонликнинг барча шаҳарлари русларнинг савдо қилиши учун очиқ бўлиши керак.

6. Рус савдогарлари барча божлардан озод этилади. Бундан ташқари улар ҳамма шаҳарларда савдонинг боришини кузатиб туриш мақсадида ўзларининг ишончли вакилларини тайинлаш ҳуқуқига эгадирлар.

7. Россия фуқароларига хонликда кўчмас мулк сотиб олишга рухсат берилади.

8. Хонлик ҳуқумати Россиядан ўзбошимчалик билан келувчиларни қабул қилмасликни ва рус жиноятчиларини топширишни ўз зиммасига олади.

9. Хонлик зиммасига 2000000 сўмлик товонни 20 йил давомида тўлаш мажбурияти юкланади. Биринчи тўлов 1873 йил 1 декабрдан бошланади. Шу асосда биринчи икки йилликда 100000 сўмдан, кейинги икки йилликда 125000 сўмдан товон халқдан солиқ олиш ҳисобига Россияга юборилади.

Шундай қилиб, сулҳ шартлари Россиянинг сиёсий ва иқтисодий манфаатини тўла таъминлайдиган даражада тузилиб, хонликни империянинг мустамлакасига айлантирилганлигини ифода этган эди.

## Қўқон хонлигининг тугатилиши

Россия Бухоро ва Хива хонлигига қарши уруш олиб бораётган йиллари Қўқон хонлигида чуқур инкироз ҳукм сурмоқда эди. Бу вақтларда хонликка қарашли ерларнинг ярми рус давлати томонидан босиб олинган бўлиб, унинг чегараси Фарғона водийсидан иборат эди. Хонликнинг ҳукмдори Худоёрхон сиёсий жиҳатдан ўта қолоқлиги ва кўрқоқлиги туфайли рус ҳукуматининг ҳам, халқнинг ҳам кўз ўнгида ўз обрўсини тўккан эди. У қандай бўлмасин, тахтни ўз қўлида сақлаб қолиш учун рус давлатига таянишга, унга ўзини яхши кўрсатишга тиришди. Рус ҳукумати вакиллариغا содиклиги ва ҳар қандай хизматга тайёрлиги ҳақида бирин-кетин хатлар ёзиб турди. Ҳатто Россия билан хонликни бир мамлакат дейишгача борди. У Россияга орқа қилиб вақтини ўйин-кулги билан ўтказиб кўнглига нима келса шуни қилаберди. Худоёрхон молу дунёга ҳаддан ташқари хирс қўйди ва ўзининг хазинасини бойитиш учун солиқ турларини ниҳоятда кўпайтирди. У раҳмсиз ва шафқатсиз ҳукмдор сифатида ҳам ном чиқарди.

Натижада хонликдаги юқори табақа вакиллари ва халқ оммасининг нафрати ва ғазаби қайнаб кетди. Худоёрхонга қарши курашлар тобора авжига миниб борди. Бу курашни Пўлатхон (мулла Исҳоқ мулла Ҳасан ўғли) бошлаб берди. У халқнинг норозилиги ва курашга тайёрлигини яхши англаб ҳамда Қўқон хонлигининг марҳум ҳукмдори Олимхоннинг невараси Пўлатхон сифатида тахтга даъвогар бўлиб чиқди. У атрофига 500 кишини, кўпроқ қирғизларни тўплаб, Наманган уездининг Шимолий қисмидаги Косон ва Нанай оралиғидаги жойда бош кўтарди. Хонликнинг лашкарбошчиси Абдурахмон офтобачи томонидан мағлубиятга учратилган Пўлатхон қочишга улгуради. Бироқ, у ўзбек ва қирғизлардан иборат қўзғолончиларга яна бошчилик қилиб, хонликка хавф туғдиради. Худоёрхон мулла Иса Авлиё, Абдурахмон офтобачи, Холназар парованачи ва Саримсоқ эшикоғаси бошчилигида аскар юборган. Бироқ, хоннинг бу энг йирик амалдорлари 1875 йил 28 июлда қўшин билан қўзғолончилар томонига ўтиб, улар билан бирлашганлар. Худоёрхоннинг ўғли Андижоннинг ҳоқими Насриддинбек ҳам 5 минг кишилиқ қўшин билан уларга қўшилган. Хонликнинг асосий ҳарбий қисмлари ва лашкарбошилари, ҳатто

ўғлининг кўзғолончилар томонига ўтиб кетиши Худоёрхон тақдирини хал этган омил бўлди.

Эндиликда Худоёрхоннинг мамлакатда ҳеч қандай таянчи қолмай, Россия ёрдамига умид қилишдан бошқа иложи йўқ эди. У К.П.Кауфманга шундай мурожаат этди: «Шу кунлардаги офир ва бахтсиз пайтларда, менинг мулла Иса Авлиё, Абдурахмон офтобачи ва Холназар парованачи сингари энг ишончли кишиларим қўшин билан душманларим бўлмиш кўзғолончиларга қўшилдилар ҳамда менга қарши курашмоқдалар. Мен ҳамма вақт сиз, олий хазратларининг дўстлик муносабатингизни ва ёрдамни кутиб турганлигим боисидан бу гал ҳам мени эътибордан четда қолдирмайсиз. Шахсан ўзимни ва Қўқон хонлигини улуғ император жанобларининг ихтиёрига топшираман. Қўшинни тўплар билан биргаликда имкони борича тезроқ Қўқон шахрига юборишингизни сўрайман».

Шундай қилиб, Худоёрхон ўзини ҳам, бутун хонлиқни ҳам босқинчилар оёғи остига ташлаб, она юртга очиқдан-очиқ хиёнат қилди. Бош кўтарган халқнинг жазосидан кўрқиб, қочишга қарор қилади. 80 та аравага ортилган хонлик хазинасини олиб, 500 нафар сарбоз билан қочади. Кўзғолончилар орқасидан қувлаб етолмадилар. У Хўжанд орқали Тошкентга келганда К.П.Кауфман томонидан хазина бойликлари тортиб олиниб, ўзи Оренбургга сургун қилинди.<sup>7</sup>

Худоёрхон қочгандан кейин тахтга ўғли Насриддин ўтказилди. У босқинчиларга қарши курашга бел боғлаб, Бухоро хонлигига ёрдам беришликни сўраб хат ёзди. Шунингдек Тошкентга хат билан мурожаат қилди. Аммо ҳар икки хат К.П.Кауфманнинг қўлига тушди. Фарғона водийсидан ватан ҳимоячилари йўлга чиқиб, Тошкент атрофига ва Хўжанд чегараларига бостириб кириб, босқинчилар билан жанг қилди, аммо ғалабага эришолмади.

1875 йил 25 августда К.П.Кауфман қўшин билан Хўжанд орқали Қўқон йўли бўйлаб юрди. Бу вақтда Марҳам истехкомида 30000 киши ва бир неча минг отликдан иборат ватан ҳимоячилар жангга шайланиб турган эди. Кауфман қўмондонлигидаги аскарлар хужумга ўтиб, жанг ниҳоятда дахшатли тус олди. Пировардида

---

<sup>7</sup> Оренбургда Худоёрхон маълум муддат ичида яшаб, сўнг Афғонистонга кочиб ўтган. Бу ердан Ҳиндистонга, кейин ҳажга борган. Афғонистонга қайтиб, у ерда вафот этган.

ватан химоячилари мағлубиятга учратилиб, минглаб киши ҳалок бўлди. Кўп одамлар дарёга чўкиб кетди. Ватан химоячиларига бошчилик қилган Абдурахмон офтобачи қочиб қутилди. Маҳрамдаги мағлубият Қўқон хонлигининг ҳукмдори Насриддинхон ва унинг атрофидагиларни саросимага солиб қўйди. У дарҳол Кауфманга хат ёзиб жўнатди. Насриддин ҳам бу хатида биргини губернаторга қанчалик ялинмасин ва тиз чўкмасин, дўстлик алоқаларни ўрнатишга интилмасин, барибир барчаси Кауфман томонидан инобатга олинмади. Чунки, Чор ҳукумати Қўқон хонлигини тамомила тугатишни мақсад қилиб қўйган эди.

1875 йил 29 августда губернатор Кауфман Қўқонга келганда Насриддинхон туз ва нон билан кутиб олиб, ундан раҳм-шафқат сўради. У қандай бўлмасин, Кауфманнинг кўнглини олиш ва тахтни сақлаш учун ҳаддан ташқари хушомадгўйлик қилиб унга ялинди. Хатто «Менга халқни бошқариш қийин, шу боис менинг ва халқнинг тақдирини ҳал этишни сиз ярим подшоҳ (К.П.Кауфман) нинг ихтиёрига топшираман» дейишгача борди. Шу тарика, Насриддинхон ватанга нисбатан хоинлик йўлини тутиб, ўзини ва хонликни тамомила Россиянинг чангалига ташлади.

Бу вақтда Андижон шахри босқинчиларга қарши кураш марказига айланган эди. Бу ерда 60—70 минг кишидан иборат ватан химоячилари йиғилиб, шаҳарнинг катта кўчаларига тўсиқ (баррикада)ларни қурганди. Уларга Абдурахмон офтобачи қўмондонлик қилган. Пўлатхон эса 15 минг қирғиз билан душманга орқа тарафдан зарба бериш учун шаҳар чеккасига ўрнашган. Уларнинг орасида ўзбеклар ҳам бор эди. Насриддинхон қочгандан кейин Пўлатхон хон деб эълон қилинган. Троцкий, Скобелев ва Миллер-Закомельский бошчилигидаги қўшин Андижон шахрига хужум қилган. Буларга қарши жанг қилган Пўлатхон қўл остидаги ватан химоячилари тўплардан ёндирилган ўқларга бардош беролмай чекинганлар. Душманлар шаҳарга бостириб кирганда жанг қизиб кўп одамлар ўлдирилган. Душманга қарши уйларнинг томларидан, баррикадалардан, дарахтлар орасидан ва бошқа жойлардан ўқлар отилган. Шаҳар ёндирилиб, харобага айлантирилган. Шахсан Скобелевнинг ўзи аскарлари билан 20 минг кишини ўлдирган. Троцкий Наманганга бориб, Пўлатхон билан жангда мағлубиятга учради.

Хонликнинг шахарлари қўлдан-қўлга ўтиб турган. Чунки босқинчилар ғалаба қилган жойларда ҳарбий қисмни қолдириш имкони бўлмади кўчиб юрган. Бундан Пўлатхон фойдаланиб, Ўш, Андижон ва Марғилонни эгаллаган вақтлари бўлган.

Насриддинхон Пўлатхонга қарши Султон Муродбек бошчилигидаги қўшинни юборади. Аммо у Пўлатхон билан тўқнашишдан қўриқиб, Файзиобод кишлоғига ўрнашиб, қирғиз кўзғолончиларининг айрим гуруҳларини енгади. Асир олинган 30 нафар қирғиз Қўқонда Насриддинхон томонидан дорга осилади. Бу вақтда Пўлатхон томонидан Марғилон беги лавозимига тайинланган Валихон 20 минг киши билан Файзиободга келиб, Султон Муродбек устидан ғалабага эришади. Бу воқеалар юз бераётган Қўқон шахрининг ўзида ҳам Насриддинхонга қарши кучлар бош кўтарган эди. Натижада унинг ҳаёти хавф остида қолиб, уч соатлик жангдан сўнг Хўжандга қочишга мажбур бўлди.

Водий халқи қанчалик азоб-уқубатлар, мисли қўрилмаган қирғинларни кўрмасин, барибир босқинчиларга қарши курашни тўхтатмади. Хусусан, Ҳасанқалла бошчилигида Янгиқўрғон ва Бачқир кишлоқларининг аҳолиси Қўқон шахрига бостириб кириб, хон саройини таладилар. Насриддинхоннинг ишончли одами Султон Муродбекни тутиб, Пўлатхонга жўнатдилар. Бу ерда у ўлдирилди. Қорадарё атрофида Скобелев бошчилигидаги ҳарбий қисм билан жанг бўлиб душман устун келган. 1875 йил 18 октябрда Ашобада рус аскарлари химоячиларни енгиб, кишлоқни бутунлай харобага айлантирган. Полковник Скобелев 1875 йил 23 октябрда Тўрақўрғонда ватан химоячиларини енгиб, кўп одамларни ўлдирди. Бу пайтда Наманганда босқинчиларга қарши кураш кучайиб, шахар биқинидаги душманнинг ҳарбий қисмига ҳужум қилишди. Полковник Скобелев қўшин билан Наманганга келиб, жанг қилди. Ватан химоячиларидан 8800 киши ҳалок бўлди. Уларнинг орасида ярадорлар ҳам кўп эди.

Пўлатхон Қўқон хонлигининг шарқий қисмида ҳукмронлик қилиб, босқинчилар билан бўладиган урушга тайёргарлик кўриб борди. Бу вақтда Андижонда Абдурахмон офтобачи раҳбарлигида 20 минг қуролланган халқ кўнгилилари, 5000 сарбоз ва 10 минг отлик тўпланиб турган эди. Ватан химоячиларининг устидан қўлга киритган ғалаба учун генерал унвони олган Скобелев Ан-

дижонга юриш килиб, йўлда каршилиқ кўрсатган одамларни ўлдириб, кўп кишлокларни ёндириб юборди. 1876 йил 8 январда у Андижон шахрига хужум қилганда қаттиқ қаршилиққа учради. Ватан химоячиларидан кўп одамлар ҳалок бўлди. Абдурахмон офтобачи химоячиларнинг қатта қисми билан Асакага чекинган. Аммо шахар халқи бўйсунганини тан олмаганлиги учун тўплардан ўққа тутилди. Шу равишда шахар таслим бўлди. 1876 йил 13 январда генерал Скобелев Асакага хужум қилиб, ватан химоячиларини чекинишга мажбур қилди, 800 кишини ўлдирди. Бу мағлубият юқори табақа вакилларини тушқунликка тушириши оқибатида Абдурахмон офтобачи ўзининг 12 сарбози ва 700 йигити билан Скобелевга таслим бўлди. Генерал Скобелев минглаб ватан химоячиларини ўлдирди, шахар ва кишлокларни вайрон қилди ва андижонликларни товон тўлашга мажбур этиб, 33 минг сўмни дархол ундириб олди.

Абдурахмон офтобачининг мағлубиятидан кейин Насриддинхоннинг тарафдорлари уни тахтга қайтадан ўтқозишга ҳаракат қилдилар. Натижада 1876 йил 21 январда у хонлик тахтини қўлга киритишга эришди.

1876 йил 25 январда рус қўшини Учқўрғонда Пўлатхонни мағлубиятга учратди. Унинг яроғ-аслаҳалари, молмулки ва хазинаси ўлжага олинди. Пўлатхон қочишга улгурди, лекин кейин тутилиб, дорга осилди.

1876 йил 7 февралда генерал Скобелев қўшин билан Қўқонга келиб, Насриддинхонни ва унинг тарафдорларини Тошкентга жўнатди. Сўнгра у Владимир губерниясига сургун қилинди. Шу тарзда Абдурахмон офтобачи ҳам Россияга жўнатилган. Қўқон хонлиги тугатилиб, ўрнига Фарғона вилояти тузилди ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Генерал Скобелев вилоятнинг губернатори лавозимига тайинланди.

Хўш, Россия нима учун ғалабага эришди?

Биринчидан, XVI—XIX асрларда ўлка Бухоро, Хива ва Қўқон хонлигидан иборат уч қисмга парчаланиб, тарқоқлик ва парокандалик юзага келган эди. Тахт эгаларининг деярли ҳаммаси табиатан ожиз, нодон, дунёқараши тор ва сиёсий онги қолақ кимсалар бўлган. Улар кўпроқ ўзларининг шахсий манфаати ва ҳузурини ўйлаб иш юриштишлари туфайли тараққиёт бўғилди. Тахт учун олиб борилган курашларнинг узок давом этиши ҳам кўпдан-кўп зиён келтирди. Айни пайтда хонликларнинг бир-

бирларига қарши ҳужумларида кўп одамлар ўлдирилди, бойликлар таланди ва вайроналар содир бўлди. Диний фанатизмнинг авж олиши ўта салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Иккинчидан, хонлар мамлакат ҳаётида кўшиннинг бекиёс катта аҳамиятини англамай, унинг куч-қудратини ошириш чораларини кўрмадилар. Чунончи, у замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий билим ва машқ билан таъминланмади. Тўғри, замбараклардан фойдаланилди, лекин уларнинг сифати ва отувчилар маҳоратининг пастлиги оқибатида кўп ҳолларда ўқлар мўлжалга тегмаган. Пилтали милтиқларнинг самараси эса, унумсиз эди. Кўшинда тактика ва стратегия қоидалари деярли қўлланилмаган. Кўшиннинг моддий жиҳатдан таъминланиши талабга жавоб берадиган даражада эмас эди. Шубҳасиз, лашкарбоши ва сарбозларнинг орасида ўз касбининг моҳир усталари ҳам бўлган, лекин улар озчиликни ташкил қилган.

Учинчидан, Туркистон заминига бостириб кирган Россиянинг аҳволи бутунлай бошқача эди. У империя мақомини олган кучли давлат ҳисобланиб, кўшини замонавий қуроллар билан таъминланган, жанговарлик қобилияти анча баланд эди. Рус лашкарбошиларининг ҳарбий маҳорати такомиллаштирилиб, жанг тажрибаси катта бўлган. Умуман айтганда куч-қудрат нуктаи назаридан Россия билан хонликлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Аммо шунга қарамай, Россия хонликларни қисқа вақт ичида бирданига узил-кесил босиб ололмади. Уни амалга ошириш учун сал кам 25 йил (1852—1876) керак бўлди. Бунга сабаб шуки, рус давлати ўлкада ватан ҳимоячиларининг бамисоли денгизнинг баҳайбат тўлкини сингари қаршилигига дуч келди. Халқ оммаси ва кўшиннинг ватанпарварлиги ва жасорати шу даражада бўлдики, улар кўкрагини ўққа тутиб, қалқон бўлиб турди. Ўн минглаб халқ кўнгиллилари қўлга нима тушса, шу билан қуролланиб, сарбозлар билан биргаликда қаҳрамонона курашдилар. Жанг майдонлари ватан ҳимоячиларининг мурдалари билан тўлиб-тошиб, улар душманларнинг йўлини тўсиб тургандек туюлди. Ҳатто жангларда ўзбек аёллари ва болаларининг қатнашган вақтлари бўлган. Жанг майдонларида ватан ҳимоячиларининг қони бамисоли дарё каби оқиб турган вақтда Бухоро, Хива, Қўқон хонлари бир-бирларини пайини қирқиш ва бир-бирларига ёрдам бермасликка ҳаракат қилди.

Пировардида лашкарбошилар — Жўрабек, Бобобек ва Абдурахмон офтобачи сингари ватан хоинлари душман тарафига ўтиб, уларга ёрдам бериш эвазига полковник ва генерал унвонларини олдилар. Булардан ташқари Тошкент ва бошқа жойлардан бир гуруҳ юқори табақа вакиллари ватанга хоинлик қилиб, душманга ёрдам бериб, унинг ғалабасини осонлаштирди. Уларнинг орасида дин пешволари ҳам бор эди.

Хуллас, рус давлати хонликларда юзага келган чуқур инқироз ва қолоқлик ва қўшиннинг заифлигидан, хонлар ва бошқаларнинг хоинлигидан фойдаланиб, халқнинг мисли кўрилмаган қаҳрамонона курашини енгиб, минглаб одамларни ўлдириб, шаҳар ва қишлоқларни ваҳшийларча харобага айлантирди ва ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

Шундан кейин ўлка бойликларини қўлга киритишга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга ошириб берилди.



## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЧОР РОССИЯСИ ХОМ АШЁ МАНБАИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

### Ўлкада пахтачилик тарихидан

Ўзбек халқи узоқ тарихий даврлардан пахтачилик билан шуғулланиб, бой тажриба орттирди. Унинг пахтачиликка алоҳида меҳри ва эътибори шундаки, бу соҳа ўтмиш замонлардан то шу кунгача сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг устунларидан бири ҳисобланмоқда.

Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз табиий офатлар, қирғин баротлар ва қаҳатчилик даврларида ҳам пахтачилик илмини кўз қорачиғидай асраб, авлоддан авлодга етказиб келдилар.

Ўзбекистонда милоддан аввалги асрларда пахтачилик билан шуғулланиб газламалар тўқиш кенг қулоч ёйган. Афсуски пахтачиликка доир ҳужжатлар жуда оз сақланган. Ихтиёримизда IX—X асрларга оид пахта ишланган турли газламаларга тегишли маълумотлар мавжуд. Булар пахтачилик ҳақида маълум тушунча беради, деб ўйлайман. Уларга кўра, ҳозирги Ўзбекистон ерларида пахтачилик ва унга боғлиқ тўқимачилик ўзининг юқори даражасига кўтарилган. Турли газламалар ички ва ташқи бозорнинг муҳим буюми ҳисобланган.

IX—X асрларда Карманадан олти чақирим наридаги Ведар шаҳрида газламалар тўқиш кенг ривожланган. Бу жойда қирқмасдан бир бўлак ҳолда кийиладиган ведар газламалари ишлаб чиқарилган. Хуросонда уни киймаган амир, вазир, қози, фуқаро ва ҳарбий киши бўлмаган. У қишда ҳам кийилган. Кўриниши нафис ва чиройли, ранги сариқроқ бўлганлиги учун уни кийиш безак ва кўркамлик белгиси ҳисобланган. Бу газлама майин бўлиб, зич тўқилган, бир тўпининг баҳоси 2 динордан 20 диноргача борган. Бир киши бу газламани 5 йилгача бир неча маротаба кийган. Газламани Эронга ҳам олиб бориб, одамлар уни фахрланиб кийишган. Газламалар Бухорога қарашли Дабусия (ҳозирги Зиёвуддин номли жойда) шаҳрида ҳам тўқилган. Тошкент, Фарғона, Хоразм, Термиз, Марв ва бошқа жойларда кўп ишлаб чиқарилган. Айниқса, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида ип ва



Бухоро. Пахта ортилган карвоннинг карвонсаройга келиши

юнг газламаларни ишлаб чиқариш жуда ривожланган. Хусусан, Бухоронинг шимолида жойлашган Зандона кишлоғида бундан минг йил илгари жуда сифатли газлама тўкиш ўзлаштирилган.

— Зандона кишлоғи, — деб ёзади Наршахий, — катта қалъага, кўпгина бозор жойларга ва масжиди жомъега эга. Бу ерда ҳар жума куни намоз ўқийдилар ва бозор қиладилар. Бу кишлоқда тўкиб чиқариладиган нарса — матони зандоначи, яъни Зандона кишлоғидан чиқадиغان деб атайдилар. Бу ерда у ҳам яхши, ҳам кўп бўлади. Шу хил бўздан Бухоронинг кўп кишлоқларида тўқийдилар ва буни ҳам занданийчи деб атайдилар. Чунки, у аввало, шу кишлоқда тўкиб чиқарилган. Шу хил матодан Ирок, Форс, Кермон, Ҳиндистон ва бошқа жойлар каби ҳамма вилоятларга олиб борадилар. Барча улуғлар ва подшолар ундан кийим қиладилар ва ипакли кийим баҳосида сотиб оладилар. Худо бу кишлоқни ҳамийша яшнатсин».<sup>8</sup>

Бухоро шаҳри ва атроф жойлари газламаларни тўкиш ва кийим-кечакларни тикиш бўйича йирик марказга айланган эди. Улар нафақат ички, балки ташқи савдонинг муҳим буюми сифатида хорижий мамлакатларга олиб кетилган. Бу жойларда ўша газламаларни қўлга киритган одамлар уларни кўз-кўз қилиб, фахрланиб юрганлар. Бу хусусда Нарашахий шундай ёзади: «Бухорода Ҳисор би-

<sup>8</sup> Абу Бакр ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулов таржимаси. Т.: 1991, 97—98-бетлар.

лан Шахристон ўртасида, масжиди жоме яқинида бир корхона бор эди. Унда палослар, дарпардалар, кийимликлар, ёстиқ жилдлари, жойнамозлар ва уст кийимларни Халифа учун тўқир эдилар... Бухоро шаҳрида шундай ишга тайин қилинган усталар бўлар эдилар. Вилоятлардан савдогарлар келиб, одамлар занданачини олиб кетганларидек, у кийимлардан Шом ва Миср, Рум шаҳарларига олиб кетар эдилар. Хуросоннинг ҳеч бир шаҳрида бундай матони тўқий олмас эдилар. Шуниси қизикки, бу хунар эгаларидан баъзилари Хуросонга бордилар ва бошқалар ҳам бу иш учун керакли асбобларни шайлаб, шу кийимлардан тўқидилар. Лекин Бухородагидек сифатли бўлиб чиқмади. Бу кийимликга эга бўлмаган бирорга ҳам подшоҳ, амир ёки бошқа мансаб эгаси йўқ эди. Унинг кизил, оқ ва яшил ранглиси бўлган».<sup>9</sup>

Кўришиб турибдики, газлама шухрат қозониб, кўп хорижий мамлакатларни ўзига жалб этган. Кўп миқдорда газламаларнинг тўқилиши пахтачиликнинг ривожланганлигини кўрсатади, албатта.

XI—XV асрларда ҳам пахтачилик ва газламалар тўқиш давом этди. Бундай ҳолат кейинги асрларда, яъни Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари даврида ҳам кўзга ташланди.

Туркистон Волга ва Урал бўйлари, Сибирь ва рус князларини газламалар ва кийим-кечаклар билан таъминлаб турган эди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ўша бепоён ерлар Рус давлати томонидан босиб олинганидан кейин тарихан шаклланган савдо алоқалари давом этди. Ҳатто Чор ҳукумати ўз фуқароларининг газламалар ва бошқа молларга бўлган эҳтиёжини қондириш учун ўзбек савдогарларига имтиёзлар берди. Натижада Астрахандан бошлаб Волга ва Урал бўйлари орқали бутун Сибирни қамраб олган бепоён ерлар аҳолиси кўпроқ ўзбек газламасидан кийиндилар. XVI—XIX асрнинг биринчи ярми давомида Россияга юз минглаб метр ип ва ипак газламалар, кийим-бошлар келтирилиб турилди.<sup>2</sup> Уларнинг орасида занадона газламаси «зендени» номи билан машҳур эди. Умуман айтганда, қайд қилинган асрларда Россия Туркистоннинг тайёр маҳсулотлар бозори ҳисобланган. У ерга асосан тайёр маҳсулотлар чиқа-

<sup>9</sup> *Ўша жойда*, 101-бет.

<sup>10</sup> Бу ҳақда қаранг: Зиёев Х. *Ўрта Осиё ва Сибирь*. Т.: 1962, *Ўрта Осиё ва Волга бўйлари*, Т.: 1965, *Ўрта Осиё ва Урал бўйлари*. 1973; *Экономические связи Средней Азии с Сибирью*. Т., 1985.

рилиши ўлкада пахтачилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб, ишлаб чиқариш кучларининг ўсишида муҳим аҳамият касб этди.

Бироқ, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аҳвол тубдан ўзгариб, ўлка Россиянинг хомашё манбаи ва тайёр маҳсулотлар бозорига айлантирилди.

## **Сунъий суғориш тармоқлари**

Пахта ва бошқа дехқончилик маҳсулотлари етиштиришда сувнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис Туркистон ўлкасида сунъий суғоришга алоҳида эътибор берилиб, у умумхалқ ишига айланган. Сувдан фойдаланиш тартиблари шариат қонунларида қуйидаги тарзда ўз ифодасини топган: Дарё ва кўл сувлари Оллоҳ таолонинг кишиларга берган марҳамати ва неъмاتي ҳисобланиб, ундан ҳамма баробар фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Бундан хусусий кишилар томонидан бунёд қилинган ҳовуз ва қудуқлар мустасно бўлса-да, лекин одамларга улардаги сувлардан ичишга, молларни суғоришга ва рўзғор эҳтиёжлари учун фойдаланишга рухсат этилади.

Айрим ҳолларда давлатга сувга эгалик қилиш ҳуқуқи берилса-да, жамоа аҳлининг ундан фойдаланишига тўсқинлик қилинмайди.

Сувни сотиш ва сотиб олиш тақиқланади, фақат айрим ҳоллардагина бунга рухсат берилиши мумкин. Сув камчил вақтларда барча одамлар эҳтиёжи доирасида баробар тақсимланади. Зарурият туғилса сувдан навбат билан фойдаланилади.

Сувдан фойдаланаётган ҳар бир киши сунъий суғориш тармоқларини тузатишда ва таъминлашда қатнашиши шарт. Сувдан фойдаланиш ўз-ўзини бошқарув асосида олиб борилиб, ариқларни тузатиш ва сувни тақсимлаш халқ сайлаган «кўкбоши» ва мироблар зиммасига юклатилади. Уларга ғалла ва бошқа дехқончилик маҳсулотлари билан иш ҳақи берилади.

Сув иншоотларига зарар етказмаслик шarti билан тегирмонларнинг ишлашига рухсат берилади. Сувни қўп талаб этадиган шоли аҳолининг розилиги билан экилиши мумкин. Сув каналлари хўжалик ерларидан ўтказилгани тақдирда бунинг эвазига ҳақ тўланади.

Мазкур тартиблар асосида асрлар мобайнида сувдан фойдаланиб келинган. Яхши жихати шундан иборатки, сувдан фойдаланишда ўзбошимчалик ва тўс-тўполонлар

баргараф қилинади. Барибир сув танқис кезларда жанжаллар бўлиб турган.

Ўлкада Чор ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин у сунъий суғориш тармоқларига ва умуман сувга эғалик қилди. Ҳукумат вакиллари ва капиталистлар пахта илинжида сунъий суғоришни ривожлантириш зарурлигини яхши англаб, қидирув ишлари олиб борди ва лойиҳалар тайёрлади. Ҳукумат эса сунъий суғоришни изчиллик билан ривожлантиришга қодир эмаслиги туфайли етарли даражада маблағ бера олмади. Туркистон ўлкасида Сирдарё, Амударё, Зарафшон ва Чирчиқ дарёлари энг катта сув манбаи эди. Сирдарё ва Чирчиқ Туркистон генерал-губернаторлиги, Амударё ва Зарафшон кўпроқ Бухоро ҳамда Хива хонликлари ерлари учун ҳаёт манбаи ҳисобланган.

Марказий ҳукумат сунъий суғоришга етарли даражада эътибор бермаган бўлса-да, ўлкадаги рус маъмурияти вакиллари уни эътибордан четда қолдирмади. Чунончи губернатор Кауфманнинг кўрсатмасига биноан, 1869 йилдаёқ Мирзачўлда сунъий суғоришни йўлга қўйиш мақсадида П.Аминов бошчилигида қидирув гуруҳи тузилди.<sup>11</sup> Инженерлар ва топографлар сингари мутахассислар гуруҳ таркибига киритилди. Гуруҳ Мирзачўлда маълумотларни тўплади. Кейин бу ерда Н.Ф. Ульянов раҳбарлигида иш олиб борилиб, 40 минг десятина (240 минг таноб) ерни суғориш лойиҳаси тузилди.<sup>12</sup> XIX асрнинг 70-йилларида Хўжанд уездига қарашли Сирдарёнинг чап қирғоғида «Кауфман канали»ни қозишга киришилди. Олти йил олиб борилган машаққатли меҳнат яхши натижа бермай, 13 км масофада ер қазилди, холос.

Е. Смирновнинг газетада босилган мақоласига кўра, Мирзачўлда қозиш лойиҳаси 1872 йилда тасдиқланиб, 1874 йилда иш бошланган. Шундан кейин бу иш 1875—1878 йилларда ҳам давом этган бўлса-да, лекин 1883 йилда тўхтатилган. Муаллифнинг фикрича, Мирзачўлни ўзлаштириш умуман қолдирилган.<sup>13</sup> Шундан кейин Мирзачўлда айрим қидирув ишлари олиб борилиб, таклиф ва мулоҳазалар маъмуриятга маълум қилинди.

Мирзачўлда ва Тошкент атрофида сунъий суғоришни ривожлантиришга императорнинг жияни князь Н.К.Ро-

<sup>11</sup> «Туркестанские ведомости». 1873, № 27.

<sup>12</sup> Бир десятина ер бир гектарга яқинлашади.

<sup>13</sup> «Туркестанские ведомости» 1873, № 23.

мановский ўз хиссасини кўшди. 1881 йилда Тошкентга келиб ўрнашгандан кейин Чирчиқ дарёсидан 50 чақирим узунликда канал қаздирди ва унга «Искандарбек» номи берди. Бу канал 4513 десятина ерни суғориш имконига эга эди. Ўша йили Чирчиқда «Хоним» номли каналнинг ҳам қурилиши бошланди. Бу 65 чақирим узунликдаги канал 3215 десятина ерни суғориш имконини берди. Айтиб ўтилган каналлар атрофида рус посёлкалари юзга келиб, сувдан кўпроқ улар наф кўрдилар. Князь Н.К. Романовский 1887 йилда Мирзачўлда «Николай I» каналини қуришга киришиб, ўз хисобидан бир миллион сўм сарфлади. 1885–1890 йилларда Мирзачўлда 28 чақирим масофадаги Бухоро каналини қуришга киришилди, маблағнинг етишмаслиги сабабли иш тўхтатилди. Н.К. Романовский 1891 йилда Мирзачўлда «Хива ариғи»ни қурди. Бу 90 км узунликдаги канал 1895 йилда ишга туширилди. Бироқ, бу сувнинг маълум қисмигина туб аҳолига берилди, холос. Чунончи, ўзбек ва қирғизларга тегишли 750 десятина ерни суғорган бўлса, русларнинг 2000 десятина, Н.К. Романовскийнинг 2000 десятина ва давлатнинг 4000 десятина ерлари суғорилган.<sup>14</sup> 1899 йилда Н.К. Романовский томонидан Мирзачўлда қурилган барча каналлар ҳукуматнинг ихтиёрига ўтказилди. Бунинг учун унга хазинадан пул тўланди. Мирзачўлда сунъий суғориш бирмунча жонлантирилиши натижасида бир нечта рус посёлкалари ташкил топиб, 1910 йилда 2827 десятина ерга эгалик қилдилар. Каналларни қазирнинг асосий оғирлиги эса асосан туб аҳоли зиммасига тушди ва хонавайрон бўлди. Айниқса, тошкентлик ва хўжандлик хашарчиларга оғир бўлди.<sup>15</sup>

Мирзачўлда сунъий суғоришдан мақсад рус посёлкаларининг сонини тобора кўпайтириб боришдан ва пахтачиликдан оладиган даромадни оширишдан иборат эди. Ҳатто, деҳқончилик вазири А.В. Кривошеин Давлат Думасида сўзлаган нутқида «Рус номининг ўлкадаги мавқеини кўтариш нуктаи назаридан Мирзачўлга ўрнашадиган руслардан ер учун олинадиган, солиқнинг туб аҳолига нисбатан оз бўлишини» уқтирди.<sup>16</sup>

<sup>14</sup> Отчет по Ревизии Туркестанского края произведенный сенатором графом К.К.Паленом, вып. 3, с.275.

<sup>15</sup> «Туркестанские ведомости». 1912, №. 8.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.Ц-7, 1-рўйхат, 5197 иш, 9-бет.

1900 йилда рус ҳукумати Мирзачўлнинг шимоли-шаркидаги 45 минг десятина ерни ўзлаштириш ҳақида қарор қабул қилиб, 2 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Бироқ, бу ишлар ўта секинлик билан олиб борилиб, маблағ ва қурилиш жихозлари етишмади. Шу боис 1911 йилда Мирзачўлдаги сунъий суғориш ишларини тугаллаш учун хазинадан 4.856.500 сўм ажратилди. Қурилишларни 1915 йилгача тугатиш режалаштирилди.<sup>17</sup> Бироқ, бу пул ҳам кўрсатилган миқдорда берилмади. Ниҳоят, 1916 йилнинг бошларига келиб «Император Николай I» каналининг қурилиши тугалланиб, унинг сувидан 35 минг гектар ерни суғориш кўзда тутилди. Бу ернинг 80—90 фоизи пахта етиштириш учун мўлжалланди.<sup>18</sup> Амалда эса 1914 йилда Мирзачўлдаги пахта бутун ўлкада етиштирилган пахтанинг бир фоизини ташкил қилган. 1913 йилда Мирзачўлда 50 минг десятина ерни суғоришга мўлжалланган Н. Романов канали битказилган эди. Бунинг натижасида 34 минг десятина ерни суғориш имкони туғилди.

Шу тарзда чорак аср мобайнида Мирзачўлда магистрал сув канали битказилди. Бундан рухланган рус маъмурияти Мирзачўлда 500 минг десятина ерни ўзлаштириш масаласини ўртага ташлади. Бунга кўра, бешта шаҳар, 200 та савдо ва жамоат майдон ҳамда 45 мингдан 57 минггача кишини ўз ичига олган рус посёлкалари бунёд этилиши лозим эди. Шунингдек русларга ярим миллион аҳоли яшайдиган турар жойларни бериб, бу ердан Россияга киймати 130 млн сўмга яқин 8—9 млн пуд пахта олиб кетиш имкони туғилиши қайд қилинади. Рус маъмурияти Чирчик атрофидаги жойларда 32 минг десятина ерни суғорадиган сунъий суғориш тармоқлари қуришни ва бунинг учун 1800 минг сўм сарфлашни режалаштирди. Аммо бу ҳаракатни тўла амалга оширишнинг иложи бўлмай, аввалдан фойдаланиб келинаётган сув тармоқларини кенгайтириш давом эттирилди. Бу вақтларда Чирчикнинг икки қирғоқидан кўплаб сув шохобчалари турли томонларга таралиб кетган эди<sup>19</sup> (2-жадвал).

---

<sup>17-18-19</sup> «Туркестанские ведомости». 1913, № 220. Жадвалда айрим жойлар нотўғри номланган.

Ариқлар номи	Ариқлар- нинг узунлиги (чакирим)	Бир секундда ўтадиган сув хажми (куб- фунт)	Суюри- ладиган ерлар (десяти- на)	Сувдан фойдала- надиган хонадон- лар	Ариқлар- ни тозалашга сафарбар этилган ишчи кучи сони
<i>Чирчиқнинг ўнг қиргоғидан</i>					
Искандар арик	50	40—90	2600	538	8500
Хоним ариғи	85	100—300	3500	524	—
Захарик	150	1000	23,500	4748	7000
Бўзсув	175	2300	13,416	—	—
Қорасув	40	460	10,600	—	—
Қалмоқ арик	8	100	800	—	220
Таукат	10	150	750	—	300
Парнабат	12	524	883	—	100
Толарик	18	200	2,474	430	1800
Баротхўжа	9	226	347	267	100
Чорток	12	268	131	—	250
Шоҳарик	8	197	193	—	50
Чўлдак	5	20	15	—	—
Такбай	6	102	17	1250	300
Қиличота	12	70	29	—	—
Жўнарик	47	500	7,839	1263	3500
Ниёзбош	30	230	3,417	533	1500
Кўлқурдуқ	45	100	1,685	—	1000
8 та кичик арик	29	166	116	—	100



*Чирчиқнинг чап қирғогидан Бектемир тизими:*

31 та кичик арик	157	1,736	2,266	2064	3680
Йик	13	170	25	360	450
Қум 1	10	100	60	210	450
Бектемир	19	850	345	815	1280
Тош	22	175	75	447	2320
Қум 2	12	67	30	111	240
Учтамғали	16	150	70	125	—
Тошлок	26	120	70	140	460
Ужакент	23	120	80	120	175
Чақмоқ	11	130	280	140	770

*Қорасув тизими:*

Қорасув	90	1600	4490	4544	3000
Хон 1	24	49	730	230	980
Қорақалпоқ	10	336	500	215	600
Аганай юлук	15	90	400	130	—
Оқ	11	163	800	306	575
Сасбуқа	15	210	—	150	—
Дархон	20	170	—	200	1400
Балиқ	10	27	90	200	—
Сарбува	17	84	170	325	700
Саврау	10	170	200	230	—
Хон 2	24	246	800	810	2330
25 та майда арик	107	1020	990	1924	488

Оҳангарон дарёсидан:					
Пскент	25	20	500	900	450
Шахрия	4	50	145	180	—
Хўжа	16	30	525	150	—
Оқ тепа	12	100	1640	800	—
Мозор	20	15	150	250	—
Хон	31	140	1763	810	2860
Шоманси	12	60	172	85	940
48 та майда арик	192	932	5297	—	—
<b>Жами</b>	<b>1725</b>	<b>16305</b>	<b>95372</b>	<b>27294</b>	<b>—</b>

Тошкент воҳасида Чирчиқ дарёсидан чиқарилган жами 1725 км узунликдаги жуда кўп катта-кичик ариқлар мавжуд бўлган. Улар бир секундда 16305 куб. фунт сув оқишиш имконига эга бўлиб, 95,372 десятина ерни суғорган. Шу тариқа Чирчиқ дарёси асосий сув манбаи бўлган, 27294 та хўжаликка хизмат қилган. Сувнинг маълум қисми пахта етиштиришга сарфланган. Шунингдек, Чирчиқ дарёсининг чап қирғоғидаги ботқоқликларни қуритиш ҳисоби-га 20.000 десятина ерни ўзлаштириш режалаштирилган.

Самарқанд вилоятини сув билан таъминлашда Зарафшон дарёси муҳим ўрин тутган. Ундан чиқарилган Туяотар, Булунғур, Косон ва Дарғом сингари йирик ариқлар вилоятдаги 130,000 десятина ерни суғорган. Шунини айтиб ўтиш лозимки, XVI асрнинг иккинчи ярмида, Абдуллахон вақтида қурилган Туяотар ариғи вақтлар ўтиши билан ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. 1912 йилда рус ҳарбий маъмуриятининг ташаббуси билан уни тиклаш учун 100 минг нафар киши иштирокида хашар уюштирилди. Хашарчилар бир ярим ойга етадиган озиқ-овқатни ғамлаб, Жиззахдан 200 чақирим масофадаги Туяотар ариғи бўйига жойлашиб, ишга киришдилар. Оғир шароит ва машаққатли меҳнатни мардонавор енгган халқ ариқни тиклашга муваффақ бўлди. Ўша вақтдаги газетанинг ёзишича, ариқдан сувни оқаётганини кўрган халқ хурсандчиликдан бирданига қичқириб юборган. Хашарчиларнинг орасида тиз

чўкиб, Оллоҳ таолонинг марҳаматига шукр қилганлар, ўзини сувга уриб, ундан тўйиб ичганлар, ҳатто суюнганидан юраги ёрилиб ёки чўкиб ўлганлар бўлган. Тикланган ариқ янги Туяотар деб аталиб, Жиззах уездида 700 десятина ерга пахта экиш имконини берган.

Минтақада энг йирик сув манбаларидан бири — Сирдарё Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин дарёси Тяньшань тоғларидан бошланиб, йўл-йўлакай бир неча сув тармоғини ўз ичига олади. У 40 км масофадан сўнг Мингбулоқ қишлоғида Қорадарё билан қўшилиб, Сирдарё номи билан аталган. Ундан Учқўрғон, Тўти, Кайка-1, Кайка-2, Хакилобод, Янгиариқ, Короскон, Рустамоғалиқ, Қумтўғон, Зарбоб, Давлатбой, Назаруздиҳон, Жидакенин сингари ариқлар чиқарилган. Қорадарёнинг чап ва ўнг қирғоқларидан эса Шаҳрихонсой, Андижонсой, Улуғнор, Чек Насриддинбек, Қўқон қишлоқ, Сази, Ҳайробоод ариқлари тортилган. Улардан ташқари тоғлардан тўппа-тўғри қишлоқлар ва шаҳарларга оқиб келадиган Кагарсой, Бозор қўрғонсой, Эси-пастсой, Подшоота, Сўх, Учқўрғонсой, Шохимардонсой, Исфара, Окбўри, Арвоҳсой ва Қирғизота ариқлари бўлган. XX асрнинг бошларида Фарғона вилоятида 36 та суғориш тармоғи мавжуд эди. Уни жануби-шарқий томондаги Исфара, Сўх, Сари Қўрғон, Авгон, Воҳ, Қора қуржин ва Окқўрғон сингари тармоқлар асосан Қўқон уездини сув билан таъминлаб турган.

Вилоятнинг жануб ва жануби-шарқий томонларидаги тоғлардан келадиган ариқлар, хусусан, Шохимардон ва Улуғнор ариқлари Марғилон уездини, Тара, Қоракўлжа, Ясси Кугарт, Чапкент, Қора Унгара, Шойдон, Мойли-Избоскан каби ариқлар Андижон уезди томон оққан.

Норин дарёсидан оқадиган Подшоота, Қизилота, Олабуқа, Ашча, Хрют, Сумсар, Кўксерек, Чодак ва бошқа ариқлар Наманган уездини қамраб олган. Бу сув тармоқлари вилоятга жон киргизиб, пахта ва бошқа дехқончилик маҳсулотларини етиштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бизнинг ихтиёримизда ўша сув тармоқлари қанча экин майдонини суғориш қобилиятига эга эканлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд (3-жадвал).<sup>20</sup>

---

<sup>20</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1906 г. Скобелев, 1908. № 11 — 12.

1.	Исфара ва Ровот	50131
2.	Сўх	5247
3.	Шохимардон	58235
4.	Исфайром	68803
5.	Обшир	11018
6.	Араван	57976
7.	Оқбуран	100086
8.	Ясси ва Куршаб	176320
9.	Кугарт	17067
10.	Бозор Қўрғон	25461
11.	Мойли-Избоскан	20752
12.	Норин ва шохобчалари	67288
13.	Чортоқ ва сув шохобчалари	9315
14.	Пошшоота	32977
15.	Қизилота	16811
16.	Косон	27203
17.	Сумасар	9502
18.	Газин	25771
19.	Чодак	5102
20.	Ашт	9317
21.	Бободархон	3867 десятина

Бинобарин, жадвалда 1–4 ва 6–8 рақамларда кўрсатилган сув тармоқлари катта ҳажмлардаги ерларни суғориш имконига эга бўлган. Рус маъмурияти сунъий суғоришнинг ўлка ҳаётидаги ўрнини англаб, уни ривожлантириш лозимлигини императорга маълум қилиб борган. Чунончи Туркисон генерал-губернатори Вревский 1895–

1897 йиллар учун берган ҳисоботида шундай ёзади: «Сунъий суғоришни тартибга солиш ва уни ривожлантириб бориш деҳқончилик вазирлигининг, маҳаллий ташкилотларнинг асосий вазифаси бўлиши лозим. Чунки фақат шу йўл билангина Туркистондаги давлат ерларининг даромадини ошириш мумкин. Шу билан бир қаторда ўлкадаги ерлардан катта даромад олишни таъминлаб, саноат ва савдони чет эл қарамликдан озод қилиш мумкин».<sup>21</sup>

Хуллас, сув ҳўжалигининг барча тармоқлари назорат остига олиниб, Туркистон генерал-губернаторлиги қошида ва вилоятларда ер ва ирригациянинг бошқарувиغا алоҳида мансаб лавозими таъсис этилди.<sup>22</sup>

1895 йилда Фарғона вилоятидаги Учқўрғон ариғини кенгайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланиб, деҳқончилик ва мулкчилик вазирликларининг ҳисобидан ишга киришилган. Бирок, темир йўл қурилиши ва ишчи кучига тўланадиган ҳақнинг ошиши муносабати билан иш деярлик тўхтаб қолган. Бундан ташқари рус маъмурияти суғориш тармоқларини ривожлантириш мақсадида Қорадарёдан сув чиқариб, 16250 десятина ерни ўзлаштириш лойиҳасини тузган. Аммо ҳукумат томонидан маблағ етарли даражада берилмаганлиги сабабли иш тўлиқ амалга ошмади.

Шунга қарамай, ўлка маъмурияти сунъий суғоришни ривожлантириш зарурлигини ҳукуматдан сўрайверди. «Фарғона вилоятининг иқлим шароити ва тупроғининг ўзи, — деб ёзган эди ҳарбий губернатор Чайковский, — тўқимачилик саноатининг энг қимматли хом ашёси бўлмиш пахтачилик талабларига яхши жавоб беради. Негаки, бу ердаги деҳқончилик ўсимликларини сунъий суғоришсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис, сув тармоқларини кенгайтириш ва янги каналларни қуриш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Шундай қилинса, саноатни хом ашё билан таъминлаш ва рус посёлкаларини кўпайтириш имкони туғилади».<sup>23</sup>

Шунингдек, Чайковский янги ерларни ўзлаштириш катта харажатлар талаб қилишини, лекин ернинг унум-

<sup>21</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3. Д. 239. Л. 20.

<sup>22</sup> *Ўша жойда* 17-бет.

<sup>23</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3., Д. 320, л. 10.

дорлиги туфайли улар тез орада копланишини уктириб ўтган.<sup>24</sup>

Кўриниб турибдики, у сунъий суғоришнинг ривожлантирилиши янги ерларни ўзлаштириш, дехкончилик маҳсулотлари, хусусан, пахта хом ашёсини кўпайтириш имконини бериш билан бир вақтда, Фарғона водийсига кўплаб русларни кўчириб келтиришга шароит яратишини ҳам ҳукуматга маълум қилган.

Рус маъмурияти вакилларининг сунъий суғоришни ривожлантириш ҳақидаги талаблари бежиз эмас эди, албатта. Чунки Россиянинг пахта конига айланиб бораётган Фарғона вилоятида жон бошига тўғри келадиган суғориладиган майдони жуда оз бўлган (4-жадвал).<sup>25</sup>

#### 4-жадвал

Уездлар	Волостлар номи	Аҳоли сони	Жами	Суғориладиган ерлар	Суғорилмаган ва яроқсиз ерлар	Жон бошига тўғри келадиган суғориш майдони
		десят.	десят.	десят.	десят.	десят.
Марғилон уезди	Файзобод	22352	36250	12277	23973	0,54
	Ёзёвон	23720	39875	18495	21380	0,77
	Яккатут	22454	32375	19825	12550	0,88
	Олтиарик	20376	24625	8786	15839	0,43
	Чимён	22280	69125	20931	48194	0,94
	Аввал	11123	39632	14636	24996	1,31
	Найман	11781	496125	6686	489939	0,57
	Ёвкесак	4560	178375	5218	173157	1,14
	Бўстон	13145	12375	9889	2486	0,75
	Қува	13866	28375	12285	13090	1,10
	Кўконкишлоқ	14720	16875	10726	6149	0,72
	Қоратепа	22813	32000	16763	15237	0,73
	Чавкент	11350	10750	7880	2870	0,69
	Шахрихон	17137	10125	6891	3234	0,40
Сегазин	11581	25875	6994	16881	0,77	

<sup>24</sup> *Ўша жойда.*

<sup>25</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3, Д. 320, Л.4.

	Асака	16292	23250	8121	1129	0,49
	Кулин	9634	40500	12034	30266	1,06
	Араван	17675	257750	12791	244959	0,72
	Мархамат					
	Ичкелин					
	<b>Жами:</b>	286.859	1.374.257	214.428	1.159.829	0,74
Қўкон уезди	Араван	14326	7375	4352	3023	0,30
	Ганжиравон	15480	5375	4652	723	0,30
	Қайнар	19549	15125	6459	8666	0,33
	Кенагаз	11422	25500	4928	20572	0,43
	Кудаш	10170	15250	7111	8139	0,70
	Чирчиқ	10300	13625	7488	6137	0,72
	Жидин	13907	24625	7488	17147	0,53
	Жанжал	6596	29500	4287	25213	0,65
	Қилчок	17485	109750	5610	104140	0,32
	Қорақал- поксой	7346	47125	3864	43261	0,52
	Сўх	17970	25250	9633	15617	0,53
	Риштон	19590	34625	10101	24524	0,51
	Задан	15379	28080	6936	21144	0,45
	Янгиқўрғон	11250	38125	5370	32755	0,48
	Ултарма	16854	15650	7259	8391	0,43
	Бабайдин	11553	6375	5477	898	0,47
	Найман	6730	346250	12186	334064	1,81
	Нагуткип- чок	4207	266125	6900	259225	0,64
	Лайлак	15358	190875	7698	183177	0,50
	Исфарин	13780	45000	3120	41880	0,23
Конибодом	14936	27875	6280	21595	0,42	
Яйпан	13124	34000	7035	26965	0,53	
Бешариқ	7522	30125	5054	25071	0,69	
	<b>Жами:</b>	288.844	1.381.605	149.278	1.232.327	0,51
Андижон уезди	Хокент	14972	8250	5355	289	0,36
	Ёрбош	12910	26750	10158	16592	0,78
	Олтинқўл	19254	13875	10330	3545	0,53
	Балиқчи	22858	43750	19859	29891	0,86
	Жалакудук	9015	16625	5741	10884	0,64
	Қўрғонтепа	18381	23125	12568	10557	0,68
	Ойим	18350	13250	8160	5090	0,44
	Қорасув	12137	10276	3399	6877	0,28
	Мойли	22413	197152	19543	177582	87
Избоскан	14556	28250	22513	5737	0,54	

Ҳаққулобод	16726	28125	18576	9549	1,11
Норин	9039	256500	—	256500	—
Кенкулқурачир	19911	31750	11551	20199	0,58
Жалолобод	31830	497125	13780	483345	0,43
Ўзган	17138	203500	4144	199356	0,24
Кугарт	15811	171000	9406	161594	0,59
Бозорқўрғон	19220	58875	16998	41877	0,88
Қўқон кишлок	6186	21250	7229	13321	1,28
Новкент	12334	17125	11146	5979	0,90
Майгир	8110	509184	—	509184	—
Сусамир					
<b>Жами:</b>	321182	2181710	211159	1970554	0,65

Жадвалдаги рақамларни шарҳлашдан олдин, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, улар суғориладиган ерларнинг ҳар бир волостда бўйига жон бошига қанчадан тўғри келишини кўрсатувчи ноёб ҳужжатдир.

Шунинг учун ҳам жадвал тўла ҳолда келтирилди. Ўша рақамлардан кўринадики сув тармоқлари волостлар ва хўжаликлар бўйича бир хилда тақсимланмаган. Масалан, Марғилон уездига қарашли Чимён волостида жон бошига — 0,94, Яккатутда — 0,88, Ёзёвон ва Қулинда 0,77 десятина суғориладиган ер тўғри келган бўлса, бошқа волостларда, хусусан, Асакада 0,40, Файзиободда 0,54 десятинани ташкил қилган. Аввал, Қўқон кишлок, Марҳамат ва Яукесак-Бўстонда ер бир десятинадан ошган. Ўрта ҳисобда Марғилон уездида суғориладиган ер жон бошига 0,74 десятинадан тўғри келган.

Қўқон уездида ҳам жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ерларнинг ҳажми бир текисда бўлмай, айрим волостларда, жумладан, Найгут-Қипчоқда 1,81 ва Лайлакда 0,64 десятинани ташкил этган. Қолган волостларда энг ози — 0,32, 0,23, 0,42 ва ундан ортиқ десятинага борган. Ўрта ҳисобда Қўқон уездида суғориладиган ерлар жон бошига 0,51 десятинадан ошмаган.

Суғориладиган ерларнинг ҳажми, айниқса Андижон уездида кам бўлган. Бу ерда биргина Наукент ва Костида 1,28 десятинани ўз ичига олган бўлиб, бошқа ерларда 0,24, 0,43, 0,58, 0,59, Қўқон кишлокда 0,88 ва Майгирда 0,90 десятинадан иборат бўлган. Умуман олганда суғо-



риладиган ер Андижон уезида жон бошига ўртача 0,65 десятинадан тўғри келган.

Ўлкада сунъий суғориш бўйича амалий ишга нисбатан кидирув ва лойиҳалаш ишлари салмоқли бўлган. Масалан, Мирзачўлда сунъий суғоришни ривожлантириш бўйича Г.К. Ризенкампф, В. Чиков, Г.В. Ведоров, Е.К. Яков ва бошқалар янги ерларни ўзлаштириш таклифларини баён этиб, иш режаларини ва харитани ҳукумат вакилларига тавсия этдилар. Аммо бу режалар тўла амалга оширилмади. Фарғона водийсидаги сунъий суғориш бўйича кидирув ишларида ва лойиҳалар тузишда А.И. Ваейков, Н. Жилин, Н. Петров, Н. Королков, К. Синявский, Г. Ризенкампф ва бошқа мутахассислар катта хизмат қилдилар. Уларнинг фаолияти С. Жалиловнинг китобида баён этилганлиги учун уни атрофлича ёритишга ҳожат йўқ, албатта. Бундан ташқари улар томонидан тузилган лойиҳалар ва таклифлар қоғоздагина қолган эди. Бу хусусда масалани махсус ўрганган С. Жалилов қуйидагича ёзган: «Шундай қилиб, чоризм билан рус капиталистлари ўртасидаги янги ерларни ўзлаштириш ишини ташкил қилишга доир келишмовчиликлар, Чор ҳукуматининг хусусий ташаббускор ҳаракатига бепарқ қараганлиги, шунингдек Чор маъмурий идораларидаги сансоларлик ва бюрократизм кайфиятлари Фарғона водийсида йирик ирригация иншоотларини куриш ва катта майдонлардаги бўз ерларни ўзлаштириш режаларини амалга ошишига йўл бермади».<sup>26</sup>

Шунга қарамай, айрим таклиф ва лойиҳалар ҳақида фикр юритиш фойдадан холи бўлмайди. Бу борада 1878 йилда Фарғона водийсида суғоришнинг аҳволи билан танишган академик А. Миддендорфнинг фикр-мулоҳазалари диққатга сазовор. У, аввало хонлик даврида чала қолган ишларни тугатишни ва туб аҳолининг минг йиллик тажрибасига таянишни таклиф этди. Унинг фикрича, Норин ва Қорадарёлардан ариқ чиқариш ва Улуғнор ариғини кенгайтириш ҳамда сунъий суғориш харитаси тузилиши лозим эди. Сувни тақсимлаш учун барча катта-кичик ариқларга инженерлик иншоотларини куришни таклиф қилди. Унинг кўрсатишича, сунъий суғориш ишларини тартибга солиш ва назорат қилиш биринчи гал-

<sup>26</sup> Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиши тарихидан (XIX—XX аср бошлари). Т., 1977, 135-бет.

даги вазифадир. «Модомики, — деб ёзган эди у, — бизнинг давлатимиз чиқарган қарорга биноан у бутун Туркистон сувини ўз мулки деб эълон қилган экан, модомики, бу сувлардан озуқа воситалари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш зарур экан, ирригация иншоотларини ширкат ва уюшмалар қўлига топшириб қўйиш мумкин эмас экан ва у билан деҳқончиликка боп тупрокни суғориш жуда фойдали экан, у ҳолда тезликда ва ғайрат билан ишга киришиш кечиктириб бўлмайдиган бурч бўлиб қолади».<sup>27</sup>

Инженер Н.Жилин Улуғнор ариғини сув билан таъминлашга алоҳида аҳамият берди. У қуйидаги вазифаларни ўртага ташлади:<sup>28</sup>

1. Улуғнорнинг Тешиктошдаги тўғонини қайта қуриш ҳамда Тунгиотар тўғонини таъмирлаш.

2. Уни мунтазам сув билан таъминлаб туриш учун Андижоннинг шимолидаги Бобоғози ариғини Улуғнорга бирлаштириш, шולי экиш устидан назорат ўрнатиш.

Шу асосда айрим ишлар амалга оширилади. Чунончи, Улуғнор ариғининг маълум қисми тозаланиб, қирқоқлари дамба билан қўтарилиб, тошқин хавфининг олди олинади. Бобоғози ариғига тўғон қурилиб, Улуғнорга бурилади. Тунгиотар ва Тешиктош тўғонлари ҳам қайта қурилади. Аммо бу ишлар сунъий суғоришни маълум даражадагина тартибга солиб, уларга арзимаган маблағ (1100 сўм) сарфланган, холос. Маъмурият томонидан етарли даражада маблағ берилмаслиги сабабли Н. Жилиннинг Улуғнор ариғини талаб даражасида яхшилашга қаратилган лойиҳаси қолиб кетди. Маъмурият вакиллари анча харобага айланган Мусулмонкул ариғини халқ кучи билан бир оз бўлса-да, тикладилар ва оқибатда қишлоқларнинг сув билдан таъминланиши бирмунча яхшиланди. Шунингдек, Кампир Равотда, водийда энг йирик ҳисобланган Шаҳрихонсойни ва Андижонсойни мунтазам сув билан таъминлаш учун хашарлар уюштирилди. Бироқ, сунъий суғоришни ривожлантиришга қаратилган барча ишлар ниҳоясига етказилмади. Бунинг устига сув тошқинлари қилинган ишларга путур етказди.

XX аср бошларида ҳам сунъий суғоришни тартибга солиш ва ривожлантириш ҳаракатлари тўхтатилмади, ле-

---

<sup>27</sup> *Ўша жойда*, 79-бет.

<sup>28</sup> *Ўша жойда*, 83-бет.

кин марказий ҳукумат вакиллари бу ишга етарли даражада эътибор бермадилар. Бу вақтда Улуғнор ариғини тубдан яхшилашга қаратилган лойиҳа тузилиб, маблағ ажратишни сўраб Петербургга мурожаат қилинди. Бироқ, бу ерда ушбу масалага салбий жавоб олинди. Шундан кейин вилоятда иш юритиш асосан ўлкадаги рус маъмуриятининг таъсир доираси билан чегараланиб қолди. Ўлка генерал-губернаторининг кўрсатмасига биноан Улуғнор ариғининг давоми сифатида Балиқчи ариғини қазишга киришилди ва бу иш ниҳоясига етказилди. Шахрихонсойда ҳам сунъий суғоришлар анча тартибга солиниб, экин майдони 60 минг десятинага етди.

Кўрилаётган йилларда сунъий суғоришни ривожлантиришни ўз ичига олган 6 та лойиҳа тузилди. Уларни амалга ошириш бўйича ҳукумат идоралари ўртасида кўп ёзишмалар ва фикр алмашувлар бўлди. Пировардида 1914 йилда Туркистон ўлкасида сунъий суғоришни ривожлантириш масаласи Давлат Думасида муҳокама қилиниб, уни давлат ҳисобидан хал этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бироқ, шундан кейин ҳам аҳвол ўзгармади. Умуман айтганда, Туркистон ўлкасида пахтачилик асосан эскидан иш бериб келаётган сув тармоқларини маълум даражада тузатиш ва айрим ариқларни қазиш асосида ривожлантирилиб борилди.

Рус ҳукуматининг 1908—1915 йилларда ўлкадаги сув ҳўжалигига сарфлаган маблағи қуйидаги миқдорда бўлган: 1908 йил — 234.000 сўм, 1909 йил — 630.000, 1910 йил — 581.100, 1911 йил — 1.21 304, 1912 йил — 1.458 140, 1913 йил — 3.194 743, 1914 йил — 354 196 ва 1915 йил — 3.824 545 сўм.

Бинобарин, давлат томонидан ажратилган маблағ жуда оз бўлган. У маълум даражада солиқлар ҳисобига кўпайтирилган. Айниқса, ишни хашар усулида битириш кенг тарқалган эди. Ўн минглаб кишилар ўзларини иш қуроли ва озиқ-овқатлари билан сунъий суғориш тармоқларида ойлаб азоб-уқубатда ишлаган.

Шу тарзда, асосан халқнинг кучи билан сунъий суғориш тармоқлари ўз самарасини бериб турди. 1917 йилда ўлкадаги суғориладиган ерларнинг майдони сув хавзалари бўйича қуйидагича тақсимланган:

Сирдарё хавзасида — 245.000 Чирчик, Келес, Куру-Келес, Охангаронда — 225.000, Талас, Авлиёота округида — 140.000, Чу дарёси бўйича — 141.000, Ис-

сиккўл бўйича — 70.000, Балхаш кўли бўйича — 297.000, Санзор ариғи бўйича — 106.000, Зарафшон ва Каттакўрғонда — 393.000, Мурғоб ва Тежен арик-лари бўйича — 172.000, Амударё бўйича — 64.000 десятина, жами 2.853000 десятина.

Демак, ўлкада Сирдарё, Зарафшон ва Чирчик дарё-ларидан кўп сувни олиниши натижасида экин майдонла-рининг ҳажми бошқа жойдагиларга нисбатан анча юқори ҳисобланган. Олдинги саҳифаларда таъкидланганидек, сунъий суғоришни тузатиш ва тозалаш ишларининг бу-тун оғирлиги тамомила аҳолининг зиммасига тушган. Ман-баларнинг кўрсатишича, халқ оддий солиқлардан ташка-ри чигирткага қарши курашга, йўлларни ва кўприкларни ҳамда сунъий суғоришларни тузатишга сарфланадиган харажатларни ўз ичига олган уч хил солиқни тўлаб турди. Уларнинг орасида, айниқса, «Ирригационные по-винности» (Сунъий суғориш солиғи) оғир бўлган. Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар гувоҳлик беради<sup>29</sup> (5-жад-вал).

**5-жадвал**

Вилоятлар ва уездлар	Хонадон- лар сони	Ишловчи- лар сони	Меҳнат қиймати (сўм ҳисобида)	Сарфлан- ган нарсалар (сўм ҳисобида)	Сув солиғи- нинг қиймати (сўм ҳисобида)
<i>Сирдарё вилояти:</i>					
Тошкент	49845	132708	92896	5200	98096
Чимкент	56562	128256	76953	6590	83543
Овулота	40587	162054	97232	4689	101921
Перов	14057	24349	12175	—	12175
Казалин	15000	54362	27181	—	27181

<sup>29</sup> Пален К.К. Земское хозяйство. СПб, 1910. С.134.

Амударё бўлими	20498	798163	399081	—	399081
<b>Жами</b>	197549	1299892	705518	16479	721997
<i>Фаргона вилояти:</i>					
Марғилон	68731	59961	48114	15118	63232
Андижон	45568	50330	40260	29620	69880
Наманган	77421	92113	71279	17003	88282
Қўқон	71912	38420	30735	3598	34333
Ўш	23053	18687	11207	5454	16661
<b>Жами</b>	286685	259511	201595	70793	272388
<i>Самарқанд вилояти:</i>					
Самарқанд	62573	70240	45931	10150	56081
Каттақўрғон	32690	47344	31562	5886	37448
Жиззах	24557	9006	5436	578	6014
Ҳожикент	23265	42283	28155	2002	30157
<b>Жами</b>	143085	168873	111084	18616	129700
Уч вилоят бўйича жами	627319	1728276	1018197	105888	1124085

Шундай қилиб, сунъий суғориш ишларига ҳар йили жалб қилинган иш меҳнатининг пул ҳисобида 1018197 сўм, ёғоч, шох-қамич ва бошқа нарсаларга 105.888 сўм сарфланган. Сув солиғининг умумий қиймати 1.124.085 сўм ҳисобланган.

XIX асрни охирлари — XX аср бошларида сунъий суғоришдаги янгиликлардан бири моторлар, яъни насослар ёрдамида сувни экин майдонларига чиқариш бўлган.

Ўлкада бундай насосларнинг умумий сони 99 та бўлиб, 73 таси Фарғона, 20 таси Каспийорти вилоятларида ўрнатилган эди. Қўқон ва Наманган уездларида 16 500 десятина ер насос воситасида суғорилганлиги маълум. Ўлкада сунъий суғориш ишларини бошқариш учун Туркистон генерал-губернаторлиги қошида амалдорлик лавозими жорий этилган эди. Вилоятларда ирригация бўйича бошлиқ ва унинг ёрдамчиси — техниклар бўлиб, улар уездлар бошлиғи билан биргаликда иш юритганлар. Булардан ташқари сунъий суғориш ишлари билан «кўкбоши», мироблар ва ариқ оксоқоллари шуғулланган. Масалан, Фарғона вилоятида 57 нафар оксоқол, 1500 нафар мироб ва 2 нафар техник ишлаган. Оксоқоллар маъмуриятдан маош билан таъминланиб турилган. Масалан, 1906 йилда уларга Қўқон уездида 4672 сўм, Марғилонда 9039, Наманганда 10 812 ва Ўшда 1393 сўм, жами 32 214 сўм маош тўланган. Миробларга ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳосил даражасига муносиб равишда бериларди. Миробларга ойига 30 сўм тўланган. Сунъий суғориш ишларининг барча оғирлиги ва азоб-укубатлари халқ зиммасига тушди. Уни тузатиш ва таъмирлаш учун текин ишчи кучидан фойдаланишдан ташқари «ирригационные повинности» солиғи жорий этилди ва халқ янада кўпроқ жабр чекди. Бу Чор ҳукумати мустамлакачилик сиёсатининг кўринишларидан бири сифатида намоён бўлди. Бу ҳақида давлат ҳисобидан йўлга қўйилган сунъий суғориш районларида рус посёлкаларининг юзага келиши ҳам далолат беради. Чунончи, ўша янги ўзлаштирилган ернинг сунъий суғориш тармоқлари атрофида асосан рус посёлкалари ташкил этилди. Шунга ўхшаш ҳолат Тошкент уездида ҳам кўзга ташланади.

Суғориладиган ерлар вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимланган.

Вилоятлар	XIX аср охирларида (десят.)	1915 йилда (десят.)
Фарғона	840.000	1.032.000
Сирдарё	635.000	578.000
Самарқанд	480.000	499.000

Егтисув	703.000	308.000
Каспийорти	150.000	172.000
Амударё бўлими	—	64.000
<b>Жами</b>	<b>2.808.000</b>	<b>2.853.000</b>

1915 йилда Суғориладиган ерлар бўйича Фарғона (1.032.000 десят.) биринчи, Сирдарё (578.000 десят.) иккинчи ўринни эгаллаган. Жамланганда суғориладиган ерларнинг ҳажми 2.853.000 десятина ҳисобланади. Чор ҳукумати даврида ўлкада 70 минг десятина ерни ўзлаштиришга эришилди, холос.

Чор ҳукумати кўпроқ хонликлар давридан қолган сунъий суғориш тармоқларини маълум даражада кенгайтириш ва таъмирлаш ҳисобига пахтачиликни ривожлантиришга ҳаракат қилган эди.

### **Америка пахта навларининг иқлимлаштирилиши**

Россияда ривожланиб бораётган тўқимачилик саноати учун пахта катта ҳаражатлар эвазига, асосан Америкадан келтириларди. Шу боис, Чор ҳукумати ва капиталистлар ўзбек пахтасини қўлга киритиб, катта даромад эгаси бўлиш учун ҳеч нарсадан тоймадилар. Бироқ, орзиқиб қутилган мақсадга бирданига эришиб бўлмади. Чунки Туркистондаги пахта тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб беролмас эди. Бу ерда узок асрлардан буён маҳаллий «ғўза» пахтаси етиштирилиб, улар «малла ғўза» ва «қизил пўчоқ» номларида юритиларди. «Қизил пўчоқ» пахтасининг чигити анча йирик ва толаси оқ рангда бўлган, унинг танаси қизғишлиги учун «қизил пўчоқ» дейилган. Толасининг узунлиги 22—23 мм га борган. «Малла ғўза»нинг ранги сариқ — қизғишроқ бўлиб, чигити майда, чаноклари сони жихатидан бошқа пахта навларига нисбатан кўп бўлган. Маҳаллий «ғўза» пахта-ларининг орасида Хива хонлигида етиштириладиган пахта ўзининг сифати ва майинлиги жихатидан устунлик қилган. Бу нав толасининг узунлиги ўрта ҳисобда 20 мм бўлиб, оқ рангли бўлган. Ўша давр мутахассисларининг фикрича, Хива пахтаси Америка пахтасидан қолишмаган. Бироқ, у кам ҳосилли эди.

Тошкент, Фарғона водийси ва Бухорода етиштирилдиган «ғўза» пахталари аслида бир-бирдан унчалик фарк қилмаган. Бирок, Бухоро пахтаси бир оз сифатлироқ ва толаси узунроқ эди. Умуман олганда маҳаллий «ғўза» пахтаси ҳунармандчилик тўқимачилиги ва маҳаллий газламалар ишлаб чиқаришга мослашган бўлиб, кўп асрлар мобайнида ички ва ташқи бозор талабини қондириб келган. Унинг маҳаллий иқлим шароитига мос тушадиган томонлари ҳам бор эди. Пахта пишиб етилганда, чанокнинг тўла очилмаслиги шамол пайтларида ҳосилнинг ерга тўкилиши ва нобуд бўлишидан сақлаган. Шунингдек, чанг-тўзонлардан ҳам асраган. Булардан ташқари, маҳаллий пахтанинг камсувликка чидамлилиги уни сув камроқ пайтларда ҳам етиштириш имконини берган. Ҳосилга кирганда чаноклари териб олиниб, сўнгра улардан пахта қўлда ажратиб олинган. Замон тақозосига кўра, «ғўза» пахтаси ўзининг камҳосиллилиги ва толасининг калталиги билан тўқимачилик саноатига мос тушмай, Америка пахтаси билан рақобат қила олмай қолди. Бу ҳолат ўлкани рус давлати босиб олишидан олдиноқ, савдогарлар, ҳунармандлар доираларининг айрим вакилларига аён бўлган. Улар ўзбек пахтасини рус тўқимачилик саноати талабларига мослаштириб, даромадни оширишни кўзлаб, Америка пахта навини ўлкада иқлимлаштиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, XIX асрнинг ўрталарида йирик савдогар Х. Сайидумаров Америка пахта нави уруғини Россия орқали Бухорога келтириб эккан. Унинг бу ҳаракати самарали бўлиб, сифатли тола олишга эришган. Ҳатто, бу тола Нижний-Новгород ярмаркаларига олиб борилган. Лекин Бухорода пахта янги навининг ахамиятини ҳали яхши тушунмаганлиги сабабли, у ўз-ўзидан қолиб кетган. 1868—1869 йилларда Тошкентда, Хўжандда ва Самарқандда Ҳожиюнусов ва Спридонов деган кишилар Америка ҳамда Миср пахта навларини иқлимлаштиришга ҳаракат қилганлар, натижада ундан яхши ҳосил етиштирилган.<sup>30</sup>

Ўша йили рус матбуоти қандай бўлмасин. Туркистон ўлкасида пахтачиликни ривожлантиришга даъват этди: «Пахта етиштириш саноатининг биринчи тармоғи сифатида катта диққат-эътиборга лойиқдир. Ҳозирда бизда Бу-

<sup>30</sup> «Голос», 1870, № 165.



хоро номида юритилади-  
ган пахта Американикига  
нисбатан арзон тушмоқ-  
да».<sup>31</sup>

Бинобарин, рус давла-  
тининг ўлкадаги ҳукмрон-  
лигининг дастлабки йил-  
ларидаёқ ўзбек пахтаси  
унга фойда келтира бош-  
лаган. Шунинг учун ҳам  
бошқа газетада: «Турки-  
стон бой ўлка ҳисобланиб,  
кумуш, олтин, темир,  
қўмир ва қимматли тош-  
ларга эгадир. Аммо ўлка-  
нинг тугаб-битмас бойли-  
ги пахта ва ипакдир.  
Ҳозирда булар ривожлан-  
тирилмаган бўлса-да, ле-  
кин, ақл ва идрок билан  
иш юритилиб такомил-  
лаштирилса, Россиянинг  
фабрикалари пахта ва  
ипак билан таъминланади  
ҳамда уларни четдан олишга  
эҳтиёжи қолмайди» деб ёзилган эди.<sup>32</sup>



Америка «Упланд» пахта нави

Рус давлатининг ҳукмрон доиралари ва капиталист-  
ларининг икки қўзи Туркистон пахтасига тикилиб қол-  
ди. Улар биринчи навбатда Америка пахтасини иқлим-  
лаштиришга қаратилган чораларни амалга ошириб бор-  
дилар.

Бу ишни биринчи бўлиб, Н.Н. Раевский деган киши  
бошлаб юборди. У даставвал Қримда Америка пахтаси-  
ни иқлимлаштириш устида тажриба ўтказди. 1866 йилда  
эса пахтачиликни иқлимлаштиришни ўйлаб, Туркистон  
генерал-губернаторига Америка пахтасининг уруғи ва  
«пахтани етиштириш усуллари» қўлланмасини жўнатган  
эди. Айрим маълумотларга кўра, ўша йили Америка пах-  
та чигити экиш учун Тошкентга ҳам юборилган. 1868  
йилда Туркистон генерал-губернатори Кауфман Америка  
пахтасининг уруғини бепул тарқатиш ҳақида кўрсатма

<sup>31</sup> «Русский Вестник». 1868. С.364.

<sup>32</sup> «Биржевые ведомости», 1867, №11.

берган.<sup>33</sup> 1869 йилда Н.Н. Раевский «Россияда ва қўшни шарқ мамлакатларида пахтачиликнинг ривожланиши» мавзуси бўйича маъруза ўқиди.<sup>34</sup> У Россияга Туркистондан пахта келтирилишининг ўта қулай ва фойдали эканлигини исботлаб берди. Унинг сўзига кўра, Россияга ҳар йили жами 3.088.285 пуд (42.710.136 сўмлик) пахта келтирилиб турилган. Шундан 2.449.043 пуд пахта (36.735.645 сўмлик) Европа чегараси орқали олиб келинган. Қолган 639.192 пуд пахта (59.7191 сўмлик) шарқ мамлакатларидан олинган. Шу тариқа Шарқ пахтаси 21 фоизни, Европа орқали келтирилгани 79 фоизни ташкил этган.<sup>35</sup> Бундай катта ҳажмдаги пахтани сотиб олиш учун ўн миллион сўмлаб маблағ сарфланган. Бунинг устига Россияда савдо флоти бўлмаганлиги сабабли пахта Европа мамлакатларининг флоти ва темир йўлларида олиб кетилганлиги учун йўл ҳақи кўп кетган. Уруш вақтларида эса пахтани келтириш узилиб ёки камайиб кетиши натижасида саноат тўхтаган ва катта зиён кўрилган. Н.Н. Раевский буларни ҳисобга олган ҳолда Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш Россия учун бекиёс катта фойда келтиришини уқтириб ўтади<sup>36</sup>. У берган маълумотга кўра, 1866 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан Россияга ҳаммаси бўлиб 408.703 пуд пахта келтирилган. Бу пахтанинг биринчи қўлдан сотиб олинганлиги ва ҳақининг маълум қисми газлама билан тўланганлиги катта фойда келтирган. Бу ҳолат, — дейди Н.Н. Раевский, — Россия иқтисодини ва саноатини ривожлантиришга ижобий таъсир этиши турган гап. У ўз маърузасида қандай бўлмасин, ўлкада Америка пахтасини етиштиришга киришишга даъват этди<sup>37</sup> ҳамда Америка, Миср ва бошқа жойлардан мутахассисларни чақиришни, пахтани етиштиришга бағишланган қўлланмаларни рус ва ўзбек тилларида чоп этишни таклиф қилди. Шунингдек, пахта тажриба плантацияларини очишга, уруғчиликни йўлга қўйиш ва мутахассисларни тайёрлашга эътиборни жалб этди. У ўлкага пахтани тозалайдиган ва чигитни

<sup>33</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. Ф.1, 16-рўйхат, 1701 иш, 13-бет.

<sup>34</sup> «Биржевые ведомости», 1869, №340.

<sup>35</sup> *Ўша жойда.*

<sup>36</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. Ф.1. 16-рўйхат, 1701 иш, 14-бет.

<sup>37</sup> *Ўша жойда.*

ажратиб оладиган машиналарни келтириш масаласини кўтарди. Н.Н. Раевский «Россия ва Ўрта Осиёда пахтачиликни ривожлантириш комитети» тузишни таклиф қилди. Комитет ишига саноат корхоналари эгалари ва умуман пахтадан манфаатдор бўлган кишилар киритилиши таъкидланди. Комитет Тошкент, Самарқанд ва бошқа жойларда ўз вакилларига эга бўлиши керак эди. Н.Н. Раевский Туркистонда ва Кавказда пахтачиликни ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни берди:

1. Пахта тажриба плантацияларини бир неча йил мобайнида ер солиғидан озод этиш.

2. Етиштирилган энг яхши пахта нави учун йиллик пул мукофотлари бериш.

3. Туркистонда ва Кавказда ҳар йили пахтага бағишланган кўргазма очиш.

4. Пахта етиштириш билан шуғулланувчиларга қарз бериш учун алоҳида маблағ ажратиш.

5. Чет мамлакатлардан пахта ва чигитни ажратиб оладиган машиналар харид учун пул ажратиш.

6. Пахта етиштиришни яхши ўзлаштириш ва билимни ошириш учун бир неча ёшларни чет мамлакатларга юбориш ҳамда хориждан пахтачиликни яхши биладиган кишиларни чақириш.

7. Туркистон ва Кавказда пахта тажриба плантацияларини ташкил этиш.

Ҳокимият вакиллари мазкур таклифларни инobatга олган холда бир қатор чора-тадбирлар кўрди. Н.Н. Раевскийнинг Тошкентдаги идораси 1871 ва 1872 йилларда 200 пуд Америка пахтаси уруғини экиш учун текинга тарқатди. Натижада маълум даражада муваффақиятга эришилди. 1871 йилда Кауфман Москвада ташкил этилган кўргазмага қўйилган Тошкент пахтасининг сифатини белгилашни сўради. Шундан кейин махсус комиссия тузилди ва ўша пахта текширилди. Комиссия аъзолари бу пахтанинг сифати анча паст ва толаси калталиги ҳақида фикр билдирди. Кауфман улардан Туркистонда пахтачиликни ривожлантириш чора-тадбирларини тавсия этишни сўраган. 1871 йилда Самарқандда пахта тажриба станцияси очилиб, Си-Айленд номли Америка пахта нави уруғлари сепилди.<sup>38</sup> Кейинги йили Кауфман молия ва-

<sup>38</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. Ф.1. 16-рўйхат. 1701-иш. 14-бет.

зирлиги ва Шимолий Америка штатларидаги рус элчихонасининг ёрдами билан 200 пуд Си-Айленд пахта уруғини келтирди.<sup>39</sup> Уруғ Самарқанд пахта тажриба плантациясида экилди. Америка пахтасини етиштиришни ўзлаштириш учун у ерга юборилган, сўнгра ўлкага қайтган Г. Самолевскийнинг кўрсатишича, ўша экилган уруғ парваришни билмаслик туфайли биринчи йили яхши ҳосил бермаган.<sup>40</sup> Бу хато тузатилгач уруғ иккинчи йили экилишида жуда яхши натижа берган.<sup>41</sup> Бу пахта толасидан Серпухов ва Собин фабрикасида яхши газламалар тўқилган. Ҳатто, у Америка пахтасидан қолишмаган.<sup>42</sup>

Америка пахта навларини иқлимлаштириш сифатли тола олиш мумкинлигини кўрсатди. Шу боис, капиталистлар «Ўрта Осиё пахтачилик саноати ширкати» тузиш таклифини ўртага ташладилар. Улар Америка пахта навларини экишни тобора ривожлантириб боришни, моддий ва техникавий ёрдам беришни, пахтани тозалаш ва тойлаш масалаларини ҳал этишни уқтириб ўтдилар.<sup>43</sup>

Кўриниб турибдики, янги пахта навларини етиштириш билан бир қаторда саноат тармоқларини йўлга қўйиш ҳаракатлари ҳам бошлаб юборилди.

1871 йилда Зарафшон округининг бошлиғи генерал Абрамов ва Н.Н. Раевскийлар Самарқандда тажриба плантациясини ташкил этиб, Америка пахтасини экидилар ва ундан уруғ олинди. Бу плантация шахсан генерал Абрамовнинг маблағи ҳисобига бунёд этилган. Афтидан, бу ҳарбий бошлиқ даромадни кўзлаб, харажатларни бўйнига олган. Унинг ташаббусини Кауфман мамнуният билан қўллаб қувватлаган.<sup>44</sup> 1875 йилга келиб, 15 десятина ердан 30 пуд уруғ етиштиришга муваффақ бўлинди. Уруғ дехқонларга бепул улашилган.<sup>45</sup>

1875 йилда Тошкентда маҳаллий аҳоли орасида Америка пахтасини Мулла Йўлчи Тўйчибоев эккан. Бундай ҳаракатлар Бухорода ҳам бўлган. 1878 йилда Андижон, Наманган, Қўқон, ва Марғилонда Америка пахтаси таж-

---

<sup>39</sup> *Ўша жойда.*

<sup>40</sup> *Ўша жойда.*

<sup>41</sup> «Туркестанские ведомости». 1876, №50.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф,1. 16-рўйхат. 1701-иш. 14-бет.

<sup>43</sup> *Ўша жойда.*

<sup>44</sup> «Голос». 1875, №186.

<sup>45</sup> *Ўша жойда.*

риба сифатида экилган. 1876 йилда «И. Янов и К» номида 30.000 сўм маблағ билан ширкат тузилди. Америка навларини кенг қўламда тарқатиш, машиналар воситасида пахтани тозалаш ва тойлашни ҳамда чигитдан ёғ олишни мақсад қилиб қўйилди. Аммо ишбилармонларнинг ношудлиги туфайли ширкат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган.

Тошкентда Америка пахта навини иқлимлаштиришда 1875—1881 йилларда Н.Н.Коншин ва 1881—1885 йилларда «Кедрин ва К» фирмаларининг вакили сифатида хизмат қилган Г. Билянов ҳам фаол қатнашган. У пахтани сотиб олиш ва ўша фирмаларга топшириш билан машғул бўлган. Айти пайтда бошлиқлардан Америка пахта навини иқлимлаштириш билан шуғулланиш ҳақида топшириқ олган. Унинг кўрсатишича, 1879 йилнинг охирида Тошкентда Самолевский Америка пахта навини экиб, 129 пуд ҳосил олган. У бунинг ярмиси Америка пахта навидан, қолган ярмиси маҳаллий ғўзадан олинганлигини таъкидлаб, биринчи теримдагиси тиник, иккинчи теримдагиси эса, ёмғир ёққанлиги туфайли озгина сарғиш рангда бўлганлигини ёзган. У оқ рангли пахтани Москвага Н.Н. Кошинга текширтириш учун юборган.<sup>46</sup> Унга пахтанинг сифати Америкадан олинаётган пахтадан қолишмаслиги ҳақида жавоб хати юборилган. Шунингдек хатда унга Тошкент ва Қўқонда Америка пахта навини иқлимлаштириш билан шуғулланиш топширилган.

Шунга биноан Г.Белянов Тошкент шаҳри атрофидаги Қоплонбек деган жойда 30 десятин ерни ижарага олиб, унинг 10 десятинасига Орлеан номли Америка пахта навини ва 10 десятина ерга маҳаллий ғўзани эккан. Ҳосил яхши бўлиб, Америка навидан 170 пуд тоза тола олинган.<sup>47</sup> Бу муваффақиятдан руҳланган Г. Билянов Тошкент шаҳридаги Себзор даҳасига қарашли Тиконли мазор деган жойда 117 десятина ерни сотиб олиб, 1884 йилда Орлеан навини 30 десятина ва ғўзани 50 десятина ерга эккан. Бироқ, об-ҳавонинг ноқулай келиши сабабли ҳосил мўлжалдагидан жуда оз бўлган. Шунга қарамай Н. Билянов 1885 йилда ўша Орлеан пахта навини 90

---

<sup>46</sup> Билянов. Г. Возникновение посевов американского хлопчатника в Средней Азии. Под редакцией Е.Т. Смирнова. Т., 1896. С.175.

<sup>47</sup> *Ўша жойда*, 177-бет.

десятина ерга экиб, кониқарли натижага эришган. Унинг пахта майдони 80—90 йилларда 800 десятина ерни ташкил этган эди.<sup>48</sup> Бу вақтда, унинг кўрсатишича, тадбиркор С.И. Лахтин 80 десятина ерга пахта эккан.

Г. Билянов пахтачилик соҳасида олиб борган ишлари бўйича 1885 йил 15 декабрда пахтакорларнинг съездида маъруза ўқиб, ўзи етиштирган ва сотиб олган Америка пахта нави хом ашёсининг хажми ҳақида маълумот берган. Бунга кўра ундан 1879 йилда 129 пуд, 1880 йилда 202, 1881 йилда 309, 1882 йилда 369, 1883 йилда 706, 1884 йилда 3045 пуд пахта Россияга жўнатилган. С.И. Лахтин эса 1000 пуд пахта жўнатган. 1884 йилда Америка пахта навидан жами 4045 пуд ҳосил қўлга киритилган.<sup>49</sup>

Шу тариқа, Тошкентда Америка пахта навини иқлимлаштириш бўйича сезиларли даражада муваффақиятга эришилган эди. Бу ҳолат Москвадаги фабрика эгаларини қувонтириб, улар ўлкада Америка пахта навини иқлимлаштиришни ривожлантиришга даъват этдилар. Масалан, Н.Н. Кошин Г. Биляновга шундай хат ёзган: «Мен сизга олдинги хатимда Тошкентда Америка навидан олинган пахтанинг сифати ҳақида ёзган эдим. Энди пухта текширилгандан кейин тўла маълумот бераётирман. Текширув менга ва бошқа кишиларга тегишли фабрикаларда синовдан ўтказилган. Тошкент пахтаси шу даражада яхшики, Американикидан деярли қолишмайди. Тўғри, сифати бирмунча пастроқ, лекин баъзи юқори навларнинг ўрнини боса олади; нархи Американикидан 1—1,5 сўм фарқ қилади. Агар мана шу пахта кўп миқдорда етиштирилса, у вақтда Америка пахтасига нисбатан рақобат қила олади.

Шуни билингики, фабрикалар пахта хом ашёси канчалик кўп бўлса, шунчалик кўп фойда кўради. Шу боис сиз рус маъмурияти ва маҳаллий аҳоли билан гаплашиб, Америка пахта навини Тошкент ва Қўқонда кенг қўламда етиштиришни йўлга қўйинг. Агар Америкадан пахта чигитини келтириш зарурияти туғилса, менга хабар беринг, ёрдамимни аямайман. Ҳатто Америкадан пахта усаларини келтиришгача ҳаракат қилишга тайёрман».<sup>50</sup>

---

<sup>48</sup> *Ўша жойда.*

<sup>49</sup> *Ўша жойда*, 178-бет.

<sup>50</sup> *Ўша жойда*. 180-бет.

Демак, Америка пахта навини иқлимлаштириш ва мўмай даромадни қўлга киритиш савдо-саноат вакилларининг бошини чулғаб олган эди. Шу тариқа янги пахта навларини иқлимлаштириш борган сари кенгайиб бора-верди.

Тажрибалар келажакда уларни кенг қўламда тарқатишга ва яхши ҳосил олишдан дарак берди. Айниқса, Упланд номли Америка пахта навини иқлимлаштириш муваффақиятли ўтди. 1884 йилдан бошлаб Америка пахта навларини иқлимлаштиришга жадаллик билан киришилди. Ҳатто бу пахталарни парвариш қилиш усулларини ўз ичига олган рисола ўзбек тилида чоп этилди. В.И. Масальскийнинг ўша вақтларда тўплаган маълумотларига қўра, пахта тажриба станциялари ва плантацияларида Америка пахта навларини етиштириш борасида катта ишлар амалга оширилган. Чунончи, Тошкент шаҳрининг атрофларида Бедяковнинг 620 десятина, Тарсиннинг 200, Малининнинг 500, «Ярославль катта мануфактураси»нинг 400 десятинадан иборат плантациялари ташкил этилган эди. Рус плантациялари Тошкентдаги ерлари умумий майдонининг 20 фоизини ташкил этган. 1884 йилда бу плантацияларда Упланд Америка пахта навидан 10.000 пуд ҳосил олинган. 1885 йилда эса ҳосил миқдори 30.000 пудга етди. Тошкент плантацияларига агрономлар Г. Самолевский ва А. Вилькинслар раҳбарлик қилганлар.

Энг йирик плантация эгаси Биляковнинг ерларида ишлаган ўзбек деҳқонлари омов ва бошқа маҳаллий иш қуролларидан фойдаланганлар. Бир ой ишлайдиганларга 7—10 сўм, кунбайдагиларга 45—80 тийин ҳақ тўланган. Деҳқонларнинг асосий қисми Фарғона водийсидан келган. Ўша плантацияда Нев Орлеанс, Дихон Дунчанс, Мастадан, Пролифис сингари Упланд Америка пахта навлари етиштирилган. Плантацияда ғалла, қовун ва тарвузлар ҳам экилган. Бу ерда қурилган заводда пахта тозаланган ва тойланган.

М.М. Стефаницкийнинг ерлари плуг билан ҳайдалган, чигит эса қум ёки тупроқ билан булганган ва унга керосин сепилган. Бир пуд чигитга икки қадоқ керосин сарфланган.

Фарғона вилоятида ҳам рус пахта плантациялари юзга келган. Улар Марғилон уездида 80 десятина, Қўқонда 20, Андижонда 80, Наманганда 100 десятина майдондаги ерларни ўз ичига олган. Жами 500 десятина ҳисоб-

ланиб, умумий пахта майдонининг (50.000 десятина) бир фоизини ташкил этган. В.И. Томичнинг Марғилондаги плантациясида (20 дес.) Упланд Америка пахта навлари билан бир қаторда маҳаллий чигит уруғлари ҳам экилган. Биринчи навдан бир десятина ердан 62, иккинчисидан эса 42 пуд пахта ҳосили олинган. Пахта плантация эгасининг заводида тозаланиб ва тойланиб, Привислян губерниясидаги фабрикаларга жўнатишган. «Кудрин ва К шерикчилик плантацияси»да (150 дес.), 1890 йилда 50 десятинадан Америка пахта навлари асосан маҳаллий иш куруллари билан етиштирилган. Бу ерда ойликка ишлайдиганларга 8—9 сўм, уларнинг бошлиғига 15 сўм тўланган. Кунбай ишлайдиганлар 25—30 тийин олганлар. Плантацияда ойлик ишловчилар сони 14 нафар, кунбайликлар 10—70 нафаргача борган. Плантацияда иш яхши йўлга қўйилганлиги учун бир десятина ердан 60—70 пуд пахта олиш мумкин бўлган. Пахта шу ердаги заводда тозаланган ва тойланган. Самарқандда Мейерфорд фирмасига қарашли плантацияда 200 десятина ерга пахта экилган. Бу ернинг тупроғи жуда яхши бўлиб, сувга муҳтожлик бўлмаган. Плантациядаги ишлар янги агротехника асосида амалга оширилган. 1890 йилда ташкил қилинган бу плантацияни Америкада шу иш билан шуғулланган киши бошқарганлиги туфайли пахта етиштириш юқори даражада олиб борилган.

«Ярославл Катта мануфактура ширкати» Андижон уезида «Александровский Хутор» номида пахта плантациясини ташкил қилди. Бу Норин ва Қорадарё оралиғида жойлашган плантацияда асосан Американинг «Упланд» навларини иқлимлаштириш билан шуғулланган. Унинг умумий экин майдони 737 десятина ерни ўз ичига олиб, 300—350 десятинасида пахта етиштирилган. Экин майдонининг қолган қисмига буғдой, беда ва бошқа дехқончилик ўсимликлари экилган. Плантацияда Упланднинг қуйидаги навлари бўйича тажриба олиб борилган.

1. «Янги Орлеан» навининг сифати яхши бўлса-да, кечроқ етилган.

2. Қўк «Чудо»нинг толаси узун, юпка ва майин бўлиб чаноғи ва чигити йирик, эртароқ пишган.

3. Малла чигитнинг, ранги сарғиш, лекин толаси бошқа навларга нисбатан сифатсиз эди. Аммо эрта пишиб,



хосилдорлиги юқори бўлган, чигити туфайли тола яхши чиққан.

4. Қора чигит Миср пахтаси нави билан чапиштиришдан олинган. Бу нав эрта етилиб яхши тола берган. Аммо, хосилдорлиги оз эди.

Плантацияда кўрсатилган пахта навларидан ташқари Упланд навлари бўйича тажриба ўтказилган.

Хуллас, ўлкада пахтачиликдан мўмай даромад олиш мумкинлиги Россиядаги кишиларни шошириб қўйди. Кимнинг маблағи бўлса, ўзини пахтага урди. Туркистон маъмурияти номига пахта плантациялари учун ер ажратиб берилиши ҳақида аризалар кела бошлади. Натижада умрида бирон марта пахтачилик билан шуғулланмаган шахслар катта плантацияларга эга бўлдилар. Бунинг жонли гувоҳи бўлган В.И. Масальский шундай ёзган: «Туркистонни «пахта васвасаси» («хлопковая лихорадка») камраб олди. Савдогарлар, амалдорлар, офицерлар ҳамда маъмурият вакилларининг қайси бирида маблағ бўлса, плантациялар ва пахта тозаловчи корхоналарни барпо этишга муккадан кетди».<sup>51</sup>

Рус пахта плантацияларида мардикорлар ва чорикорлар ишлатилган. Ерни ишлаш ва пахтани етиштириш асосан паст агротехника усулида бажарилди. Бу ҳол пахта таннархини қимматлаштириб, кўп плантация эгаларига зиён келтирди. Айниқса, бундай ҳодиса об-ҳаво ноқулай келганда қаттиқ сезилди. Оқибатда айрим плантация эгалари пахтачиликдан бутунлай воз кечди ёки ерларини деҳқонларга ижарага беришга мажбур бўлдилар. XIX асрнинг охирларига келиб, рус плантацияларининг аксарияти ишни уддалай олмай, ўзларининг фаолиятларини тўхтатдилар.

Ўлкада асосан Америка Упланд пахта навлари негиз куйидаги пахта турлари етиштирилди: Навкинс, «маллачигит», кўк «Чудо», «Мамонт», Алленг-лонгстапле, Пет-Вилбарин, «Марв», Онк-Болле, «Тошкент», «Чимкент» ва бошқалар. Аммо бу пахта навларининг хосилдорлиги бир хил бўлмаган (*6-жадвал*).<sup>52</sup>

---

<sup>51</sup> В.И. Масальский. Хлопковое дело в Средней Азии. СПб. 1892. С.20.

<sup>52</sup> Отчеты по опытным полям Министерство земледелия и государственных имуществ в Туркестане за 1906 г. С.15.

«Упланд» навлари	Бир десяти- надан олинади- ган 1-ҳосил		Бир десяти- надан олинади- ган 2-ҳосил		Бир десяти- надан олинади- ган 3-ҳосил		Бир десяти- надан олинади- ган умумий ҳосил		Бир пуддан оли- нади- ган тола- нинг мик- дори	Тола- нинг фоиз ҳисоби
	П	Ф	П	Ф	П	Ф	П	Ф	Ф	%
Қора чигит	45	25	41	5	2	20	89	10	12,7	31,8
Кинг	48	9	40	3	3	10	91	22	13,5	33,7
Қўк чигит	39	35	30	30	2	10	72	35	12,1	30,2
Онк-бол	40	22	32	30	4	20	77	32	12,41	31,2
Петеркин	18	35	22	15	12	10	53	20	13,3	33,3
Навкинс	30	17	23	10	10	1	63	28	13,0	33,2
Русселс	20	2	29	30	4	30	54	22	13,0	32,7
Малла чигит	27	8	30	21	3	13	61	2	12,3	30,8

«Кинг» пахта нави ҳар жиҳатдан устун туриб, ундан ҳосил кўп олинган. Бир пуд пахтадан 13,5 фунт ёки 33,7 фоиз тола олинган. Бунинг устига тез етилиши билан ажралиб турган. У, айниқса Фарғона водийсига мос тушган.

Айтиб ўтиш лозимки, даставвал Америка пахта навлари тажриба станцияларида иқлимлаштирилиб, сўнгра синовдан ўтган уруғлар деҳқонларга улашилган. Бу борада, айниқса, Тошкент атрофида ўтказилган тажрибалар муҳим ўрин эгаллади. Бу жойларда ерларга Европа техникаси билан ишлов берилиши яхши натижалар келтирди. Масалан, М. Стефаницкий ва С. Тарсин плантацияларида пахтани етиштириш кўрсатилган усулда амалга оширилган. Бирок, бундай илғор ҳаракатлар барча плантацияларда қўлланилмай, кўпроқ маҳаллий деҳқончилик қуролларидан фойдаланилган. Айрим плантацияларнинг

ташаббуси билан янги агротехника усуллари татбиқ этилганлиги маълум. Бу борада Намангандаги «Пахтакўл» уруғчилик плантациясининг фаолиятини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу ерда Кинг, Алленг, кўк чигит, янги Колумбия, Аллен ва бошқа пахта навларидан яхши ҳосил ва уруғ олинган. Дехқонларга янги техникани ўзлаштиришга ёрдам берилган.<sup>53</sup> 1887 йилдан бошлаб Каспийорти вилоятида ҳам Америка пахта навларини иқлимлаштиришга киришилди. Ўша йили Император кўрсатмасига мувофиқ, Муғраб давлат плантацияси очилди. Шундан кейин 1100 десятина майдон ўзлаштирилиб, 470 десятина ерга пахта экилди. Кейинги йилларда экин майдони кенгайиб, 8930 десятинага етди. Шундан 5583 десятина-сига пахта экилди. 1911 йилга келиб, экин майдони 19000 десятинага ортиб, 1100 десятинаси пахта учун ажратилди. Экин майдонлари қисмларга тақсимланиб, 53 таси русларга, 117 таси туб аҳолига ижарага берилган.<sup>54</sup> Плантацияда Америка пахта навлари иқлимлаштирилди ва уруғлари дехқонларга тарқатилди. Хатто, унинг қошида пахта тозалаш, ёғ, қанд заводлари қурилди.

«Департамент земледелия» бошқармаси Америка пахта навини тарқатиш ва пахтачиликни ташкил этишга қаратилган чораларни амалга ошириб борди. Унинг ташаббуси билан 1896 йилда Марвда пахтачилик бўйича инструкторлик лавозими таъсис қилинди. Шунингдек, ўлканинг кўп жойларида намунали тажриба плантациялари ишга туширилиб, янги пахта навларини тарқатиш кучайиб борди. Чунки уларнинг ҳосили ва сифати яхши бўлган.

Бир десятина ердан	Маҳаллий пахтадан	Америка пахтасидан
ҳосилнинг етилиш муддати	150 кун	128 кун
биринчи терим	39,0%	71,2%
ҳосилдорлик	77 пуд	127 пуд
толанинг чиқиши	27,0 – 29%	31,0 – 36%
толанинг узунлиги	20,0 – 23,5 мм	23,2 – 24,8 мм
даромад	290 сўм	486 сўм

<sup>53</sup> Туркестанское сельское хозяйство, 1913. №.1. С.40.

<sup>54</sup> Чапаковский К.А. Отчет о командировке в Муграбское государственное имение. Т., 1913. С. 23.

Демак, маҳаллий пахта хосили 150 кунда, Американики эса 128 кунда етилган. Биринчисида толанинг узунлиги 20,0 – 23,5 мм ва иккинчисида 23,2 – 24,8 мм эди.

Америка пахтасининг нархи ҳам юқори эди. Унинг бир пуди бозорда ўрта ҳисобда 5 сўм 5 тийиндан 7 сўм 60 тийингача, маҳаллий пахтаники 4 сўм 60 тийиндан 6 сўм 70 тийингача сотилган. Айниқса, кишлоқ хўжалиги техникаси келтирилиши ва уларни сақлаш учун омборларнинг қурилиши диққатга сазовордир. Булар 1900 йилдан бошлаб Тошкент, Авлиёота, Андижон ва Самарқандда юзага келди. Ўлкада пахта майдонларига раҳбарлик қилиш учун учта инструктор тайинланди. Бундан ташқари ҳар бир вилоят ҳокимлиги қошида кишлоқ хўжалиги бўйича мансабдор киши тайинланиб, зиммасига пахтачиликни назорат қилиб туриш вазифаси юклатилди. Пахтачиликни илмий асосда ривожлантириш мақсадида мутахассис ва олимларнинг иштирокида съездлар ўтказилиб турилди. Бундай съезд 1884, 1885, 1903 йилларда Тошкент, 1904 йилда эса Кавказортида очилди. Тошкент съездида сунъий суғоришни тартибга солиш ва шолчиликни қисқартириш тавсия этилди. Съезд тажриба станциялари ва инструкторларнинг сони кўпайтирилишини, пахта уруғлари имтиёзли равишда тарқатилиши ва янги ерлар ўзлаштирилишини талаб қилди. Шунингдек, съездда пахтакорларга қарз берилишига, пахта савдосини ва ишчи кучларини тартибга солишга доир масалалар ўртага ташланди. Съездларга чор ҳукумати вакиллари катта аҳамият берган. Масалан, 1885 йилдаги съездга шахсан Туркистон генерал-губернатори раислик қилган. Унда манфаатлари пахтага боғлиқ 50 киши ва ўзбек пахтакорларидан 30 одам қатнашган эди.

1907 йилда пахтачиликни ривожлантиришга доир вазифаларни амалга ошириш мақсадида «Пахта комитети» тузилди. 1911 йилда барча вилоятларнинг ҳокимлигида дехқонларга агрономия хизмати кўрсатувчи «Агрономия ташкилоти» юзага келди.

1902 йилда Тошкентда ва Тифлизда иш юритган съездда пахтага боғлиқ кўп кишилар қатнашиб, пахтачиликни ривожлантиришни таъминлайдиган дастур қабул қилинди. Бунда пахта майдонларини тобора кенгайтиришга, пахта савдосини такомиллаштириш ва ишчи кучи билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш таъкидланди. Съезднинг қарорига биноан Мирзачўл ва Андижондаги тажри-

ба участкалари кучайтирилди ҳамда Фарғонада уруғчилик станцияси, Каттакўрғон ва Амударё бўлимида тажриба участкалари очилди.

Хуллас, XX асрнинг 80—90-йилларида рус ҳукумати ва савдо-саноат вакиллари ўлкада пахтанинг янги навларини иқлимлаштириш асосида уни ривожлантиришга эришган бўлсалар-да, лекин пахта асосан эски суғориладиган ерларда етиштирилди.

Америка пахтасини иқлимлаштиришда ва тарқатишда ўзбек деҳқонларининг тажрибаси ва меҳнати муҳим ўрин эгаллаган. «Туб аҳоли, — деб ёзган эди Давлат Думасининг аъзоси Н. Скалозубов, — экинларни етиштириш ва хўжаликни юритишдаги ўз тажрибалари билан русларга катта ёрдам беришлари турган гап. Туб аҳолининг кўп асрлик тажрибаси ва моҳирлигини тан олмаслик нодонликдир».<sup>55</sup>

Дарҳақиқат, барча тажриба пахта станцияларида, плантацияларда, шу жумладан ўзларига қарашли ерларда ҳам Америка пахта навларини иқлимлаштиришдаги оғирликлар асосан деҳқонлар зиммасида бўлган. Уларнинг бой тажрибаларисиз пахтачиликни ривожлантириш амри маҳол эди.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, пахтадан олинадиган даромад ғалланикига, жўхори, беда ва бошқа озиқ-овқат ўсимликлардан олинадиган фойдага нисбатан кўп эди. Рус ҳукумати пахтачиликни ривожлантиришни кўзлаб, уларнинг барчасига бир хил солиқ солишни таъсис этди. Бундай тартиб 1891 йилда вақтинчалик қўлланилган бўлса, 1900 йилдан бошлаб доимийга айлантирилди.

Хўш, иқлимлаштирилган Америка пахта навларининг яхши томонлари нималардан иборат бўлган?

Жавоб шуки, унинг шохлари маҳаллий пахта навлариникига нисбатан анча йирик бўлиб, танасининг баландлиги икки газгача (0,711м) борган, япроқлари ва кўсақлари катталиги билан ажралиб турган. Кўсақлардаги чигитлар сони 27—40 тагача борган. Кўсақлар аста-секинлик билан етишиб ва очилиб, териш пастки шохлардан бошланиб, навбати билан юқори босқичга кўтарилган. Шунинг учун ҳам ҳосилни уч мартаба териб олишга имкон туғилган. Америка пахта толасининг анча узунли-

<sup>55</sup> «Туркестанский сборник». Том 60, С.100.

ги ва ипаксимонлиги билан ҳам маҳаллий пахтадан фарк қилган. Унинг бир пудидан 28—29 қадоқ чигит ва 12—14 қадоқ (фунт) соф тола олинган. Америка пахта навининг энг муҳим хусусиятларидан бири пахта кўсагининг очилишидан иборат эди. Маҳаллий пахтанинг кўсаги очилмаслиги туфайли узиб олиниб, сўнгра хонадонларда ундан қўл билан пахта ажратиб олинарди. Бу кўп вақтни, ишчи кучини ва машаққатли меҳнатни талаб қилиб, пахта таннархининг ошишига олиб келарди. Ўлкада юқорида кўрсатилган хусусиятларни ўзида мужассам этган кўк чигит, малла чигит, қора чигит сингари пахта навлари кенг тарқалган эди. Уларга бундай номлар чигитларнинг рангига қараб берилган. Иқлимлаштирилган Америка пахта навлари ҳар жиҳатдан рус тўқимачилик саноати талабларига жавоб берган. Америка пахта навларини экиш тобора кучайиб борган бўлса-да, лекин у маҳаллий пахталарни тамомила сиқиб чиқара олмади. Бир оз миқдорда бўлса-да етиштирилган бундай пахталар маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга ишлатилди.

Пахтани ривожлантиришда XIX асрнинг 80—90 — XX асрнинг дастлабки йилларида Ўрта Осиё ерларини бир-бири ва Россия билан боғловчи темир йўлларнинг қурилиши ҳам катта таъсир этди. Эндиликда машаққатли меҳнатни, кўп вақт ва маблағни талаб этувчи карвон йўлларга эҳтиёж тобора камайиб борди. Пахта карвон йўллари орқали олиб кетилишининг қанчалик мушкуллиги ва қимматга тушиши ҳақида муаллифлардан бири қуйидагича ёзган: «Пахтанинг асосий қисми Туркистоннинг турли вилоятларидан Тошкент, Казалинск орқали Оренбургга келтирилган. Бу ердан Россиянинг турли жойларига юборилган. Пахта туяларда олиб кетилганлиги учун кўп вақтни олиб, жуда қимматга тушган. Одатда пахта Оренбургга келтирилгунча 5—6 ой ўтган. Жуда қулай шароит юзага келган тақдирда йўлга икки ярим ой вақт кетган. Тошкентдан бир туядаги пахтани Оренбургга келтириш учун 13—18 сўм сарфланиши сабабли пахта толасининг нархи 14—16 фоизга ошган».<sup>56</sup> Бу билан бир қаторда пахтанинг куз ва қиш давомида олиб кетилиши натижасида ёмғир ва қорда чириб, сифати пасайган ҳоллар учраб турган. Чунки пахта юпқа матодан тайёрлан-

---

<sup>56</sup> Демидов А. Экономический очерк хлопководства. 1922. С.35.

ган қопларда сақланган. Темир йўллар қурилгандан кейин юқорида кўрсатилган қийинчиликлар ва катта йўл харажатлари бартараф этилди.

Айрим маълумотларга кўра, 1890 йилда ўлкада Америка ва маҳаллий пахта навлари экилган майдонларнинг жами вилоятлар бўйича қуйидагича бўлган<sup>57</sup> (7-жадвал).

7-жадвал

Уездлар	Америка пахтаси (десят.)	Маҳаллий пахта (десят.)
<i>Сирдарё вилояти</i>		
Тошкент уезди	17.100	1.776
Чимкент уезди	1.000	124
Жами:	18.100	1.900
<i>Фарғона вилояти</i>		
Марғилон уезди	8.736	4.640
Кўкон уезди	3000	10.211
Анджон уезди	7.239	1.315
Наманган уезди	13.814	988
Ўш уезди	2.081	1.495
Жами:	34.820	18.649
<i>Самарқанд вилояти</i>		
Самарқанд уезди	2.135	5.838
Каттақўрғон уезди	3.237	3.665
Жиззах уезди	67	156
Хўжанд уезди	500	1.750
Жами:	5.939	11.409
Туркистон бўйича	58.859	31.958

<sup>57</sup> Масальский В.И. Ўша асар, 24-бет.

Демак, Америка пахта нави (58.859 десятин.) маҳаллий пахта навига (31.958 десятин.) нисбатан анча кўп ҳажмда етиштирилган.

XIX асрнинг охирларига келиб, Америка пахтасини иқлимлаштириш бўйича муҳим ютуқларга эришилди.

### **Вилоятларда пахтачиликнинг ривожлантирилиши**

Фарғона водийси ажойиб табиий шароити ва иқлими билан шухрат қозонганлиги маълум. У Туркистон заминининг жавоҳири деб бежиз айтилмаган. Бу даргоҳда инсон ҳаёти учун нимаики зарур бўлса, барчаси мавжуд. Халқининг ўта меҳнатсеварлиги ва ишбилармонлиги орқасида деҳқончилик ва ҳунармандчилик юқори босқичга кўтарилиб, улкан ютуқларга эришилди.

Чор ҳукумати водийни босиб олгандан кейин Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш ва атроф жойларни ўз ичига олган Фарғона вилоятини ташкил этди. Бу ерда 1903 йилда 1.770.621 киши яшаб, уларнинг уездлар бўйича сони қуйидагича бўлган эди<sup>58</sup> (8-жадвал).

**8-жадвал**

Уездлар	Туб аҳоли	Руслар ва бошқалар
Марғилон	388.454	5034
Қўқон	419.286	3472
Андижон	384.241	2245
Наманган	406.395	1044
Ўш	172.245	1649
<b>Жами</b>	<b>1.770.621</b>	<b>13.444</b>

Вилоятда аҳолининг сони жиҳатдан Қўқон ва Наманган олдинги сафда бўлган.

Биринчи жаҳон уруши арафасида эса аҳолининг сони 2 миллиондан ошиб кетганди. Вилоятда 2546 нафар рус яшаган.<sup>59</sup> Фарғона вилоятидаги деҳқонларнинг аксарият қисми пахтачилик билан шуғулланиб, у қуйидаги волостларни камраб олган эди:

<sup>58</sup> Ежегодник Ферганской области, Т.3 Новый Маргелан, 1904. С.4.

<sup>59</sup> Центральный государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф.1282, Оп.3, Д.320, Л.29.



Қўқон уезди бўйича		Андижон уезди бўйича		Марғилон уезди бўйича	
1.	Кайнар	23.	Жалолобод	41.	Олтиарик
2.	Ганжар	24.	Қўрғонтепа	42.	Араван
3.	Араван	25.	Ўзган	43.	Асака
4.	Сахан	26.	Олтинқўл	44.	Аввал
5.	Зиёвуддин	27.	Балиқчи	45.	Ичкли
6.	Риштон	28.	Хокон	46.	Қоратепа
7.	Бувайда	29.	Ёртош	47.	Қўқон қишлоқ
8.	Ултарма	30.	Норин	48.	Кува
9.	Найман	31.	Қўқон қишлоқ	49.	Кулин
10.	Янгиқўрғон	32.	Жалақудук	50.	Мингтепа
11.	Лайлоқ	33.	Кугарин	51.	Найман
12.	Бешарик	34.	Хакбулобод	52.	Сегазин
13.	Махрам	35.	Новкант	53.	Файзиобод
14.	Конибодом	36.	Майир	54.	Чимён
15.	Яйпан	37.	Ойим	55.	Шахрихон
16.	Исфара	38.	Карғасу	56.	Яккатут
17.	Найгут-кипчоқ	39.	Бозорқўрғон	57.	Ёзлон
18.	Қорақўл	40.	Мойли-Избоскан	58.	Яқусибўстон
19.	Кудаш				
20.	Жанжал				
21.	Кеничез				
22.	Чирикжон				

Наманган уездига қарашли волостларнинг ҳам барчасида пахта етиштирилди. Ҳа уездида асосан Булоқбоши волостида Америка пахта нави экилди. Вақт ўтган сари маҳаллий нав пахтани етиштириш (9-жадвал) қисқариб борди.<sup>60</sup>

#### 9-жадвал

Йиллар	Америка пахтаси (десят.)	Маҳаллий пахта (десят.)	Жами (десят.)
1888	15008	19661	34669
1889	27550	23166	50716
1890	32492	18649	51141
1891	52979	13315	66294
1892	72588	17196	89784

<sup>60</sup> Центральный государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, Оп. 3, Д. 320, Л. 30.

1893	71208	14092	85300
1894	67696	14644	82338
1895	94395	16084	109701
1896	115727	12999	128726
1897	102642	14153	116802
1898	95544	10686	106230
1899	144.444	10839	155283
1900	174026	12300	186326

Демак, Америка пахтаси 1888 йилда 15008 десятина майдонни ўз ичига олган бўлса, 1900 йилда 174026 десятинага кўтарилди. Маҳаллий пахта экин майдони гоҳ кенгайиб, гоҳ камайиб турган.

Кўкон уездига 1891 йилда Америка пахта навидан 166.000 пуд, маҳаллийдан 70.000 пуд ҳосил олинган.<sup>61</sup> Пахта уезднинг 23 волостида, Бешарик, Конибодом, Риштон, Бодаш, Жанжал, Янгиқўрғон ва Ултармада айниқса кўпроқ экилган.<sup>62</sup>

Кўрсатилган волостларда бир десятинадан 65 пуд Америка пахтаси олинган. Маҳаллий навидан эса 1 десятинадан 40 пуд пахта, 12 пуд тола етиштирилган.<sup>63</sup> Вилоятда қора чигит, кўк чигит, оқ чигит сингари навлар экилган. Улар «Упланд» Америка пахта навларини иқлимлаштириш натижасида юзага келган бўлиб, чигитларнинг ранги бўйича номланган.<sup>64</sup> Айтиб ўтиш лозимки, дастлабки вақтларда кўрсатилган пахта навларининг уруғлари алоҳида экилган бўлса, кейинчалик заводларда тозалаш жараёнида улар аралаштириб юборилган. Буларни саралашга кўп ҳолларда деҳқонларнинг вақти бўлмаган.

Бу ҳолат пахта навларини ва сифатини аниқлашда жиддий қийинчиликлар туғдирган. Шу боис яхши бир уруғлик нави кенг тарқалмади. Улар кўпроқ Наманган ва Андижондагина кўзга ташланган.<sup>65</sup>

1892 йилда вилоят бўйича пахтанинг ҳолати қандай бўлганлигини *10-жадвалда* кўриш мумкин.<sup>66</sup>

<sup>61</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви, Ф. 1. 27-рўйхат. 1574 иш, 62-бет.

<sup>62</sup> *Ўша жойда.*

<sup>63</sup> *Ўша жойда.*

<sup>64</sup> Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3, д. 320. л. 45.

<sup>65</sup> *Ўша жойда.*

<sup>66</sup> Обзор Ферганской области за 1892 г. Новый Маргилан, 1894. С.11.

Уездлар номи	Экилган майдон		Олинган ҳосил (пуд)	
	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта
	десят.	десят.	пуд.	пуд.
Марғилон	11780	4830	705000	193200
Кўкон	8724	7619	981000	350000
Андижон	32842	3505	1313680	105150
Наманган	18682	1069	1361675	51398
Ўш	560	173	12650	2680
<b>Жами</b>	<b>72588</b>	<b>17196</b>	<b>4374005</b>	<b>702428</b>

Наманган ва Андижон уездларида пахта ҳосили бир миллион пуддан ошган. Кўкон уездида салкам 1 миллион пуд пахта терилган. Кўкон уезидан ташқари Марғилон уездида ҳам маҳаллий пахта кўп етиштирилган. Вилоят бўйича 5076,433 пуд ҳосил олинган. Бундай салмоқли миқдордаги ҳосилни етиштиришга об-ҳавонинг қулайлиги ва сувнинг етарли даражадалиги сабаб бўлган эди.

1896 йилда Фарғона вилоятида пахта экин майдонлари ва ҳосилнинг ҳажми (11-жадвал) қуйидагича бўлган.<sup>67</sup>

Америка пахтаси қайд қилинган йилга келиб, Фарғона вилоятининг деҳқончилигида салмоқли ўринни эгаллаб, экилган майдони 155.682 десятинани, маҳаллийники эса 14846 десятинани ташкил этган.

Пахта ҳосили Америка навиники 7.996.015 пуд ва маҳаллий навники 425.517 пуд бўлган.

Фарғона вилояти 1898 йилда пахта майдонига ва олинган ҳосилга тегишли рақамларга (12-жадвал) кўра бир десятина ердан 38—60 пуд Америка пахтаси олинган бўлса, маҳаллий навдан 40—45 пуд ҳосил етиштирилган. Ҳатто, Наманганда бир десятина ердан 62 пуд пахта ҳосили олинган.<sup>68</sup>

<sup>67</sup> Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3, д. 320. л. 30.

<sup>68</sup> Федоров А.П. Хлопководство в Средней Азии. СПб. 1898. С.140.

Уездлар	Экилан майдон		Пахта ҳосили		Ҳосил бир дес.да		Пахта толаси	
	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта
	десятина	десятина	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд
Марғилон	70184	5753	3509200	8447	50	14	1189733	Маълумот йўқ
Қўқон	13090	6520	848950	252160	64	98	282326	
Андижон	47150	870	121720	33060	455	88	707240	
Ўш	2418	355	108974	6922	48	19	34658	
Наманган	22790	4348	414173	48900	62	36	471390	
Жами	155682	14846	7996015	425517	51	28	2665387	

Уездлар	Америка пахтаси	Ҳосил хажми	Ҳосилдорлик	Маҳаллий пахта	Ҳосил хажми	Ҳосилдорлик
	десят.	пуд	пуд	десят.	пуд	пуд
Марғилон	30000	1150	38	2000	80000	40
Қўқон	13145	520	40	7436	334575	45
Андижон	28570	1550	55	55	2475	45
Наманган	22599	1351	60	836	37620	45
Ўш	1230	36	30	360	12600	35

Вилоятда пахтачилик, айниқса, Марғилон уезида ўсиб, Америка нави 30.000, маҳаллийники 2000 десятина ерни эгаллаган. Маҳаллий пахта кўпроқ Қўқон уезида етиштирилиб, экин майдони 7436 десятинали ташкил қилган. Бироқ, бу пахта миқдори кўп бўлгани билан унинг сифати ва нархи пастроқ эди.

1899 йилда пахта майдони 40 фоизга кўпайган.<sup>69</sup> Буни назарда тутган Фарғона вилоятининг ҳарбий губернатори Чайковский Император номига юборган хисоботида: «Эндиликда қаттиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Россия саноати учун ниҳоятда зарур бўлган пахтани экиш ва уни ривожлантириш ўсиб бораверади», — деб ёзган эди.<sup>70</sup> Шунингдек, у 1899 йилда пахта савдо фирмаларига ва аҳолига 20 миллион сўм даромад келтирганини баён этган.<sup>71</sup>

Чайковский пахтадан олинаётган даромадни рўқач қилиб, ҳар десятинадан 3 сўм 83 тийиндан олинаётган солиқни 9—12 сўм орасида кўпайтиришни ва бу билан давлат хазинасига фойда келтиришни тавсия этади. Унинг кўрсатишича, пахтага қўйилаётган имтиёзли солиқни сақлаган ҳолда, савдога ёки заводдан чиқарилаётганда ундан қўшимча солиқ олиш лозим эди. Шундай қилинган-

<sup>69</sup> Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3, д. 442. л.3.

<sup>70</sup> Ўша жойда. 10-бет

<sup>71</sup> Ўша жойда.

да давлат хазинасига 100 минглаб сўмлар тушиши кўрсатилади.<sup>72</sup>

Рус маъмурияти пахта хисобига давлат хазинасини янада кўпроқ бойитишга ҳаракат қилган. Шунга қарамай ҳукумат эндигина кучга кириб бораётган пахтачиликка зарба бермасликни ўйлаб, таклифни инобатга олмади.

XIX асрнинг охирига келиб пахтанинг халқ ҳўжалигида тутган ўрни юқори поғонага кўтарилди. Вилоят статистикаси бошқармасининг кўрсатишича, бир миллион олти юз йигирма минг аҳолиси бор Фарғона водийси катта мавқега эга бўлди. Чунки бу ўлканинг иқлим шароитига мувофиқ пахта, нодир мевалар ва узумлар етиштирилади. Айниқса, пахта катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳар йили 25 миллиондан 40 миллион сўмгача даромад берди. 1900 йили беш миллион пуд пахта толаси олинди, Россия саноати эҳтиёжининг учдан бир қисми таъминланди.<sup>73</sup>

Вилоятдаги ҳар бири волостда пахтанинг бошқа экинлар билан ўзаро нисбатини кўрсатувчи маълумотларга (13-жадвал),<sup>74</sup> кўра у кўпроқ Балиқчи волостида (10390 десятина), Норин (8790 десятина), Қўқон қишлоғида (6970 десятина) экилган. Шунга ўхшаш Зиёвуддин волостида 4000 десятина, Риштонда 3975, Шахрихон волостида 6980, Ёзёвонда 4564 десятина ерда етиштирилган. Вилоят бўйича Андижон ва Қўқон уездлари олдинги қаторда турган.

Пахтани буғдой, шоли ва жўхориға солиштирганда ҳам салмоқли ўринни эгаллаган 1901 йилда пахта бошқа экинларнинг орасида олдинги сафда турган:

Америка пахта нави ... ..	191573
Маҳаллий пахта ... ..	15562
Кузги буғдой ... ..	88048
Баҳорги буғдой ... ..	80371
Шоли ... ..	60290
Жўхори ... ..	59797
Беда ... ..	39565
Маккажўхори ... ..	38977
Тарик ... ..	12120

<sup>72</sup> *Ўша жойда.*

<sup>73</sup> *Ўша жойда.*

<sup>74</sup> *Ўша жойда.*

Қўқон уезди волостлари	пахта	ғалла	жўхори	шоли	Андижон уезди волостлари	пахта	ғалла	жўхори	шоли
	десят.	десят.	десят.	десят.		десят.	десят.	десят.	десят.
Қайнар	1740	1800	1700	—	Жалолобод	3273	583	—	3353
Ганжар	689	840	1838	—	Қўрғонтепа	5742	559	552	2465
Аравон	738	1110	1570	588	Ўзган	—	8068	—	341
Сахан	10	1500	7	491	Олтинқўл	4917	300	504	2271
Зиёвуддин	4000	332	2747	93	Балиқчи	10390	718	902	1722
Риштон	3975	2060	978	183	Хокон	3890	175	95	166
Бувайда	1384	802	1233	396	Эрбаш	5380	91	109	3323
Ултарма	1950	700	1246	70	Норин	8790	831	11658	4189
Найман	1134	1115	650	46	Қўқон киш.	6970	600	145	4340
Янгиқўрғон	1959	1550	426	109	Жалакудук	1539	149	189	2025

Лайликон	—	215	—	3	Кўгар	230	421	—	—
Бешарик	2500	916	366	16	Хаккулубод	7094	1300	297	—
Махрам	699	1166	1183	311	Навкат	2826	685	145	60
Конибодом	500	666	666	33	Магир	4500	340	80	3300
Яйпан	1066	733	1416	27	Ойим	3740	158	505	2558
Исфара	128	2660	—	457	Қарғасув	1627	440	52	737
Найгут-Қип	—	3333	—	2163	Бозоркўрғон	3140	615	95	154
Қарвон	1800	667	1000	1	Майли	—	—	—	—
Қудаш	1250	750	783	322	Избоксан	7420	3600	148	568
Жанжал	1785	1416	2833	1270	Андижон шаҳри	309	—	17	5
Кени	683	566	1200	2					
Чирикжон	1040	670	1083	249					
Қипчок	690	498	448	886					
<b>Жами</b>	<b>29620</b>	<b>28065</b>	<b>94373</b>	<b>7886</b>	<b>Жами</b>	<b>77887</b>	<b>20633</b>	<b>5481</b>	<b>31582</b>



Марғилон уезди волостлари	—	—	—	—	—	—	Чимён	—	530	—	3789	—	1400	—	—
Олтиариқ	2438	1915	2143	2	—	—	Шахрихон	6980	1532	—	1532	—	1442	—	182
Аравон	1339	2561	394	564	—	—	Яккатут	3160	1859	—	1859	—	1884	—	—
Асака	2984	1339	763	4	—	—	Ёзёвон	4564	2071	—	2071	—	2253	—	—
Аввал	881	442	319	—	—	—	Якусек Бостон	153	2035	—	2035	—	88	—	41
Ичкили	—	3503	—	—	—	—	Найман	—	1369	—	1369	—	43	—	—
Қорағела	3908	2222	2691	—	—	—	Севаз	2983	1170	—	1170	—	716	—	360
Қўқонқиш- лок	3985	2159	1456	—	—	—	Файзи Обод	3668	2087	—	2087	—	1904	—	—
Қува	2525	2644	1104	—	—	—	Сағизи	2983	1170	—	1170	—	716	—	360
Қулин	1095	2486	907	775	—	—									
Мингтепа	1757	3144	487	608	—	—									
<b>Жами</b>	<b>42968</b>	<b>41388</b>	<b>20085</b>	<b>2580</b>	<b>—</b>	<b>—</b>	<b>Жами</b>	<b>42968</b>	<b>41968</b>	<b>—</b>	<b>41968</b>	<b>—</b>	<b>20085</b>	<b>—</b>	<b>2583</b>

Бу ерда пахта майдони (191.573 десят.) олдинги йилларга нисбатан кенгайганлиги кўрсатилган. Ўша йили вилоятда 9.808.444 пуд пахта ҳосили олинди. Аммо об-ҳавонинг ноқулай келганлиги сабабли ҳосил олдинги йилга нисбатан оз бўлган.

Кейинги 1903 йилда ҳам вилоят ҳаётида пахтанинг салмоғи (14-жадвал) сақланиб қолди.<sup>75</sup>

14-жадвал

Ўсимликлар	Экин майдони (десят.)	Ҳосил (пуд)	Баҳоси (сўм)
Америка пахта нави	135.342	11073879	44539097
Маҳаллий пахта	13714	518682	1920938
Зигирпоя	6543	195242	693108
Каноп	2102	25592	102368
Кунжут	1269	39132	117396
Кўкнори	192	7660	30640
Кунгабоқар	59	2856	11424
Беда	50342	17019272	13615417
Тарик	3492	250123	150123
Хашак	74	2960	592
Полиз экинлари	12391	—	—
Картошка	717	289865	382401
Қовун, тарвуз	—	—	979749
Тамаки	69	1610	4830
Бошқа экинлар	4255	—	851000

Ҳар икки навдаги пахта майдони 149056 десятинадан иборат бўлиб, 612122 десятинаси суғориладиган ернинг 24 фоизини ташкил этган. Бутун вилоят бўйича 11.912.830 пуд пахта олиниб, ҳар бир десятинадан 80 пуд етиштирилди.

<sup>75</sup> Ўша жойда. 4-бет.

Айниқса, Марғилон ва Андижонда пахта ҳосили юқори бўлган. Бунга сабаб об-ҳавонинг яхши келиши бўлиб, иккинчи терим ҳам биринчи навга қабул қилинган. Бунинг устига нарх ҳам анча кўтарилган. «Бир пуд пахта, — дейилади манбада, — 4 сўм 25 тийин баҳоланди. Фарғона вилоятида ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Шу даражада нархнинг ошишига Америкадан пахтанинг кам келтирилиши, тўқимачилик корхоналарининг унга бўлган талаби жуда кучайиши сабаб бўлди. Дехқончиликнинг, хусусан пахтачиликнинг ниҳоятда самарадорлиги туб аҳолининг иқтисодий ҳаётини бирмунча яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу, айниқса зилзиладан катта зиён кўрилган пайтда жуда қўл келди»<sup>76</sup>. Аммо бундай ҳолат онда-сонда содир бўларди, холос.

Пахтанинг бир ерга сурункасига экилавериши сабабли пахтачиликка зиён етиш хавфи туғилди. Шунинг учун маъмурият вакиллари чорвачиликни ривожлантиришга ва гўнгни кўпайтиришга даъват этди. Айни бир пайтда алмашиб экишга эътибор қаратилди.<sup>77</sup>

Вилоятда лалми ерларда кузги ва баҳорги ғалла экинлари (буғдой, арпа, шоли, тарик, нўхот, сули жўхори) ҳам анча кенг майдонни эгаллаган. Уларнинг ҳажми 1903 йилда 391.561 десятинадан иборат бўлиб, биринчи ўринда турган. Пахта майдонлари эса кейинги ўринда эди. Аммо суғориладиган ерлар бўйича пахтачилик олдинги ўринга чиқди. Расмий маълумотларга кўра у 1901 йилда умумий экин майдонининг 24 фоизини ташкил этган бўлса, 1903 йилга келиб 27 фоизга кўтарилди. Агар ўша йили терилган пахтанинг қиймати 46.459.000 сўм ҳисобланган бўлса, ғалла турлариники 41.390.036 сўмга борган. Бундан ташқари пахтадан олинган даромад ҳам юқори турган. Чунончи, бир десятина ердаги пахтадан 326 сўм, буғдойдан 111 сўм, шолидан 122 сўм, жўхоридан 120 сўм даромад олинган.

Пахтадан олинган даромад ҳар жихатдан баланд турган. Шу боис пахта қимматли ва тез харид қилинадиган ўсимлик сифатида вилоятда имкони борича кўп етиштирилган. Пахтачиликнинг вилоят ёки уездлардаги ҳолати ва ўсиш даражасига келганда қайд қилиб ўтиш лозимки, улар бир текисда (*15-жадвал*) бўлмаган.<sup>78</sup>

<sup>76</sup> *Ўша жойда*. 14-бет.

<sup>77</sup> *Ўша жойда*.

<sup>78</sup> Ежегодник Ферганской области. Т.3, Новый Маргелан, 1904, 11–13-бетлар.

Экин турлари	Марғилон уезди		Кўкон уезди		Андижон уезди		Наманган уезди		Ўш уезди	
	Экин майдони (десят.)	Ҳосил (пуд)	Экин майдони (десят.)	Ҳосил (пуд)	Экин майдони (десят.)	Ҳосил (пуд)	Экин майдони (десят.)	Ҳосил (пуд)	Экин майдони (десят.)	Ҳосил (пуд)
Америка пахтаси	53673	5367300	23448	953508	29313	2931300	26759	1982610	2149	159430
Махаллий пахта	2447	110115	8500	233587	1404	112320	1129	50960	234	11700
Зивирпоя	144	3024	402	6710	1638	90540	2602	52305	1765	42663
Кунжут	480	24000	—	—	640	12800	130	2156	19	176
Кўкнори	160	6400	—	—	20	1200	—	—	12	60
Кунгабокар	17	510	—	—	20	1600	6	390	16	356
Беда	17992	5397600	14291	2079923	8581	1802010	8608	5705239	867	2034500
Тарик	718	43800	877	55930	1209	72540	1502	77853	—	—

Хашак	74	2960	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—	—
Ковун		—	593	—	1290	—	1442	—	—	741	—	—	—
Тарвуз	3825							5876					
Картошка	152	106400	428	1033000	22	11000	61	—	—	54	—	10789	
Тамаки	12	305	21	525	—	—	—	—	—	36	—	780	
Каноп	—	—	—	—	4	240	—	—	—	207	—	24877	
Бошка экинлар	1693	—	2562	—	—	—	22	475	—	—	—	—	
<b>Жами:</b>	<b>81387</b>	<b>1106241</b>	<b>54811</b>	<b>3433183</b>	<b>44141</b>	<b>5035550</b>	<b>42261</b>	<b>7610355</b>	<b>7961</b>	<b>2285331</b>			

1903 йилда пахта етиштиришда Марғилон уезди (53673 десятина ва 5.367300 пуд) биринчи ўринни, Андижон (29313 десятина ва 2.931300 пуд) ва Қўқон (23448 десятина ва 953508 пуд) иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллаган. Кейинги ўринларда эса Наманган ва Ўш уездари турган.

1904 йилда Марғилон уездида 3.308.085 пуд, Андижонда 283.707, Қўқонда 2.216.696, Наманганда 1.396.787 ва Ўшда 164.980 пуд, жами 9.923.622 пуд пахта териб олинган.

1905 йилда Марғилон пешқадамликни қўлдан бермай 3.800.205 минг пуд, Андижонда 3.394.945 пуд пахта етиштирилди. Америка пахтасининг умумий баҳоси 31.178.058 сўмни, маҳаллий навники 1.394.904 сўмни ташкил этди.<sup>79</sup>

Хар икки турдаги пахтанинг биргаликдаги баҳоси 32.572.962 сўм ҳисобланган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, 1904–1905 йилларга тегишли маълумотларга кўра, русларнинг қўл остидаги ерларда ҳам пахтачилик билан шуғулланилган. Бироқ, руслар асосан ғаллачилик (59,39%) ва бошқа полиз экинлари етиштириб, пахтачиликка 320 десятина ер ажратган. Бу умумий экин майдонининг 7,4 фоизини қоплаган.

Пахта кўпроқ Марғилондаги рус ерларида етиштирилган. Манбаларда бу тўғрида шундай дейилади: «Марғилон уездида рус посёлкаларидаги кишилар пахтадан олинадиган даромадга ҳавас қилиниб, ўз ерларининг маълум қисмида пахта етиштирадилар. Аммо уларнинг кўпчилиги ўз ерларида чорикорларни ишлатадилар. Чорикорлар ернинг чорак қисмини ва ҳосилнинг учдан бир қисмини ер эгаларига бериш шarti билан пахтани парвариш қиладилар ва уни териб оладилар»<sup>80</sup>.

1906 йилда пахтанинг ғалла ва бошқа дехқончилик экинларига нисбатини кўрсатувчи далилларга кўра (*16-жадвал*)<sup>81</sup>, у суғориладиган ерларда 166.423 десятина ерга экилган. Буғдой ва арпа экилган майдон эса ўтроқ районларда 151978 десятинали эгаллаган. Демак, пахта биринчи ўринда турган. Бундан ташқари пахта оз миқдорда (46 десятина) кўчманчи районларда ҳам етиштирилган.

<sup>79</sup> *Ўша жойда*, 21-бет.

<sup>80</sup> Статистический сборник Ферганской области за 1905 г. Скобелев, 1908, с 26.

<sup>81</sup> *Ўша жойда*, 31-бет.

Экин турлари	Экин майдони (десят.)	Кўчманчи аҳолининг сугориладиган ерларида (десят.)
Америка пахтаси	152425	46
Маҳаллий пахта	13998	—
Бугдой	140304	20118
Арпа	11674	4959
Шоли	69498	204
Жўхори	66523	49
Беда	60774	567
Маккажўхори	56607	5023
Қовун, тарвуз	18123	8
Тариқ	11369	6651
Зигирпоя ва каноп	9372	324
Тамаки	909	112
Нўхат	556	—
Картошка	423	—
Сули	—	—
Бошқа экинлар	12556	175
<b>Жами:</b>	<b>625115</b>	<b>38237</b>

1906 йилга келиб, пахтачилик вилоят аҳолисининг асосий машғулотига айланди, пахтага барча талпинди ва у билан яшади.<sup>82</sup> Етиштирилган пахтанинг биринчи нави 3 сўм 35 тийин, иккинчи нав 2 сўм 70 тийин ва учинчи нави 2 сўмга сотилган. Шу тарзда Америка пахтасининг қиймати 38.304.491 сўм ва маҳаллий пахтаники 119170

<sup>82</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1906 г. Скобелев, С.20.

сўмни ташкил қилган. Ўша йили олинган пахтанинг тоза толаси 3.641.388 пудга борди.

1906 йилда пахта майдони ҳажми уездлар бўйича (17-жадвал) 183.639 десятинани ўз ичига олган.<sup>83</sup> Шундан 171.201 десятина ер Америка пахтасига, 12.438 десятина маҳаллий пахтага тегишли эди.

17-жадвал

Уездлар	Америка пахтаси (десят.)	Маҳаллий пахта (десят.)	Жами (десят.)
Андижон	50865	2035	52900
Қўқон	25409	6189	31598
Марғилон	54215	3111	57326
Наманган	37317	942	38259
Ўш	3395	161	3556
<b>Жами:</b>	<b>171.1201</b>	<b>12438</b>	<b>183.639</b>

1907 йилда пахта майдони 199.587 десятинани ва 11.383.869 пудни ташкил этган.

1909 йилда вилоятда пахтачилик янада юқорига кўтарилиди. Бунга об-ҳавонинг қулай келиши, озик-овқат маҳсулотларининг сероблиги ва уларни кўпайтиришга эҳтиёж йўқлиги сабаб бўлган. Шунингдек, дехқонларнинг пулга муҳтожлиги ниҳоятда кучайиши ва уни маълум даражада пахтанинг ҳисобига тўлдириш мумкинлиги назарда тутилган.

«Дехқонларнинг умиди об-ҳавонинг яхшилиги туфайли рўёбга чиқиб, августнинг биринчи ярмидаёқ пахтанинг дастлабки теримидан олинган ҳосил бозорда пайдо бўлди. Кейинги кунларда ҳам об-ҳавонинг меъёрда туриши натижасида пахтанинг етилишига сентябрь ойи охирида содир бўлган совуқ зиён келтира олмади. Биринчи қаттиқ совуқ 12 октябрда келди, лекин пахтага зиён бўлмади, чунки у пишиб етилган эди. Об-ҳавонинг қулайлиги

<sup>83</sup> Ўша жойда.



вилоятда катта пахта ҳосил олиш имконини бериб, Америка пахтасининг бир десятинадан 82 пуд, баъзи жойларда эса 90 пуддан ортиқ ҳосил қўлга киритилди. Маҳаллий пахта 54 пуд ҳосил берди».<sup>84</sup> Ваҳоланки, 1907 йилда ҳосил 58 пуд, 1908 йилда 65 пуд бўлган. 1909 йилги пахтанинг сифати яхши бўлганлиги учун нархи ҳам қиммат бўлди. 1907 йилда пахтанинг биринчи нави 12 сўм 20 тийин, 1908 йилда 10 сўм, 1909 йилдагиси 14 сўм баҳоланган. 18-жадвалдаги маълумотларнинг кўрсатишича, 1908—1909 йилларга келиб, Андижон уезди экин майдони ва ҳосилнинг ҳажми бўйича олдинги ўринда жойлашган. Вилоятда 1909 йилда пахта экин майдони 208053 десятинага етиб 16.676.079 пуд ҳосил олинди.

Вилоятдаги уездларда пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги бир десятина ердан Америка навиники 65 пуд ва маҳаллий навиники 48 пудга борган. Америка пахтасининг толаси 1908 йилда 3.488.902 ва 1909 йилда 5.127.894 пудни ташкил этган.

Хуллас, «кузнинг ва қишнинг қуруқ келиши ва бунинг оқибатида йўлларнинг ботқоқ бўлмаслиги ҳамда дехқонларнинг пулга муҳтожлиги теримни ва ташишни уюшқоқлик билан ташкил этишни таъминлади. Натижада ноябрнинг иккинчи ярмидаёқ пахтанинг асосий қисми сотилди. Бу олдинги йил мобайнидаги ҳосилсизликдан кўрилган зарардан деярли холи бўлиш имконини берди».<sup>85</sup>

1911 йилда вилоят аҳолиси пахтани энг муҳим ва зарур маҳсулот сифатида кўпроқ экишга ва унинг салмоғини сақлашга барча куч-қувватини сарфлади. Улар галла ва бошқа экинларни пахтадан сув ортгандан кейингина суғордилар.

Қиш қаттиқ келган бўлса-да, лекин қор жуда кам ёғди. Натижада кўп булоқларда ва ҳатто дарёларда сув кам бўлди. Шуларга қарамай, дехқонларнинг машаққатли меҳнати ва моҳирлиги сабабли пахта ҳосили ёмон бўлмади. Зеро, пахта майдони 267.347 десятинага етиб 31.420 десятинага, яъни 13,3 фоизга кўпайди.

1912 йилда Фарғона вилоятида бўлган гармсел, иссиқ шамоллар пахтачиликка катта зиён келтириши оқибатида ҳосил 1911 йилга қараганда 6,7 фоиз кам олинди.

---

<sup>84</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1909 г., Фарғона, 1911, С.18.

<sup>85</sup> *Ўша жойда*. 21-бет.

Уездлар	Йиллар	Экин майдони			Ҳосил (хар бир десятинадан)		Пахта			Пахта толаси
		Америка пахтаси	Махаллий пахта	Жами	Америка пахтаси	Махаллий пахта	Америка пахтаси	Махаллий пахта	Жами	Жами
		десят.	десят.	десят.	десят.	десят.	десят.	пуд	пуд	пуд
Андижон	1908	50615	2022	52637	61,6	42	3114866	84703	3199569	937705
	1909	65509	1492	67001	—	—	6007641	85949	6093590	1873779
Кўкон	1908	30448	6673	37121	68	57	2069864	381670	2451534	718478
	1909	31517	5805	37322	—	—	2155087	338428	2493515	766755
Марғилон	1908	60116	2770	62931	59	44	3536958	122703	3659661	1072345
	1909	59092	2452	61544	—	—	4276374	97820	4374194	1345064

Наманган	1908	33276	1454	31730	71	50	2375457	72766	2448223	717506
	1909	36945	1032	37977	—	29	3366825	61452	3428277	1054196
Ўш	1908	3451	14	3465	42	—	144942	405	145347	4266
	1909	4199	10	4209	—	—	285999	504	286503	88100
<b>Жами:</b>	<b>1908</b>	<b>177954</b>	<b>12933</b>	<b>190884</b>	<b>65</b>	<b>48</b>	<b>11242087</b>	<b>662247</b>	<b>1190431</b>	<b>3488902</b>
	<b>1909</b>	<b>197262</b>	<b>10791</b>	<b>208053</b>			<b>16091926</b>	<b>584153</b>	<b>16676079</b>	<b>5127894</b>

Айрим йилларда пахта майдонини бир оз бўлса-да, қисқартиришга кўпроқ сувнинг етишмаслиги ёки пахтага талабнинг сусайиши сабаб бўларди. Ғалла ва умуман озиқ-овқат маҳсулотларининг қимматлашиши ҳам бунга мажбур қилган. Бундай омиллар бартараф қилинганда, пахтани экиш кучайиб бораверган. Масалан, 1913 йилда пахта 270.566 десятина ерга экилиб, суғориладиган ерларнинг 42 фоизини ташкил этди. 1914 йилда пахта 291.752 десятина ерга экилиб, олдинги йилга нисбатан салкам 2000 десятинадан ошган. Бу йили табиий шароит қулай келиб, сув етарли даражада эди. Экин майдонлари Андижон уездида 94.332 десятина, Марғилонда 93.550, Қўқонда 50757, Наманганда 42.730 ва Ўшда 10.373 десятина ерни ташкил этиб, 7.590.000 пуд пахта толаси олинди.<sup>86</sup> Пахтачиликнинг энг ривожланган даври 1915 йилда кўзга ташланади. Бу вақтда пахта яроқли барча ерларда экилиб, буғдой тобора қисқариб борди.<sup>87</sup> Кўрсатилган йилда 336.525 десятина ерга пахта экилганлиги маълум. Бу вақтда ғалла майдони 354.362 десятинали камраб олинганлиги назарда тутилса, пахта майдонининг ҳажми 48 фоизни ташкил этади.

1915 йилда пахта майдонлари вилоят уездларида қуйидаги тарзда белгиланган: Андижонда 101.919, Марғилонда 89534, Қўқонда 51166, Наманганда 43426 ва Ўшда 14101 десятина ҳисобланган.<sup>88</sup> Бинобарин, Андижон уезди ҳамон пешқадамлик қилган. Вилоятда пахта ҳосили 9.518.000 пудга борган. Суғориладиган ерларнинг анча қисмидан фойдаланилмаган. Чунки, бу хилдаги ерларга сувнинг етишмаслиги ёки бошқа сабаблар билан пахта экишнинг иложи бўлмаган. Бундан ташқари улар пахта етиштириш учун нобоп бўлган. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1914 йилда пахта Фарғона вилоятидаги 84 волостнинг 8 тасида 100%, 20 тасида 50%, 10 тасида 43% ва 16 тасида 54%ни эгаллаган. Умуман пахтачилик вилоятдаги волостларнинг кўпида салмоқли ўрин эгаллаган. Масалан, бундай аҳволни Исфара мисолида кўриш мумкин. Бу ерда 1914 йилда пахта майдони 92,34 десятинали (47,7%), беда 34,62 десятинали (17,9%) сабзавот экинла-

---

<sup>86</sup> Туркистон вилояти, 1915, 30 июль.

<sup>87</sup> Туркестанское сельское хозяйство. 1915, №6, С.584.

<sup>88</sup> Туркистон вилояти. 1915, 30 июль. Бу ерда пахта экин майдони камроқ кўрсатилган.

ри 2,19 десятинами (1,1%), кузги буғдой 44,03 десятинами (22,8 %), жўхори 16,25 десятинами (8,4%), мош 0,97 десятинами (0,5%) ва пиёз 0,74 десятинами (0,4%) ўз ичига олган.<sup>89</sup> Шундай қилиб пахта биринчи ўринда, беда ва кузги буғдой иккинчи ва учинчи ўринларда турган. Агар буғдой етиштириладиган лалмикор, яъни суғорилмайдиган ерлар қаторига киритилса, у вақтда пахтанинг салмоғи янада ошади. Умуман олганда вилоятдаги волостларнинг аксариятида пахтачилик муҳим ўринни эгаллайди.<sup>90</sup>

Хуллас, XIX асрнинг 80-йиллари XX асрнинг бошларида Фарғона вилоятида пахтачилик тобора ривожланиб борган. Пахта майдони 1888 йилда 34.669 десятина ва 1900 йилда 186.326 десятина хисобланган бўлса, 1915 йилда 336.525 десятинами ташкил этди. Натижада вилоят Туркистон ўлкаси бўйича етиштириладиган пахтанинг 68 фоизини, бошқа маълумотда 70 фоизини берди. Шу тариқа Фарғона вилоятида пахта яқка ҳокимлигининг пойдевори қурилди.

Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари. Сирдарё вилояти Тошкент, Чимкент, Авлиёота, Перовский ва Казалинск уездларини ҳамда Амударё бўлимини ўз ичига олган. Маркази Тошкент шаҳри хисобланган. XX аср охирларида аҳолисининг 586.352 нафарини ўтроқ, 943.496 тасини кўчманчилар ташкил этган. 1904 йилда аҳолининг умумий сони 1.179.848 нафарга етди.

Сирдарё вилоятида ҳам Америка пахтасини етиштириш тобора кенг қулоч ёйиб борди (19-жадвал).<sup>91</sup>

#### 19-жадвал

йиллар	десятина	йиллар	десятина
1884	300	1893	10482
1885	1000	1895	10200
1886	12000	1895	14512

<sup>89</sup> Материалы по водопользованию в Туркестанском крае. Ташкент. 1915, С.31.

<sup>90</sup> Россия. Полное географическое описание нашего отчества. Т., XIX. С. 463.

<sup>91</sup> Туркестанское сельское хозяйство. 1910, №3. С.153—154.

1887	14338	1896	21815
1888	15745	1897	23805
1889	16374	1898	16384
1890	19880	1899	23573
1891	12260	1900	23575
1892	11272	—	—

Яъни, Америка пахтаси экилган майдон 1884 йилда 300, 1890 йилда 19880 десятинани ўз ичига олган бўлса, 1900 йилда 23.575 десятинага кўпайди. 1890 йилдаёқ «Пахтачилик дехқончиликнинг энг фойдали соҳаси сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади. Унинг самарадорлиги узил-кесил маълум бўлиб, келажакда пахтанинг ривожланишини таъминловчи кучга айланди».<sup>92</sup>

Тошкент уезди Туркистон ўлкасида Америка пахтасини кенг ёйишда етакчилик қилган. Бу ердан Самарқанд ва Фарғона вилоятларига янги нав пахтанинг уруғлари, яъни чигитлар тарқатилган. Шунингдек, Тошкент янги агротехникани қўллашда пешқадамлик қилган. Тошкент атрофидаги пахта плантацияларида, кўпроқ Европа дехқончилик иш қуроллари ёрдамида ишлов бериш билан ажралиб турган.<sup>93</sup> Сирдарё вилоятида маҳаллий пахта навларини етиштиришга келганда, айтиб ўтиш лозимки, уни қоплаган экин майдони 1888 йилда 10.096 десятина, 1890 йилда 10.900 десятинани ташкил этган.

Вақт ўтиши билан Америка пахтасининг мавқеи кўтарилиб борди. Ўзбек дехқонлари бу пахтанинг афзаллигини тобора яхши англаб, уни моҳирлик билан етиштиравердилар. Пировардида, Америка пахтаси маҳаллий навни анча «бурчакка сиқиб» қўйди. Эндиликда пахтакорлар янги пахта навларининг сирларини яхши ўзлаштириб олганлар.

1896 йилги маълумотларга кўра, экин майдони ва ҳосилнинг ҳажми ошиб (20-жадвал) борган.<sup>94</sup>

<sup>92</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1890 г. Т., 1892. С. 90.

<sup>93</sup> Масальский В.И. Ўша асар, 66-бет.

<sup>94</sup> Федоров П.А. Ўша асар, 161-бет.

Уездлар	Аме- рика пах- таси	Ма- ҳал- лий пахта	Аме- рика пах- таси ҳоси- ли	Ма- ҳал- лий пахта- ҳоси- ли	Аме- рика пахта- си	Ма- ҳал- лий пахта	Аме- рика пах- таси тола- си	Ма- ҳал- лий пахта тола- си
	(де- сят.)	(де- сят.)	(бир пуд- дан)	(бир пуд- дан)	(минг пуд)		(минг пуд)	
Тошкент атрофи	163	55	56	49	9,1	2,7	2,9	0,9
Уездлар:								
Тошкент	19122	2,308	50	36	965,0	83,5	313,7	27,8
Чимкент	2530	1,342	48	35	110,4	47,0	35,8	15,2
Амударё бўлими	—	3,680	—	106	—	38,66	—	125,6
<b>Жами:</b>	<b>21815</b>	<b>7385</b>	<b>50</b>	<b>70</b>	<b>1084,6</b>	<b>51,98</b>	<b>352,8</b>	<b>169,0</b>

Бу вақтга келиб, Америка пахтаси экилган майдон 21815 десятина, маҳаллий навники 7.385 десятинадан иборат бўлган. Умумий ҳосил эса 521.000 пуд толадан ошган.

Айрим архив ҳужжатларига қараганда, 1899 йилда бугдой экилган ер 100.000, шоли 68.000, арпа 35.000 ва пахта 28.000 десятина ерни ўз ичига олган.<sup>95</sup> Агар ғалла турларини асосан лалми ва шolini «ботқоқ» жойларга, яъни пахтага мос бўлмаган ерларга экилишини ҳисобга олсак, у вақтда суғориладиган ерларда пахта салмоқли ўринни эгаллаганлиги кўринади. Буни ўша йили пахтадан 1.000.000 пуд ҳосил олинганлиги ҳам кўрсатади.<sup>96</sup>

XX аср бошларида пахтачилик янада ўсиб (21-жадвал) борди.<sup>97</sup>

<sup>95</sup> Центральный Государственный Исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп.3. Д.309. Л.9.

<sup>96</sup> *Ўша жойда.*

<sup>97</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1912 г. Т., 1914. С.36.

Уездлар	1906 й.		1907 й.		1906 йилга нисбатан кўпайиши ёки камайиши	
	Америка пахтаси (десят.)	Маҳаллий пахта (десят.)	Америка пахтаси (десят.)	Маҳаллий пахта (десят.)	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта
Тошкент	18290	407	30.053	109	+64,3%	-73,2%
Чимкент	3185	429	3087	520	-3%	+21,2%
Амударё бўлими	1840	3120	3496	1855	+90%	-40,5%
<b>Жами</b>	<b>23315</b>	<b>3956</b>	<b>36636</b>	<b>2484</b>	<b>+57,1%</b>	<b>-37,2%</b>

Ушбу маълумотларга кўра, 1907 йилда Америка пахта майдони 1906 йилга нисбатан уездлар бўйича ўрта ҳисобда 57,1 фоизга ортган. Маҳаллий пахтаники эса 37,2 фоизга камайган. Пахтани етиштиришда Тошкент уезди олдинги ўринда бўлиб, 1907 йилда Америка пахта майдони 64,3 фоизга ошган ҳолда, маҳаллийники 73,2 фоизга пасайган. Америка пахтаси 1906 йилда 23.315 десятина ва маҳаллий пахта 3.956 десятина, 1907 йилда 36.636 ва 2.480 десятина ерни эгаллаган эди.

Бошқа бир маълумотларга кўра эса, 1907 йилда вилоятда пахта 44407 десятина ерга экилган.<sup>98</sup>

Кейинги 1908 йилда пахтачилик бирданига юқорига кўтарилди. Шу вақтдан бошлаб экин майдони кенгайиб бораверди. Масалан, 1908 йилда 10.914 десятина, 1909 йилда 33.463, 1910 йилда 35.675 десятина ерга пахта экилди. 1912 йилда пахта олдинги йилга нисбатан обхавонинг қулайлиги туфайли яхши ҳосил бериб, Америка пахта навини етиштириш (22-жадвал) ўсди.<sup>99</sup>

<sup>98</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. 1. 27-рўйхат. 1574-иш. 24-бет.

<sup>99</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1912 г. Т., 1914 г. С.36



Уездлар	Америка пахтаси (десят.)		Маҳаллий пахта (десят.)	
	1911 й.	1912 й.	1911 й.	1912 й.
Тошкент шаҳри атрофила	190	115	31	34
Тошкент уезди	37799	51025	786	1132
Чимкент уезди	4304	5643	723	854
Амударё бўлими	3770	1829	1665	1012
<b>Жами</b>	<b>46063</b>	<b>58612</b>	<b>3205</b>	<b>3032</b>

Демак вилоятда, Америка пахтаси 1911 йилда 46063 ва 1912 йилда 58612 десятина ерга экилиб, Тошкент уезди пешқадамлик қилган. Маҳаллий пахта эса 1911 йилда 3205 ва 1912 йилда 3032 десятина ерни ўз ичига олган.

1912 йилда об-ҳавонинг қулайлиги туфайли ҳосил ёмон бўлмаган. Тўғри, Тошкент уездининг жануби-ғарбий ва шимолий қисмида пахта майдони кўпайтирилиши туфайли сув етишмай ҳосил бирмунча пасайган. Шунингдек, Чирчиқ дарёсида июнь, июль, август ойларида сувнинг озайиши ҳам ҳосилга ўз таъсирини ўтказган. Бироқ, умуман олганда Тошкент уездининг жануби-шарқий томонида сув етарли даражада бўлганлиги учун ҳосил кўтарилган.<sup>100</sup>

Тошкент уездида пахтачилик кўпроқ Зангиота волостида (экилган майдон 7995 десят.) Пўлатовда (2500 десят.), Пскентда (2980 десят.), Ниёзбекда (2500 десят.), Канжигалда (3058 десят.), Бўкада (1175 десят.) ва Чинозда (2150 десят.) ривожланган эди. Пахта уездидаги рус посёлкаларида ҳам маълум даражада етиштирилган. Хусусан, пахта Богородицко посёлкасида 197, Садовда 19, Троицкийда 40, Солдатскийда 38, Самарада 4 ва Успенскийда<sup>101</sup> 3 десятина ерда ўстирилган. Пахтачилик

<sup>100</sup> *Ўша жойда*, 37-бет.

<sup>101</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. 1. 27-рўйхат. 1574-иш. 24-бет.

билан Чимкентдан ташкари Туркистонда, Икон қишлоғида, Сайрамда, Қорабулок ва Қорамуртда шуғулланилган. Амударё бўлимидаги Тўрткўл, Шурахан, Сарибий, Шайхобод, Валий ва Бийбозор волостларида пахта экилган. Чимбой ва уни атрофларида Америка пахта нави 140 десятина ва маҳаллийники 617 десятина ерга экилган. Пахтанинг сифати ҳақида гапирилганда Америка нави пахтаси Тошкент шаҳри атрофидаги жойларда бир десятина ердан 60,4 пуд, уездда 55 пуд ҳосил олинган. Маҳаллий пахтаникидан эса 50,5 ва 37,8 пуд ҳосил қўлга киритилган. Бинобарин, Америка пахтасининг сифати юқори эди. Бу жиҳатдан Амударё бўлими олдинги сафда туриб, бир десятина ердан Америка пахта нави 84,4 пуд, маҳаллийники 43,7 пудни ташкил этган. Ўрта ҳисобда вилоятга қарашли уездларда Америка пахта нави бўйича бир десятина ердан 54,2 ва маҳаллий пахта навидан 36,2 пуд олинган. Шундай қилиб, 1912 йилда вилоят бўйича қуйидаги ҳажмда пахта териб (23-жадвал) олинган эди.<sup>102</sup> Унинг асосий қисми Тошкент уезди (2809461 пуд) ва Чимкент уездида (219295 пуд) етиштирилган.

**23-жадвал**

Уездлар	Америка пахтаси (пуд)	Маҳаллий пахта (пуд)	Жами (пуд)
Тошкент шаҳри атрофи	6946	1717	8663
Тошкент уезди	2809461	42885	2852346
Чимкент уезди	219295	22302	241597
Амударё бўлими	154398	44304	198702
<b>Жами</b>	<b>3.190.100</b>	<b>111.208</b>	<b>3301308</b>

Вилоят бўйича Америка пахта нави 3.190.100 пуд ва маҳаллий пахта 111.208 пуд тайёрланган. Шундай қилиб, Сирдарё вилоятида пахтачилик ривожланиб, ҳосил 3,5 млн. пудга яқинлашган, бироқ уни янада кенг қўламда таракқий эттиришга шароит йўқ эди. Шу боис «Обзор Сырдарьинской области» китобида шундай ёзилган: Пахтачиликнинг келажакда вилоятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга таъсир этишига барча асослар мав-

<sup>102</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1912 г. С. 36.

жуд. Ҳозирда пахтачилик вилоят қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи ўринни эгаллаганича йўқ. Бунга суғориладиган ерларнинг торлиги, майда ва арзон қарз пулининг кенг қўламда қўлланмаслиги сабаб бўлиб, пахтачиликнинг тез суръатларда ривожланишига йўл берилмаётир.<sup>103</sup>

Дарҳақиқат, чор ҳукумати сунъий суғоришни ривожлантиришга етарли даражада аҳамият бермаслиги оқибатида янги ерларни ўзлаштириш ва пахтачиликни юқори поғонага кўтаришнинг имкони бўлмади. Бундан ташқари судхўрлик томонидан берилаётган қарз деҳқонларни холдан тойдирган эди.

Ваҳоланки, сунъий суғориш тизимини ривожлантириш имконияти катта бўлиб, пахта ни фақат қадимдан фойдаланиб келаётган ерларнинг ўзидагина эмас, балки қўшимча ерларни ўзлаштириш ҳам лозим эди. Бундай қилмасликнинг оқибатида пахта озик-овқат маҳсулотларини сиқиб чиқариб, етишмовчилик ва қимматчиликни юзага келтирди.

1913 йилда ёзнинг иссиқ ва қуруқ келиши пахтанинг яхши етилиши ва сифати кўтарилишига олиб келди. Натижада деҳқонларнинг бўйнидаги қарз бир оз бўлса-да, енгиллашган.

Тошкент уездининг Зангиота вилоятида пахта 800 десятина, Пўлатда 2510 десятина, Пскентда 2940 десятина, Ниёзбекда 1200 десятина, Канжигалда 2940 десятина, Бўқада 1335 десятина ва Чинозда 2160 десятина ерга экилган. Пахта рус посёлкаларига қарашли Богородицада 200 десятина, Садовада 20 десятина, Троицкийда 10 десятина, Солдатскийда 95 десятина, Самарада 12 десятина ва Успенскийда 7 десятина ерда етиштирилган. Илгаригидек, у Чимбой ва Амударё бўлимида экилган.<sup>104</sup> Ўша йилда Сирдарё вилоятида пахта экилган майдон ва ҳосилнинг ҳажми қўйидаги *24-жадвалда* ўз ифодасини топган.<sup>105</sup>

<sup>103</sup> *Ўша жойда*, 40-бет.

<sup>104</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1913г. Т., 1916 г. С.32.

<sup>105</sup> *Ўша жойда*. 33–35-бетлар.

Уездлар номи	Америка пахтаси (десят.)	Америка пахтасининг хосили (пуд)	Маҳаллий пахта (десят.)	Маҳаллий пахтанинг хосили (пуд)
Тошкент шаҳри	163	57846	56	2785
Тошкент уезди	52013	2645722	2217	82432
Чимкент уезди	3578	277870	399	12015
Амударё бўлими	10253	850710	3075	92912
<b>Жами:</b>	<b>68007</b>	<b>3782148</b>	<b>5747</b>	<b>190144</b>

Вилоятда Америка пахта нави 68007 ва маҳаллий пахта 5747 десятина ерда етиштирилиб, Амударё бўлими ва Тошкент уезди олдинги сафда турган. Ҳосилнинг миқдори жихатдан ҳам улар салмоқли ўринни эгаллаганлар. Вилоят бўйича 73754 десятина ерга қадалган Америка ва маҳаллий пахтадан 3.782148 пуд ва маҳаллий пахтадан 1904144 пуд хом ашё тайёрланган. Бу олдинги 1912 йилга нисбатан кўп эди. Бунга авваламбор пахта экин майдонининг кенгайиши сабаб бўлган. Ҳосилдорлик эса, бир оз паст эди. Масалан, 1912 йилда Тошкент шаҳри атрофида Америка пахта нави экилган бир десятина ердан 58,0 пуд ҳосил олинган бўлса, 1912 йилда ўша жойда 60,4 пуд ҳосил қўлга киритилган эди.

1914 йилда пахта экилган майдон 84.399, 1915 йилда 73.995, 1916 йилда 64.635 ва 1917 йилда 48.718 десятинани ташкил этди. Кўриниб турибдики, кейинги уч йил мобайнида пахта майдони қисқариб борган.

Самарқанд вилоятида аҳоли 750.000 кишидан иборат бўлиб Хўжанд, Каттақўрғон ва Жиззах уездларини ўз ичига олган. Бу ерда 1873 йилда 4003, 1874 йилда 3362, 1875 йилда 3066 таноб ерга пахта экилган. Хўжандда 1873 йилда 7732, 1874 йилда 6251 ва 1875 йилда 9172 таноб ерда етиштирилган. 1890 йилга тегишли маълумотга кўра, руслар қўл остидаги 700 десятина ерда пахта экилган. Вилоятда Америка пахта навларини етиштириш йил сайин ошиб (25-жадвал) борган. Хусусан, улар 1891 йилда 13294 десятинани ташкил этган бўлса, кейинги йили 18.365 десятинага кўпайган.

Уездлар номи	Америка пахтаси	Америка пахтаси	Маҳаллий пахта	Маҳаллий пахта
	(десят.)	(десят.)	(десят.)	(десят.)
	1891 й.	1891 й.	1892 й.	1892 й.
Самарқанд	4.189	1.656	6.220	1.300
Каттақўрғон	5.820	2.704	7.858	3.022
Хўжанд	3.223	2.717	3.887	1.861
Жиззах	61	272	100	295
<b>Жами:</b>	<b>13.294</b>	<b>7.349</b>	<b>18.365</b>	<b>6.478</b>

Маҳаллий пахта 1891 йилда 7349 ва 1892 йилда 6478 десятина ерга экилиб, қисқариб борган. Пахтачиликда Каттақўрғон биринчи, Самарқанд иккинчи ўринни эгаллаган. Маҳаллий пахта Хўжандда ва Каттақўрғонда кўпроқ етиштирилган.

Америка пахта нави Каттақўрғон уездининг Димарик, Манарик, Қиличобод, Хўжаарик, Калқўрғон, Пайшанба, Жун, Тагр, Новқа, Митан, Тусун, Оқтепа, Чимбой ва бошқа волостларида экилган. Айниқса, Пайшанба, Новқа ва Митан волостларида Америка пахтаси кўпроқ етиштирилган.

Кўрсатилган волостларда маҳаллий пахта бир десятинадан ўрта ҳисобда 12—20 пуд орасида, Америка пахтаси эса 16—32 пуд атрофида ҳосил берган.<sup>106</sup> Америка пахтасидан олинадиган тола ўзининг яхши сифати билан ажралиб турган. Ҳатто у, Америкадан Москва ва Ладзин бозорларига келтириладиган пахта сифатидан қолишмаган. Ангар ва Оқтепа волостларидан олинадиган пахтанинг сифати Американикидан устун турган.<sup>107</sup>

Пахта уч йил мобайнида такрор экилиб яхши гўнгланган. Сўнгра беда ва бошқа ўсимликлар экиб турилган. Бошқачароқ айтганда, алмашлаб экиш услубига қаттиқ эътибор берилган. Шунинг учун ҳам ҳеч ким ернинг қувватсизланганидан ва ҳосилдан шикоят қилмаган.

Уезд бошлигининг гапларига қараганда, маҳаллий пахта анча арзон нархда сотилган ва ҳосилнинг пастлиги

<sup>106</sup> *Ўша жойда*. 29-бет.

<sup>107</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.1. 2-рўйхат, 560-иш, 41-бет.

оқибатида унинг яқин келажақда Америка пахтаси томонидан сиқиб чиқарилишига шубҳа бўлмаган. Таъқидланишича, 1892 йилда Америка пахтасидан 400.000 пуд, маҳаллий пахта навидан 100.000 пуд ҳосил олинган.<sup>108</sup>

Уезд бошлиғи пахтачиликнинг ўсиб бориши деҳқончиликнинг бошқа тармоқларини қисқартиришга олиб келиб, озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса ғаллачиликка путур етказишини қайд қилган. Унинг айтишича, илгариги вақтларда пахта майдони  $1/2$  қисмини қоплаган бўлса, Америка пахтаси иқлимлаштирилгандан кейин  $1/6$  қисмга кўпайган.<sup>109</sup> Бундай ўзгариш бошқа уездларда ҳам кўзга ташланган.

1892 йилда Самарқанд вилоятидаги уездларда пахта ҳосилининг ҳажми хусусида фикр юритилганда шу нарса маълум бўладики (26-жадвал), Каттақўрғон, Хўжанд, Самарқанд олдинги ўринларда турган.<sup>110</sup>

26-жадвал

Уездлар	Америка пахтаси (пуд.)	Маҳаллий пахта (пуд.)	Жами (пуд.)
Самарқанд	423.500	84.500	508.300
Каттақўрғон	510.570	196.495	707.265
Хўжанд	252.655	120.965	373.620
Жиззах	6.500	19.175	25.675
<b>Жами:</b>	<b>1.193.725</b>	<b>421.135</b>	<b>1.614.860</b>

Ўша йилда олинган тола Америка пахта ҳосилининг 30 фоизи ва маҳаллий пахтанинг 25 фоизини ташкил этган. Бунга Америка пахтасининг чаноғида пишиб очилиши, маҳаллийники эса чаноғида етилмасдан, қўл билан ажратиб олиниши сабаб бўлганлиги манбада қайд қилинади. Бу ҳосилнинг пастлигини белгиловчи омиллардан бири эди, албатта. Агар пахта ҳосили тола ҳисобида белгиланса, у вақтда ҳар икки нав пахтанинг ҳажми 459.190 пудни ташкил этади. Шундан 358.118 пуди Америка пахтасига, қолган 101.672 пуди маҳаллий навга тегишлидир.

<sup>108</sup> Ўша жойда, 29-бет.

<sup>109</sup> Ўша жойда.

<sup>110</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. Ф,1. 2-рўйхат, 560-иш, 41-бет.

Пахтачиликнинг айрим жойларидаги ҳолатини чуқурроқ билиш учун Самарқанд уездининг волостларига доир қуйидаги маълумотларни келтириш (27-жадвал) фойдадан холи эмас.<sup>111</sup>

27-жадвал

Волостлар	Экилган чигит		Пахта ҳосили	
	Америка пахтаси (пуд)	Маҳаллий пахта (пуд)	Америка пахтаси (пуд)	Маҳаллий пахта (пуд)
Ангор	85	26	9350	2809
Дахбед	26	3	2530	385
Дауд	175	59	19250	6254
Жой Девон	67	13	7425	1431
Тўртқўл	160	215	13680	22843
Ишимоқсоқ	23	80	2585	8533
Кобут	34	6	3740	689
Қорақалпоқ	26	4	2860	477
Полвонариқ	75	24	8250	2544
Сергалин	20	11	2200	1219
Туяторгар	13	1	1485	159
Халван	23	35	2585	3763
Хўжамукур	3	2	660	265
Хўжа Аҳрор	11	12	1265	1325
Чашмаоб	30	1	3300	159
Челак	13	228	29046	24221
<b>Жами:</b>	<b>784</b>	<b>720</b>	<b>110211</b>	<b>77076</b>

Бу 1897 йилга тегишли рақамлар шуни кўрсатдики, уездда Америка нави пахтаси Челак волостида кўп экилиб, 29046 пуд ҳосил терилган. Маҳаллий пахтадан эса 24221 пуд хом ашё олиниб, ундан асосан маҳаллий эҳтиёж учун фойдаланилган. Америка пахта нави Дауд, Тўртқўл волостларида кўпроқ етиштирилган. Маҳаллий

<sup>111</sup> Ўзбекистон Марказий Давлат архиви. Ф,18. 1-рўйхат. 1109 иш. 103-бет.

пахта Тўртқўлда 22.843 пуд ҳажмида териб тайёрланди. Шундай қилиб Челак ва Тўртқўлда маҳаллий пахта кўп экилган.

Америка пахта нави экилган бир десятина ердан 56—60 пуд ҳосил олинган бўлса, маҳаллий пахтаники 50—56 пудни ташкил этган. Дехқон пахтани бир десятина ерда етиштириш учун 50—60 сўм сарфлаган.<sup>112</sup> Челак, Янгикўрғон, Даул, Дахбед ва Самарқанд бозорларида Америка пахта нави биринчи сортининг бир пуди 2,50 тийин, иккинчиси 2,30 тийин ва учинчиси 2 сўмга сотилган. Маҳаллий пахтаники 1,50, 1,40 ва 1,20 тийинга харид қилинган.<sup>113</sup>

Америка пахта нави сифати жихатдан ҳам, нархдан ҳам даромад келтирган.

1897 йилда Хўжанд уездида Америка пахта нави 2463 ва маҳаллий пахта 931 десятина ерга экилиб, биринчисидан 123.645 ва иккинчисидан 29.476 пуд ҳосил йиғиштирилган. Америка пахта навидан бир десятина ердан 85 ва маҳаллий пахта навидан 70 пуд хом ашё тайёрланган.

Самарқанд вилоятида ҳам кўпроқ маҳаллий дехқончилик қуроллари ишлатилган. Пахта майдонларида, — дейди манбалардан бирида, — ибтидоий усулда иш олиб борилади. Ер, даставвал, учига чўян ўрнатилган омов билан ҳайдалган. Кейин тишли текис тахта билан текисланади. Чигит биринчи навбатда гўнг билан аралаштирилиб, апрелнинг ўрталарида экилади. Майнинг бошларида чигит униб чиққандан кейин намликни сақлаш учун чопиқ қилинади. Пахта ёз бўйи уч мартаба суғорилиб, ҳар бир ариқ икки кундан уч кунгача сув билан тўлғизилади. Сўнгра қуриган ёки касалга чалинган новдалар олиб ташланади. Нихоят, сентябрнинг ўрталаридан то ноябрнинг охирларигача пахта терими давом этади. Бизнинг ноқоратупроқ ерлардаги руслар Ўрта Осиёда пахта етиштириш учун қанчадан-қанча машаққатли меҳнат ва вақт сарф этилишини тасаввур эта олмайдилар.<sup>114</sup> Дарҳақиқат, ўзбек дехқони экин майдонларига оддий кетмон ва омов воситасида ишлов бериб, катта куч-ғайратни ва кўп вақт сарфлаб ҳосил етиштирарди.

---

<sup>112</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.18. 1-рўйхат, 11754, 10-бет

<sup>113</sup> *Ўша жойда*.

<sup>114</sup> Федоров А.П. *Ўша асар*. 157-бет.



1900 йилда вилоятда 22.825 десятинага экилган Америка ва маҳаллий пахта навидан 1.556.139 пуд ҳосил олинган. Бу йили об-ҳавонинг яхши келиши ҳосилнинг самарадорлигини таъминлаган.

XX аср бошларида Самарқанд вилоятида пахта экин майдони 1901 йилда 23.407 десятинадан, 1902 йилда 16.343, 1903 йилда 9.812, 1904 йилда 18.307 ва 1906 йилда 13.937 десятинадан иборат бўлди. Бу рақамлар шундан далолат берадики, пахта экиладиган ерлар айрим йилларда изчиллик билан кўпайиш ўрнига олдинги йилларга нисбатан камайган. Бунга озик-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги, нарх-навонинг ошганлиги учун дехқонлар пахта ўрнига озик-овқат маҳсулотларини кўпроқ етиштириши сабаб бўлган. Кейинги йилларда озик-овқат маҳсулотлари кўпайганлиги туфайли пахтачилик ўсиб (28-жадвал)борди.<sup>115</sup>

28-жадвал

Йиллар	Каттақўрғон уезди (десят.)	Самарқанд уезди (десят.)	Жиззах уезди (десят.)	Хўжанд уезди (десят.)	Жами: (десят.)
1907	10.083	4.665	1.440	7.135	23.323
1908	3.801	5.573	225	11.044	20.643
1909	14.225	9.901	476	6.637	31.269
1910	13.601	4.542	510	6.571	25.224
1911	15.970	4.529	570	7.597	28.666
1912	16.413	2.370	892	7.399	27.074

1907—1912 йиллар орасида пахта майдони 23.323 десятинадан 27.074 десятинага етиб унчалик баландга кўтарилмади.

Пахта экилган ерлар 23—31 минг десятина оралигидаги майдонни эгаллаган. Фақат 1909 йилда 30 минг десятинадан ошиб кетди.

Пахта майдонларининг кўпайишига ёки қисқаришига об-ҳаво шароитига қараб терилган пахтанинг миқдори ҳам ҳар хил бўлган. Чунончи, вилоятда 1900 йилда 1.556.139 пуд, 1905 йилда 1.118.105 ва 1908 йилда 901.565 пуд пахта олинган. Мазкур йилларда Каттақўрғон уез-

<sup>115</sup> Туркестанское сельское хозяйство. 1913, №12.

дида 472.282, 651.258 ва 585.724 пуд пахта етиштирилган. Яъни вилоятда олинган пахта ҳосилининг ярмидан кўпини ташкил этган. Ҳама йилларда Хўжанд уезди пахта етиштиришда иккинчи ўринда турган.

Кўрсатиб ўтиш лозимки, вилоятда етиштириладиган пахтанинг кўриниши ва сифати бир хил бўлмаган. Масалан, Хўжанд пахтаси кўпроқ Фарғонаникига ўхшасада, лекин толаси унга нисбатан калтароқ эди. Айни бир пайтда сал дағалроқ ва ифлосроқ бўлиб, газлама тўкилаётганда анча тутун чиқарган. Самарқанд пахтасининг толаси эса 28 мм бўлиб, қаттиклиги ўртача ва айрим тугунчалари бўлган.

Кейинги вақтларда пахтачилик анча ривожланиб борган бўлса-да, лекин айрим йилларда гоҳ камайиб, гоҳ кўпайиб турган. Масалан, вилоятда пахта майдони 1913 йилда 31.758, 1914 йилда 30.846, 1915 йилда 55.573, 1916 йилда 60.305 ва 1917 йилда 42.004 десятина ерни ўз ичига олган эди. Бу рақамлар 1914 ва 1915 йилларда пахтачиликнинг кўтарилганлиги яққол кўзга ташланиб турибди. Териб олинган пахта миқдорига келсак, у 1913 йилда 953.000, 1914 йилда 621.000, 1915 йилда 1.346.000, 1916 йилда 1.123.000 ва 1917 йилда 826.000 пудни ташкил этган. Вилоятда пахтачилик 1915 ва 1916 йилларда юқори поғонага кўтарилган.

Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида Америка пахта навларининг иқлимлаштирилиши орқасида пахтачилик анча кенг қулоқ ёзди. Улар пахтачилик соҳасида Фарғона вилоятидан кейинги иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган эди.

## **Туркистон ўлкасида пахтачиликнинг ривожланиши**

Чор ҳукумати ва капиталистлар пахтачиликни ривожлантириб, мустамлакачилик сиёсатининг иқтисодий заминини бунёд этишга тўла эришдилар. Пахтанинг салмоғи кундалик ҳаётининг таркибий қисми сифатида шу даражада ошиб кетдики, ўлкада ҳам, Россияда ҳам кўпларнинг бошини чулғаб олди. Бу ҳақда Россия дехқончилиқ департаментининг таниқли вакили В.И. Масальский шундай ёзган: Ўтган қисқа вақт ичида Туркистонда пахтачилик билан махсус шуғулланувчи корхоналар пайдо бўлди. Шароитга мос тушадиган Америка пахта навлари иқлимлаштирилди ва пахта тозалаш заводлари қурилди. Анча такомиллаштирилган дехқончилик қурол-

лари юзага кела бошлади, пахта билан иш юритувчи йирик фирмалар фаолият кўрсатди. Пахтани тозалаш ва транспорт усуллари яхшиланди.

Хуллас, пахтачилик ривожланиб, ўн минглаб кишиларни камраган, юз минглаб одамларни озиқ-овқат билан таъминлайдиган ва ўн миллионлаб сўмлар муаммосини ўз ичига олган катта ишга айланди.<sup>116</sup>

Ўлкада пахтачиликнинг қанчалик ўсиб борганлигини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин. XIX асрнинг 60-йиллари охиридан то 80-йилларнинг ўрталаригача пахта экилган майдон 10—15 минг десятирани ташкил қилган, холос. Хусусан, биргина Тошкент атрофида 1884 йилда 300 минг десятинага пахта экилган бўлса, 1884 йилда пахта майдони 1000 десятинага ошган.

XIX асрнинг охирларига келиб пахтачиликнинг мавқеи янада юқорига кўтарилди. Шунинг учун ҳам пахта майдонларини тобора кенгайтириш биринчи вазифа бўлиб қолди. Натижада ўлкада бундай ерларнинг ҳажми ошиб бораверди (29-жадвал).<sup>117</sup>

#### 29-жадвал

Йиллар	Фарғона вилояти (десят.)	Сирдарё вилояти (десят.)	Самарқанд вилояти (десят.)	Каспийорти вилояти (десят.)	Жами: (десят.)
1888	34.689	25.841	7.980	160	68.650
1889	50.716	25.841	9.265	100	85.922
1890	51.141	23.500	17.348	900	92.889
1891	66.294	15.480	20.643	1.300	103.717
1892	89.784	23.490	24.844	1.700	139.818
1893	85.300	31.500	21.488	4.000	142.288
1894	82.300	13.900	16.412	3.800	116.452
1895	109.701	14.104	15.223	3.500	142.527
1896	128.726	14.308	18.144	12.300	173.278
1897	116.802	14.512	16.142	11.000	158.456
1898	106.230	14.716	17.132	14.000	152.078
1899	155.283	14.920	23.370	6.500	200.073
1900	186.326	15.123	22.825	10.000	234.274

<sup>116</sup> Масальский В.И. Ўша асар, 63-бет.

<sup>117</sup> Демидов А.П. Экономические очерки хлопковой торговли и промышленности в Туркестане. М. 1926. С.43.

Шундай қилиб, бутун Туркистон ўлкасида пахта майдони 1888 йилда 68.650 десятина, 1895 йилда 142.527 десятина бўлса, 1900 йилда 234.274 десятинага етган. Бунинг ярмидан кўпроғи Фарғона вилоятига тўғри келади.

Пахта майдонларини кенгайтириш ва ҳосилнинг кўпайишидан олинаётган даромадлар «пахта вазвасасини» кучайтириб, Туркистондагина эмас, балки Россиядаги мафаатдор саноат-савдо доираларини ҳам ўзига ром қилиб қўйди. «Пахта, — деб ёзган эди 1908 йилда газета, — бутун Туркистон ўлкаси ҳаётининг асосий йўналиши сифатида гавдаланмоқда. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд ва Каспийортидаги вилоятлар туб аҳоли, руслар ҳамда Бухоро ва Хива хонликлари ҳаётининг барча тармоқлари кўп жихатдан дунёда энг сердаромад ўсимлик — пахтага боғланиб қолди. Россиянинг марказий жойларидаги юз минглаб кишилар, фабрика ва завод эгалари, темир йўлларнинг ишчи ва хизматчилари Туркистон пахтасига чамбарчас алоқадордир. Пахта туфайли Туркистон ўлкасида ва Россиянинг марказий районларида тобора кўпаяётган катта даромадлардан давлат хазинаси ҳам кўп манфаат топмоқда. Туркистон ўлкасини босиб олиш билан жавохирнинг бир тури бўлмиш пахта Туркистон ўлкасини Россияга тамомила боғлаб қўйди. Шунингдек, пахтачилик Ўрта Осиё темир йўлини қуришда муҳим ўрин эгаллади. Пахта тўғрисида гапирсак, ҳозирга Туркистон ўлкасидаги бутун борлиқ пахтада ва ҳеч бир нарса пахтадан холи эмас».<sup>118</sup>

Мазкур сатрлар пахтанинг халқ хўжалиги барча соҳаларига кириб борганлигидан далолат беради. Шу тарзда пахтачиликни тобора ривожлантириш куннинг долзарб масаласи сифатида гавдаланди. Натижада, XX аср бошларида ҳам Туркистон ўлкасида пахта экин майдонлари кенгайиб борди<sup>119</sup> (30-жадвал).

<sup>118</sup> Туркестанские ведомости. 1908. №160.

<sup>119</sup> Демидов А.П. Ўша асар, 43-бет.

Йиллар	Фаргона вилояти	Сирдарё вилояти	Самарқанд вилояти	Каспийорти вилояти	Жами:
	(десят.)	(десят.)	(десят.)	(десят.)	(десят.)
1901	210.279	15.327	23.407	11.000	260.013
1902	174.216	15.530	16.343	16.000	222.089
1903	149.056	11.019	9.812	22.000	191.887
1904	186.828	17.312	18.307	31.000	353.647
1905	166.789	13.302	18.737	11.000	191.111
1906	189.869	24.3666	13.937	32.000	254.647
1907	199.994	39.125	15.521	34.000	288.640
1908	190.884	28.007	21.683	42.000	282.574
1909	208.053	31.463	31.269	31.000	301.785
1910	35.891	35.675	25.224	28.000	324.790
1911	167.317	49.268	28.666	38.000	383.281
1912	255.566	64.450	29.130	42.319	391.465
1913	274.897	76.726	31.758	43.000	426.381
1914	283.000	84.399	30.846	62.260	460.505
1915	333.525	74.050	55.573	57.466	523.614
1916	348.469	64.535	60.305	60.363	533.671
1917	286.699	56.134	42.004	33.953	418.790

Ўлкада пахта майдони 1901 йилда 260.013 десятинадан 1910 йилда 324.790 ва 1916 йилда 533.671 десятинагача кўпайди. Бошқачароқ айтганда, кўрсатилган йиллар орасида экин майдони 2 мартага ошди. Бунга Америка навларини иклимлаштириш сабаб бўлган эди. «Эндиликда, — деб ёзган ўша даврда «Туркестанские ведомости» газетаси — Туркистон пахтасининг сифати хатто ўрта даражадаги Америка пахтасидан ҳам паст эмас, балки юкоридир».<sup>120</sup>

XX аср бошларида ўзбек пахтаси тўқимачлик саноати талабларига тўла жавоб берадиган даражада эди. Шунинг учун ҳам пахтани янада ривожлантириш ҳақидаги таклифлар матбуотда баён этилди. Масалан, «Туркестанские ведомости» газетасида шундай дейилган: «Аму-

<sup>120</sup> «Туркестанские ведомости». 1908. №151.

дарё суви билан суғориладиган ерлардаги дехқончилик ўсимликлари орасида пахта биринчи ўринда туриши лозим. Чет элдан келтириладиган пахтага қўйилган бож ўлкада пахтачиликни рағбатлантиришга қаратилган. Ҳозирча чет элдан ҳам пахта келтирилмоқда, лекин вақти келиб пахтамизни четга чиқаришимиз мумкин. Аммо ҳали бунга эришилгани йўқ. Охирида, Туркистон пахтаси Россиянинг Америка пахтасига бўлган эҳтиёжини қамайтириб, жаҳон бозорига таъсир қилади».<sup>121</sup>

Туркистон ўлкасида пахтачиликнинг энг юқори босқичга қўтарилган вақти 1915 йилда кўзга ташланади. Маълумки, бу вақтда Биринчи жаҳон уруши муносабати билан Россияга Америкадан пахта келтиришнинг имкони бўлмади. Бу ўзбек пахтасига бўлган эътиборни ва талабни янада кучайтирди. Айни бир пайтда пахтанинг нархи ҳам ошиб борди. Масалан, 1898 йилда Фарғона вилоятида бир пуд пахта 1.50 ва 1.80 тийин ўртасида сотилган бўлса, 1905 йилда 3.33, 1910 йилда 4.45, 1915 йилда 32 сўм баҳода харид қилинган.

Пахта дехқонлар томонидан машаққатли меҳнат ва азоб-укубатлар билан етиштирилди, лекин унинг ҳузурини бошқалар кўрди. Чунончи, етиштирилган пахта ҳосили турли фирмалар томонидан харид қилиниб, Россиядаги саноат корхоналарига жўнатиб турилди. Улар пахта тозалайдиган заводлар қурдилар. Шунингдек, пахта плантацияларини ташкил этиш ва дехқонларга қарз бериш йўли билан ҳам мўмай даромадни қўлга киритдилар. Айниқса, «Ярославль катта мануфактура ширкати» пахтани харид қилишда муҳим ўрин эгаллади. Ҳатто, у Андижон, Самарқанд ва Хўжандда 2750 десятинадан иборат пахта плантацияларига эга бўлиб, даромадни янада қўпайтиришга ҳаракат қилган. Унинг ўлкада 16 та пахта тозалаш заводи бор эди.

XIX асрнинг 80-йилларида «И.К. Познанский» ипгазлама акционерлик жамияти ўз фаолиятини бошлаб, катта ҳажмдаги пахта савдоси билан шуғулланган. Масалан, у 1890—1897 йилларда 1.120.000 пуд пахта сотиб олган эди. Унинг бўлимлари фақат Туркистон генерал-губернаторлигида эмас, балки Бухоро хонлигида ҳам бўлган. 1905 йилда Фарғона, Самарқанд ва Каспийорти вилоятларида ҳамда Бухоро ва Хива хонликларидаги унга

---

<sup>121</sup> Центральный государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп.3, Д.320, Л.43.

тегишли заводларни ўз ичига олган «Хлопок» («Пахта») акционерлик жамияти тузилди. 1909–1910 йилларга келиб, бу жамиятнинг пахта бўйича савдо обороти ўз даври учун салмоқли — 11,5 миллион сўмга етди.<sup>122</sup>

1888 йилдан бошлаб «Бр. Шлосберг» савдо уйи йирик пахта савдосини олиб борган. Унинг Самарқанд, Қўқон ва Бухорода идоралари ишлаб турган. Мазкур савдо уйи Андижон, Наманган, Қўқон, Самарқанд, Асака, Каттакўрғон, Бухоро, Термиз, Қорақўл, Қува ва ўлканинг бошқа жойларида минглаб пуд пахтани харид қилган. Унинг пахта бўйича савдоси ўсиб борган.<sup>123</sup>

1888/89	200.000 п	1893/94	44.3.750 п
1889/90	300.000 п	1894/95	566.575 п
1890/91	388.000 п	1895/96	841.250 п
1891/92	507.000 п	1896/97	1,395.750 п

«Савдо уйи» 1888/1889 йилда 200.000 пуд пахтани харид қилган бўлса, 1896–1897 йилларга келиб, бу рақам 1.395.750 пудни ташкил қилди. Шунга ўхшаш йирик пахта савдоси билан «Никольский ширкати» ва «Саввы Морозов, ўғли ва К2 ширкати» ҳам шуғулланган. «Н. Кудрин ва К0 Ўрта Осие саноат ширкати» пахта билан савдо қилувчи энг йирик харидорлардан бири эди. Бу фирманинг фаолияти шу даражада кенг қулоч ёйдикки, у 53 та фирмани ва айрим ишбилармонларни ўз ичига олган эди. Хусусан, Богарадско-Глуховский, Твер, Волга, Никольский, Собин, Долматовский, Н. Коншин, Т.С. Морозов ва бошқа номлардаги кўп фирмалар шулар жумласидан. Ширкатнинг бир нечта пахта тозалаш заводи бўлиб, ўлканинг кўп жойларига Америка пахта чигитини экиш учун тарқатган.

XIX асрнинг 90-йилларида Фарғона вилоятида «Эрон ва Ўрта Осий савдо-саноат», Л. Кноп, Алексеев, Познанский (Лодз), Шлосберг (Лодз), Ярославль мануфактураси, Панфин, Аренс ва Комп, Сальев, Швецов, Шмитд ва Комп, Мейеркарт, Рабенек ва Рябушинский фирмалари пахта билан савдо қилганлар. Масалан, 1898 йилда Эрон

<sup>122</sup> Вексельман М.И. Российский монополистический и иностранный капитал в Средней Азии (конец XIX — нач. XX века). Т., 1987. С.33.

<sup>123</sup> *Ўша жойда.*

ва Ўрта Осиё савдо-саноат ширкати 500 минг пахтани харид қилган эди. 1915 йилда Пател Яхов фирмаси 1.100 минг, Вадьяев фирмаси 850 минг, В. Алексеев фирмаси 750 минг, Юсуп Давидов фирмаси 350 минг, катта Ярославль фирмаси 200 минг, Т.Т. Москва фирмаси 150 минг ва бошқа фирмалар, жами 6.300 минг пуд пахтани сотиб олган.

Самарқанд вилоятида бу савдо билан Ярославль катта мануфактураси, Познан, Шлосберг, Миндор ва Стахович фирмалари шуғулланган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Потеляхова, Вадьяев, Симахов, Давидов сингари фирма эгалари ҳамда Миркомил Мирмўминбоев ва бошқа қатор маҳаллий бойлар ҳам пахтани харид қилишда фаол қатнашганлар. Аммо улар Россия фирмаларига қарам бўлганликлари натижа-сида ўз фаолиятларини кенг қўламда ривожлантира олмади. Шу боис пахтани харид қилиш асосан Россия банк-лари ва фирмаларининг қўлида тўпланган эди.

Хуллас, фирмалар, банклар ва Россиянинг бошқа савдо-саноат вакиллари пахта савдосини тамомила ўз қўлларига олган эди. Кўрилаётган даврда харид қилинган пахта ҳажми *31-жадвалда* кўрсатилган.<sup>124</sup>

*31-жадвал*

Йиллар	Пахта пуд	Йиллар	Пахта пуд
1886	0.3 млн	1901	6.9 млн
1887	0.7 млн	1902	6.0 млн
1888	1.1 млн	1903	5.6 млн
1889	1.5 млн	1904	6.4 млн
1890	0.6 млн	1905	5.5 млн
1891	—	1906	9.0 млн
1892	3.0 млн	1907	10.8 млн
1893	3.6 млн	1908	8.3 млн
1894	2.6 млн	1909	9.8 млн
1895	2.9 млн	1910	9.0 млн
1896	3.2 млн	1911	11.6 млн
1897	4.7 млн	1912	11.5 млн
1898	4.4 млн	1913/14	12.8 млн
1899	4.6 млн	1914/15	14.6 млн
1900	5.0 млн	1915/16	18.5 млн

<sup>124</sup> Демидов А.П. Ўша асар, 103-бет.



1886 йилда пахта ҳосили 0,3 млн пуд бўлган бўлса, 1900 йилда 5 млн ва 1907 йилда 10,8 млн пудга кўтарилди. Кейинги йилларда бу рақам ошиб, 1915—16-йилларда 18,5 млн пудга етди. Бу вақтда Америкадан пахта келтиришнинг оғирлашиши рус тўқимачилик саноатининг ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёжини янада ошириб борди.<sup>125</sup> Шу сабабдан пахта экин майдонлари десятина ҳисобида кенгайиб, унинг бошқа экинларга нисбати қуйидагича бўлган:

1.	Кузги ва баҳорги бугдой	824,903	9.	Сули	30,301
2.	Пахта	533,614	10.	Кўнок	6,742
3.	Арпа	158,300	11.	Кунжут	6,846
4.	Шоли	153,448	12.	Дуккакли ўсимликлар	6,025
5.	Тариқ	68,507	13.	Зиғир	4,195
6.	Жўхори	60,927	14.	Бошқа экинлар	3,042
7.	Маккажўхори	52,658	15.	<b>Жами:</b>	<b>1,951,800</b> <b>десятина</b>
8.	Полиз экинлари	98,679			

Бугдой экилган майдон 824.903 десятинани ташкил этиб, биринчи ўринни эгаллаган. Аммо шунинг хисобга олиш керакки, у асосан суғорилмайдиган лалми ерларда етиштирилган. Суғориладиган ва унумдор ерларнинг эгалланиши нуктаи назардан қараганда пахтачилик (533.614 десят.) пешқадамлик қилган.

Борди-ю, умумий экин майдонидан (1.999.065 десят.) бугдой майдонининг ҳажми олиб ташланса, у вақтда 1.172.962 десятина ер қолади. Шунда пахта ўлкадаги суғориладиган ерларнинг ўрта ҳисобда уч ярим қисмини қоплаган бўлади. Шубҳасиз, бунда умумий пахта ҳосилининг 68 фоизини берган Фарғона вилояти салмоқли ўринни эгаллаган. Гарчанд пахтачиликда экин майдонининг маълум қисми фойдаланилган бўлса-да, лекин олинадиган даромад бошқа экинларга нисбатан баланд бўлган. Шунингдек, унинг қиймати тобора ошиб борган.

Масалан, 1889 йилда пахтачиликнинг қиймати 7.435.000 сўмга, 1880—1893 йилларда 56.832.000 сўмга

<sup>125</sup> Туркестанское сельское хозяйство. 1916. № 17. С.62—93.

етди. 1915 йилда биргина Фарғона вилоятида етиштирилган пахтанинг қиймати 177 миллион сўмга борган. Бу рақамга бошқа вилоятлардаги пахта қиймати қўшилса, унинг салмоғи янада ошади.

Ўлкада етиштирилган пахтанинг деярли ҳаммаси хом ашё сифатида Россияга олиб кетилаверди. 1911 йилги маълумотларга кўра, пахтанинг 84 фоизи Россиянинг марказий жойларига, 10 фоизи Санкт-Петербургга, 4,8 фоизи бошқа жойларга жўнатилган.

XX аср бошларига келиб тегишли маълумотга кўра Туркистон пахтасининг толаси йил сайин Россия тўқимачилик саноатини таъминлашда салмоқли ўринни эгаллаб (32-жадвал) турган.<sup>126</sup>

32-жадвал

Йиллар	Хорижий мамлакат толаси (тонна)	Россияга келтирилган тола (тонна)	Шу жумладан		Жами (тонна)
			Туркистонники (тонна)	Кавказор-тиники (тонна)	
1908/09	180.900	1.436.720	127.738	13.326	324.574
1909/10	194.721	185.435	172.109	15.934	373.600
1910/11	195.820	228.287	206.066	22.221	124.107
1911/12	201.524	220.006	190.809	29.197	121.531
1912/13	177.705	214.608	187.651	21.111	392.478
1913/14	221.721	232.851	206.851	25.999	454.572
1914/15	119.885	283.967	255.282	28.685	48.279

Туркистондан 1908 йилда Россияга 127.738 тонна тола юборилган бўлса, 1914—15-йилларда у 255.282 тоннага етиб, анча ошиб кетди. У пул ҳисобида 238.048 минг сўмга тенг бўлди.

Пахтанинг аҳмияти шу даражада катта бўлганки, 1912 йилда ўлкада Россияга чиқарилган молларнинг умумий қиймати 200 миллион ҳисобланган бўлса, шундан 188 миллион сўмни, яъни 70 фоизни пахта ташкил этган. Буни 1867 йилда 5.513.422 сўм ҳажмда Россияга олиб кетилган пахта миқдорига солиштирилса, у вақтда пах-

<sup>126</sup> Понятовский С. Хлопководство в Узбекистане. Т., 1932. С.11.

тачиликнинг қанчалик юқори поғонага кўтарилганлигини кўриш мумкин. Бу ҳақда қуйидаги маълумотлар ҳам гувоҳлик беради. 1890 йилда ўзбек пахтаси рус тўқимачилик саноатида ишлатиладиган пахтанинг 8 фоизини, 1900 йилда 33 фоизини, 1910 йилда 43 фоизини ташкил қилган бўлса, 1914 йилда 58 ва 1916 йилда 72 фоизни ташкил этган.

Шу тариқа Туркистон ўлкаси Россиянинг хом ашё манбаига айлантирилганди.

Чор ҳукумати бунга эришмоқ учун даставвал ишни ўлкани босиб олишдан бошлаган эди. «Туркистон пахтачилигини ривожлантиришнинг янги даври Тошкент ва Қўқон хонлигини босиб олишдан ва умуман Туркистон ўлкасида русларнинг мустаҳкам ўрнашишидан бошланди. Табиийки, ўлка эгаллангандан кейин пахтачиликни ривожлантириш рус маъмуриятининг биринчи вазифаларидан бири ҳисобланади».<sup>127</sup>

Дарҳақиқат, Чор ҳукумати ва капиталистлар пахтачиликни ривожлантиришни ва чет эл пахтасига қарамликдан қутулишни муқаддас бурч деб билдилар. Бундай қилишнинг лозимлиги Тошкент босиб олинганидан кейин матбуотда ҳам баён этилган. Бу хусусда XIX асрнинг охирларида шундай ёзилган эди: «Туркистон ўлкаси — бой мамлакатдир. Бу ерда олтин, кумуш, темир, кўмир ва қимматли тошлар бор. Бироқ, энг қимматли ва битмас-туганмас бойлик пахта ҳамда ипакдир. Ҳозирда эса улар ҳали ривожланмаган. Аммо билимдонлик билан иш юритилиб, улар кенг кўламда ривожлантирилса, Россия фабрикаларини пахта ва ипак билан таъминлаш мумкин. Шундагина уларни чет мамлакатлардан келтиришга эҳтиёж қолмайди».<sup>128</sup> Худди шундай фикрни 1868 йилда рус газетаси ҳам баён этган эди.<sup>129</sup>

Умумий хулоса шуки, XIX асрнинг 60-йилларидан то 1917 йилгача бўлган даврда пахтани ривожлантириш ва ундан олинadиган даромадларни кўпайтириш ҳаракати бутун ўлка ҳаётини чулғаб олди. Барчанинг фикри-зикри пахтага қаратилиб, «пахта васвасаси» кенг қулоч ёйди. Бунинг ташаббускорлари ва илҳомчилари чор ҳукумати ва савдо-саноат доиралари ҳисобланади, лекин пах-

<sup>127</sup> Масальский В.И. Ўша асар, 16-бет.

<sup>128</sup> Ўша жойда.

<sup>129</sup> «Русский вестник». 1868. №10.

тани етиштиришдаги барча азоб-укубатлар деҳқонларнинг зиммасида эди. Пахта экилгандан то теримигача бўлган вақт ичида банклар, фирмалар ва бошқа кўпдан-кўп манфаатдор доиралар деҳқонларнинг ҳол-аҳволи билан қизиқмаганлар.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ўлкадан Россияга фақат пахтанинг ўзи эмас, балки чигит, кунжара ва ёғ сингари маҳсулотларнинг узлуксиз олиб кетилиши ҳам деҳқонларнинг хўжалигига салбий таъсир этган. Бу ҳолат ўлкада уларнинг миқдорӣ камайишига ва нархнинг ошишига олиб келган. Айниқса, ўлкада Россияга пахта ёғи кўп жўнатилган. Унинг ҳажми 1906 йилда 566.878 пуд, 1909 йилда 1.102.876, 1910 йилда 1.575.988, 1911 йилда 1.772.186, 1912 йилда 2.382.818 ва 1913 йилда 2.115.119 пудни ташкил қилган. 1914 йилда Россияга фақат Красноводск ва Самара орқали чигит 266.751 ва кунжара 470.379 сўм ҳажмда олиб кетилган.

Чор ҳукумати ўзининг мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиққан ҳолда пахтачиликни ривожлантириб катта даромад эгаси бўлиб қолди.

### **Пахтакорларнинг аҳволи**

Пахтачиликнинг ривожлантирилиши орқали ўлкага катта маблағ олиб келинди. Аммо, у асосан Чор ҳукумати, банклар, фирма ва судхўрларнинг чўнтагини тўлдирди, холос. Натижада камбағаллар хонавайрон бўлди, ўртаҳол деҳқонлар эса бойимади.<sup>130</sup> Хўш, пахтанинг хузурини кимлар кўрган эди?

Кўқон биржа жамиятининг маълумотига кўра Фарғона водийсида 1913 йилда Рус-Осиё, Сибирь, Волга-Кама, Москва, Азон-Дон ва бошқа банклар катта даромад олишган. Булардан ташқари Людвиг Робенок, Данилов, Коновалев, Альберт Гюнер, Эмил Циндель, А. Ясин, Бардигин, Коретникова, Голушин, Тверь, Катта Ярославь, Треугольник, Шелисселберг сингари мануфактура фирмалари пахтакорларни ўз қўлларида ушлаб турганлар.

Ширкат ва пахта тозалаш заводлари эгаларининг фаолияти ҳам пахтага чамбарчас боғлиқ бўлган. Масалан. П.О. Гар, ака-ука Мендалаклар, Г.А. Кеворков, Г.Р. Та-

<sup>130</sup> Статический ежегодник. Том 12, Т., 1924. С.12.



Аравакаш. Самарқанд шаҳри.

уб, ака-ука Вентерлар, Л.И. Жарин, В.Б. Болотин, Я.М.Смихат, А.П. Бегларьянц ва бошқалар шулар жумласидан.

Маҳаллий аҳоли вакиллари Сулаймон Пинхасов, Водьяев, Мурод ва Абопинхасов, Солижон Муҳаммаджонов, Обиджон Маҳмудов, Муқимжон Камолжонов, Абдураззоқ Зиёев, Болтабой Тошбеков, Орифжон Абдуллаҳўжа Хусайнов, Тошмуҳаммад Охунжонов, Жўрабой Хонбобоев, Аҳмаджон Иброҳимжонов, Муқимжон Муҳаммадғозиев, Муҳаммад Носир Тохиров, Абдурашид Абдураззоқов ва бошқа 70 дан ортиқ бой зодагонлар ҳам пахтакорларнинг кушандалари бўлган. Пахта даромадининг салмоқли қисми асосан россиялик капиталистлар, қисман маҳаллий бойларнинг қўлига тушган.

Чор ҳукумати ва сармоядорлар пахтакорларнинг ҳаётини яхшилашни ҳаёлларига ҳам келтирмаган.

Дехқонлар айниқса, баҳорда пулга жуда мухтож бўлиб турганларида банқлар, «ёрдам қўли»ни чўзганлар. Бу ишда қишлоқ оқсоқоллари, чистачи ва аравакашлар воситачилик қилишган.

Аслида чистачилар заводда пахтани чанг ва бошқа нарсалардан тозалаш билан шуғулланган. Аммо улар фақат бу иш билан чегараланмай фирмалардан пул олиб,

қарзга дехқонларга улашган. Чистачи ўзи яшаётган жойдаги кишиларнинг иқтисодий аҳволини яхши билган. У қарз бераётганда дехқон ерининг қийматини (бахосини) ҳисобга олган. Чистачи ўз касбининг моҳир устаси бўлиб, мижозларни алдашни, тарозидан уриб қолишни жуда яхши ўзлаштирган. У вақт ўтиши билан бойиб, фирмалардан узоқлашган ва мустақил иш юритган.

Дехқонлар кузда пахта ҳосилини қарз берган фирмага ёки бошқа судхўрларга берилган нархда топширишни ўз зиммаларига олганлар. Акс ҳолда уларга катта жарима солинган.

Одатда банклар фирмаларга 8—9 фоиз фойдаси билан пул берган бўлса, фирмалар бу пулни 12—16 фоиз ҳисобига чистачига ўтказган. Чистачилар эса пулларнинг маълум қисмини пахтакорларга 40—50 фоиз фойда бериш шarti билан, қолган қисми 20—40 фоиз фойда бериш шarti билан аравакашларга берган. Аравакашлар ўз навбатида пулнинг фоизини ошириб дехқонларга улашган.

Пахтакорларнинг кўпчилигида от-арава бўлмаганлиги туфайли пахта қабул қилувчи жойларга ўз маҳсулотларини олиб бормас эдилар. Шунинг учун аравакашлар бундан фойдаланиб, узоқ ва йўллари ёмон қишлоқларга боришиб, пахтани арзон баҳода олиб, қимматига сотганлар. Банкларда қарзга берадиган пуллар бир неча шахслар, хусусан фирмалар, чистачилар ва аравакашлар орқали ўтиб, уларнинг кўрадиган фойдаси 100 фоизгача ва ундан ортиққа кўпайган.

Чистачи, аравакаш ва пахтани харид қилувчи бошқа кишилар дехқонларнинг саводсизлиги ва соддалигидан фойдаланиб, пахтанинг сифатини пасайтирган ва уларни ҳисобдан адаштирганлар:

«Фарғонада туб аҳолининг турмуши ва пахтанинг ривожланишини кўриб, шундай хулосага келдикки, пахтанинг нархини оширадиганлар дехқонлар эмас, балки халқ «жалаблар», — деб атайдиган даллоллар (чистачи ва аравакашлар)дир. Пахта рақобати учун курашда фирмалар ўзларининг даллоллари орқали дехқонларга пулларни қарзга тарқатадилар... Фирмалар номидан қарз пулини тарқатган даллоллар имкони борича пахтани арзон баҳода олишга ва уни фирмага қимматга сотишга ҳаракат қиладилар. Ҳақиқатдан ҳам дехқонлар пахтани яхши нархда сотадилар, лекин бунга қарз олмаган хўжа-

ликларгина кодир эдилар. Аммо кишлоқларда бунга ўхшаган оилалар кам бўлиб, улар пахтанинг баҳосини оширишга таъсир кўрсата олмайдилар. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги эса даллолларнинг ўргимчак инларига ўхшаш панжаларига тушган бўлиб, ундан кутулишнинг ҳеч иложи йўқ».<sup>131</sup>

Тўғри, ҳукумат вакиллари ўлкада пахтачиликни ривожлантиришга, савдо-сотиқни йўлга қўйишга қаратилган чора-тадбирлар кўриб, муайян муваффақиятга эришди. Аммо «пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган ҳаракатларнинг салбий томони шундан иборат бўлганки, уларни тайёрлашда ва ҳаётга татбиқ этишда аҳолининг манфаатдор доиралари қатнаштирилмади. Амалда кўрилган чора-тадбирларнинг ҳаммаси ҳукуматнинг ўзи томонидан ишлаб чиқилиб, пахта етиштирувчилар ва унга алоқадор бошқа кишиларнинг сўзларига ахён-ахёндагина кулоқ солинди, холос. Савдо-саноат доиралари эса катта имкониятларга эга бўлиб, ўз манфаатларини Қўқон биржа комитети ва Москва биржасига қарашли пахта комитети орқали таъминлашлари мумкин эди. Пахтачилик билан шуғулланувчи деҳқонлар ҳақида сўз кетганда, шунини айтиб ўтиш лозимки, улар уюлмаган омма ҳисобланиб, ўз эҳтиёжлари ва манфаатларини баён этиш имконига эга эмас эдилар. Тўқимачилик саноати ва пахта савдоси билан шуғулланувчиларнинг манфаатлари ҳисобга олинди-ю, лекин пахтакорлар эътибордан четда қолдирилди».<sup>132</sup>

Шундай қилиб, Чор ҳукумати, фирма ва пахтанинг ҳузурини кўрувчи бошқа доиралар, асосан ўз бойликларини кўпайтиришга муккасидан тушиб кетдилар. Фирмалар биринчи навбатда волост бошлиқлари ва оқсоқоллар билан алоқани яхшилашга ҳаракат қилиб, уларни зиёфатга чақириб совғалар улашиб турганлар. Шунингдек, улар маҳаллий маъмурият вакилларининг хонадонларига меҳмондорчиликка боришган. Бундан ташқари фирмалар пахтакорларни ўз тарафига оғдириш мақсадида оммавий меҳмондорчиликлар, ашула ва рақс кечалари ҳамда эчки уриштиришлар ташкил қилганлар: «Туркистонда оқсоқоллар ва волост бошлиқлари галати бир шахслардир. Одатда бу лавозимларга бой кишилар сайлана-

<sup>131</sup> «Окраина», 1907. № 220.

<sup>132</sup> Юферов В.И. Хлопководство в Туркестане. Л. 1925. С. 88–89.

ди. Совға-саломларни, ўйин-кулгиларни ва зиёфатларни яхши уюштирган кишиларгина сайловчиларни ўз томонига оғдираолса номзодликка лойиқ ҳисобланади. Сайловолди харажатлари баъзи вақтларда 10 минглаб сўмга боради, ваҳоланки волост бошлиғининг бир йиллик маоши 600 сўм. Сайланган номзод мансабга ўтиргандан кейин турли йўллар билан сарфлаган харажатларини ортиги билан чиқариб олади».<sup>133</sup>

Қарздорликнинг фожиали оқибати ўша вақтдаги муаллифлар томонидан нафрат билан баён этилган. Масалан, Н. Коритовнинг «Туб аҳолига берилган судхўрлик қарзлари ҳақидаги» мақоласида кўрсатилишича, 1900 йилда 14.160.000 ва 1901 йилда 9.808.944 пуд пахта етиштирилиб, ҳар бир пуди уч сўмдан сотилган. Пахтадан 1900 йилда 42 млн сўм ва 1901 йилда 28 млн сўм фойда кўрилган. Бироқ, бу маблағнинг асосий қисми фирма вакиллари ва судхўрларнинг чўнтагига тушган. Чунки қарз пуллари 48 фоиздан 100 фоизгача миқдорда фойдаси билан узиш шарти билан берилган. Шу боис пахтакор қарзни тўлаш имкониятига эга бўлмай, хонавайрон бўлган. Айниқса пахта заводларнинг эгалари, — деб ёзади ўша муаллиф, — пахтакорларга нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлиб, беш пуд пахтани 8—9 сўмга сотиш шарти билан қарзга пул берган. Бу қарз кузда қайтариш шарти билан ярим йил муддатга берилганлиги учун тўлови юқори бўлган. Шартнома шартлари туфайли деҳқон пахтани бозорда эркин сотишдан маҳрум бўлган. Ваҳоланки, пахтанинг беш пуди бозорда 16—18 сўмга сотилган. Шу тариқа қарз пули завод эгасига 200 фоиз фойдаси билан қайтарилган. Ўша муаллифнинг сўзи-ча, судхўрлик пули бамисоли қорасон касали сингари қишлоқ аҳолисини заҳарлаб, деҳқон хўжалигини қўпришгача олиб келган. Ўша давр газетаси «Окраина»да ёзилишича, 1906—1907 йил мавсумида ўлкада Россияга жўнатилган 160 млн сўм миқдоридаги молларнинг 135 млн сўми пахтага тегишли эди. Бу катта миқдордаги маблағнинг маълум қисми қуйидаги тарзда сарфланган.<sup>134</sup> Темир йўл ва суғурта жамиятига 10 млн сўм, маҳаллий судхўрлар ва «қора кучлар» қўлига 5 млн сўм, пахтани тозалаш ва тойлашга 3.200.000 сўм, давлат ва хусусий

<sup>133</sup> *Ўша жойда*, 111-бет.

<sup>134</sup> «Окраина», 1907, № 220.



банклар томонидан қарз берилган пулларнинг фоизига 3 млн сўм, пахта савдоси билан воситачилик қилувчи рус ишбилармонларига 2 млн сўм, транспортга воситачилик қилувчи жамиятларга 2 млн сўм харажат қилинган.

Пахта тойларини ўрашга ишлатиладиган мато учун Россия фабрикаларига 1,5 млн сўм, контора хизматчиларига 1.500 минг сўм, пахтани сим билан боғлаш учун сим заводларига 200.000 сўм. Симларни ташиб келтириш учун темир йўлга 300.000 сўм, янги заводлар қуриш учун 500.000 сўм ва шуларга ўхшаш харажатларга катта маблағ сарфланган.

Маблағлар кўрсатилган тарзда тақсимланиб, 135 млн сўмнинг 75 млн сўми саноат моллари сотиб олиш ва бошқа харажатларни қоплаш ҳисобига Россияга қайтариб олиб кетилган.<sup>135</sup> Натижада пахтакорларга 135 млн сўмдан бор-йўғи 26 млн сўм қолган. Бу маблағ дехконларнинг ҳаётини таъминлашга етарли бўлмаган. Чунки унинг талай қисми — 10 млн сўм атрофида судхўрлардан олинган қарзни тўлашга кетган. Чунки уларнинг қарзга оладиган пуллари пахтани етиштиришга сарфланган маблағга нисбатан кўп бўлган.

Вилоятлар	Бир пуд пахтанинг қиймати	Қарз пулининг миқдори
Фарғона	1,85	2,77
Самарканд	1,62	2,48
Тошкент	1,84	2,76
Каспийорти	2	3

Фарғона вилоятида бир пуд пахтанинг қиймати 1 сўм 85 тийин бўлган бир пайтда қарз пули 2 сўм 77 тийинга борган. Одатда, чистачи ва фирмаларнинг бошқа вакиллари қарз беришдан олдин ҳар бир хўжаликнинг сув билан таъминланганлик даражаси, ернинг ҳосилдорлиги ва умуман қарз олувчи унинг пахта етиштириш имкониятларини аниқлаган. Ҳосил олишга ишонч ҳосил қилингандагина қарз пули расмийлаштирилган. Бу ҳақдаги ҳужжатлар ҳар бир жой қозисининг муҳри билан тасдиқланган. Кўп ҳолларда қарз пулининг 50 фоизи

<sup>135</sup> *Ўша жойда.*

эрта баҳорда, қолган қисми эса ёзнинг ўртасида ва теримдан кейин берилган. Қарздорлик ҳужжатиغا биноан ҳар бир хўжалик ўзи етиштирган пахтани фақат қарзга пул берган шахсга сотиши шарт эди. Масалан, 1914 йилда Мирзачўлда Вадьяев савдо-саноат ширкати билан бир пахтакор хўжалиги ўртасида тузилган шартномага кўра деҳқон пахтани кўрсатилган ширкатга сотиши лозим эди. Бу ваъда бажарилмаган тақдирда деҳқон ширкатга 300 сўм жарима тўлашни ўз зиммасига олган.

Туркистон ўлкасида етиштирилган пахтанинг 90 фоизи қарз пули эвазига рус савдо-саноат доиралари ва чистачиларнинг қўлига тушган. Масалан, 1913—1914 йиллар мавсумида етиштирилган пахтанинг умумий қиймати 138.282.677 сўм турган бўлса, шундан 85.412,881 сўми фирмаларга, 47.282.677 сўми чистачиларга тегишли эди. Фирмалар, чистачилар ва аравакашлар пахтакорларни қарздорлик занжирида қаттиқ ушлаб туриш учун қарзнинг маълум қисмини атайлаб кейинги мавсумга қолдирган. Чунончи, фирмалар қарз пулининг 10 фоизини, чистачилар эса айрим ҳолларда 40—50 фоизини қолдирган. Бу билан улар деҳқонни кейинги мавсумда ҳам пахта экишга мажбур этиш ва уни доимий мижоз сифатида сақлаб туришни мақсад қилиб қўйган.



Солиқ тўланмаганлик учун мулк мусодара қилинмоқда.  
Деҳқоннинг хонавайрон бўлиши.

Бирок, чистачи ва аравакашлар барча хўжаликларга бирдай муносабатда бўлмаганлар. Дехқон ночор аҳволга тушиб, қарзини тўлашга имкони қолмаса дархол унинг мол-мулки тортиб олинган. Чистачи ва аравакашлар икки йилдан ортиқ кутмаган. Иккинчи йилнинг охирида судлашиб, дехқонни кўп йиллардан буён эгаллаб келган жойидан хайдаб, унинг ер, сув ва ховлисини сотган, ўзини ерсиз батракка айлантирган. Бундай адолатсизлик дехқонни ўз оиласи билан бутунлай қашшоқликка мубтало этган.

Натижада ерсиз хўжаликлар ўлканинг айрим районларида 40 фоизни, уйсиз кишилар эса 25 фоизни ташкил этган. Фарғона вилоятининг губернатори 1901 йилда императорга юборган йиллик ҳисоботида ерсиз дехқонларнинг сони кўпайганлигини маълум қилган.<sup>136</sup>

1910 йилда Фарғона вилоятида улгуржи ишларни бажарувчи бир неча ўн минг нафар киши бўлиб, уларнинг аксарияти бир парча еридан махрум этилган кишилардан иборат бўлган. Бу вақтга келиб вилоятда ерсиз хўжаликлар аҳолининг 30 фоизини ташкил этган. Бундай ачинарли аҳволни Сирдарё вилояти мисолида кўриш мумкин.

Чунончи, Тошкент шахрида 17872 нафар, Тошкент уездида 4517, Авлиёотада 1850, Перевода 3351, Казалинда 45417, Чимкент уездида 5882 ва Амударё бўлимида 1810, жами 39.000 киши мардикорчилик билан шуғулланган. Судхўрлар бир неча миллион маблағ билан иш юритган. Масалан, Андижон уездида чистачи Миркомил Мўминбоевнинг ери шунчалик кўп бўлганки, уезд бўйича кезган бир кишининг ўн маротаба «Бу ер кимники?» деган саволининг бештасига одамлар «Миркомил бойники» деб жавоб берганлар. Бу кишининг 14 миллион сўм миқдорида пули бор эди. Уездда Микомилбойдан ташқари бир неча йирик ерлари бўлиб, уларнинг ихтиёрида 7,5 минг десятина унумдор ерлар бўлган. Бир бой хўжалигига ўрта ҳисобда 51,7 десятина ер тўғри келган. Туркистон ўлкасида тафтиш ўтказган Паленнинг маълумотига кўра, бир киши бошига Андижон уездида 0,7 десятина, Марғилонда 0,65 десятина, Наманганда 0,5 десятина,

---

<sup>136</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. и-1, 12 рўйхат, 1717 иш, 10-бет. Бу ерда ҳар бир жон бошига бир десятинадан кам ер тўғри келиши қайд этилган.

Кўконда 0,5 десятина, Тошкентда 1,1 десятина, Хўжандда 1,1 десятина, Самарқандда 0,9 десятина, Жиззах ва Ўш уездларида 0,6 десятина ер тўғри келган.<sup>137</sup>

Туркистон ўлкаси бўйича 44 фоиз деҳкон хўжалиги 1 десятинагача, 32 фоиз деҳкон хўжалиги 1—2 десятина, 4,2 фоиз деҳкон хўжалиги 10—12 десятина унумдор ерга эга бўлган. Пахтакорлар уй хайвонларига эга бўлиш жиҳатидан ҳам жуда ночор ахволда эди. Фарғона вилоятида 41,3 фоиз, Сирдарё вилоятида 27,6 фоиз деҳкон хўжалиги уй хайвонларига мутлақо эга бўлмаган. Бутун Туркистон ўлкаси бўйича 30 фоизга яқин деҳкон хўжалиги уй хайвонларига эга эмасди. Айтиб ўтиш лозимки, пахтакорларга қарз ҳамма вақт ҳам пул билан берилавермаган. Айниқса, XX аср бошларида пул ўрнига ун, ғалла, чой, газлама ва бошқа нарсалар берилган холлар ҳам бўлган. Бу пахтакорларни янада хонавайронликка олиб келган. Чунки, эрта баҳорда юқорида кўрсатилган молларнинг нархи 3-4 баробар ошиб кетарди. Қарз берувчилар эса саноат ва озиқ-овқат молларнинг пахтакорларга шу вақтдаги бозор нархида пулга чақиб ўткардилар.

Пахтакор бу пайтда ерни ҳайдашга керак бўладиган



Пахта саваш.

<sup>137</sup> Пален К. Отчет по ревизии по земельно-податное дело. СПб. 1910. С. 80.

от-омоч, ва дехқончилик қуролларини сотиб олиш учун пулга муҳтож бўлиб қоларди. Шунинг учун у қарзга олган молларини бозорда арзон баҳода сотишга мажбур бўлган. Шу тариқа пахтакор дехқон озгина пулга эга бўлган ҳолда баҳорда иш хайвонини қимматга олган. Уни қишда боқиш қийинлиги туфайли эса кузда арзон баҳога сотишга мажбур бўлган.

Ўлкада айрим шундай қишлоқлар ва волостлар бўлганки, экин майдонларининг 80—90 фоизига пахта экилиши сабабли уларда озиқ-овқат ва ем-хашак танқислиги авж олган. Бундай вазият пахтакорларни озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан сотиб олишга мажбур этиб, уларнинг аҳволи янада ёмонлашишига олиб келган. Пахтачиликнинг ривожланиши сабабли ғалла етиштириш тобора қисқариб борди. Пахтачилик ҳақида юқори доирада икки хил фикр мавжуд эди. Биринчисда суғориладиган ерлар доирасида пахтачиликни кенгайтириш таклифи ўртага ташланган. Бўнға кўра ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қисқартириб, пахта кўп экилиши лозим эди. Бундай йўл тutilса, фақат пахтадан эмас, балки Россия ғалласини ўлкага келтириб сотишдан ҳам даромад кўшиларди. Иккинчи томондан ўлкада пахтачиликнинг ривожлантирилиши Россияни Америка пахтасига қарамликдан озод қилиб, сарфланаётган миллионлаб сўмларни тежаш имконини берарди. Шунинг учун ҳам Россия дехқончилик вазири ўлкада бўлганда, «Туркистон ғалласи Россия ғалласига, пахтаси эса Америка пахтасига рақибдир», — деган эди.<sup>138</sup> Бунинг маъноси шундан иборатки, борди-ю ўлкада ғалла кўп етиштирилса, пахта камаяди, ғалла эса кўпайиб Россия ғалласига эҳтиёж қолмайди. Борди-ю ўлкада пахта кам етиштирилса, Америкадан келтирилайдиган пахтага талаб кучайиб ортиқча харажат кўпаяди. Натижада Россия икки томонлама зиён кўрарди. Иккинчи фикрдагилар пахтачиликни ўлкада янги сунъий-суғориш тармоқларини қуриш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига кенг кўламда ривожлантиришни баён этганлар. Аммо бу таклиф деярли инобатга олинмади.

Шундай қилиб, ўлка аҳолисининг аҳволи қандай бўлишидан қатъи назар, Россиянинг пахтадан ҳам, ғалладан ҳам фойда олиши асосий вазифа қилиб қўйилди. Бундай

---

<sup>138</sup> Кривошин А.В. Записки главно-управляющего землеустройством и земледелием о поездке в Туркестанский край. СПб. 1912, С. 4—6.

сийёсат ўлкада озик-овқат маҳсулотлари танқислигига ва нархларнинг ошишига олиб келди. Эндиликда ўлкада хусусан, Фарғона вилоятида буғдой етиштириш тобора камайиб, рус ғалласига қарамлик кучайиб борди.

Ўлка Россия томонидан босиб олингандан кейин озик-овқат маҳсулотлари қимматлашиб бораверган. Рус матбуотида ёзилишича, Туркистон руслар томонидан босиб олинганидан сўнг унинг иқтисодий аҳволи анча ўзгарган. Хусусан, ўлкага руслар келгунга қадар Тошкентда гуруч, буғдой ва бошқа ғалла маҳсулотлари ҳайратга соладиган даражада арзон бўлган. Масалан, маҳаллий аҳолининг айтишига кўра ўша пайтларда бозорга келтирилган гуруч, буғдой ва ғалланинг бошқа турлари сотилмай ҳафталаб қаровсиз қолдирилган. Руслар келгандан кейин эса озик-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб борган.<sup>139</sup> Масалан, 1900 йилда Фарғона вилоятида озик-овқат маҳсулотлари икки-уч мартаба ошганлиги ҳақида маълумот мавжуд.<sup>140</sup>

Ҳақиқатан ҳам хонликлар даврида пахтачиликка катта эътибор берилган бўлса-да, озик-овқат маҳсулотлари зарар етказилмайдиган даражада, яъни меъёрида етиштирилган. Мана шу даврдаги дехқонларнинг «меҳнатсеварлиги ва юксак дехқончилик маҳорати ҳамда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги туфайли Туркистонда озик-овқатнинг аҳволи яхши бўлган. Ўлканинг четдан ғалла, ем-хашак ва чорвачилик маҳсулотлари олишга эҳтиёжи бўлмаган. Ҳунармандчиликнинг юқори даражада ривожланганлиги сабабли хорижий мамлакатлар фабрикаларида ишлаб чиқарилган молларни кўп миқдорда келтиришга зарурият бўлмаган, озик-овқат ва ишчи кучи ниҳоятда арзон бўлган».<sup>141</sup>

Чор ҳукумати ҳукмронлиги даврида эса, аҳвол ўзгариб, дехқонлар қул каби ишлатилди. Буни қуйидаги маълумот ҳам тасдиқлайди: «Мамлакатда Россия фабрикаларини таъминлаш учун пахтачилик ривожлантирилмоқда, ўлкага мустамлакачилик нуктаи назаридан қаралапти ва фабрика эгаларини бойитишга ҳаракат қилинмоқда, деган фикр ҳукм сурмоқда».<sup>142</sup>

XX аср бошларида пахтакорларнинг қарз пуллари

<sup>139</sup> «Биржевые ведомости», 1874. №274.

<sup>140</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.И-1, 12-рўйхат. 164 иш, 8-бет.

<sup>141</sup> «Русский хлопок». М., 1923. С. 25.

<sup>142</sup> «Голос», 1896, №17.

жуда кўпайиб кетганлиги 1901 йилга тааллуқли ҳужжат-да кўрсатилган (33-жадвал).<sup>143</sup>

### 33-жадвал

Уездлар	Васиқа бўйича берилган қарз пули	Битимлар сони	Гаровга берилган пул	Битим сони
Марғилон	3.666.322	40507	160.302	2322
Наманган	799.484	11479	3.000.252	22793
Андижон	1.720.885	15443	680.164	4482
Қўқон	617.126	8890	212.230	23508
<b>Жами</b>	<b>6.800.817</b>	<b>76319</b>	<b>5.962.948</b>	<b>53105</b>

Васиқа, яъни фоизи билан тўланадиган қарз пулининг миқдори 6.800.817 сўмни, кўчмас мол-мулк бўйича гаровга берилган қарзнинг миқдори 5.962.948 сўмни, жами 12.763.765 сўмни ташкил этган.

1912 йилда пахтакорларнинг давлат ва хусусий банклардан олган қарзи 156.712 минг сўмни ташкил этиб, унинг 80.979 сўми Фарғона вилоятига тўғри келган. «Қарзнинг ниҳоятда оғир устама тўловлари орқасида толиққан, бир неча маротаба алданган ва ҳисобдан адаштирилган деҳқон, — деб гувоҳлик беради муаллифлардан бири, — жуда ачинарли ҳаёт кечирди. Қарзнинг ҳисоб-китоби вақтида деҳқон уни бир неча маротаба узганлигига ёки тўлай олмаслигига қарамай барибир қаттиқ қийноқ остига олинади. Қарзларни ундириш фақат мол-мулк билан чегараланмаган. Баъзи вақтларда Европада аллақачонлар қолиб кетган усуллар қўлланилган. Айрим фирмалар ўзбошимчилик билан чорва молларини тортиб олиб, ўз одамлари орқали уларни бозорда соттирганлар ва пулни омонат кассага ўтқазишган. Баъзи олғир савдогарлар кулоқ эшитмаган зўравонликларни қилиб, қарздорларни ўз омборларига қамаганлар ва уларнинг қариндошлари томонидан сотиб олиниши ёки қарзнинг тўланиши шарт қилиб чиқарганлар. Қарздорларни калтаклаш ва жазолаш ҳар йилги пахта мавсумининг такрорланиб турадиган оддий воқеаси ҳисобланган. Баъзи вақтларда, ҳатто қарздорларнинг хотинини сотишга борилган.

<sup>143</sup> Статистический обзор Ферганский области за 1901 г. С.101.



Дехкон. XIX аср иккинчи ярми.

Пировардида умиди пучга чиққан қарздорларнинг иши адвокатларнинг қўлига ўтган. Адвокатнинг барча харажатлари пахтакорларнинг фирмаларида сақланаётган қарздорлик ҳужжатларига қўшимча тўлов сифатида ёзиб берилган.<sup>144</sup> Шу тариқа бечора пахтакорларнинг қарзига қарз қўшилиб, шўри қуриган. Пахтакорларнинг шафқатсизларча таланиши ҳақида қуйидаги маълумотлар ҳам далолат беради: «Ўрта Осиё пахта савдоси шундай бир усулда олиб бориладики, ундан фақат йирик ва майда банклар ҳамда аравакашлар ва чистачилар катта даромад оладилар... Пахтакорлар эса сарфланган меҳнати ва маблағини қоплай олмай мол-мулкидан ва еридан маҳрум бўлади».<sup>145</sup>

Қарздорликнинг аянчли оқибатлари ўша давр матбуотида ҳам қайд этилган.<sup>146</sup>

1915 йилга тегишли ҳужжатда кўрсатилишича, Фарғона вилоятида 0,5 десятина ерга эга хўжаликлар 40 фоизни, 0,5—1 десятинага эга бўлганлари, 22 ва 1—2 десятинага эга бўлганлари 23 фоизни, умумлаштириганда жами хўжаликларнинг 85 фоизини ташкил этган. Бундай оз ерли хўжаликларнинг 66 фоизи иш ҳайвонларига мутлақо эга бўлмаган. Шунинг учун улар қарз сифатида

<sup>144</sup> Демидов А.П. Ўша асар, 124-бет.

<sup>145</sup> Верховский В.А. Хлопководство в Туркестане. СПб. 1910. С.31.

<sup>146</sup> «Ташкентский курьер», 1908, № 165.



бойларнинг иш ҳайвонларидан фойдаланишга мажбур бўлишган. 1904 йилда биргина Фарғона вилоятининг ўзида қишлоқлардаги ерсиз хўжаликлар сони 37.498 тага, яъни 14 фоизга етди. Фарғона вилоятида XIX аср охирларидаёқ камбағаллар сони бир неча ўн минг кишини ташкил қилган. Улар ишлаш ва тирикчиликни ўтказиш учун бошқа жойларга борганлар. Хусусан, Наманган уездининг ўзидан 30 минг киши вилоятдан ташқари жойларга иш қидириб борганлар.

1910 йилда Фарғона вилоятида улгуржи ишларни бажарувчи кишилар сони 200 минг киши бўлиб, уларнинг аксарияти бир парча еридан маҳрум қилинган хўжаликларни ўз ичига олган. Натижада чорикор ва мардикор сингари деҳқонлар бойларнинг ерларида ишлашга мажбур бўлдилар. Агар ернинг эгаси чорикорга, иш асбоби ва иш ҳайвони, уруғ ва мардикорни ёллаш учун пул берса, у ҳосилнинг  $2/3$ , чорикор эса  $1/3$  қисмини олади. Борди-ю, чорикорда кўрсатилган нарсалар бўлса, ҳосил икки ўртада баробар тақсимланган. Бу тарзда иш юритиш тенг шериклик дейилган. Мардикорлар эса кунбай ишлашган. 1915 йилда Андижон ва Марғилон уездларида чорикорларнинг ишлайдиган ерлари 20 фоизга борган. Шуни ҳисобга олиш керакки, чорикор қарз пулини ва деҳқончилик қуроолларини ер эгасига топшириш керак эди. 1914 йилда Фарғона вилоятида ижарага берилган 111.887 гектар ернинг 39.1 фоизда етиштирилган ҳосилнинг учдан икки қисми ва 39.6 фоизда етиштирилган ҳосилнинг бешдан уч қисми чорикорга берилганлиги маълум. Амалда чорикор шартларни ҳамма вақт бажариш имконига эга бўлгани боис рўзгорни бут қила олмай қолган. Чунончи, 1914 йилда бир десятин ерда пахта етиштириш учун сарфланган харажат ва машшаққатли меҳнат 207,3 сўмни ташкил этиб, шундан 194 сўм 86 тийини ижара ҳақи, қарзнинг устама тўлови ва солиқларга кетган. Шундай вақтлар бўлганки, чорикорларнинг бир кунлик даромади 9 тийиндан ошмаган. Бу даромад бир десятин ердан 9 центнер пахта ҳосили етиштирилгандагина олинган. Ваҳоланки, пахта ҳосили кўпинча кўрсатилган миқдордан паст бўларди.

Оқибатда чорикорлар қарздорликка чуқурроқ ботиб, хўжалиги ниҳоятда қашшоқлашган, улар билан бир қаторда ерсиз ва кам ерли мардикорларнинг ахволи ҳам жуда ачинарли бўлган. Мардикорларнинг иш куни эрта

тонгдан то қоронғи тушгунча давом этиб, улар қаттиқ назорат остида меҳнат қилган. Чорикор, мардикор ва бошқа бир парча ерга эга бўлган дехқонларнинг турмуш тарзини кўрган бир киши шундай тасвирлайди: «Дехқоннинг уйи ва хўжалиги шу даражада ачинарлики, бунга ўхшаганини бошқа бирор жойда кўрмаганман. Уйдаги бор нарсаси ерда ёки девор тагида турган 2—3 та темир ва 2—3 сопол идишлардан иборат, холос. Уйнинг бурчагида хунук, йиртиқ ва яғири чиққан бир нечта ёстик ва кўриначалар пала-партиш тўпланиб ётибди. Дехқонлар қорамтир, кўкрагини қиш-ёз очик қолдирадиган яғир яхтак ва устидан йиртиқ тўн киядилар. Хотинлар ва болалар ҳам йиртиқ кийимларда юришади. Улар оғир меҳнатдан кейин куч тўплаш учун озгина қовурилиб, сувда пиширилган атала ёки жўхори, буғдой ёки арпанинг қаттиққа аралаштирилган бўтқаси — гўжа ейишади. Уларда ҳамма вақт шу овқат ва доимо ўша машаққатли меҳнат».<sup>147</sup>

Мазкур сатрларда пахтакор ва бошқа дехқонларнинг оғир ҳаёти ва қашшоқланиши шу даражада аниқ баён этилганки, изоҳнинг ҳожати йўқ. Мустамлакачилик мухитида пахтачиликнинг ривожланиши қандай аянчли ва фожиали оқибатларга олиб келганлиги яққол кўриниб турибди.

Пахтачиликни жадаллик билан ривожлантиришнинг ёмон оқибатларини XIX асрнинг охирларидаёқ илғор вакиллари, хусусан, дин пешволари яхши англаб, бу кетишда «оқ пахтадан халқ бошига қора кунлар тушиши» ҳақида башорат қилганлар.<sup>148</sup> Ҳақиқатан ҳам худди мана шундай бўлиб чиқди. Зеро, пахтакорлар қарздорлик балосини тортиш билан бир қаторда давлат томонидан белгиланган турли солиқ ва мажбуриятларнинг ҳам азоб-уқубатларини бошдан кечирдилар. Чор ҳукуматига ҳосилнинг миқдори, ер, хонадон ва кўчмас мулкдан олиннадиган солиқлар катта даромад келтирган.<sup>149</sup> Одатда бўлганидек, солиқлар ҳамма вақт бир хил турмай белгиланган миқдордан ошган вақтлари бўлган. Масалан, XIX

---

<sup>147</sup> Грум-Грижимайло. Очерки сельского хозяйства в Туркестане. 1905. С.6.

<sup>148</sup> Федоров П.П. Ўша асар, 103-бет.

<sup>149</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф-1, 25-рўйхат, 16-иш, 10-бет.

аср охирида улар 97 фоизга ортган эди.<sup>150</sup> Умуман аҳолидан катта ҳажмда солиқ пули ундирилган.<sup>151</sup>

Фарғона вилоятида ҳосил ва хонадон солиғи 1904 йилда 2.422.255 сўм, 1905 йил — 2.263.401, 1906 йил — 2.526.861 сўм бўлган. Ер солиғи эса 1905 йилда 416.877 сўм, 1906 йилда 351.401 ва 1907 йилда 447.805 сўм бўлган эди. Ҳосил ер ва хонадон бўйича олинган солиқларнинг пули жамланганда ўрта ҳисобда ҳар йили 3 млн сўм миқдоридан бўлган. Ҳатто солиқларнинг бундан ҳам ошган вақтини кўриш мумкин эди.

Масалан, улар 1914 йилда 3.772.365 сўм ундирилган. Умуман 1914 йилда солиқлар уездлар бўйича қуйидагича тақсимланган.<sup>152</sup>

### 34-жадвал

Ҳосил ва хонадон солиғи	Анди-жон уезди	Қўқон уезди	Наманган уезди	Ўш уезди	Марғилон уезди	Жами
Ҳосил солиғи: қишлоқ аҳолиси еридан	715101	544539	444772	260810	611221	2576443
Ҳосил солиғи: хусусий ер эгаларидан	85093	3259	3548	4970	7404	27774
Шаҳардаги кўчмас мулкдан	18000	1999	17000	3000	13000	70999
Хонадон бўйича	34852	10568	34888	29332	4998	114624
Русларда	823	—	394	1177	418	2812
Жами	777369	578366	500603	299289	637026	2.792659
Ер солиғи:						
Қишлоқлардан	100781	229844	203696	66466	280719	881506
Хусусий ер эгаларидан	1750	1368	1968	1704	4695	11485

<sup>150</sup> Всеподаннейший отчет по Туркестанскому губернаторству за 1889—1895 гг. СПб, 1895, с.1.

<sup>151</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И.-1, 27-рўйхат, 58-иш, 27-бет.

<sup>152</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1911 г. Скобелев, 1914. С. 77—78.

Шахардаги кўчмас мулкдан	2700	11999	5320	816	4550	25385
Кўчманчилардан	12420	5844	13629	13723	1945	47561
Руслардан	672	—	211	445	223	1551
Фабрика ва заводлардан	24653	21108	12860	864	24907	83892
Жами	142975	270164	237184	84018	317039	1.051380
Барча солиқларнинг умумий миқдори	912493	839605	735060	381851	903356	3.772365

Вилоятда солиқ пуллари 4 млн сўмга яқинлашган. Айниқса ҳосил солиғи (2.792.659 сўм) салмоқли ўринни эгаллаган. Кейинги ўринда ер солиғи (1.051.380 сўм) турган.

Шундай қилиб, солиқларнинг асосий қисми дехқонларнинг зиммасида эди. Маъмурият вакиллари солиқларни ундириш жараёнида шу даражада каттиққўллик ва зўравонлик билан иш юритганларки, дехқонларнинг суягигача шилиб, камомадга йўл қўймаганлар. Чунончи, 1911 йилда солиқларнинг камомади 118.359 сўм ҳисобланган, холос. Давлатнинг расмий солиқлардан ташқари дехқонлар турли мажбуриятларни бажаришга мажбур қилинган. Хусусан, сунъий суғориш тармоқлари ва йўлларни тузатиш, ариқ ва қишлоқ оқсоқоллари ҳамда миробларнинг маошини таъминлаш, чигирткага қарши кураш сингари ишлар уларнинг зиммасига юклатилган. Буларнинг орасида энг оғири ва машаққатлиси сунъий суғориш ишлари, яъни натурал солиқ (*35-жадвал*) ҳисобланган.<sup>153</sup>

Мазкур рақамларга кўра 10 минг чақиримдан ортиқ узунликдаги ариқларни тозалаш ва кўприкларни тузатишга 731.123 хонадон қатнашган. Уларнинг меҳнати ва ишлатган жиҳозларни пулга чакқанда 158.876 ва 54.800 сўмни ташкил қилган. Айрим кишилар ёлланган одамларга 84.195 сўм берганлар. Дехқонлардан ариқ оқсоқолларининг маоши учун 30.520 ва миробларга 235.253 сўм олинган. 1906 йилда ҳам дехқонлар вилоят бўйлаб

<sup>153</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1911 г. Скоблев, 1914. С. 82.

Уездлар	Ариклар узунли- ги (чаки- рим)	Ишлаганлар		Сарфлан- ган жихозлар сони	Ёланган одамлар сони	Арик оқсо- қоллари сони	Оқсоқол- лар маоши (сўм)	Мироб- лар сони	Мироб- лар маоши (сўм)	Солиқ- лар (сўм)	Хўжа- ликлар сони
		сони	меҳнат қиймати сўм								
Анджон	1442	50889	35330	15031	42574	17	9000	461	51705	152640	55761
Қўқон	3067	35598	25893	15116	—	9	4760	482	41723	87492	52803
Наманган	3154	99394	71874	13442	37769	10	4600	397	20770	114455	72084
Ўш	510	8592	8229	1313	3398	5	2300	142	28780	44020	13561
Марғилон	1877	78650	17550	9898	35454	16	9860	548	92275	165037	62898
<b>Жами</b>	<b>10050</b>	<b>73123</b>	<b>158876</b>	<b>54800</b>	<b>84195</b>	<b>57</b>	<b>30520</b>	<b>2040</b>	<b>235253</b>	<b>563644</b>	<b>257107</b>

таралган йўлларни тузатиш ва ободонлаштириш ишларини ҳам адо этганлар (36-жадвал).<sup>154</sup>

36-жадвал

Уездлар	Ишловчи хўжаликлар сони	Йўлларнинг узунлиги (чакирим)	Тузатилган ерлар хажми (чакирим)	Сарфланган жихозлар (сўм)	Ишланганларнинг меҳнати (сўм)	Солиқларнинг умумий қиймати (сўм)
Наманган	76545	4854	4342	14833	56210	71043
Марғилон	67530	1219	836	4998	23851	28850
Андижон	51280	748	748	6940	28960	35901
Қўқон	74845	293	293	2072	23711	25783
Ўш	29197	1132	793	1602	8872	10475
<b>Жами</b>	<b>299397</b>	<b>8248</b>	<b>7013</b>	<b>30447</b>	<b>141607</b>	<b>172054</b>

Бинобарин 299.397 хонадон йўлларни тузатишга жалб қилиниб, 172.054 сўмлик иш қилинган. Ишлатилган қурилиш жихозлари 30.447 сўм баҳоланиб, 7013 чакирим узун-



Омоч билан ер ҳайдаш.

<sup>154</sup> Пален К., Земское хозяйство. СПб. 1910. С. 130.

ликдаги йўллар тартибга солинган. 1907 йилда кўрсатилган тарздаги ишга 304.220 хонадон тортилиб, 168575 сўмлик иш қилинган.<sup>155</sup> 1909 йилга тегишли маълумот маҳаллий маъмурият вакилларининг маошини тўлаш солиғи ҳақида анча тўла тасаввур ҳосил қилади (37-жадвал).<sup>156</sup>

37-жадвал

Уездлар	Волостлар оқсоқолларининг маоши (сўм)	Ариқ оқсоқолларининг маоши (сўм)	Қишлоқ овуллари оқсоқолларининг маоши (сўм)	Жами (сўм)
Андижон	21320	9100	32644	63064
Кўкон	24000	4906	27400	56306
Марғилон	17000	9679	27188	53868
Наманган	26524	6777	29686	62987
Ўш	9900	1914	15413	27127
Марғилон шаҳри	3200	—	—	3200
<b>Жами</b>	<b>101944</b>	<b>32378</b>	<b>132332</b>	<b>266554</b>

Оқсоқолларнинг маошига 266554 сўм сарфланиб, ундан 101944 сўми волост бошлиқларига, 132332 сўми эса қишлоқ ва овул раҳбарлиги берилган. Ариқ оқсоқолларига 32378 сўм сарфланган. Дехқонлар отда ва пиёда юрвчи қоровулларнинг маошини ҳам тўлаб турганлар. Бу мажбуриятга 1909 йилда Кўкон уездидан 47948 сўм, Андижондан 80963 сўм, Намангандан 52913 сўм, Марғилондан 48701 сўм ва Ўшдан 21092 сўм олинган. Вилоят бўйича жами 251617 сўмни ташкил этган.

Ёз фаслида ўлкага чигирткалар тўдаси бостириб кириб, экин майдонларига катта хавф туғдирган. Уларга қарши курашга ҳам дехқонлар қатнаштирилган. Бу тадбирга 1890—1894 йилларда Кўкон уездидан 15.000 хонадон, Намангандан 628 хонадон, шу жумладан 2580 бола-

<sup>155</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 27-рўйхат, 58-иш. С.32.

<sup>156</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1909 г. Скобелев, 1911. С.57.

лар жалб қилинган. 1911 йилда 10419 хонадон ишлатилган.

Дехқон оммаси Қизил ой жамияти, харбий қисмлар ва урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳам мажбурий суратда ёрдам пули бериб турган. Ҳаёт оғирлашиб турган пайтда рус-япон уруши баҳонасида вилоятда анча пул йиғиб олинди (38-жадвал).<sup>157</sup>

38-жадвал

Уездлар	Қизил ой жамияти (сўм)	Флотни кучайтиришга (сўм)	Урушда ўлганларнинг оилаларига (сўм)	Ярадорларга ёрдам (сўм)	Жами (сўм)
Марғилон	16829	36887	43615	3930	101252
Андижон	11446	31264	18456	4182	65350
Наманган	—	13963	7651	16530	38145
Қўқон	9444	14863	6432	11489	42231
Ўш	1969	3953	2286	3679	11888
<b>Жами</b>	<b>39690</b>	<b>100921</b>	<b>78442</b>	<b>39813</b>	<b>258867</b>

Харбий қисмлар ярадорлар ва ҳалок бўлганлар оилалари учун 258867 сўм пул йиғиб олинган. Айниқса рус флотининг қудратини оширишга салмоқли маблағ (100921 сўм) тўпланган.

Сирдарё вилоятининг деҳқонлари ҳам давлат солиқлари ва мажбурий йиғимларни тўлаб турганар. 1913 йилда фақат Тошкент уездига ҳосил солиғи 703184 сўм ва ер солиғи 133152 сўм миқдорда ундирилган. 1914 йилда вилоят бўйича хонадон солиғи 762144 сўм ва ер солиғи 224583 сўм бўлган.<sup>158</sup> Вилоят аҳолиси 1910—1912 йилларда сунъий сугориш тармоқларини тузатишда 186808 сўмлик ва йўлларни ободонлаштиришда 253362 сўмлик иш бажарди.<sup>159</sup>

Вилоятда чигирткага қарши кураш ҳам жуда кўп қийинчилик ва харажат келтириб чиқарган. 1909 йилда бу

<sup>157</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1904 г. Скоблев, 1915. С. 57.

<sup>158</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.И-1, 25-рўйхат, 29-иш, 63-бет.

<sup>159</sup> Ўша жойда, 29-рўйхат, 58-иш, 31-бет.



тадбирда 43428 хонадон қатнашиб, 303400 сўмлик иш бажарди. 1912 йилда чигирткалар 260000 десятин экин майдонини харобага айлантириб, 13 млн сўмлик зарар келтирди.

Самарқанд вилоятининг деҳқонлари ҳам солиқлар гирдобиди кўп азоб чекдилар. Давлат ҳосил солиғи Каттақўрғон уездида 255359 сўмни, Самарқандда 609178, Жиззахда 147976 ва Хўжандда 365384 сўмни, жами 11448.739 сўмни ташкил этди. Ер солиғи ўша уездларда — 227.096 сўмга етди.

1908 йилда ҳосил солиғи бўйича 1.549.070 сўм ва ер солиғи бўйича 252.336 сўм тўпланган. Вилоятда сунъий суғориш тармоқларини тузатишда 1902 йилда 212198 хонадон қатнашиб, 143.616 сўмлик, 1906 йилда 163852 нафар киши иштирок қилиб, 104,504 сўмлик иш бажарган. Самарқанд вилояти ҳам чигиртка балосидан четда қолмади. Масалан, 1909 йилда 1.009.638 сўм миқдориди иш бажарилган. Деҳқонлардан волост бошлиқлари ва ариқ оқсоқолларининг маоши учун 238503 сўм, отлиқ ва пиёда қоровуллар учун 2622 сўм ва мироблар учун 42458 сўм ундирилган.

Туркистон генерал-губернаторлиги бўйича умумлаштирган айрим маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқ. Унга қарашли вилоятларда 1887—1912 йилларда жами 22736327 сўм миқдорда солиқ тўпланган.<sup>160</sup> Бу ўша давр учун жуда салмоқли маблағ бўлиб, унинг жуда оз қисмигина халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, сунъий суғориш ишларига сарфланган.<sup>161</sup> Мактабларга деярли эътибор берилмаган.<sup>162</sup> Маорифга ажратилган маблағни аҳоли жон бошига тақсимланганда Фарғона вилоятида 0,72, Самарқанд 2,25 ва Сирдарё 9 сўм 20 тийинга тўғри келган.<sup>163</sup> Агар буларнинг асосий қисмини рус аҳолисининг маорифи учун сарфланганлиги ҳисобга олинса, туб аҳоли тамомила четда қолдирилганлиги маълум бўлади.

Ўлка бўйича 1898—1907 йилларда чигирткага қарши кураш учун халқдан 14.423.405 сўм харажат қилинган.<sup>164</sup>

---

<sup>160</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 27-рўйхат, 58-иш, 27-бет.

<sup>161</sup> *Ўша жойда*.

<sup>162</sup> *Ўша* 28—29-бетлар.

<sup>163</sup> *Ўша жойда*.

<sup>164</sup> *Ўша жойда*. 33-бет.

Туркистон контрол палатасининг вакили 20 миллион сўмдан ортик йиғилган маблағ маҳаллий халқнинг манфаатини таъминлаш учун ишлатилмаётганлигини ошқора қайд этган.<sup>165</sup>

Биринчи жаҳон уруши вақтида пахтакорларнинг ва умуман меҳнаткаш омманинг ҳаёти ниҳоятда оғирлашди. Авваламбор, Чор ҳукумати томонидан пахтага солиқ солиниши деҳқонлар учун зарба бўлди. 1914 йилда ҳукумат доираларида уруш муносабати билан пахтанинг ҳар бир пудига 2 сўм 50 тийиндан солиқ солиш ҳақидаги масала кўтарилди. Бундай ҳаракат фақат пахтакорларнигина эмас, балки савдо-саноат вакиллари ҳам ташвишлантирди. Чунончи, Қўқон биржа комитети савдо аҳли билан биргаликда йиғилиш ўтказиб, ўз фикрини Петрограддаги вакили В. Ургунцевга телеграмма орқали маълум қилди. Бунда пахтанинг ҳар бир пудидан 1 сўм, жуда бўлмаса 1 сўм 20 тийиндан солиқ олинишига ҳаракат қилиб кўриш ўша вакилдан сўралди. Акс ҳолда солиқнинг оғирлиги биринчи навбатда пахтакорларнинг зиммасига тушиб, пахтачиликка зиён етказилиши уқтирилди. Бундай ҳолат юз бериши мумкинлигини журналлардан бири ҳам қайд қилган эди.<sup>166</sup>

Қўқон биржа комитетининг адолатли илтимоси инобатга олинмади. 1915 йил 18 январда шахсан император тасдиқлаган ҳукуматнинг қуйидаги мазмундаги қарори эълон қилинди: Ўрта Осиё, Тошкент, Фарғона, Кавказ-орти, Байкалорти, Сибирь ва Омск темир йўл орқали ташиладиган тойланган ёки тойланмаган тоза пахтанинг бир пудидан 2 сўм 50 тийиндан солиқ олинсин.

Шу тарзда пахтакорлар яна бир қатга чиқимга дуч келди. Бу камлик қилганидек, бозорда бир пуд пахтанинг нархи 16 сўмдан 32 сўмга кўтарилди. Бундан пахтакорлар фойда кўриш умидида эдилар. Бироқ пахта нархининг кўтарилиши рус тўқимачилик саноати эгаларида норозилик туғдирди. Улар ҳукуматнинг юқори вакилларига таъсир ўтказиб, бозорда 32 сўм сотилаётган пахтанинг нархини 24 сўмга тушириш ҳақида қарор чиқартирдилар.

Фирмалар пахта хом ашёсини арзонга олиб, ундан

---

<sup>165</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 27-рўйхат, 58-иш, 33-бет.

<sup>166</sup> Туркестанское сельское хозяйство. 1914, №10. С. 948–949.

ишлаб чиқарилган газламаларни қимматга сотиш имкониятига эга бўдилар. Улар ўлкага кўплаб газламалар келтириб турдилар. Газламаларнинг нархи ниҳоятда юқори бўлиб, фирмалар катта даромад кўрдилар. Бу ҳақда ўша вақтдаги журнал шундай музунда ёзган:

«Мануфактура саноати эгаларининг иши мисли кўрилмаган даражада юришиб кетди. Зеро, газламаларнинг нархи ҳар дақиқада қулоқ эшитмаган даражада қимматлашди. Саноат эгалари ҳукумат доирасидаги ўз мавқеидан ва ўзларининг фойдаларини кўзлаб пахта нархини белгилаб олдилар. Бу пахтадан ишлаб чиқарилган газламалар четдан келтирилиб, халқ виждонсизларча таланмоқда. Чунки бир метр газламанинг нархи илгари 10—12 тийин турган бўлса, ҳозирда 30—40 тийиндан сотилмоқда<sup>167</sup>... Буғдой, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи жуда кўтарилди. Фарғона водийсида озиқ-овқатларнинг нархи 80—100 фоизга ва ип газламалар нархи 400 фоизга кўтарилди. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг деярли ҳаммаси ип газламалардан фойдаланиши ҳисобга олинса, газламалар нархининг ошиши ўлка қашшоқликка учраётганлигидан далолат беради.»<sup>168</sup>

Қорамол, қўй ва отларнинг ҳам баҳоси жуда ошди. Отлар фронтга олиниши сабабли, уларнинг баҳоси 50 сўмдан 100—120 сўмгача кўтарилди. Натижада деҳқонлар отсиз қолиб қийналдилар.

Хуллас, бозорда нимаики сотилса барчасининг нархи жуда кўтарилиб кетди. Шу муносабат билан ўша вақтдаги журналда шундай ёзилган эди: «Молларга эҳтиёж катта, лекин уларнинг нархи ҳар соатда кўтарилмоқда. Нархларнинг пасайишига умид йўқ. Ўзларининг нопоклиги ва фирромлиги билан ном чиқарган савдо-саноат вакиллари ҳеч нарса билан ҳисоблашмай, ўз манфаатларини ўйламоқдалар. Уятсизлик касалига мубтало бўлган қулоқлар (бойлар) ҳам кўз ёшлари билан тўлган денгиздан бойлик тўпламоқдалар».<sup>169</sup>

Уруш вақтидаги фожиалардан бири шуки, ўлкада кўп бойликлар фронт эҳтиёжи баҳонасида Россияга олиб кетилди. Масалан, 40899244 пуд пахта, 300000 пуд гўшт, 229000 пуд совун, 38004 кв.м палос, 473928 пуд балик,

<sup>167</sup> Туркестанское сельское хозяйство, 1916, №17. С. 182.

<sup>168</sup> *Ўша жойда*, 475-бет.

<sup>169</sup> *Ўша жойда*.

3109000 пуд пахта ёғи, 70000 та от, 1297 та туя, 270 та арава, 13441 та ўтов Россияга жўнатилди. Булардан ташқари фронтга ёрдам байроғи остида халқдан 2400000 сўм пул йиғиб олинди.<sup>170</sup>

Чор ҳукумати ва капиталистлар халқнинг бор-йўғини шилиб, тинкасини тамомила қуритди. Бунинг устига бутун мамлакат бўйлаб қахатчилик ва оммавий касалликлар авжига миниб, ўн минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Бу дахшатли воқеаларнинг жонли гувоҳи шоир Завқий куйидаги мисраларни битган эди:

Қахатчилик бўлди бу Фарғонамизда,  
Топилмас парча нон вайронамизда.  
Ўлим хавфи ўраб қишлоқларни  
Не қишлоқу жилоб авлодларни  
Қирилди қанча одамлар вабодан,  
Нишона қолмади меҳр-у вафодан.

Шоирнинг ҳақиқатни акс эттирувчи ушбу мисралари, юқорида шарҳланган тарихий маълумотлар пахтакорларнинг ўша пайтда қул каби ишлатилганлиги ва юзага келган вазият ҳақида етарли даражада тасаввур беради.

## Пиллачиликнинг ривожлантирилиши

**Фарғона вилояти.** Ўлкада пиллачилик ва ундан газламалар тўқиш тарихи узок даврларга бориб тақалади. Бу газламалар хорижий мамлакатларда ҳам юқори кадрланган.

Архив ҳужжатларининг кўрсатишича, ўзбек газламалари Россияга ҳам жўнатилган. Бу ерга ипак газлама 1585 йилда келтирилган,<sup>171</sup> 1617 йилда эса Қозон шаҳрига олиб келинган.<sup>172</sup> 1638—1672 йилларда ипак газлама узок Сибирь бозорида сотилган.<sup>173</sup> 1712 йилда Ямишев қўлида 100 тўп ипак газлама харид қилинган.<sup>174</sup>

<sup>170</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. 1, 1-рўйхат, 1179-иш, 14-бет.

<sup>171</sup> Архив Министерство иностранных дел России. Бухарские столбец. №1, Л.2.

<sup>172</sup> Центральный государственный архив древних актов России. Ф. Сибирский приказ, Тарские и Тобольские таможенные книги, №4, 181, 263 и др.

<sup>173</sup> Тюменский государственный областной архив. Ф.29, оп. 1, Д. 122, Л.12—13.

<sup>174</sup> Материалы по истории Сибири. 1900 г. С.169.

Ҳозирги Свердловск вилояти таркибидаги Ирбитда уюштирилган ярмаркада ўзбек савдогарлари фаол қатнашганлар. Улар турли моллар билан бир қаторда ипак газламалар билан ҳам савдо қилишган. Чунончи, улар ярмаркада 1887 йилда 115000 сўмлик, 1890 йилда 100000, 1891 йилда 78000, 1892 йилда 70000, 1894 йилда 100000, 1897 йилда 140000 сўмлик ипак газламалари сотган.<sup>175</sup> Бу газламаларни Орифжонов Тохиржон, Иноғомов Асалжон, Иброҳимжонов Юсуфжон, Мажидбоев Т., Умаров Мўминбой, Султонов Ҳамза ва Ўзбеков А. сингари савдогарлар олиб келганлар.<sup>176</sup>

Ипак газламалар ўша давр учун катта ҳажмда келтирилган эди. Шубҳасиз, бундай ҳолат Туркистон ўлкасида пиллачиликнинг барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган. Аммо кейинчалик аҳвол ўзгариб борди. Маҳаллий пилла қурти уруғи кўпроқ хунармандчиликнинг талабига мослашган бўлиб, ҳосилдорлиги ва сифати анча паст эди. Айниқса у касалга чалинганда пиллачилик чуқур инкирозга учраб, деҳқонлар катта зарар кўрган.

Пилла уруғини жонлантириш ҳам жуда машаққатли кечган. Зеро, баҳорда тут дарахти барг чиқара бошлаганда аёллар уруғ солинган халтачаларни қўлтиқ ёки кўкракда то жонлангунча сақлаб юрганлар. Шу тарика тана ҳарорати ёрдамида жонлантирилган пилла уруғи хоналарда 45 кун мобайнида оғир шароитда боқилган.

Чор ҳукумати хонликларни босиб олгандан кейин фирмалар билан биргаликда тўқимачилик саноатини ипак хом ашёси билан таъминлаш мақсадида пиллачиликни ривожлантиришга қаратилган чоралар кўрди. Натижада Туркистон губернаторлигига қарашли вилоятларда пиллачилик соҳасида ўзгаришлар содир бўлди.

Фағона вилояти пахта билан бир қаторда ипакчиликнинг ҳам макони ҳисобланган. Пиллачилик энг нозик ва масъулиятли касб ҳисобланиб, унинг қурти касалга чалиниши ва ҳосилнинг пасайиши ёки барбод бўлиши ҳеч гап бўлмаган. Шу боис у кишилардан катта тажриба ва сабр-қаноатни талаб қилган.

XIX асрнинг 70–80 йилларида вилоятда пилла уруғлари касалга чалинганлиги сабабли ипакчилик оғир аҳвол-

<sup>175</sup> Ирбитский государственный архив. Ф.29. оп.1, Д.122, Л.12–13.

<sup>176</sup> *Ўша жойда.*

га тушиб қолган. Бундан қутулишнинг ягона йўли соғлом пилла уруғи етиштиришдан иборат эди. Шу боис рус маъмурияти ва фирмалар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда пиллачиликни ривожлантиришга каттик киришдилар. Чунончи, 1886 йилда Фарғона шаҳридаги касалхона хоналаридан бирида пилла уруғи етиштирувчи станция ишга туширилди. Бу ерда соғлом уруғлар олиниб, дехқонларга 1887 йилда 10 кадоқ, 1888 йилда 9 кадоқ 87 мискол, 1889 йилда 16 кадоқ 6 мискол, 1890 йилда 18 кадоқ, 1892 йилда 4 кадоқ 48 мискол, 1893 йилда 10 кадоқ, 1894 йилда 4 кадоқ 89 мискол, 1895 йилда 10 кадоқ 56 мискол, 1896 йилда 13 кадоқ 93 мискол, 1897 йилда 6 кадоқ 19 мискол, 1898 йилда 4 кадоқ 96 мискол уруғ текинга берилган.

Гарчанд станцияда пилла қурти оз миқдорда етиштирилган бўлса-да, лекин сифатининг яхшилиги аҳоли диққатини дарҳол жалб этди. Станцияда Франция ва Туркиядан келтирилган уруғлар иқлимлаштирилган эди. Бу ишнинг ташаббусчиси Алоизи исмли тадбиркор 1891 йилда даставвал Андижон уездининг бошлиғига маълум миқдордаги пилла уруғини юбориб, дехқонларга 10 фоиз фойдаси билан сотишни сўради. Бундай уруғлар вилоятнинг бошқа жойларига ҳам тарқатилди. Уларнинг маҳаллий пилла қуртига нисбатан афзаллиги шундан иборат бўлганки, олинган ипакнинг сифати юқори бўлиб, тўқимачилик саноатининг талабларига мос тушган. Даромади ҳам ёмон бўлмаган. 1892 йилда Алоизи Қўқонда уруғ тайёрлайдиган станция очиб, ўзбеклардан 6 нафар кишига микроскопдан фойдаланишни ўргатди.

Шу тариқа Алоизи томонидан иқлимлаштирилган Франция, хусусан, Корсика уруғи водий бўйлаб тарқалди. Алоизи 1891 йилда Франциядан 16000 мискол, 1891 йилда 60000 мискол пилла уруғини келтириб, дехқонларга сотган. Бироқ тадбиркор Бауер «Боғдод» пилла уруғини иқлимлаштиришга киришиб, Алоизи билан рақобат қила бошлади.

Агар Алоизи Туркистонда пиллачиликни ривожлантириш учун Франциядан кўплаб уруғ келтириш ва иқлимлаштириш тарафдори бўлса, Бауер эса «Боғдод» уруғини кенг кўламда иқлимлаштириш учун курашди. Даставвал, Алоизи тавсия қилган пилла уруғ яхши ҳосил бериб маҳаллий аҳоли томонидан юқори баҳоланди. Ҳатто аҳоли Фарғона ҳарбий губернаторига ўзбек тилида хат билан

муурожаат қилиб, Алоизи иклимлаштирган пилла уруғидан бошқа уруғларни етиштиришга рухсат бермасликни сўради. Аммо, кейинчалик ахвол ўзгариб, Бауер бошлаган иш самарали бўлиб чиқди. Натижада Туркиядан келтириляётган «Боғдод» уруғи кенг қўламда тарқалди.

Айтиш лозимки, XIX асрнинг охирларида пилла уруғи касалга чалиниши ва ипак баҳосининг жаҳон миқёсида пасайиши туфайли пиллачилик касодга учраган вақт ҳам бўлган. Бирок ҳар қандай қийинчиликка қарамай, ўзбеклар пиллачиликка бўлган меҳр-муҳаббати туфайли ундан воз кечмай, сабр-қаноат билан бу ишни давом эттирдилар. Ниҳоят хусусий пиллачилик корхоналари очилиб, соғлом уруғлар етиштирилгандан кейин ишлар яна юришиб кетди. Пилланинг «Боғдод» уруғини етиштириш авжига минди.

1894 йилда об-хавонинг қулай келиши муносабати билан пилладан яхши ҳосил олинган. Хусусан, Марғилон уездида 2720 пуд, Қўқонда 465 пуд, Андижонда 750 пуд, Наманганда 183 пуд ва Ўшда 80 пуд пилла қўлга киритилган. Бу хом ашё Италия, Боғдод, Корсика ва Япония пилла уруғларидан етиштирилган эди. Шуни айтиш лозимки, уездларда етиштирилган пилланинг сифати ва нархи бир хил бўлмаган. Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (39-жадвал).<sup>177</sup>

39-жадвал

Уездлар	Бир пуд пилла хом ашёсининг қиймати (сўм)	Чувалатилган пилланинг нархи	
		Бир пуд пилланинг қиймати (сўм)	Бир пуд пилла чиқиндисининг қиймати (сўм)
Марғилон	16 – 24	120 – 200	10 – 25
Қўқон	12 – 15	190 – 210	12 – 18
Андижон	16 – 22	210 – 240	14 – 29
Наманган	15 – 21	160 – 180	24
Ўш	13 – 20	120 – 60	25 – 30

Демак, бир пуд хом ашё қиймати 12 – 16 сўм, чувалатилган хом ашёники эса 120 – 190 сўм орасида бўлган эди.

<sup>177</sup>Обзор Ферганской области за 1894 г. Новый Маргелан. 1894. С. 13.

1907 йилда баҳорнинг серёғин ва совуқ келиши сабабли пилла ҳосили камайиб, 35515 пуд хом ашё олинди (40-жадвал).<sup>178</sup> Унинг қиймати 304460 сўм ҳисобланган.

40-жадвал

Уездлар	Пилла хом ашёси (пуд)	Бир пуд пилланинг қиймати (сўм)	Маҳсулот қиймати (сўм)
Марғилон	5.313	5–8	37.000
Қўқон	12.252	9–12	134.770
Андижон	10.646	4–9	53.230
Наманган	3.210	11–13	38.520
Ўш	3.210	11–13	38.520
<b>Жами</b>	<b>35.515</b>	—	<b>304.460</b>

Сифатли пилла Андижон ва Қўқон уездларида етиштирилган. Шу боис унинг бозордаги нархи баланд бўлган. Кейинги ўринда Наманган ва Марғилон уездлари бўлиб, уларнинг маҳсулоти арзонга сотилган, Ўш уездида пилланинг нархи паст бўлса-да, лекин чиқиндиси бошқа уезддагиларникига нисбатан қиммат турган. Пилла яхши тозаланмаганлиги туфайли ипак кўпроқ чиқиндига чиқиб кетган. Ўша йили ҳосил даражаси пасайиб, бор-йўғи 35515 пуд ёки 304460 сўмлик пилла етиштирилган. Қийинчиликка қарамай, пилланинг анча қисми Қўқон уездида тайёрланган.

Фарғона водийсида биринчи пиллачилик корхонаси 1896 йилда Алоизи томонидан қурилди. Бу Оқпилла қишлоғида жойлашган корхонада етиштирилган уруғдан олинган ипак хом ашёсининг сифати анча яхши бўлиб чиқди. 1898 йилда Марғилон шаҳрида 350 пуд (4.200 сўмлик) ва Марғилон уездида 5625 (46.000 сўмлик), Қўқон уездида 9872 пуд (100.000 сўмлик), Андижон уездида 8363 пуд (83.630 сўмлик), Наманган уездида 7196 пуд (70.405 сўмлик) ва Ўш уездида 1278 пуд (10.000 сўмлик) пилла етиштирилган.<sup>179</sup> Жами вилоят бўйича 32683 пуд ёки

<sup>178</sup> *Ўша жойда*. 1899 йил, 9-бет.

<sup>179</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп.3, Д.320. Л.53.



314235 сўмлик пилла тайёрланган. Бу пилла станциясида хорижий нав уруғлардан етиштирилди. Уруғларнинг талай қисми пиллачиларга текинга тарқатилган. Айниқса Қўқон ва Андижонда пилла кўп етиштирилган.

1899 йилда Этнихида деган тадбиркор Фарғона шаҳрида пиллачилик корхонаси очилиб, 8 та микроскопда рус қизлари ишлаган. Унда юзлаб ўзбек хотин-қизлари меҳнат қилишган. Этнихида корхонаси яхши натижаларга эришиб, 1901 йилда маҳаллий эҳтиёждан ташқари 3 минг қути уруғ Эронга жўнатилган. У 10—12 минг қутичада тайёрланган. 1899, 1901 йилларда Қўқон, Чуст ва Наманганда пилла корхоналари қурилди. Умуман воқидийда 7 та пилла корхонаси ишга туширилган. 1899 йилда 80402 пуд, 1900 йилда 101395 пуд ҳосил олинган. Бу ҳисоб Фарғона вилоятига қарашли уездларда қуйидаги тарзда берилган (41-жадвал).<sup>180</sup>

41-жадвал

Жойлар номи	Пилла хом ашёси (пуд)	Бир пуд пилланинг қиймати (сўм)	Тахминий умумий қиймати (сўм)
Фарғона шаҳри	750	8—15	8000
Марғилон уезди	32971	7—12	320000
Қўқон уезди	27449	7—12	233316
Андижон уезди	15868	9—12	174548
Наманган уезди	20690	6—10	163530
Ўш уезди	3667	8—12	37000
<b>Жами</b>	<b>101395</b>	—	<b>939394</b>

Пилла етиштиришда Марғилон, Қўқон ва Андижон уездлари салмоқли ўринни эгаллаган. Пилланинг сифати ва нархи баландлиги жиҳатидан Андижон биринчи, кейинги ўринларда эса Наманган, Ўш ва Фарғона шаҳарлари турди.

Пилла хом ашёсининг ҳажми 101395 пудни, қиймати эса 939 сўмни ташкил этган.

<sup>180</sup> Обзор Ферганской области за 1900 г. Новый Маргелан. 1901. С.38.

1901 йилда кўп хонадонлар пиллачилик билан шуғулланиб (42-жадвал), пилла қуртини боқиш учун хар бир хонадон 200—250 тут дарахтидан фойдаланган.<sup>181</sup>

42-жадвал

Уездлар	Пиллачиликнинг хонадонларга нисбати			Етиштирилган пилла ҳажми	
	Хонадонлар сони	Пиллачилик 6-н шуғулланувчилар сони	Пиллачилик 6-н шуғулланувчилар (фоиз ҳисобида)	Жонлан-тирилган пилла (пуд)	Пилла ҳосили (пуд)
Марғилон шаҳри	9668	1638	16,9	15.055	3017
Марғилон уезди	54451	23262	42,7	167653	35592
Қўқон шаҳри	11965	610	5,1	4870	898
Қўқон уезди	50389	20323	40,6	122511	23055
Наманган уезди	49790	23606	48,1	115375	18884
Андижон шаҳри	7618	1231	16,2	7090	723
Андижон уезди	45963	12298	26,7	56867	7879
Ўш шаҳри	4367	786	19,5	4350	488
Ўш уезди	8511	2275	26,7	10527	1160
<b>Жами</b>	<b>253650</b>	<b>91627</b>	<b>36,1</b>	<b>514380</b>	<b>94134</b>

Вилоятдаги 253.650 хонадоннинг 91627 таси, яъни 36,1 фоизи пиллачилик билан шуғулланган. Бу борада Наманган шаҳри, Марғилон ва Қўқон уездлари салмоқли ўринни эгаллаган. Бу жойларда пилла хом ашёси катта ҳажмда етиштирилиб, 514380 жонлан-тирилган пилладан 94134 пуд ҳосил олинган. Бунинг кўпроқ қисмини Марғилон (35.592 пуд) ва Қўқон уездлари (23.055 пуд) берган.

Вилоятда пилланинг ягона озукаси ҳисобланган тут дарахтини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилган. 1901 йилда вилоятнинг айрим волостларида, хусусан, Файзободда тут дарахти сони 69988, Яккатутда 73380, Ёзёвонда 136906, Ёвқасак Бўстонда 13300, Найманда 16000

<sup>181</sup> Ежедневник Ферганской области. Том 1, Новый Маргелан. 1902. С.189.

ва Олтиариқда 120500 та бўлган. Умумий тут дарахти бир неча ўн мингтага етган. Ўша йили вилоятда 300000 пуд ёки 2500000 сўмлик пилла етиштирилган.

1903 йилда пилладан яхши ҳосил олиниб, у Марғилон уездида — 78127 пуд (1.248.969 сўмлик), Қўқонда 29475 пуд (433.167 сўмлик), Қўқонда 29.475 пуд (433.167 сўмлик), Андижонда 7000 пуд (84.000 сўмлик), Наманганда 12922 пуд (198.990 сўмлик) ва Ўшда 1346 пуд (13.602 сўмлик) етиштирилган. Жами 128870 пуд пилла олиниб, 1.978.728 сўмга баҳоланди.

1905 йилга келиб, пилла янги навлари икклимлаштирилишининг самараси янада ошиб, 40-жадвалдаги рақамларга кўра,<sup>182</sup> 42582 пуд пилла олинди. Нархи эса 1955791 сўмни ташкил этди.<sup>183</sup> Пилла савдоси сусайган бўлса керакки, нархи 1903 йилга нисбатан оз бўлса-да пасайган. Пилла етиштиришда Марғилон уезди ҳосилни 73076 пудга етқазиб, етакчи ўринни эгаллаган.

#### 43-жадвал

Уездлар	Жонлангирилган пилла курти (мисқол)	Пилла (пуд)	Бир пуд пилла-нинг қиймати (сўм)	Пилла ҳосили-нинг қиймати (сўм)	Сотилган пилла (пуд)	Сотилган пилла-нинг қиймати (сўм)	Сотилмай колган пилла	
							(пуд)	(сўм)
Марғилон	238797	73076	14.50	1059609	70148	1017146	2928	42463
Қўқон	126669	30644	13,60	416761	29719	404185	624	12576
Наманган	72177	20500	12,15	249081	15154	184130	5346	64953
Андижон	58333	15211	12,42	188920	14923	185313	288	3576
Ўш	13075	3149	13,15	41415	2908	38240	241	3175
<b>Жами</b>	<b>509051</b>	<b>142582</b>	—	<b>1955791</b>	<b>132853</b>	<b>1829045</b>	<b>9728</b>	<b>126746</b>

Пиллачилик самарадорлигини оширишда уруғчилик корхоналарининг очилиши муҳим ўрин эгаллади. Эндилда уруғларнинг касалга чалиниши ва пилла сифатининг пасайиши камайди.

<sup>182</sup> Статистический обзор Ферганской области за 1905 год. Типография Ферганской области, 1908, с.37.

<sup>183</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 12-рўйхат, 1717-иш, 11-бет.

1909 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг сўзича, 250000 пуд қуритилмаган ёки 70000 пуд қури-тилган пилла ҳосили олинган.<sup>184</sup> 1898—1914 йилларда Қўқонда 2 та, Марғилонда 3 та ва Наманганда 6 та уруғчилик корхонаси ишга туширилган эди. В.В. Загор-ская ва К.А. Александр тўплаган маълумотларга кўра (44-жадвал) 1913 йилда юқорида кўрсатилган корхона-ларда 130160 қути уруғ тайёрланган.<sup>185</sup> Бу уруғнинг 63500 қутиси Қўқонда, 51000 қутиси Марғилон ва 15660 қути-си Наманган уездларида етиштирилган. Қўқон уруғи ҳосилнинг 48,8 ва Марғилон 39,2 фоизини ташкил этган. Қолган 12,2 фоизи Наманганда етиштирилган.

44-жадвал

Уездлар	Кор-хона-лар	Уруғлар сони			Уруғликка ишлатилган пилла		Бир пуд пилла-дан олинган уруғ		
	сон	(кути)	(мис-кол)	(фоиз)	(пуд)	(фоиз)	(юко-рис)	(ка-ми)	(ўр-таси)
Қўқон	2	63500	381000	48,8	1874	57,3	36	17	34
Марғилон	3	51000	306000	39,2	952	29,1	72	25	54
Наманган	6	15660	93960	12,2	444	13,4	48	30	35
<b>Жами</b>	<b>11</b>	<b>130160</b>	<b>780960</b>	<b>100</b>	<b>3270</b>	<b>100</b>	<b>72</b>	<b>17</b>	<b>40</b>

Қўқондаги корхоналарда 99100 сўмлик, Марғилон ва Наманган уездларида 95900 ва 31773 сўмлик пилла уруғи етиштирилган.<sup>186</sup> Уруғчилик корхоналарида ўзбеклар, руслар ва арманлар ишлашган (45-жадвал)<sup>187</sup>.

<sup>184</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 12-рўйхати, 1717-иш, 11-бет.

<sup>185</sup> Загорская В.В. и Александр К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. Петроград, 1915. С. 210

<sup>186</sup> Ўша жойда, 207-бет.

<sup>187</sup> Ўша жойда, 210-бет.

Ишловчилар	Ишловчиларнинг барча тоифалари				Сараловчилар			Микроскопчилар		
	Умумий сони	Эркаклар	Аёллар	Бола-лар	Эркаклар	Аёллар	Бола-лар	Эркаклар	Аёллар	Бола-лар
Қўкон уезди:										
Ўзбеклар	28928	3614	25314	—	3586	2586	2586	—		28
руслар	5562	—	5490	72	—	15	72		—	—
арманлар	663	663	—	—	—		—	—	188	—
<b>Жами</b>	<b>35153</b>	<b>4277</b>	<b>30804</b>	<b>72</b>	<b>3586</b>	<b>25329</b>	<b>72</b>	<b>5475</b>	<b>188</b>	<b>—</b>
Марғилон уезди:										
Ўзбеклар	8550	—	7815	735		7815	735			
руслар	3585	240	3345		—	—	—	3365		—
арманлар	—	—	—	—	—	—	—	—		
<b>Жами</b>	<b>12135</b>	<b>240</b>	<b>11160</b>	<b>735</b>	<b>—</b>	<b>7815</b>	<b>735</b>	<b>3365</b>		
Наманган уезди:										
Ўзбеклар	4626	188	4167	271	88	4167	271	—		100
руслар	925	120	805	—		—	—	805		—
арманлар	1800	1800		—		—				
<b>Жами</b>	<b>7351</b>	<b>2108</b>	<b>4972</b>	<b>271</b>	<b>88</b>	<b>4167</b>	<b>271</b>	<b>805</b>		<b>100</b>
Вилоятлар бўйича жами										
Ўзбеклар	42104	3802	37296	1006	3674	36296	1006	—		128
руслар	10072	360	9640	72	—	15	72	9625	—	—
арманлар	2463	2463		—	—	—	—		188	—

Қўкон уездидаги корхоналарда 28928 нафар ўзбек ишлаб уларнинг 3614 нафарини эркаклар ва 25314 тасини аёллар ташкил этган. Марғилон уездида ишлаётган 8550 нафар ўзбекнинг 7815 нафари аёл ва 735 нафари болалар бўлган. Наманган уездидаги 4626 нафар ўзбекдан 188 таси эркак, 4167 таси аёл ва 271 таси болалар эди.

Вилоят бўйича корхоналарда 42104 нафар ўзбек ишлаб, эркаклар 3802, аёллар 37296 ва болалар 1006 нафар бўлган. Шунингдек, корхоналарда 10072 рус ва 2463 нафар арман ишлаган. Корхоналарда ишловчиларнинг 91,5 фоизини ўзбеклар, 7,3 фоизини руслар ва 1,2 фоизини арманлар ташкил этган эди.

Ўзбеклар уруғларни саралаш, териш ва бошқа қора ишлар билан шуғулланган. Рус ва арманлар асосан мастер сифатида микроскопларда иш олиб борганлар.

Пиллани офтобда ёки механик камераларда қуритиш билан шуғулланадиган корхоналар ҳам қурилган. 1913 йилда уларда 133150 пуд пилла маҳсулоти етиштирилган (46-жадвал).<sup>188</sup>

46-жадвал

Шаҳар ва уездлар	Корхоналар сони	Маҳсулотнинг пуди			
		Барчаси	Бир корхонанинг улуши	Камида	Қўпи билан
Скоблев шаҳри	1	7000	7000	7000	7000
Марғилон шаҳри	8	44200	5525	3000	10.000
Скоблев уезди	3	21000	7000	5000	10.000
Жами	12	72200	6017	3000	10.000
Қўқон шаҳри	7	42200	6029	3000	10.000
Қўқон уезди	3	18750	6250	3000	9750
Жами	10	60950	60950	3000	10.000
Наманган шаҳри	3	11000	3667	3.500	4000
Андижон шаҳри	2	10.000	5000	4000	6000
<b>Жами</b>	<b>27</b>	<b>154150</b>	<b>5709</b>	<b>3000</b>	<b>10.000</b>

Пилла хом ашёси кўпроқ Марғилон ва Қўқон шаҳарларида етиштирилиб, ҳар бири 44200 пуд маҳсулот берган.

Наманган ва Андижон шаҳарларининг маҳсулоти 10—11 минг пуд бўлган. Корхоналарнинг 12 таси Скоблевда, 10 таси Қўқонда ва 5 таси Наманган ҳамда Андижон

<sup>188</sup> Ўша жойда. 188-бет (жадвалдаги Скоблев ҳозирги Фарғона шаҳри ва уездининг номи ҳисобланган).

шаҳарларида жойлашган. Уларнинг ишлаб чиқариш даражаси вилоят бўйича умумлаштирилса, камида 3000 пудни, кўпи билан эса 10.000 пудни ташкил этган.

Корхоналарнинг фаолияти тўғрисида атрофлича тасаввур ҳосил қилиш учун маҳсулотларнинг қийматига доир маълумотларни келтириш ўринлидир (47-жадвал).<sup>189</sup>

47-жадвал

Шаҳар ва уездлар	Корхоналар сони	Маҳсулотнинг сўмдаги қиймати			
		Барчаси	Бир корхонанинг қисмати	Камида	Кўпи билан
Скобелев шаҳри	1	155250	155250	155250	155250
Марғилон шаҳри	8	849706	106213	51300	183150
Марғилон уезди	43	406440	135480	99990	186450
<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>1411396</b>	<b>117616</b>	<b>51300</b>	<b>186450</b>
Қўқон шаҳри	7	842788	120398	59500	191400
Қўқон уезди	3	396150	132050	59500	190400
<b>Жами</b>	<b>10</b>	<b>1238938</b>	<b>12894</b>	<b>59500</b>	<b>191400</b>
Наманган шаҳри	3	199630	66543	57500	78000
Андижон шаҳри	2	207350	103675	77350	130000
<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>27</b>	<b>3057314</b>	<b>113234</b>	<b>51300</b>	<b>191400</b>

Бу рақамларни кўрсатишича, 1913 йилда Фарғона вилояти бўйича 3057314 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бундан 1411396 сўми Скобелев шаҳри, Марғилон шаҳри ва уездига, 1238938 сўми Қўқон шаҳри ва уездига тўғри келган. Наманганда 199630 ва Андижон шаҳрида эса 207350 сўм миқдоридида маҳсулот ишлаб чиқарилган. Барча корхоналар имкониятига кўра бири кўпроқ, бири камроқ маҳсулот ишлаб чиқарган.

Юқоридида кўрсатилган маҳсулотни 2000 нафардан ортиқ киши ишлаб чиқарган (48-жадвал).<sup>190</sup>

<sup>189</sup> Ўша жойда, 196-бет.

<sup>190</sup> Ўша жойда.

Шахар ва уездлар	Корхона сони	Ишчилар сони	Жумладан						Мас-терлар	Бугловчи ва қуритувчилар		Сараловчилар							
			эркак-лар	фоизи	аёллар	фоизи	бола-лар	фоизи		эркак-лар	бола-лар	эркак-лар	аёллар	бола-лар					
Скобелев шаҳри	1	90			90	100													
Маргилон шаҳри	8	571	306	53,6	255	44,7	10	1,7	3	186	10	115	244						
Скобелев уезди	3	331	106	32,0	22,5	68,0			1	105			225						
<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>992</b>	<b>412</b>	<b>41,5</b>	<b>57,0</b>	<b>57,5</b>	<b>10</b>	<b>1,0</b>	<b>4</b>	<b>291</b>	<b>10</b>	<b>115</b>	<b>570</b>						
Қўқон шаҳри	7	636	225	35,4	38,5	60,5	26	4,1	2	123	26	110	385						
Қўқон уезди	3	149	109	73,2			40	26	1	78	5	20							35
<b>Жами</b>	<b>10</b>	<b>785</b>	<b>334</b>	<b>42,6</b>	<b>38,5</b>	<b>490</b>	<b>66</b>	<b>8,4</b>	<b>3</b>	<b>201</b>	<b>31</b>	<b>130</b>	<b>385</b>						<b>35</b>
Наманган шаҳри	3	124	55	44,3	60		9	7,3	2	53	9		60						
Андижон шаҳри	2	269	41	15,2	228	848				40			228						
<b>Вилоятлар бўйича жами</b>	<b>27</b>	<b>2170</b>	<b>842</b>	<b>38,8</b>	<b>12,43</b>	<b>573</b>	<b>85</b>	<b>3,9</b>	<b>10</b>	<b>585</b>	<b>50</b>	<b>245</b>	<b>1243</b>						<b>35</b>



Уездлар	Пилла (пуд)	Пилла хом ашёсининг қиймати	Ипакнинг хажми	Ипакнинг қиймати (сўм)	Пилла чиқиндис- нинг хажми	Пилла чиқиндис- нинг қиймати (сўм)	Жами (сўм)
Марғилон	—	—	680	68000*	1340	16080	84080
Қўқон	—	—	545	86880	850	11900	98780
Анджон	400	3000	600	72000	400	5600	80600
Наманган	5256	26280	—	—	—	—	26280
Ўш	2980	20806	10	1230	—	—	22036
<b>Жами</b>	<b>8636</b>	<b>50086</b>	<b>1835</b>	<b>228110</b>	<b>2590</b>	<b>33580</b>	<b>311776</b>

Корхоналарда 2170 нафар киши ишлаб, улардан 842 нафари эркаклар (38,8%) ва 1243 нафари аёллар (57,3%) бўлган. Болалар эса 85 нафар бўлиб, 3,9 фоизни ташкил этган. Аёлларнинг кўпчилиги ўзбек миллатига мансуб бўлиб, эркаклардан ажралган ҳолда алоҳида хоналарда ишлашган.<sup>191</sup> Мастерлар сони 10 нафардан иборат бўлган, боғлаш ва қадоклаш ишларида 585 нафар эркак ва 50 нафар бола банд эди. Эркаклардан 245 ва аёллардан 1243 нафари саралаш ишлари билан шуғулланган.

1914 йилда 190000, 1915 йилда 200000 ва 1916 йилда 180000 кути жонлантирилган уруғ тайёрланди. Пилланинг қуритилмаган хом ашёси 1914 йилда 200000, 1915 йилда 150000, 1916 йилда 250000 пуд ҳажмда етиштирилган. Унинг қуритилгани эса 1914 йилда 65000, 1915 йилда 50000 ва 1916 йилда 85000 пудни ташкил қилган.<sup>192</sup>

Фарғона вилоятида етиштирилган пилла хом ашёсининг асосий қисми Россияга ва у ердан бошқа хорижий мамлакатларга олиб кетилган. 1895 йилда четга чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва баҳоси 49-жадвалда кўрсатилган.<sup>193</sup>

Шундай қилиб, 8636 пуд (50086 сўмлик) пилла хом ашёси ва 1835 пуд (228110 сўмлик) ипак, 2590 пуд (33580 сўмлик) ипак чиқиндиси, жами 311776 сўмлик пилла маҳсулоти вилоятдан олиб кетилган. Бунда Марғилон ва Қўқон уездларидан энг кўп маҳсулот чиқарилган.

Шуни айтиш лозимки, маҳсулотни четга чиқариш миқдори пилла ҳосилининг даражасига қараб ошган ёки пасайган. Умуман олганда, у маълум даражада кўтарилиб борган. Масалан, 1899 йилда 9000 пуд, 1900 йилда 17000 пуд ва 1908 йилда 69432 пуд пилла олиб кетилган. 1913 йилда эса бу рақам сезиларли даражада камайган (50-жадвал).<sup>194</sup>

Фарғона вилоятида пилла қуритиш корхоналарида етиштирилган 51262 пуд хом ашёдан 47762 пуди (93,2%)

---

<sup>191</sup> Загорская В.В. и Александр К.А. Ўша асар, 193-бет.

<sup>192</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 454-рўйхат, 15-иш, 15-бет.

<sup>193</sup> Обзор Ферганской области за 1895 г. Новый Маргелан, 1896. С. 18.

<sup>194</sup> Обзор Ферганской области за 1895 г., Новый Маргелан, 1896. С.18.

Шаҳар ва уездлар	Қорхоналар сони	Пилла хосили (пуд)	Хорижга			Россияга		
			(пуд)	(фоизи)	(сўм)	(пуд)	(фоизи)	(сўм)
Скобелев шаҳри	1	2300	2300	100	155250	—	—	—
Марғилон шаҳри	8	14713	14713	100	849706	—	—	—
Скобелев уезди	3	6967	4967	71.3	286440	2000	28.7	120.000
<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>23980</b>	<b>21980</b>	<b>91.7</b>	<b>1291396</b>	<b>200</b>	<b>8.3</b>	<b>—</b>
Қўқон шаҳри	7	13966	12486	89.3	755788	1500	10.7	—
Қўқон уезди	3	6450	6450	100	396150	—	—	—
<b>Жами</b>	<b>10</b>	<b>20416</b>	<b>18916</b>	<b>92.7</b>	<b>1151938</b>	<b>1500</b>	<b>7.3</b>	<b>87.000</b>
Наманган шаҳри	3	3.566	3566	10	199630	—	—	—
Андижон шаҳри	2	3.300	3.300	100	207350	—	—	—
<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>27</b>	<b>51262</b>	<b>47762</b>	<b>93.2</b>	<b>2850314</b>	<b>3500</b>	<b>6.8</b>	<b>207.000</b>

хорижга (Италия, Франция ва Туркия) юборилган. Бу пулга чаққанда 2850314 сўмни ташкил этган. 3500 пуд (7,3%), яъни 207000 сўмлик хом ашё тадбиркорлар томонидан четга чиқарилиб, улар мўмай даромадни қўлга киритганлар. Қайси мамлакатда пилла хом ашёсига бозорда талаб бўлса, тадбиркорлар ўша жой билан савдо олиб борган. Хунармандлар эса пилланинг вилоятда қолган маълум қисмидан газламалар тўкиб тирикчилик ўтказган. Бу касб айниқса Марғилон шахрида ривожланганлиги маълум.

Фарғона водийси пиллачиликнинг ҳам маркази ҳисобланар эди.

Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида пиллачилик водийга нисбатан ривож топмаган бўлса-да, лекин кўп хонадонлар пиллачилик билан шуғулланган. Даставвал, бу ерда ҳам ҳосили ва сифати анча паст пилла етиштириларди. XIX аср 60-йиллар охирида Тошкентда тадбиркорлар Хлудов ва Первушинлар томонидан Сирдарё вилоятига қарашли ипак газламалари тўқийдиган кичик корхоналар очилган. Бироқ фойда келтирмаганлиги учун 1870 йилда ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Бунга кўпроқ пилла сифатининг пастлиги сабаб бўлган эди.

Шундан сўнг фирма вакиллари Сирдарёда пилланинг янги навларини иқлимлаштиришга киришдилар. 1873 йилда Тошкентда пиллачилик касби бўйича махсус мактаб очилиб, унга 18 ёшдан ошмаган ўзбек ёшлари қабул қилина бошланди. Бу ерда пилла уруғининг сифатини яхшилаш бўйича иш олиб борилди. Бу тадбир ташаббусчиларидан бири А. И. Вилкинс Самарқанд, Бухоро ва Хўжандга бориб, пиллачиликнинг аҳоли билан танишди.

1885 йилда Тошкентда пилла қурти уруғини етиштирадиган станция ишга туширилди. Шунингдек, тадбиркор Алоизи хорижий пилла навини иқлимлаштириш бўйича тажриба ўтказиб муваффақиятга эришди. Аммо бу янги навни кенг қўламда иқлимлаштиришнинг иложи бўлмади. Шунга қарамай вақт ўтиши билан Америка янги навининг маҳаллий навга нисбатан устунлиги сезилди. Пировардида янги навни етиштириш ортиб бораверди. Вилоятда маҳаллий ва «Боғдод» уруғлари, Амударё бўлимида «Оқ хитой» уруғи ишлатилган. Уруғлар Фарғонадан ҳам келтирилган.

1886 йилда вилоятда 576 пуд хосил олиндиб, хар бир пуди 160—248 сўм атрофида сотилган. Пиллачилик учун, айниқса Чирчик ва Ангрен дарёларининг атрофларида яхши шароит мавжуд эди. Бу жойларда тут дарахтлари сероб бўлиб, пиллани етарли даражада озуқа билан таъминлаш имкони бор эди. Ўша йили Тошкент уездида 100 пуд атрофида пилла олинган. Вилоятда «Янги гибрид», «Хива», «Сариф милан», «Кўн япон», «Оқ хитой» ва «Сюзанна гибрид» сингари уруғлар бўйича тажриба ўтказилган. Улар Италиядаги Гвидо Сюзанна уруғчилик институтидан келтирилганди. Шунингдек, дуб уруғини икклимлаштиришга ҳаракат қилинган, аммо натижа бўлмади.

Архив ҳужжатларида Тошкент шаҳридаги маҳалларда 58 та хонадон пиллачилик билан шуғулланиб, улардан 28 таси Шайхонтоҳур даҳасида, 25 таси Бешёғочда ва 5 таси Кўкча маҳалласида иш юритган (51-жадвал).<sup>195</sup>

#### 51-жадвал

№	Исми ва шарифи	мис-қол	№	Исми ва шарифи	мис-қол
	<b>Шайхонтоҳур даҳаси</b>		13.	Иноғомхўжа	3
1.	Муллахон Олимбоев	1	14.	Саидқосимбой	4
2.	Мулла Зайниддин	3	15.	Мирсодик	3
3.	Мулла Нур	4	16.	Маъруфжон	3
4.	Муллабой	2	17.	Исмоил оқсоқол	2
5.	Бобохўжа Эшон ота	2	18.	Абай Хўжа	2
6.	Шарифхўжа Эшон	6	19.	Х.Ниёзбоев	2
7.	Аҳмадхўжа Эшон	10	20.	Нормухаммад	4
8.	Бобо Ширмунов	2	21.	Солихбой	2
9.	Шоюсуф	2	22.	Рашидхўжа	4
10.	Подшоҳжон	2	23.	Сайидхўжа	2
11.	Хўжа Подшоҳхўжа	1	24.	Фозилжон	3
12.	Абай Мўминхўжа	2	25.	Сайидахмадхўжа	2

<sup>195</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-36, 1-рўйхат, 3164-иш, 6-бет.

26.	Сайидкарим	2	42.	Назармухаммад	4
27.	Сайидгани	2	43.	Икромхўжа	4
28.	Солих эшон	2	44.	Мир Муллабой	4
29.	Нодирбой	2	45.	Мир Муллабой	5
30.	Умаралибой	3	46.	Иноғомхўжа	3
	<b>Кўкча маҳалласи</b>		47.	Муллақосим	2
31.	Хўжа Аҳмадбой	6	48.	М., Авазбоев	2
32.	Морасул Мингбоши	6	49.	Дўстхўжа	2
33.	Абдумадаминбой	4	50.	Шомахмуд карвонбоши	2
34.	Абдужабборхўжа	3	51.	Аҳмад	2
35.	Эгамберди Хўжа	2	52.	Сайфиддин	3
	<b>Бешёғоч маҳалласи</b>		53.	С. Аҳмедов	2
36.	Орифхўжа Аъзам	6	54.	Охунжон	2
37.	Муллабоқижон	6	55.	Элликбоши Ақром	1
38.	Бадан Муҳаммад	6	56.	Шомансурбой	2
39.	Алимхўжа	6	57.	Охунбобо	2
40.	Нуриддин мингбоши		58.	М.Фофур бобо	2
41.	Пўлатхон	4			

Пиллачиларнинг кўпчилиги 2 мисқол уруғ етиштирган. Уларнинг орасида 3, 4, 5 ва 6 мисқол уруғ билан иш юритганлар ҳам бор эди.

1897 йилда пилладан 4200 пуд (50.000 сўмлик) ҳосил олинган.<sup>196</sup>

1899 йилда Сирдарё вилояти харбий губернаторининг берган ҳисоботида кўра Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятининг ҳаракати билан Тошкентда ва ўлканинг бошқа шаҳарларида уруғчилик станциялари очилиши ва хорижий мамлакатлардан келтирилган уруғларнинг тарқатилиши орқасида пиллачиликда яхши самарага эришилиб бозорга 5000 пуд пилла чиқарилган. У 45000 сўмга баҳоланган. Маҳаллий аҳоли пилланинг янги нав уруғларини ишонч билан қабул қилган.<sup>197</sup>

<sup>196</sup> Центральный государственный исторический архив Санкт-Петербурга. 1282, Д. 309, Л. 8.

<sup>197</sup> *Уша жойда*. Д. 417, Л.10.

Пиллачилик билан Сирдарё вилоятига қарашли барча уездлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси шуғулланган. Масалан, 1903 йилда Тошкент шаҳрида 41 та хонадон (206 киши), Тошкент уездида 1264 та хонадон (2508 киши), Чимкент уездида 300 та хонадон (900 киши) ва Амударё бўлимида 200 та хонадон (500 киши) пилла маҳсулоти етиштирган.<sup>198</sup> Тошкент шаҳрида 1941 пуд хўл ва 814 пуд қуритилган пилла, Тошкент уездида 640 пуд қуритилмаган пилла, Чимкент уездида 50 пуд хўл ва 25 пуд қуритилган пилла ва Амударё бўлимида 90 пуд хўл пилла етиштирилган.<sup>199</sup> Бу ишни 4114 нафар кишидан иборат 1805 та хонадон бажарган.

1903 йилда пилланинг асосий қисми Тошкент шаҳрида (2755 пуд) ва уездида (640 пуд) етиштирилиб, бу ерда пиллачилик маълум даражада ривожланган. 1904 йилда эса шаҳарда 2468 пуд хўл ва 1030 пуд қуритилган, уездда 620 пуд хўл пилла етиштирилганлиги маълум. Бу маҳсулотни етиштиришда 2875 нафар кишидан иборат 1301 та оила қатнашган.

Пиллачиликда жиддий ўзгаришлар бўлмади, маҳсулотнинг миқдори унчалик ошмаган. 1906 йилда Тошкент шаҳрида 50 та хонадон 1575 пуд хўл ва 891 пуд қурук, Тошкент уездида 1382 та хонадон 1788 пуд хўл, Амударё бўлимида 92 та хонадон 85 пуд хўл ва 20 пуд қурук пилла тайёрлаган. Вилоят бўйича 3448 пуд хўл ва 119 пуд қурук пилла етиштирилган. Шундай қилиб пиллачилик билан асосан Тошкент уезди аҳолиси шуғулланган. Бу аҳвол кейинги 1910 йилда ҳам ўзгармай уездда 1358 хонадон пиллачилик билан банд бўлган. Ўша йили вилоятда 1912 пуд пилла етиштирилган эди. Хосилнинг бу даражада пасайишига аҳолининг етарли даражада пиллачилик билан шуғулланмаслиги сабаб бўлган.

Бундан ташқари пилла уруғининг касалга чалиниши ва туг дарахларининг камайиши катта зиён келтирган.

Пиллачиликнинг қанчалик сусайганлигини кўйидаги маълумотлар яққол кўрсатади. 1911 йилда Тошкент шаҳрида 214 пуд (3140 сўмлик) ва уездида 535 пуд (8420 сўмлик), 1912 йилда шаҳарда 167 пуд (2200 сўмлик) ва уездда 480 пуд (3000 сўмлик) пиллага эга бўлинган.

---

<sup>198</sup> Обзор Сирдаринской области за 1904, Т. 1904. С.132.

<sup>199</sup> *Ўша жойда.*

Самарқанд вилоятида даставвал рус тадбиркорлари маҳаллий ипақдан газламаларни тайёрлайдиган кичик корхоналарни қурганлар. Масалан, москвалик Морозов, Алексеев, Коншин, Сапожников ва бошқа 20 та фирма вакиллари Хўжандда газлама тўкийдиган корхоналарни ишга туширган. Аммо хом ашёнинг сифатсизлиги туфайли корхоналар ишни тўхтатган.

Бу вақтда вилоятда нисбатан кўп хонадонлар пиллачилик билан шуғулланарди. Бирок бу ишнинг унумдорлиги анча паст эди. Шу боис пилланинг янги навларини иқлимлаштиришга киришилди. Аммо кўп қийинчиликларга дуч келинди. Айниқса об-ҳаво ноқулай келган вақтларда пиллачилик оғир шароитни бошдан кечирди. Айни пайтда айрим савдогарларнинг хориждан касалга чалинган пилла уруғлари келтириши сабабли пиллачилар зарар кўриб, бу соҳа билан шуғулланишдан бош тортган. Шу боис 1895 йилда Самарқанд харбий губернатори қарор чиқаришга мажбур бўлган:

1. Четдан келтирилган пилла уруғи сотилаётганида текшириш ва уни ҳукумат қошидаги уруғчилик станциясига топшириш полиция зиммасига юклатилсин. Полиция пилла уруғи эгаларидан унинг сифати ҳақидаги ҳужжатни ҳукумат пиллачилик станцияларига топширишларини назорат қилсин.

2. Станцияда пилла уруғи солинган қутилар очилиб ва текширилиб унинг соғломлиги ёки касалга чалинганлиги ҳақида ҳужжат ёзилиб, Самарқанд вилояти харбий губернаторига маълум қилинсин. Текшириш жараёнида уруғнинг эгаси ва полициянинг қатнашиши лозим.

Бу фойдали тадбир амалга оширилиб, савдо фирмалари томонидан хориждан келтирилган пилла уруғи навлари бўйича станциянинг хулосаси чиқарилган:

1. Гахард эт Перриер фирмасига тегишли 2 та қутидаги пилла уруғининг ярми айниган ва ярми касалланган.

2. Упуон Босолокукие фирмаси келтирган 1260 та қути уруғининг бирортасида касал топилмади.

3. Бельярд-Лянц фирмасидан олинган 1260 қутидаги уруғларнинг ҳаммаси соғлом чиқди.

4. Бокос Дермензиан фирмасига тегишли 1000 та қутидаги уруғ касалга чалинганлиги аниқланди.



5. Сюзана фирмасига тегишли 200 та қутидаги уруф касалга чалинмаган.

6. Алоизи фирмасининг ўлкага ҳар йили келтирилдиган 300000 мисқол корейка уруғининг 3 та қутиси касалланганлиги маълум бўлди.

7. Ф. Бертлет фирмасининг 4.000 та қутидаги уруфдан касаллик топилмади.

8. Сулваин Моуранд фирмаси томонидан олиб келинган 1000 та қутидаги уруғнинг 8 таси соғломлиги аниқланди.

9. Беринкуерв фирмасига тегишли 341 та қутидаги уруғнинг 9 тасида касаллик кўринмади.

10. Еауль Сенекуйер фирмасига тегишли 438 та қутидаги уруғда касаллик йўқлиги аниқланди.

11. Мариу Десире фирмасига қарашли 500 та қутининг биттасидагина уруғлар касалланганлиги аниқланди.

12. Ферран Гуи Гранд фирмасига тегишли 1000 та қутидан 9 таси касалга чалинган.

13. Лукас фирмасининг 25 та қутисидан иккитаси касаллиги аниқланди.

14. Делифотись фирмасига тегишли 75 та қутидан 75 тасида текширилганда касаллиги кўринди.

15. А. Пинацись фирмасининг 50 қутисидан бештасида касал борлиги аниқланди.

16. Ставрокиниди фирмасига тегишли 95 та қутидан бештаси касалга чалинган.

17. Анастасиада фирмасининг 5 қутиси касал бўлиб чиқди.

18. Адриен Ролланд фирмаси томонидан олиб келинган 250 қутидаги уруғнинг барчаси касалга йўлиққан.

18 та фирма томонидан тавсия қилинган пилла уруғларининг 8 тасигина соғлом чиққан. Улардан 4 таси ўртача, 7 таси бутунлай касалга чалинган. Шу тарзда уруғларни махсус текширишдан ўтказилиши деҳқонлар учун жуда фойдали бўлган. Чунки илгарилари касалга учраган уруғларни билмай ишлатиш туфайли пиллачилар катта зарар кўрган. Шунинг учун пиллачилар 1894 йилда хорижий мамлакатлар уруғларини 114.473 мисқол ҳажмда сотиб олган бўлса, 1895 йилда 57370 мисқолни хавотирлик билан олган эди.

Самарқандда станциялар уруғларининг сифатини текшириш билан бир қаторда уларни тайёрлаш ва пиллачиларга улашиш билан ҳам шуғулланган. Ҳатто уруғлар

Полтавага, Киев ва Одессага юборилган. Станцияларда Италия, Франция ва «Боғдод» пилла навларидан уруғлар жонлантирилган. Самарқанд шахридаги қамоқхонада ҳам махбусларнинг иштирокида пиллачилик йўлга қўйилган эди. Бундан мақсад қамоқхонани маблағ билан таъминлашдан иборат бўлган. 1895 йилда пиллачилар Самарқанд уездида 8500, Хўжандда 63021, Каттақўрғонда 1382 ва Жиззахда 1000, жами 72903 мисқол уруғдан фойдаланган. Бу рақам 1894 йилда 121353 мисқолни ташкил этган эди. Демак, 1895 йилда пилла ҳосили анча пасайган. Шу йилда Самарқанд уездида 1000 пуд, Хўжандда 15201, Жиззахда 250 ва Каттақўрғонда 346 пуд пилла етиштирилган. Ҳосилдорликнинг пасайишига кўп ҳолларда қорасон ва зарча сингари касалликлар сабаб бўлган.

Самарқанд уездидаги Сиёб вилоятига қарашли Пумомаган қишлоғида пиллачилик билан 40 нафар киши шуғулланиб, 20 таноб ердаги тут дарахтига эгалик қилинган. 1896 йилда 3 пуд, 1897 йилда 16 пуд ва 1898 йилда 10 пуд пилла олинган. Қишлоқда 40 нафар киши ипак газлама тўқиш билан шуғулланган.<sup>200</sup> Кўлтепа қишлоғида 36 нафар киши пиллачилик билан шуғулланиб, 1896 йилда 3 пуд, 1897 йилда 16 пуд ва 1898 йилда 12 пуд пилла етиштирилди. 36 нафар киши ип газлама тўқиш билан банд бўлган. Чумгакли қишлоғида 45 нафар киши пиллачилик билан шуғулланиб, 1896 йилда 3, 1897 йилда 16 ва 1898 йилда 12 пуд пилла етиштирилган. 45 нафар киши газлама тўқиган.<sup>201</sup> Ўша икки қишлоқда 35 танобдаги тут дарахтидан фойдаланилган. Хўжа Аҳрор волостидаги Бау Лихон қишлоғида 60 нафар киши ишлаб, 1896 йилда 122, 1897 йилда 153 ва 1898 йилда 60 пуд пилла етиштирилган. Қишлоқда 60 нафар киши тўқимачилик касби билан шуғулланган. Юнучка ариқ қишлоғида 45 нафар киши 1896 йилда 122, 1897 йилда 145, ва 1898 йилда 40 пуд пилла олган. 45 нафар киши тўқувчилик касбига эга бўлган. Боғишамол қишлоғида пиллачилик билан 40 нафар киши банд бўлиб, 1896 йилда 111, 1897 йилда 141 ва 1898 йилда 45 пуд пилла етиштирилган, 40 киши газлама тўқиган. Ҳаймард қишлоғида ўша

---

<sup>200</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-18, 1-рўйхат, 11918-иш, 21-бет.

<sup>201</sup> Ўша жойда.

касб билан 20 нафар киши машғул бўлиб, 1896 йилда 113, 1897 йилда 140 пуд ва 1898 йилда 20 пуд пилла олинган. 20 нафар киши газлама тўкиган. Хўжа Ахрор кишлоғида 1896 йилда 110, 1897 йилда 137 ва 1898 йилда 10 пуд пиллага эга бўлган. 10 нафар киши тўкувчи бўлган. Каваля кишлоғида эса 15 нафар киши пиллачилик билан шуғулланиб, 1896 йилда 114, 1897 йилда 141 ва 1898 йилда 15 пуд пилла тайёрланган. 15 нафар одам тўкувчи эди.<sup>202</sup> Ўша кишлоқларда тутзорлар 33 танобдан ортиқ ерни эгаллаган.<sup>203</sup> Бу маълумотлардан кўринадики, пиллачилик Самарқанд уездида бирмунча ўсган. Бу кишлоқларнинг ҳар бирида 100 пуддан ортиқ пилла етиштирилган вақтлар бўлган. Пилланинг маълум қисмидан хунармандлар ипак газламалар тўқиб рўзгорни тебратганлар. Уларнинг вилоятлар бўйича умумий сони 311 нафар кишига етган. Каттақўрғон уездида 1896—1898 йилларда 145 пуд пилла етиштирилган. Самарқанд вилоятида пиллачилик ҳолатини янада чуқурроқ тасаввур этишда Хўжанд уездига тегишли маълумотлар диққатга сазовор (52-жадвал).<sup>204</sup>

52-жадвал

Жойлар номи	Хонадонлар сони	Пиллачилик билан шуғулланувчи хонадонлар сони	Тут дарахти экилган майдон (таноб)	Пилла хосили (пуд)	Газлама тўкувчилар сони
Хўжанд шаҳри:					
Резак	3655	2100	60	13.000	60
Колинауз	2307	1800	40	8500	40
Ундожин волости:	428	330	60	1280	—
Руман	381	270	40	1220	10
Кулагир	152	100	30	1000	—
Яв	393	280	50	1280	15
Таючи	24	18	10	20	9

<sup>202</sup> Ўша жойда.

<sup>203</sup> Ўша жойда.

<sup>204</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-18, 1-рўйхат, 11918-иш, 6-бет. Манбада айрим кишлоқлар номи нотўғри берилган.

Шайх Бурхон	95	50	90	50	—
Пуличикур	101	52	20	150	23
Костакуз волости:					
Костакуз	745	350	595	2250	—
Исписир	265	170	400	1600	—
Талад	50	47	40	200	—
Кангалан	120	95	150	350	—
Ауги	28	25	38	59	—
Қайрағоч	36	33	33	63	—
Тауд	51	35	42	120	—
Андархам	67	65	50	435	—
Чорбоғ	70	40	35	400	—
Науска волости:					
Бекобод	70	50	30	50	—
Қушқўрғон					—
Париман қўрғон	80	65	45	130	—
Октепа	85	60	100	170	—
Янгикўрғон	80	60	80	145	—
Чунт	30	25	40	430	—
Калбош	35	33	45	135	—
Курпен	100	60	50	140	—
Нов	200	180	200	1250	—
Тагик	00	50	52	145	—
Лангар	60	50	40	130	—
Чор	29	10	10	40	—
Чуанчи	45	20	15	110	—
Зинбару	05	20	15	110	—
Яркен	45	—	—	—	—
Гулкандоз волости:					
Гулкандоз	250	200	40	150	—
Делмай	60	40	30	120	—
Кознак	50	20	15	135	—

Хитой Риза	60	30	25	140	—
Андаосой	55	35	25	110	—
Оқтепа	20	15	10	118	—
Қўтирбулок	50	30	20	125	—
Янги	45	35	25	130	—
Исфара	185	—	—	—	—
Андарак	55	—	—	—	—
Дехнау	25	—	—	—	—
Ўратепа волости:					
Тошкент	63	3	—	—	—
Яккабоғ	54	1	—	—	—
Чудан	56	1	—	—	—
Курун	83	1	—	—	—
Сабунар	21	2	—	—	—
Қорабек	29	1	—	—	—
Алқаран	29	1	—	—	—
Бурчак		1	—	—	—
Таль	25	1	—	—	—
Мачагарин	27	1	—	—	—
Ҳасанбой	17	1	—	—	—
Кабала	13	1	—	—	—
Бачиран	30	9	—	—	—
Вағат	37	1	—	—	—
Ганин волости:					
Қишланганчи		5	—	1	—
Хўжа Тохир	38	4	—	1	—
Қизили	34	3	—	1	—
Яхтин	37	3	—	1	—
Газандаррои	84	2	—	—	—
Калача					
Расюс	12	3	—	1	—
Ўратепа волости:					

Ругунат	124	3	—	1	1
Сипула	13	1	—	—	—
Якобич	19	1	—	—	—
Глосурк	114	7	—	2	—
Биликанян	80	2	—	—	—
Сурхи	14	1	—	—	—
Рауганда	11	3	—	1	—
<b>Жами</b>	<b>12246</b>	<b>7224</b>	<b>2947</b>	<b>40176</b>	<b>157</b>

Жиззах уездидаги 7 та волоста истикомат қилаётган 12246 та хонадондан 7224 таси бевосита пиллачилик билан шуғулланган. Тут дарахти экилган майдон 2947 танобни эгаллаган. Уезд бўйича 40176 пуд пилла ҳосили етиштирилган. Бу пилланинг талай қисми Хўжанд шаҳрига қарашли жойларда етиштирилиб, ҳосил 21500 пудни ташкил этган. Бу ерда газлама тўқувчилар сони ҳам кўп бўлиб, 100 нафар кишидан иборат бўлган. Уезд бўйича эса уларнинг умумий сони 157 нафар киши эди. Ундожинг волостида пиллачилик билан шуғулланувчи хонадонлар сони мингтадан ошиб, 4800 пуд ҳосил олинган. 1898 йилда эса 4017 пуд пилла олинган.<sup>205</sup>

1900 йилда табиий шароит яхшилиги боис 60030 пуд пилла тайёрланиб, унинг 57800 пуди Хўжанд уездига тўғри келган.<sup>206</sup> Ўша йилда пилла уруғининг касалга чалиниши ва тут дарахтининг етишмаслиги сабабли ҳосилдорлик пасайиб 5192 пуд пилла тайёрланди.<sup>207</sup> Аммо бошқа маълумотга кўра, 6986 пуд пилла тайёрланиб, унинг асосий қисми — 6129 пуди Хўжанд уездида, 770 пуди Самарқанд уездида, 23 пуди Жиззахда, 64 пуди Каттақўрғонда етиштирилган.

1905 йилги қулай об-ҳаво шароити пиллачилик учун анча фойда келтирди. Пиллачилар 443818 мисқол қуртдан Самарқанд уездида 762, Хўжандда 75.000, Жиззахда 462, Каттақўрғонда 160, жами 76384 пилла етиштирилганлар. Бу йилда ҳам Хўжанд уезди пилла етиштиришда

<sup>205</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-18, 1-рўйхат, 11754-иш, 91-бет.

<sup>206</sup> Гейер И.И. Путеводитель по Туркестану. Т., 1901. С. 150.

<sup>207</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1273, оп.1. Д.35, Л.119.

пешкадамлик қилди. Бунда Сирдарё бўйида баҳорнинг бирмунча қулай келиши муҳим аҳамият касб этди.

Пилланинг баҳоси хусусида шуни айтиш мумкинки, унинг бир пуди Самарқандда 10—12, Каттакўрғонда 8—10 сўмга сотилган. Самарқанд вилоятида асосан Франция ва Туркиядан келтирилган уруғлардан пилла олиниб, мавсумнинг бошида уларнинг бир мисқоли 50 тиғиндан сотилган. 1907 йилда пиллачилик орқага кетиб, бор-йўғи 24987 пуд ҳосил олинган, холос. Бундай ачинарли ҳолатга баҳорда ёмғирнинг кўп ёғиши ва ҳароратнинг пасайиши сабаб бўлган эди. Хўжандда ҳам об-хаво ёмонлашиб, 23987 пуд пилла етиштирилган, холос.

Хуллас, Самарқанд вилоятида пиллачилик табиий шароитга қараб, гоҳ, пасайиб, гоҳ, кўтарилиб, кенг қўламда ривожланмади.

Умумий хулоса шуки, кўрилаётган даврда ўлкада пиллачилик соҳасида жиддий ўзгаришлар ва маълум даражада ютуқларга эришилган бўлса-да, лекин барча вилоятларда бирдек ривожланиш рўй бермади. Хусусан, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида пиллачилик юқори даражага кўтарилмади. Пиллачилик янги навларни иқлимлаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш ҳисобига Фарғона водийсида кенг қулоч ёйиб, яхши самаралар берди. Натижада водий пиллачиликнинг ҳам маконига айланиб, ўлка пилласининг асосий қисмини етиштирган. Бироқ пилла ҳам ҳам ашё сифатида Россияга олиб кетилар эди.

## **Бухоро ва Хива хонликларида пахтачилик**

### ***Бухоро хонлигида пахтачилик***

Бухоро хонлиги Кармана, Чоржўй, Зиёвуддин, Нурота, Хатирчи, Китоб, Шахрисабз, Чирокчи, Яккабоғ, Ғуззор, Бойсун, Қоратегин, Денов, Ҳисор, Дарвоза, Болжувон, Шуғнон, Рошан, Кўлоб, Қўрғонтепа, Кабадиан, Шеробод, Калиф, Керки, Бурдалик, Кабаклик, Қарши ва Наризимдан иборат 28 бекликни ўз ичига олган. Шулар жумласига Қоракўл, Зандони, Шофиркон ва бошқа 9 та туман кирган эди. Хонлик аҳолиси сони 3 миллион киши бўлиб, кўпчилиги дехқончилик билан шуғулланган. 2250 минг десятина экин майдонида сунъий суғориш тизими кенг ёйилган эди.

Зарафшон, Қашқадарё, Ғуззор ва Шеробод дарёлари

муҳим сув манбалари ҳисобланган. Зарафшон дарёси Туркистон чўққисидан бошланиб Самарқанд воҳасида Оқдарё ва Қорадарёдан иборат икки тармоққа бўлинган. Бу дарёлар Самарқанд вилояти чегарасида яна бирлашиб Зарафшон номида хонлик ерларига тарқалган. Бу дарё бўйлаб 32 канал чиқарилиб улардан ҳосил бўлган ариқлар хонлик ерларини суғорган. Масалан, Жуе-камраз ариғининг сув ҳажми 250 мардикор,<sup>208</sup> Жуе-Парвиз сувининг ҳажми 400 мардикор, Жуе-куюк мазор сувининг ҳажми 80 мардикор, Жуе-халаж сувининг ҳажми 50 мардикор, Жуе-калтий сувининг ҳажми 200 мардикор, Жуе-Дихийав сувининг ҳажми 70 мардикор, Жуе-Зейбиён сувининг ҳажми 150 мардикор, Ғозиобод боло сувининг ҳажми 280 мардикор, Жуе Ғози-ободпаён сувининг ҳажми 240 мардикор, Жуе-Шахрислом сувининг ҳажми 720 мардикор бўлган.

XIX асрнинг 70-йилларида суғориладиган ерларнинг умумий ҳажми 2891742 десятинга бориб қорақўл беклиги бўйича қуйидаги тарзда тақсимланган.<sup>209</sup>

Зиёвуддин — 38669,4	Зандони — 19550,0
Хатирчи — 16275,0	Ромитон — 11718,0
Кармана — 28253,4	Жандар — 15624,0
Ғиждувон — 19530,0	Ваганзен — 11718,0
Шофиркон — 11718,0	Қорақўл — 19530,0
Пармаст — 78112,0	Бухоро ва унинг
Вобкент — 13671,0	атрофларида — 75125,4
<b>Жами — 289174 десятин.</b>	

Энг кўп суғориладиган ерлар Кармана, Ғиждувон ва Хатирчи бекликларида жойлашган.

Юқорида келтирилган рақамлар хонликдаги суғориладиган барча экин майдонларини қамраб олмайди.

XIX асрга оид маълумотлар кўрсатишича, хонликдаги суғориладиган ерларнинг умумий ҳажми 2,2 млн десятина ҳисобланган. Бундан 400000 десятинаси Зарафшон воҳасига, 600000 десятинаси Қашқадарё хавзасига, 400000 десятинаси Шахрисабз ва Қарши беклиги, Ғузор, Яқкабоғ ва атроф жойлардаги ерларга тўғри келган. Шунинг-

<sup>208</sup> Бир мардикор сув 16 таноб ерни суғорган.

<sup>209</sup> Хамроев А.Х. Некоторые черты феодального способа производства в Бухаре в XIX века. «Из истории Узбекистана XIX—XXв». Т. 1975. С.14.



дек, юкорида кўрсатилган умумий экин майдонининг қолган қисми узоқ бекликларни ҳам қоплаган.

Зарафшон дарёсининг суви хонлик ерларини ҳамма вақт бирдек таъминламаган. Шу боис 1912 йилда ўлкадаги сув манбаларининг «эгаси» бўлиб олган чор маъмурияти хонликнинг сўровига биноан Зарафшон дарёси сувининг учдан бир қисми унга бериш ҳақида қарор чиқарган. Бундан кўзланган мақсад хонликда пахтачиликни ривожлантириш ва текстил саноатини хом ашё билан кўпроқ таъминлашдан иборат эди.

Хонликда кўрсатилган сув манбалари асосида пахтачилик ривожлантирилган.

Бухоро хонлигида ҳам Америка пахта навини иқлимлаштиришга киришилган. Чунончи, 1888 йилда «Кедрин ва К2» савдо-саноат компанияси Америка пахта навини Чоржўйда иқлимлаштириш бўйича тажриба ўтказган. Ўша компания 1889 йилда хонликда 1000 десятина ерни олиб унинг 40 десятинасига Америка пахта навини эккан. 1892 йилда бундай ҳаракат Хатирчи беклигида ҳам амалга оширилган. Бу ерда 200 пуд пахта ҳосили олинган эди. Гарчанд янги пахта навини иқлимлаштириш бўйича дастлабки йилларида яхши натижаларга эришилмаган бўлса-да, кейинчалик уни экиш тобора кенг тарқала борди. Натижада Кармана, Чоржўй, Вобкент, Қорақўл, Зиёвуддин, Шеробод, Бўстон, Фиждувон ва бошқа жойларда Америка пахта нави кенг кўламда иқлимлаштирилди. Бунда ўзбек пахтакорларининг хизмати катта бўлса-да, фирмаларнинг қўшган хиссаси ҳам салмоқли эди.<sup>210</sup>

Америка пахта навини иқлимлаштириш осонлик билан кечмади. Айрим дунёқараши тор ва янгиликни ёқтирмаган кишилар унинг чигитини йўқ қилишга кўп ҳаракат қилдилар. Аммо Америка пахтасининг кўсаги очилиши, ҳосилдорлиги ва сифатининг яхшилиги деҳқонлар эътиборини жалб қилгани учун тобора ривожлантирилиб борилди.

Пахта нави 1890 йилда 35000, 1910 йилда 50000, 1911 йилда 95000 ва 1915 йилда 75000 десятина ерга экилган.<sup>211</sup> Демак, хонликда маҳаллий пахта навини етиштириш давом этган. Ҳар икки пахта навидан 1890 йилда

---

<sup>210</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-3, 1-рўйхат, 6-иш. С.136.

<sup>211</sup> Масальский В.И. Богатство России хлопок. СНБ, 1921. С.6.

800000, 1900 йилда 1000000, 1910 йилда 1300000 ва 1915 йилда 2600000 пуд ҳосил етиштирилган. Америка пахта навини экиш аста-секин ошиб борди. Масалан, ундан 1904—1905 йилларда 100000, 1906 йилда 150000 ва 1908 йилда 200000 пуд ҳосил олинди.

Айрим жойларда, хусусан, Қоракўлда маҳаллий ғўза ва Америка пахта навининг хар бири 50000 таноб ерда етиштирилган.<sup>212</sup>

Хонлик ерларидаги ўнлаб пахта бозорларида қизғин савдо олиб борилиб уларда тарозибонлар муҳим ўринни эгаллади. Бу бозорларда савдо йил бўйи давом этиб рус фирмаларнинг вакиллари асосий харидор ҳисобланган. Одатда тарозибонлар узоқ-яқин қишлоқларда пахта олиб сўнг бозорларга олиб келганлар (52-жадвал).<sup>213</sup>

52-жадвал

Бозорларда ўрнашган жойлар	1898 й. 1-8 январь	1898 й. 8-15 январь	1898 й. 15-22 январь	1898 й. 22-31 январь	1898 й. 1-8 февраль	1898 й. 8-15 февраль	1898 й. 15-22 февраль	1898 й. 22-28 февраль
	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд
Бухоро шаҳри	630	549	590	720	585	405	585	400
Қоракўл	2390	2304	2340	2390	2270	2185	1500	1655
Жондор	1440	1305	1440	1395	1260	1120	1170	850
Пешку	554	945	465	883	810	600	870	954
Янгибозор	1395	1630	1809	1710	1350	900	1890	1600
Ромитон	995	445	900	954	1890	1900	924	1200
Лайлак	1080	810	1170	1089	1029	700	540	600
Галасиё	270	315	234	324	360	180	150	250
Кери	1950	1080	1350	1170	720	620	378	320

<sup>212</sup> Бир таноб Бухоро ўлчовида 2739 М. 2-тўғри келган.

<sup>213</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-3, 1-рўйхат, 140-иш, 74—77 ва 125-бетлар; 165-иш, 1-рўйхат, 47—57-бетлар.

Янги Бухоро	405	450	414	495	225	270	250	270
Якка-тут	990	819	918	784	1115	920	480	570
Чор-жуй	250	190	220	240	295	220	190	170
Жами пуд:	11749	11172	12080	12158	11900	9420	9230	8839
сўм (танга)	364219	346332	386560	989056	369179	292020	286190	274009

Бозорларда ўрнатилган жойлар	1899 й. январь	1899 й. 1-15 февраль	1899 й. 15-28 февраль	1899 й. 1-30 март	1899 й. 1-30 апрель	1899 й. 1-15 май	1899 й. 1-8 сентябрь	1899 й. 8-15 сентябрь	1899 й. 1-8 октябрь	1899 й. 8-15 октябрь
	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд	пуд
Бухоро шаҳри	2750	640	830	1205	540	350	237	270	225	265
Қорақул	3200	840	800	1700	700	410	190	210	150	240
Жондор	4320	2400	2080	3050	960	540	180	250	180	230
Пешку	3350	1650	1470	2140	1240	790	115	240	170	280
Янги бозор	4950	3250	2750	5000	1890	1970	240	350	675	810
Ромитон	4200	2370	2270	3570	1660	1300	190	260	185	215
Галасиё	—	—	—	—	—	—	115	120	170	165
Лайлак	2560	930	980	1990	1200	710	115	175	200	290
Кери	3200	1385	1315	2090	780	380	145	240	260	210
Янги Бухоро	700	245	335	300	440	180	70	50	145	190

Якка- тут	4600	1385	1400	2095	110	850	160	215	275	330
Жами пуд:	33830	15095	14330	22170	10510	7470	1722	2380	2635	3225
сўм (тан- га)	108250	483040	472890	764650	346830	246510	58548	85680	100130	122550

1898—1899 йилларда тарозибонлар Бухоро шаҳрида, Қорақўлда, Ромитон ва бошқа ўнлаб бозорларда савдо билан шуғулланган. Улар 1898 йилда 250 та бозорда 86540 пуд (3307565 танга), 1899 йилда 114367 пуд (2789078) танга пахта сотган.

Тарозибонлар Ҳафақуш, янги Бухоро (Қогон), Фиждун, Зандони, Шофрикон, Вабкент, Азизобод, Чоржўй ва бошқа жойлардаги бозорларда ҳам пахта савдосини юритган.<sup>214</sup> Улар пахтакорларни алдаб тарозидан уриш ва иш ҳақини имкони борича пастроқ нархда олишга уста бўлган. Улар пахтани тортиш ва қўлга киритиш билан бир вақтда судхўрлик билан ҳам шуғулланган.

Шунингдек, фирмалардан бўнак деб аталувчи қарз пулини 12 фойз устига фойда бериш шарти билан олиб уни пахтакорлардан фойзини ўн баробар ортиғи билан ундирган. Дехкон пахта ҳосилини қарз берган тарозибонга бериши, ерни ва мол-мулкни гаровга тикиш шарти билан бўнак берилган. Аммо пахтакорларнинг кўпчилиги бўнакни ўз вақтида тўлай олмай бор-йўғидан айрилиб мардикорлик ёки чорикорлик билан шуғулланган.

Бундай ҳолат пахтачиликка, Чор ҳукумати ва капиталистларнинг манфаатига зарба бериши турган гап эди. Биринчи галда фирмалар хавотирланиб маъмуриятдан тегишли чора кўрилишини талаб қилдилар.<sup>215</sup>

Шунингдек 1899 йилда «Императорнинг Бухородаги сиёсий агентлиги»нинг раҳбари ва фирма вакиллари катнашувида бўнак масаласи махсус муҳокама қилинди. Бу ерда сўзга чиққанлар бўнақдан факат тарозидорлар катта фойда келтираётганлиги уқтириб ўтдилар.<sup>216</sup> Шунинг-

<sup>214</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-3, 1-рўйхат, 140-иш, 390—393-бетлар.

<sup>215</sup> *Ўша жойда*, 2-бет.

<sup>216</sup> *Ўша жойда*.

дек уни зарар келтираётганлигини Бухоро хони ҳам тан олаётганлиги маълум қилинди.<sup>217</sup>

Бирок ўша йиғилишда бунак тизими бирданига йўқ қилинса у вақтда пахтачиликда асосий воситачилик қилаётган тарозидорлар тузиб пахта савдоси изидан чиқиб кетиши мумкинлиги ҳақида гапирганлар ҳам бўлди. Музокаралардан сўнг масаланинг бу томонини ҳам инobatга олиниб бўнакни тамомила бекор қилинмай тажриба сифатида иш юритиш ҳақида қарор қабул қилинди:

1. 1899 йилнинг 1 августидан бошлаб Бухоро хони ва «иператорнинг Бухородаги сиёсий агентлигининг» раҳбари ўртасидаги келишувга мувофиқ бўнакни қўллаш вақтинчалик бекор қилинсин. Чунки у пахтачиликка зиён етказмоқда. Уни бирданига тамомила йўқ қилинганда зарар келтириши инobatга олиниб тажриба сифатида муддати бир йил этиб белгилансин. Агар мана шу вақт ичида тадбир фойда келтирса, у вақтда бўнакни тамомила йўқ қилиш ҳақида қарор қабул қилинсин.

2. Пахта савдоси билан шуғулланувчи бухороликлар ва Россия фуқаролари бундан кейин бўнакни хоҳ пул, хоҳ мол тарзида беришлари тақиқлансин. Бунга бўйсунмовчилар пахта савдоси билан шуғулланишларига йўл қўйилмасин. Тарозибонлар томонидан пахта сотиб олишлари тўхтатилсин.

Аmmo бўнак тизими давом этаверди. Бухоро хонлиги судхўрлик билан шуғулланиб бой савдогарларга 6—12 ой муддатга мажбурий суратда қарз берган. Масалан, 15 тийинни 18 тийин даражасида қайтариб олган. Бу қарз пули бозордаги нархдан 5—10% арзон ҳолда пахта ва қоракўл билан тўланган. Шу йўл билан олинган тўлов 80—100% фойдаси билан хон хазинасига қайтарилган. Савдогарлар қарз фоизини турли йўллар билан дехконларни шилиш ҳисобига қўлга киритилган.

Архив ҳужжатларида кимлар тарозибонлик билан шуғулланганлигини кўрсатувчи (53-жадвал) маълумотлар бор.<sup>218</sup>

Бу кишилар фақат Гиждувон ва Зандони сингари жойлардаги бозорни ўз қўлида ушлаб турган. Улар хон-

<sup>217</sup> Ўша жойда.

<sup>218</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.И-3, 1-рўйхат, 140-иш, 391—392-бетлар.

## Гиждувон бозорида

1.	Тохирбой	12.	Абдусамад Сафарбоев
2.	Хамрой Қорабиев	13.	Йўлдош Қорабеков
3.	Назарбой Ёдгорбоев	14.	Искандар Хайдаров
4.	Бердиёрбек Турдиқулов	15.	Хайриддин Насриддинов
5.	Турдибек Султонбоев	16.	Сафарбой Жўрабоев
6.	Ойкул Назирбоев	17.	Эргаш Фатхуллаев
7.	Эшпўлат Жўраев	18.	Шодикул Бобожонов
8.	Баходирбой Йўлчибоев	19.	Дониёрбек Раимхонов
9.	Исматилла Иноятиллаев	20.	Алим Орифбоев
10.	Рўзибек Тўрақулов	21.	Хайитбек Абдуғаффоров

## Зандони бозорида

22.	Рўзимурод Рўзиев	32.	Файзи Саидбоев
23.	Бердикул Орипов	33.	Холиқ Назар
24.	Янгибой Шодмонбоев	34.	Сафар Шарипов
25.	Ашир Йўлдошев	35.	Абдужаббор
26.	Файзи Юсупбоев	36.	Қўзибой Зокирбоев
27.	Яхшибой Хожиев	37.	Шараф Саъдуллаев
28.	Алим Абдузахиров	38.	Рустам Рамазонов
29.	Сохиб Абдуназаров	39.	Абдуназар Тохиров
30.	Халим Хўжаев	40.	Абдухалим Абдухалилов
31.	Холбой Қурбонбоев	41.	Ашир Хикматиллаев

лик бўйича 252 кишидан иборат бўлиб турли жойлардаги бозорларда пахта савдоси билан машғул бўлган.<sup>219</sup> Тарозидорлар турли йўллар билан пахтакорларни ўз гирдобиди ушлаб кўп азоб-укубатларни туғдирдилар. Шунингдек пахтакашлар, аравакашлар ва махсус судхўрлик билан шуғуланувчи кишилар ҳам пахтакорларни эзиб сувини ичганлар. Булар ва тарозидорлар фирмалардан қарз пулини олиб ва пахтакорларга улашиб даромадларни кўлга

<sup>219</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.И-3, рўйхат, 140-иш, 391 – 392-бетлар.

киритган. Фирмалар нафақат пахта савдосидан, балки қарзга пул беришдан ҳам фойда кўрганлар. Масалан, И. К. Познан номидаги Текстил мануфактураси тарозидорларга қарз пулини (танга ҳисобида) берган.

Қозибойга – 3000	Тоҳирбойга – 900
Жўрабойга – 500	Ғойиббойга – 1000
Қулига – 500	Одилга – 1500
Рўзимуродга – 2000	Давлатга – 1500
Мажнунхўжага – 300	Шарофга – 17950
Мулла амирга – 3500	Ниёзсоқолга – 520
Мулла Раҳматга – 300	Тошниёзга – 9102
Аҳмадга – 51845	Раҳимга – 700
Абдурасулга – 320	Султонбойга – 2563
Абдурахимга – 1100	Сатторбойга – 300
Эгамбердига – 1000	Ўразбойга – 4110
Жумабойга – 2700	Абдурасулга – 3250
Олтинбойга – 3000	Бобожонга – 400
Улуғбердига – 1000	Зулфикорга – 250

Фирма айрим тарозибонларга йирик қарз пулини берган. Масалан, Шарофга 17950, Тошниёзга 9102, Султонбойга 2563, Жумабойга 27000 танга берилган эди. Афтидан бундай тарозибонлар қатта ҳажмда пахта савдоси билан шуғулланган. Фирма қарз пулларини тўлаш вақтини аниқ белгилаб қўйган.

Қарз пулларини бошқа фирмалар бериб даромадга эга бўлган. Хонликда ҳам банклар очилиб бойлигига бойлик қўшдилар. 1891 йилда Москва – Рязань ва Москва халқаро савдо банкларининг филиаллари иш юритди. Улар фирмаларга пахтани сотиб олишлари учун 40 млн сўм пулни қарзга ажратган.

Фирмалар қарз пулларини банклардан 5–6 фоиз фойдаси билан тўлаш шarti билан олиб, сўнг уни 8–10 фоизга кўтариб маҳаллий судхўрларга улашган. Булар ўз навбатида фоизни 60 фоизгача чиқариб пахтакорларга берган.

Фирмалар кенг қўламда пахта савдоси билан шуғулланишган. Бу хусусида айрим мисолларни келтирамыз.

И. К. Познан савдо-саноат фирмаси 1890—1891 йилда 80000 (464000 сўм), 1891—1892 йилда 250000 (1450000 сўм), 1892—1893 йилда 195.000 (1150000 сўм), 1893—1894 йилда 12000 (600000 сўм), 1894—1895 йилда 115000 (690000 сўм), 1895—1896 йилда 145000 (870000 сўм), 1896—1897 йилда 153000 (900000 сўм), 1897—1898 йилда 80000 (48000 сўм), жами 1138000 пуд ва 6614000 сўмлик пахта харид қилган.<sup>220</sup>

Бу борада Бр.Шлосбер фирмасининг фаолияти ҳам диққатга сазовор. У 1889—1890 йилда 30717 (178158 сўм), 1890—1891 йилда 52502 (304511 сўм), 1891—1892 йилда 403328 (264499 сўм), 1892—1893 йилда 46287 (314751 сўм), 1893—1894 йилда 68595 (468016 сўм), 1894—1895 йилда 56344 (326795 сўм), 1895—1896 йилда 53460 (358182 сўм) ва 1896—1897 йилда 81522 (480979 сўм) пуд пахтага эга бўлган.<sup>221</sup>

Шунга ўхшаш бошқа фирмалар ҳам мунтазам равишда пахтани қўлга киритган. Улар айниқса, XX аср бошларида имкони борича пахтани катта миқдорда олишга қаттиқ ҳаракат қилишган.

Жамланганда 1891 йилда 750906, 1892 йилда 626706, 1900 йилда 100000, 1907 йилда 1685966, 1908 йилда 1747901, 1909 йилда 1807852, 1911 йилда 1695058, 1913 йилда 1665796, 1914 йилда 2278973 ва 1915 йилда 1200000 пуд пахта Россияга жўнатилган.

Пахта хонлиқнинг Россияга чиқарадиган молларнинг 40%ни ташкил этган. Умуман олганда, хонлиқдан Россияга жўнатиладиган молларнинг 80% қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан иборат бўлган. Булар жумласига ипак хом ашёси ва қоракўллар ҳам кирган. 1914 йилда 25000 пуд пилла ва 1800000 дона қоракўл Россияга юборилган. Шундай қилиб Бухоро хонлиги ҳам Россиянинг хом ашё манбаи ҳисобланган эди.

---

<sup>220</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И.-3, 1-рўйхат, 140-иш, 114-бет.

<sup>221</sup> *Ўша жойда.*



## Хива хонлигида пахтачилик

Хива хонлиги Питнак, Ҳазорасп, Ҳонқа, Урганч, Қўшқўпир, Ғазавот, Қиё, Шоҳ Аббос (Шавот), Ташовуз, Амбар-Манак, Урганч, Хўжайли, Чиманай ва Қўнғирот сингари 20 бекликни ўз ичига олган. Булардан ташқари Бешариқ, Қиёт-Қўнғирот ва Хива шаҳри хонлик таркибида эди. Аҳолиси 700 минг киши бўлган хонлик унинг асосий қисми сунъий суғоришга асосланган дехқончилик билан шуғулланган.

Амударё асосий сув манбаи ҳисобланиб ундан 20 тариқ турли томонга йўналтирилган. Унинг чап қирғоғидан Полвон, Ғазавот, Шовот, Ермиш, Қиличбой, Гурлан ва Янгиариқ номларидаги каналлар ўтказилиб Арна, Қоранзон, Лаузон, Шоркраук, Сували ва бошқа шохобчалари бўлган.

Амударёнинг ўнг соҳилида Майхор ва Элтазархон каналлари бор эди. Полвон каналининг юқори оқими кенглиги 20–25, Ғазавотники 20–25, Шовотники 23–30, Ермишники 10–20, Қиличбойники 20–25, Иноқники 8–10, Майхўрники 4–5, Элтазархонники 6–8, Гурланники 15–20 ва Янги ариқники 12–15 саржин ҳисобланиб қуйи оқимлари эса торроқ бўлган.

Кўрсатилган каналларнинг чуқурлиги жойнинг ҳолатига боғлиқ ҳамда 3 саржинга борган. Улар сув тошқини эҳтимолини ҳисобга олиб Амударё сатҳидан икки газ паст қилиб қазилган. Ғазавот ва Шовот каналлари ҳамда Ермиш ва Қиличбой каналлари оралигида Амударёнинг эски ўзани жойлашган. Бу ўзан чуқур бўлганлиги сабабли дарёдан тошган сув унга оқизилган.

Парси қишлоғининг қарши томонидаги Лоузон шохобчасининг бошланиш жойига яқин, тўғон қурилган жойда жуда кенг сойсимон пастлиги бўлиб, уни баъзан сув босиб тўлдирган. Бу пастлик ўрмонга туташган жойда бир қанча тармоқларга бўлинган. Бу тармоқлар кўҳна Урганч ёнида бирлашиб Шорқара номини олган.

Хонликнинг ғарбий чегараларида ва Шимолий томонида кўҳна Урганчдан Орол денгизгача чўзилган жойларда кўллар кўп эди. Булар турли шохобчалар билан бир-бирига туташган бўлиб, каналлар ёки юқорида қайд этилган дарё шохобчалари орқали сувга тўлган. Дарёда сув кўпайиши билан кўлларда ҳам сув ортган.

Каналларнинг энг каттаси ҳисобланган Шохободнинг

узунлиги 160 км, Яраманун 140, Ғазавот 90, Полвноб 102, Қиличнӣез 150 ва Лауддинники 70 км атрофида эди.

XIX аср охирларида Тозаяб, Орусаяб янги Лоундан сингари янги каналлар ишга туширилиб 1065 десятина ерни суғориш имкони туғилган.

Шурахан, Бузяб, Шарим, Ишман, Кечейли, Шайхариқ, Полвон, Шовад ва Лаузан ариқлари дехкончиликда салмоқли ўринни эгаллаган. Сунъий суғоришда чигирларнинг аҳамияти беқиёс катта бўлиб 12 соат ичида ярим таноб ерни суғориш имконига эга бўлган.<sup>222</sup>

Хуллас, XIX—XX аср бошларида юқорида кўрсатилган сунъий суғориш тармоқлари пахта ва бошқа экинларни етиштиришда муҳим ўринни эгаллаган.

Хонликда қадим даврлардан буён пахтачилик аҳолининг асосий ҳаёт манбаларидан бири эди. Бу ерда маҳаллий пахта етилганда унинг чаноғи очилмай узиб олинган. Сўнг пахта бирма-бир чаноғидан қўл билан ажратилган. Бу ниҳоятда кўп вақт ва машаққатли меҳнатни талаб этган. Пахта содда ишланган чарх воситасида чигитдан ажратилган.

Шунинг учун пахтанинг сифатини яхшилаш мақсадида америка нави пахтасини иқлимлаштириш зарурияти туғилди. Бу ишни амалга оширишда фирма вакиллари ташаббус кўрсатдилар. Чунончи 1885 йилда Дюцин фирмаси америка уруғини экиб ундан 150 пуд пахта толаси олган. XIX асрнинг 90-йилларида америка пахта нави Тўртқўлда Саид Мурод Аминов томонидан экиб кўрилди. Ўша йили катта Ярославл мануфактура фирмаси америка пахта навини иқлимлаштиришга киришиб, ғўза чувийдиган «Дунисен» ва буғ машинасини келтирган. Дастлабки йилларда пахтанинг янги навини иқлимлаштириш кенг қулоч ёймаган бўлсада, лекин уни амалга ошириш тўхтаб қолмади. 1890 йилда пахта 15.000, 1898 йилда 29530 десятин ерда экилган. Демак, пахта экин майдони 8 йил мобайнида деярли икки баробарга ошди. Шу равишда пахтачилик ўсиб бораверди. Зеро, хонликда 1891 йилда 150000, 1892 йилда 2500,000 ва 1893 йилда 300000 пуд пахта хом ашёси тайёрланган.<sup>223</sup>

<sup>222</sup> Бир таноб 900 кв. сажан ҳисобланган.

<sup>223</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.1, 11-рўйхат, 793-иш, 50-бет.

XIX аср охири — XX аср бошларида хонликда Америка пахтасини етиштириш қизғин тус олган. 1896—1898 йилларда пахта асосан хонликнинг жанубий томонида экилиб Амбар-мананда 24,3%, Қўш-кўтирда 21,1% Хонқада 20%, Гурланда 19%, Бераликда 17,4% ва Янги Урганчда 15,7% экин майдонини эгаллаган.<sup>224</sup> Бу бекликларда бир десятина ерга 7 пуд атрофида чигит қадалган. Хонликда 1896—1898 йилларда 309400 пуд пахта толаси ва 744600 пуд чигит олинган. Бу чигитдан фақат 92500 пуди экишга сарфланган.

1901 йилда 600000 ва 1902 йилда 72000 пуд пахта толаси етиштирилиб унинг талай қисми Москва, Лауз ва Нижний Новгородга юборилган. Қолгани маҳаллий эҳтиёж учун ишлатилган. Ундан турли газламалар ҳам тўқилган.

Пахта экин майдони 1910 йилда 30000 десятина ерни қоплаган. Шунга мос равишда пахта хажми ҳам кўпайиб ўша йил 600000 пуд пахта етиштирилган.

Хива хонлигининг берган расмий маълумотига кўра 1911 йилда пахта майдони (54-жадвал).<sup>225</sup>

#### 54-жадвал

Сони	Жойларнинг номи	Умумий экин майдони (таноб)	Пахта майдони (таноб)
1.	Даргантин	6000	900
2.	Питнак	10.000	1.500
3.	Хазорасп	25.000	3.750
4.	Бешарик	30.000	4.500
5.	Хива шаҳри	50.000	7.500
6.	Хонқа	12.000	3.000
7.	Ғозибод	8.000	1.200
8.	Урганч	25.000	5.000
9.	Қиёт	12.000	1.800
10.	Шоҳибод	10.000	1.500

<sup>224</sup> Гишрфельд Г. Военно-статистическое описание Хивинского оазиса. Часть 11, С.1903.

<sup>225</sup> Материалы по изучению хлопководства, вып. 111, спб 1912, С. 17—18.

11.	Манак	20.000	3.000
12.	Тошховуз	40.000	8.000
13.	Утуркман	20.000	3.000
14.	Иляли	40.000	9.600
15.	Қиличбой	18.000	3.600
16.	Гурлан	30.000	6.000
17.	Манғит	45.000	9.250
18.	Қипчок	12.000	3000
19.	Порсу	30.000	3000
20.	Хўжа Иляли	20.000	3000
21.	Қўхна Урганч	40.000	2.250
22.	Чукай	5.000	250
23.	Қўнғирот	15000	—
<b>Жами</b>		<b>531000</b>	<b>84.600</b>

84.600 таноб ерни ўз ичига олган. Пахта кўпроқ Ильялида (9.600 таноб), Манғитда (9.250 таноб), Тошхоузда (8.000 таноб) ерда ва Хива шаҳрининг атрофида (7.500 таноб) етиштирилган. Афсуски жадвалда америка ва маҳаллий пахта навлари ҳақида маълумотлар келтирилмаган. Айрим маълумотларга кўра 1912 йилда етиштирилган 5382 пуд пахтанинг 1794 пудини америка нави пахта-си ўз ичига олган. Америка пахта нави экилган бир таноб ердан 60—70 пуд, маҳаллий ғўзадан эса 50 пуд ҳосил олинган. Шу боис америка пахта навини экиш тобора ўсиб борди. Натижада 1915 йилга келиб 1200000 пуд пахта ҳосилига эга бўлинди.

Маълумки, пахта етиштиришнинг барча оғирликлари ва азоби деҳқонлар зиммасида эди. Бироқ ундан олинган даромаднинг асосий қисми Чор ҳукумати ва капиталистларнинг чўнтагини тўлдирган.

Шунингдек тарозибонлар, чистачилар ва судхўрлар каби маҳаллий аҳоли вакиллари фойда кўрганлар. Улар фирма ва пахтакорлар ўртасидаги воситачилар ҳисобланиб турли йўллар билан даромад орттиришга интилган.

1911 йилда Ўрта Осиё банки 150000, Перчин фирмаси 80000, Ярославль катта мануфактура фирмаси 60000, Бр.Баккаловлар 40000, Павел Мануилов 40000 ва Шуй мануфактураси 35000 пуд пахта харид қилган эди.



Пахтани чигитдан тозалаш.

Улардан ташқари «Москва савдо-саноат ширкати», «Бр.Нобель», «Надежда» ва бошқа фирмалар ҳам пахта савдоси билан машғул бўлганлар.

Пахта ҳосилининг асосий қисми, яъни толаси Россияга жўнатиб турилган (55-жадвал).<sup>226</sup>

---

<sup>226</sup> Ўша жойда, 19-бет.

Йиллар	Пахта ҳажми (пуд)	Йиллар	Пахта ҳажми (пуд)
1885	50.000	1899	300.000
1886	60.000	1900	320.000
1887	100.000	1901	400.000
1888	150.000	1902	400.000
1889	150.000	1903	400.000
1890	150.000	1904	400.000
1891	150.000	1905	450.000
1892	150.000	1906	480.000
1893	160.000	1907	500.000
1894	250.000	1908	460.000
1895	260.000	1909	500.000
1896	260.000	1910	600.000
1897	260.000	1911	680.000
1898	300.000		

1885 йилда 50000, 1895 йилда 260000, 1911 йилда 680000 пуд тола четга жўнатилган. 1917 йилга келиб пахта миқдори 1740000 пудга етган. Бироқ пахтачиликнинг тобора ўсиб бориши пахтакорларнинг турмуш тарзини яхшилашга олиб келмади. Аксинча, улар ҳамиша оғир ҳаёт гирдобида яшадилар. Капиталистлар ва тарозидорлар, чистачилар ва судхўрлар қарз (бўнак) бериш йўли билан ҳам фойда кўрдилар. Масалан, ўша тарозидорлар ва бошқа уларнинг ҳамтовоқлари фирмалардан 6—8% устама тўлаш шарти билан олган пулни пахтакорларга 60% фойда ҳисобига берган. Қарздорлик гирдобидаги пахтакорлар пировардида ери ва мол-мулкдан айрилиб мардикорлик ёки каландарлик билан шуғулланганлар. Шу тариқа қанчадан-қанча хўжаликлар хонавайрон бўлди.

Бухоро ва Хива хонликларида ҳам пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари қурилган эди. Аммо бу соҳага тегишли маълумотлар оз бўлганлиги туфайли батафсил ёритишнинг имкони йўқ. Хива хонлигида мавжуд заводлар ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз даврида етарли даражада таърифланмаган.

Пахта тозалаш заводи илк бор 1890 йилда Ярославль катта мануфактураси томонидан Когонда қурилган. 1899 йилда тадбиркорлар — Л. Н. Левин темир йўл станцияси ёнидаги Қорақўлда ва И. Н. Шапиров Қизилтепада пахта тозалаш заводларини ишга туширганлар. Аммо заводлар сони секинлик билан кўпайиб XX аср бошларида 26 тага етди. Айрим маълумотларга кўра заводларни А. Баканав, «Кафказ ва Меркурий» ширкати, Москва халқаро банки, Ярославль катта мануфактура фирмаси, «Ўрта Осиё ва Эрон савдоси» ширкати ва бошқа фирмалар бошқарган. Улар техника жиҳатидан Фарғона ва бошқа вилоятлардаги заводлардан фарқи бўлмаган. Уларда мавсум мобайнида 2565000 пуд пахта тозаланиб, маҳсулотнинг деярли ҳаммаси Россияга жўнатиб турилган. 1916 йилда хонликда 5 та ёғ заводи маҳсулот чиқариб турган. Улар 400000 пуд ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, чигит-кунжара, шелуха ҳам тайёрлаган.

Биринчи пахта тозалаш заводи Ярославль катта мануфактура фирмасининг ташаббуси билан 1889 йилда Янги Урганчда қурилган. Кейинги йилларда «Познаник» фирмаси Янги Урганч ва Хонқада заводлар ишга туширилди. XX аср бошларида заводлар Янги Урганч, Тошхоуз ва Гурланда қурилди. Бу вақтларда жами 9 пахта тозалаш заводларида минглаб пуд пахта тозаланган. Уларнинг учтаси маҳаллий савдогарларники эди.<sup>227</sup> XIX асрнинг 90 йилларида заводларда 85000 пуд (51.000 сўм) маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 1905 йилда у 200000 пуд (1,5.000 сўмни ташкил этган.)<sup>228</sup>

1916 йилда заводларнинг сони 36 етиб мавсумда 150—160 кун ишлаб 12—13 соат мобайнида 33 пуд пахта толасини тайёрлаган. Уларни орасида М. Баккалов, А. Бабажанов, Мадёров, ака-ука Ризаев, Салимжановлар сингари маҳаллий савдогарларнинг заводлари бор эди. Бироқ уларнинг кўпчилиги фирмаларники ҳисобланган. 1917 йилга тегишли маълумотга кўра 5 ёғ ишлаб чиқариш заводлари бўлиб, унинг маҳсулотлари асосан маҳаллий эҳтиёж учун сарфланган.

Хива хонлиги ҳам Россиянинг хом ашё манбаи эди.

---

<sup>227</sup> Садиков О.С. Россия и Хива в конце XIX — начале XX в. Т., 1972. С.65.

<sup>228</sup> *Ўша жойда.*

Хулоса: XIX асрни иккинчи ярми — XX аср бошларида Туркистон заминида пахтачилик ва пиллачиликнинг ривожлантирилиши мустамлака нуқтаи назардан амалга оширилган эди. Зеро, улар хом ашё сифатида арзон баҳода Россияга олиб кетилишидан, улардан тайёрланган газлама ва кийим-кечаклардан бекиёс катта даромад чор ҳукумати ва капиталистларнинг чўнтагини тўлдирди. Бундан ташқари Россия Америкадан олаётган пахтага сарфланаётган ўн миллионлаб сўмларни тежаш ҳисобига ҳам мўмай фойдани қўлга киритди. Чунки ўзбек пахтаси рус текстил саноатини хом ашё билан таъминлаб, уни хориждан келтириш қисқартиришга олиб келган эди.

Пировардида ўзбек пахтаси рус тўқимачилик саноати хом ашёсининг 70 фоизини етиштириб берди. Улар чигит, ёғ, шелуха, кунжара ва линтердан ҳам даромад олдилар.

Мустамлакачилар кам харажат қилиб кўп фойда олиш йўлидан бориб пахтачиликни асосан қадимдан фойдаланиб келинаётган экин майдонларида ривожлантирди. Натижада буғдой ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш қисқариб туб аҳолини Россия буғдойига қарам қилиб қўйди. Россиядан буғдой келтириб пахтакорларнинг кўлидаги озгина маблағи ҳам шилиб олинди.

Шундай қилиб, чоризм даврида Туркистон Россиянинг хом ашё манбаига айланиб пахта якка ҳокимлигининг пойдевори қурилган эди.



## САНОАТНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

### Пахта тозалаш заводлари


Ўлкада америка пахта нави пахтачиликнинг ривожлантирилишида қанчалик муҳим ўрин эгаллаган бўлса, пахта тозалаш заводлари ҳам шунчалик катта аҳамият касб этган.

Маълумки, қадимги даврларда пахта чигитдан чиғириклар ёрдамида ажратилган. Бу ишни бажариш учун жуда кўп вақт ва машаққатли меҳнат сарфланиб, 1 пуд пахтани чуваш ва сўнг чиғирикдан ўтказиш учун 2 кун ишлашга тўғри келган. Чиғирикда ишлашнинг салбий томонларидан яна бири шундаки, иш жараёнида чигит эзилиб, сифати пасайган. Шунингдек пахтанинг навларга ажратиш имкони йўқ эди.

Шу тариқа бир неч юз минг пуд пахта чиғирикдан ўтказилиши ҳисобга олинса, унинг ғоятда оғир ва самарасизлиги кўзга яққол ташланади. Чиғирикда минглаб кишилар, кўпроқ хотин-қизлар ва болалар ишлаб, кўп азоб-уқубатларни бошдан кечирган. Вақти келиб, пахтани чиғирикдан ўтказиш усули талабга жавоб беролмай қолди. Пахтачиликнинг ривожланиши унинг сифати ва унумдорлигини оширадиган илғор усулни қўллашни тақозо этди. Бу самарадор ишни амалга ошириш вазифаси биринчи навбатда фирмаларнинг зиммасига тушди. Улар, авваламбор, ўз манфаатларини кўзлаб пахта тозалаш заводларини қуришга киришдилар. Чунончи, 1880 йилда Қўқонда ака-ука Каменскийлар биринчи бўлиб шундай заводни ишга туширдилар.<sup>229</sup> 1885 йилда тадбиркор Х. Хўжаев завод очиб, маҳаллий ишбилармонларга ўрناق кўрсатди. 1887 йилга келиб, бундай заводлар сони 9 тага етди. Уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва ишчилари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун айрим мисолларни келтириш ўринлидир. 1889 йилда Қўқонда Ярославль катта мануфактура заводида 36 киши 1 кунда 12 соатдан

<sup>229</sup> Центральный государственный исторический архив в Санкт-Петербурге. Ф. 1281, оп.3. д. 320, иловалар.

ишлаб, ойига 9 сўм иш хаки олган.<sup>230</sup> Ўша жойдаги «Х. Кудрин Ўрта Осиё» савдо-саноат ширкати»га карашли заводда эса 6 киши бир кеча кундузда 10 соат ишлаб, кунига 30 тийин олган. Бу ерда мавсумда 90000 пуд (370000 сўмлик) пахта тозаланган<sup>231</sup>. Савдогар Алимжон Хўжа Муҳаммаджонов заводида 16 киши ойига 9 сўмдан иш хаки олган. Унда 50000 пуд (120000) пахта хом ашёси тайёрланган<sup>232</sup>. Айрим маълумотларнинг кўрсатишича, ҳарбий кишилар томонидан ҳам заводлар ишга туширилган. Масалан, подполковник В.И. Томич заводида 12 нафар ишчи кунига 30 тийин ва ойига 80 сўм олиб, 40000 пуд (84000 сўмлик) пахта тозалаган<sup>233</sup>. Кўриниб турибдики, пахта тозалаш заводлари унчалик катта ва қувватли бўлмай, уларда 610 нафар ва ундан ортиқроқ ишчи ишлаган. Фақат битта заводдагина 30 нафар ишчи ишлаган эди. Бироқ заводларнинг самардорлиги солиштирилса, бир-биридан жуда катта фарқи борлиги яққол кўринади. Зеро, заводларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва чигитлар сифати билан ажралиб турган.



Чарх.

<sup>230</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. 19. 1-руйхат. 24006-иш. 7-бет.

<sup>231</sup> *Ўша жойда*. 9-бет.

<sup>232</sup> *Ўша жойда*. 11-бет.

<sup>233</sup> *Ўша жойда*. 14-бет.

<sup>234</sup> Загорская В.В. и Александров К.А. Промышленные заведения Туркестанского края. СПб, 1913, — С. 10.

<sup>235</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1 руйхат, 830-иш, 106-бет.

1892 йилга келиб пахта тозалаш заводларини Фарғона вилоятининг шаҳарлари ва унинг атрофларида учратиш мумкин эди. Хусусан, Қўқон шаҳрида 11 та, Андижонда 11 та, Асакада 3 та, Шахрихонда 2 та, Оқшакда 1 та, Марғилон шаҳрида 4 та, Наманганда 1 та, Чустда 5 та, Тўрақўрғонда 1 та, Канда 1 та, Чинободда 9 та завод бўлган. Уларда 220 жин (станок) ва 52 та пресс бўлиб, фақат 4 таси гидравлик усулда юритилган<sup>234</sup>. Битта завод от кучи билан ишлаганлиги маълум. Бу усул ўзини оқламаган бўлса керак, кейинги йилларда тамомила қўлланилмаган.

1893 йилда маҳаллий яҳудийлар бўлган эр-хотин Малика Ишаева ва Юсуф Шалом Исаевлар Марғилонда пахта заводини ишга туширишган<sup>235</sup>.

Заводларда фирмаларнинг сотиб олган пахтаси ҳам тозаланган ва тойланган. Масалан, «Бр. Шлосберг» фирмаси Андижон уездидаги Найман қишлоғида жойлашган иккита заводда 300000 пуд, Наманган уездидаги Мусахонов заводида 200000 пуд, Марғилон уездидаги Мирзакалон заводида 250000 пуд пахта тозалатган<sup>236</sup>.

Бу вақтларда 46 та ишлаётган заводга эга бўлган Фарғона вилояти ўлкада биринчи ўринда турган. Сирдарё вилоятида 16 та, Самарқандда 10 та пахта тозалаш заводи бор эди.

XIX аср охирида пахта тозалаш заводлари сони икки баробарга ошди. Чунки уларнинг самарадорлиги тадбиркорларнинг диққатини жалб қилиб, ўзбеклар ҳам қатор завод қура бошлади. Россиядаги фирма вакиллари тил ва шароитни яхши билмаганликлари учун маҳаллий ишбилармонларга тўсқинлик қилолмади. Шубҳасиз, улар завод жиҳозларини хориждан ёки Россиядан келтириб, маҳаллий тадбиркорларга сотиш ва уларни завод қуришга ўргатишдан ҳам фойда кўрган. Тўғри, фирмалар ҳам заводларини ишга туширдилар. Бироқ бу уларнинг пахта хом ашёсига бўлган талабини тўлиқ қондира олмади. Фирмалар ўз мақсадларига тадбиркорларнинг воситачилигида эришиши мумкин эди. Шу боис фирмалар маҳаллий тадбиркорлар билан ҳамкорликда иш юритишга мажбур бўлганлар. Ўз навбатида ўзбек тадбиркорлари

---

<sup>236</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви, Ф. И-31 рўйхат, 140-иш, 94-бет.

хам маълум бир даромадни қўлга киритишга ҳаракат қилишган.

Заводларнинг кўпайиб боришида арзон ишчи кучининг мавжудлиги ҳам жуда қўл келган.

Фаргона вилоятида янги хилдаги техника билан жиҳозланган пахта тозалаш заводларининг сони борган сари кўпайган эди. 1898 йилда Қўқон уездида 19 та пахта тозалаш заводи бўлиб, улар ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулотнинг ҳажми бўйича бир-биридан фарқ қилар эди. Масалан, Қўқон уездида (56-жадвал).<sup>237</sup>

«Барон Кноп савдо уйи»га қарашли завод 12 та жин (станок) ва 715 та арра ёрдамида бир кеча-кундузда 25 пуд пахтани тозалаб, мавсум мобайнида 1431 пуд пахтадан 435 пуд тола ишлаб чиқарган. Ака-ука Каменскийлар заводи эса 7 та жин ва 440 та арра билан бир кеча-кундузда 21 пуд пахтани чигитдан ажратиш имконига эга эди. 1438 пуд пахтадан 434 пуд тола тайёрланган. Заводлар орасида кам қувватлилари ҳам бор эди. Масалан, Мамасодиқ Юнусбоев заводида 4 та жин ва 240 та арра ёрдамида бир кеча-кундузда 18 пуд пахта тозаланиб, 801 пуд пахтадан 240 пуд тола олинган. Абу Раҳмонбой Муҳамедовга қарашли заводда 3 та жин ва 180 та арра кучи билан 303 пуд пахтадан 90 пуд тола чиқарилган. Умуман олганда мавжуд бошқа заводларнинг имкониятлари бир хил бўлмаган.

Қўқон уездидаги 19 та завод 83 та жин ва 5085 та арра воситасида мавсумда 10452 пуд пахтадан 3124 пуд тола ишлаб чиқарган. Заводларнинг 10 таси сув ва 9 таси буғ кучи билан ишлаган. Жами 11 та завод, 8 та фирма ўзбекларнинг қўл остида эди.

Марғилон уездида ҳам кам қувватли ва бирмунча салоҳиятли заводларни кўриш мумкин (57-жадвал).<sup>238</sup>

---

<sup>237</sup> Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге, Ф. 1282, ОП. 3, Д. 320.

<sup>238</sup> Центральный Государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, оп. 3, Д. 320.

№	Заводлар эгалари (Кўкон уезди)	Қурилган йили	Жинлар (станоклар) сони	Жинлардаги арралар сони	Двигателлар- нинг ишлаш воситаси	Бир кунда ишланган пахта миклори (пуд)	Пахта (пуд)	Тола (пуд)
1.	Ака-ука Каменскийлар	1880	7	440	суб	21	1438	434
2.	Барон Кноп савдо уйи	1890	12	715	суб, буф	25	1431	435
3.	Ярославль фирмаси	1890	5	300	суб	15	742	222
4.	Абдурахмонбой Мухамедов	1890	3	180	—	5	303	90
5.	Мирсалим Миралимов	1891	6	360	—	10	100	30
6.	Мухаммадали Мухамадов	1892	4	290	—	4	450	134
7.	Мир Роби Мир Махмудов	1893	3	180	буф	9	700	200
8.	Юсуф Давидов	1893	3	210	—	12	112	32
9.	Ф.И. Полинский	1893	4	240	—	18	800	242
10.	Тумянец	1893	6	360	—	15	778	231
11.	Москва савдо уйи	1892	4	250	суб	16	778	231
12.	Умархўжа Мунаваров	1894	6	360	—	17	562	173
13.	Омечук	1894	2	120	керосин	6	140	40
14.	«Қора янгок»	1897	2	120	—	6	145	44
15.	Алимхўжа Мухаммаджонов	1896	4	240	буф	10	400	117
16.	Максим Давидов	1897	4	240	—	12	700	210
17.	Андрей Росикко	1897	4	200	суб	12	850	250
18.	Масодик Юнусбоев	1898	4	240	буф	18	801	240
	<b>Жами</b>	—	<b>83</b>	<b>5085</b>	—	<b>231</b>	<b>10452</b>	<b>3124</b>

№	Заводлар эгалари (Марғълон уезди)	Курилган йили	Жинлар (станоклар) сони	Жинлардаги арралар сони	Двигатель- ларнинг ишлаш воситаси	Бир кеча- кундузда ишлаган пахта (пуд)	Пахта хом ашёсининг хажми (пуд)	Тола хажми (пуд)
1.	А. Ф. Вольфзо	1896	5	300	буф	16	240	73
2.	Владимир Аргёмов	1893	3	180	сув	8	315	97
3.	Сайид Ахмад	1897	5	275	буф	10	200	60
4.	Отахон Баратбоев	1890	3	180	сув	5	ишлаган	—
5.	Ив. Аленов	1891	4	200	—	10	200	60
6.	Отахон Миряюлов	1896	4	240	буф	10	159	50
7.	Отахон Миряюлов	1891	3	180	сув	7	—	—
8.	Мирзакалон Қосимов	1891	7	420	—	18	376	116
9.	Султон Худоёров	1897	3	180	—	6	270	85
10.	Бобобек Мирзаёдгоров	1896	5	300	—	8	700	210
11.	Жўрабек Матумаров	1897	4	200	буф	5	114	34
12.	Абдужалил Тошмухамедов	1896	3	180	сув	7	245	76
13.	Ярославль фирмаси	1897	3	220	—	12	435	131
14.	Данил Жуков	1893	4	240	буф	13	555	171

15.	Матғозибой Азизбоев	1896	6	360	—	13	390	116
16.	Маголим Каримов	1891	4	160	сув	6	180	60
17.	Ахмад Ҳасанов	1894	6	360	буғ	26	1500	460
18.	Отабек Маюсулов	1894	6	360	—	16	80	24
19.	Маткарим Назарбеков	1891	4	240	сув	8	338	100
20.	Миралим Мирдавидбоев	1890	4	240	буғ	12	140	48
21.	Абдурахмон Бузрукхўжаев	1897	4	240	—	12	441	141
22.	Абдурахмон Бузрукхўжаев	1891	4	240	сув	8	240	77
23.	Махамадшо Сайд Хўжаев	1892	3	150	—	5	752	225
24.	Мирахмад Мирсаидбоев	1888	4	180	—	4	260	80
25.	Махамадшо Сайд Хўжаев	1896	6	360	буғ	20	130	40
26.	Тошпўлат Худойбердиев	1890	3	160	сув	7	290	90
27.	Ўрта Осие ва Эрон ширкати	1898	6	450	буғ	30	570	180
28.	Савдо-саноат ширкати	1898	1	60	керосин	3	103	31
	<b>Жами</b>		<b>115</b>	<b>6741</b>		<b>295</b>	<b>8983</b>	<b>2762</b>

Заводларнинг орасида йирикроғи Аҳмад Ҳасановнинг заводи ҳисобланган. Бу ерда 6 та жин ва 360 та арра ёрдамида бир кеча-кундузда 26 пуд пахта ишланиб, 1500 пуд пахтадан 460 пуд тола олинган. Муҳаммадшо Саид-хўжаев заводида 3 та жин ва 150 та арра билан бир кеча-кундузда 5 пуд пахта чиқарилиб, 752 пуд пахтадан 225 пуд тола тайёрланган. Бу ерда шуни айтиш лозимки, маҳсулотнинг кўп ва сифатли чиқиши пахта хом ашёсига ҳам боғлиқ бўлган. Акс ҳолда завод яхши жиҳозланган бўлса-да, лекин маҳсулот баракали бўлмаган. Масалан, Отабек Маюсупов заводида 6 та жин ва 360 та арра бўла туриб, бир кеча-кундузда 16 пуд пахта тозаланиб, 80 пуд пахтадан 24 пуд тола олинган, холос. Манбада бундай ҳолатнинг сабаби қайд қилинмаганлиги учун аниқ жавобни изохлашнинг иложи йўқ.

Ўездда иккита заводга эга кишилар ҳам бўлган. Масалан, Аҳмаджон Бузрукхўжаев 1891 ва 1897 йилларда иккита заводни ишга тушириб, уларда 366 пуд тола тайёрлаган. Тадбиркор Маҳаммадшо Саидхўжаев ҳам 1892 ва 1896 йилларда иккита завод очиб, 315 пуд тола ишлаб чиқарган.

Ўрта Осиё ва Эрон савдо-саноат ширкатига қарашли завод энг йирик корхона ҳисобланган. Унда 6 та жин ва 450 та арра ёрдамида бир кеча-кундузда 30 пуд пахта ишланиб, 570 пуд пахтадан 180 пуд тола чиқарилган. Завод жиҳозланиш даражаси бўйича ҳам олдинги ўринларда турган. Бу соҳада Мирзакалон Қосимов заводи



Пахта тозалаш заводида маҳсулотни қабул қилиш.





Хунармандлар матога гул (накш) босишмоқда.

хам анча қувватли бўлиб, 7 та жин ва 420 та арра билан бир-кеча кундузда 18 пуд пахтани ишлаб, 376 пуд пахтадан 116 пуд тола олинган.

Марғилон уездида ҳаммаси бўлиб 115 та жин ва 6741 та арра билан таъминланган 28 та пахта тозалаш заводида 8983 пуд пахтадан 2762 пуд тола олинган. Улардан 11 таси буғ ва 17 таси сув билан ҳаракатга келтирилган. Заводларнинг 20 таси ўзбекларга ва 8 таси фирмаларга қарашли эди. Наманган уездидаги 25 та заводдан йирик-роғи Ўрта Осиё ва Эрон савдо-саноат ширкатининг заводи эди (58-жавдал).<sup>239</sup>

Ярославль қатта фирмасига қарашли завод 8 та жин ва 48 та арра ёрдамида 1455 пуд пахтадан 485 пуд тола ишлаб чиқарган. У бир кеча-кундузда 25 пуд пахта тозалаш имконига эга эди.

Ўрта Осиё ва Эрон савдо ширкатига тегишли 8 та жин ва 540 та аррани ўз ичига олган заводда бир кеча-кундузда 40 пуд пахта ишланиб, 1200 пуд пахтадан 380 пуд тола тайёрланган. К.М. Соловьев заводида эса 8 та жин ва 640 та аррада бир кеча-кундузда 35 пуд пахта, мавсум давомида 2300 пуд пахтадан 762 пуд тола тайёр-

<sup>239</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3. Д.320,

№	Заводлар эгалари (Наманган уезди)	Курилган йили	Жинлар (станоклар) сони	Жинлардаги арралар сони	Дангатель- ларнинг ишлаш воситаси	Бир кеча- кундузда ишланган пахта хом ашёси (пуд)	Пахта хом ашёсининг ҳажми (пуд)	Тола ҳажми (пуд)
1.	Ярославль фирмаси	1888	8	480	сув	25	1455	485
2.	Ўрта Осие ва Эрон ширкати	1888	8	540	буғ	40	1200	380
3.	К. М. Соловьев	1894	8	640	—	35	2300	762
4.	Н. Н. Кеберле	1892	4	240	—	15	ишлаган	—
5.	Росицкий	1891	3	180	сув	11	1120	356
6.	Юсуп Давидов	1891	8	280	буғ	25	1810	566
7.	Хўжа Эпонов	1895	3	180	сув	9	120	40
8.	Ёрмухаммад Мухамедов	1891	3	180	сув	6	600	200
9.	Х. Мусахонов	1880	8	480	буғ	27	670	215
10.	Х. Мусахонов	1882	5	360	буғ	20	960	310
11.	Юсупбой Магмусаев	1889	2	120	сув	4	750	230
12.	Ботиртўра Маликов	1893	4	240	—	8	160	45
13.	И. К. Алексеев	1897	4	240	—	8	635	202

14. Заверци жамияти	1891	4	240	буф	20	200	65
15. Кирғизбой Машраббоев	1897	4	240	сув	8	600	200
16. К. М. Соловьев	1895	4	320	буф	18	582	182
17. Мағозинбой Валибоев	1890	3	180	сув	5	388	122
18. Эшонхон Ёкубхўжаев	1891	3	180	—	5	360	—
19. Мадамин Юсупбоев	1890	3	180	—	4	300	90
20. Мулла Миршарбоев	1889	3	180	—	7	200	66
21. Абдурахмон Саидов	1893	3	240	буф	10	320	100
22. Ф. П. Григорьев	1897	2	120	сув	5	383	122
23. А. Я. Елифанов	1897	3	180	—	10	278	92
24. Эшмухаммад Мухаммедов	1892	1	60	керосин	4	180	60
25. Мурад Худоев	1891	3	180	сув	5	370	115
<b>Жами</b>	—	—	<b>140</b>	<b>6660</b>	<b>334</b>	<b>15941</b>	<b>515</b>



Ип йигириш цехи.

ланган. Учинчи ўринда 8 та жин ва 480 та арра билан бир кеча-кундузда 27 пуд пахта, 670 пуд пахтадан 215 пуд тола ишлаб чиқарган Х.Мусахонов заводи турган. Айрим заводларда жин ва арралар сони бунчалик бўлма-са-да, маҳсулотни кўпроқ чиқарган. Масалан, Юсуп Давидовга қарашли заводда 8 та жин ва 280 арра кучи билан 1810 пуд пахтадан 566 пуд тола тайёрлаган.

Заводлар орасида маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси бўйича заифлари ҳам бор эди. Эшмухаммад Муҳаммадов 180 пуд, Заверци жамияти 200 пуд, Мадамин Юсупов 300 пуд ва Абдурахмон Саидов 320 пуд пахта тозалаганлар, холос. Шунга мос равишда тола ҳам оз тайёрланган.

Наманган уездидаги 25 та пахта тозалаш заводи жами 104 та жин ва 6660 та арра билан жиҳозланган. 15941 пуд пахтадан 5115 пуд тола ишлаб чиқарилган. Заводларнинг 15 таси сув, 9 таси буғ ва биттаси керосин билан ишлаб, 15 та заводга ўзбеклар, қолган 10 тасига фирмалар эгаллик қилган.

Андижон уезди ва шаҳрида жойлашган пахта тозалаш заводлари сони 18 та эди (59-жадвал).<sup>240</sup>

<sup>240</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, Оп.3, Д.320.

Со-ни	Заводлар агарари (Андижон уезди)	Қурилган йили	Жинлар (станоклар) сони	Жинлардаги арралар сони	Двигател- ларнинг ишлаш воситаси	Бир кеча- кундузда ишланган пахта хом ашёси (пуд)	Пахта хом ашёсининг хажми (пуд)	Тола хажми (пуд)
1.	А.В. Росицк	1897	5	300	буғ	16	950	241
2.	Мирзакалон Қосимов	1895	6	480	—	30	1030	243
3.	В.И. Томич	1891	6	360	—	25	920	302
4.	Юнган Қандов	1885	5	280	сув	12	1030	312
5.	Худойберди Кичикбоев	1891	4	240	—	16	915	274
6.	Юханан Мушнев	1888	6	360	—	20	380	120
7.	К.А. Швеин	1896	6	360	—	20	19	6
8.	Каримохун Собиров	1889	6	360	—	16	320	101
9.	Алимхўжа Мухамаджонов	1880	5	300	—	18	204	67
10.	Ходи Содикхўжаев	1891	9	540	—	8	1520	470
11.	Ярославль фирмаси	1889	7	430	буғ	24	500	166
12.	Султон Худойбеков	1890	3	180	сув	8	150	53

13.	Владмир Алексеев	1891	6	360	—	17	401	122
14.	Юнаган Мушнев	1891	2	120	—	4	Ишламаган	—
15.	Тўрабек Каримбоев	1896	3	180	—	8	300	90
16.	Мирзакалон Қосимов	1896	3	180	—	9	100	29
17.	В.М.Гаврилов	1897	2	160	нефт	8	Ишламаган	—
18.	Ярославль фирмаси	1891	3	180	сув	9	600	190
	<b>Жами</b>	—	<b>87</b>	<b>5370</b>	—	<b>268</b>	<b>9339</b>	<b>2786</b>

Заводчилардан энг кўп маҳсулот тайёрлангани Ходи Содикхўжаев эди. У 9 та жин ва 540 та аррага эга заводида 1520 пуд пахтадан 470 пуд тола чиқарган. Бунинг учун заводнинг ишлаб чиқариш қобиляти зўр бўлиши керак эди, албатта. Бироқ жадвалда нима учундир завод бир кеча-кундузда 8 пуд пахта тозаланганлиги кўрсатилган. Бу ҳажмда юқорида кўрсатилган салмоқли пахтани тозалашнинг иложи йўқ эди. Мазмунан жавдални тузувчилар хатога йўл қўйган бўлсалар керак.

Мирзакалон заводида 6 та жин ва 480 та арра ёрдами билан бир кеча-кундузда 30 пуд пахта ишланиб, 1030 пуд пахтадан 243 пуд тола чиқарилган. Тўрабек Каримбоев, Мирзакалон Қосимбоев, Султон Худоёрбеков ва К.А. Шейн сингари тадбиркорларга қарашли заводларда ишлаб чиқариш ҳажми бўйича 100—600 пуд орасида пахта тозаланган. Ҳатто мавсум мобайнида 19 пуд пахта тозалаганлари ҳам бор эди.

Андижон уездида 18 та завод 87 та жин ва 5370 та арра воситасида 9339 пуд пахтадан 2786 пуд тола тайёрлаган. Заводларнинг 13 таси сув, 4 таси буғ ва биттаси нефть кучи билан ишлаган. Уларнинг 10 тасига ўзбеклар ва 8 тасига фирма вакиллари эгалик қилган.

Вилоятдаги пахта тозалаш заводларининг сув ёрдамида ишлаганлиги юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибди. Одатда бундай заводлар сув тўлиб оқадиган ариқлар бўйига қурилган. Сув ёғоч парракни, сўнг ундаги чархпалакни ҳаракатга келтирган. Аммо бу усул билан ишлаш ҳамма вақт бирдек кутилган натижани бермаган. Чунки бирор сабаб билан сув камайганда заводлар ишни тўхтатган. Бундан ташқари чархпалакларнинг бузилиб туриши ортикча ҳаражатларга олиб келган.

Буғ ва двигателлар билан ишлайдиган заводлар фаолияти анча самарадорлиги билан ажралиб турган. Бироқ заводларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш кўпроқ маблагни талаб қилган. Заводларда пахта тозалангандан кейин уни тойлаш ишлари олиб борилган. Бу қўлда ва гидравлик усул билан бажарилган. Қўл билан узун хода ёрдамида винтли паррак ҳаракатга келтирилган. Натижада сиқилгани сари кўп куч ва вақт сарфланган. Бу ниҳоятда машаққатли иш билан бир неча киши шуғуллангани боис ҳаражат ошган. Масалан, бир пуд пахтани тайёрлашга 5 сўм атрофида сарфланган.

Гидравлик усулда бир пуд пахтани тайёрлаш учун 2

сўмдан сал кўпроқ сарфланган. Винтли парраклар воситасида бир соатда тўрт, гидравлик усулда эса 8 тадан кўп тойланган пахта тайёрланган. Аммо бу усул кимматга тушиши сабабли кенг қўламда қўлланилмасди.

Заводларда чигит пахтадан жин (станок)лар ёрдамида ажратилган. Бу усул воситасида бир соат ичида 20 пуд пахта тозаланиб, тойлашга тайёрланган. Жинлар қанчалик кўп бўлиб, самарали ишласа, маҳсулот шунча кўп ишлаб чиқарилган.

Вилоятдаги заводларда 4633 нафар киши ишлаб, унинг асосий қисмини қора ишлар билан шуғулланувчи ўзбеклар ташкил қилган. Булар ниҳоятда оғир шароитда ишлашга мажбур бўлиб, бир кунда 40—50 тийин, бир ойга эса 15—17 сўм иш ҳақи олишган. Овқатланиш учун икки-уч кишига бор-йўғи битта қовун ва 5 та ёпган нон берилган.<sup>241</sup>

Ўзбеклар учун махсус иш кийимлари берилмаслиги ҳам уларнинг ҳаётини янада ёмонлаштирган.

Заводларда илгари Каспийорти темир йўлида машинист, ўринбосар ёки гўлаҳ сифатида ишлаган руслар машинист ёки слесарь лавозимига қўйилган. Уларга бир ойга 35 сўмдан 120 сўмгача иш ҳақи берилган. Заводларда фақат уч нафар ўрта техник маълумотга эга руслар ишлаган.

Фарғона вилоятида 1898 йилда 90 та заводдан 84 фаолият юритган. Уларда 4633 нафар киши меҳнат қилиб 4496758 пуд пахтадан 1387206 пуд тола ва 3089122 пуд чигит чиқарган. Чигитнинг 260000 пуди буғ қозонлари-га, 2829122 пуди ёғ чиқаришга, уруғ сифатида экиш ва хонадонларни иситишга сарфланган.<sup>242</sup>

Одатда заводларда мавсумий иш 20 августда, яъни янги пахта ҳосили бозорга чиққанда бошланган ва кейинги йилнинг март ёки апрель ойида хом ашё тамом бўлиши билан тўхтатилган. Заводлар буғ ва сув кучи билан ҳаракатга келтирилиб қуввати 1470 от кучига тенг келган.

1900 йилда вилоятда заводларнинг сони 93 тага етиб, 4840 нафар ишчи 1420000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Уларнинг сони 1901 йилда 104 та, 1902 йилда

---

<sup>241</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф.1282, Оп.3, Д.320, Л.46.

<sup>242</sup> *Ўша жойда*, 44-бет.



115 та, 1903 йилда 120 та ва 1904 йилда 131 та завод ишлаган. Хар бир завод 25 млн пуд пахтани тозалаш ва тойлаш имконига эга эди. Аммо бунга пахта хосили етарли даражада бўлгандагина эришилган.

1903 йилда 100 та завод ишлаб, уларнинг биттаси хозирги Фарғона шахрида, 29 таси Марғилон уездида, 22 таси Қўқон уездида, 28 таси Наманган уездида ва 19 таси Андижон уездида жойлашган. Улар 446 та двигателъ ва 25505 та пресс билан жиҳозланган. 42 та завод буғ, 56 таси сув ва 2 таси керосин воситасида харакатга келтирилган. Заводларда 3805 нафар киши 45000000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Улар 1900–1901 йилларда 14160000 пуд пахтани тозалаган ва тойлаган.<sup>243</sup>

Заводларда машинист ва слесарлик касби билан руслар шуғулланиб, улар кўпроқ маълумотсиз, лекин амалий тажрибага эга бўлган. Улар орасида ўрта техника маълумотлиси фақат 3 нафар эди, холос. Руслар ойига 35–120 сўм орасида маош олиб, 5–6 ой ишлаганлар.<sup>244</sup>

1906 йилда 131 та пахта тозалаш заводида 5870 нафар киши ишлаб, улардан 54 таси буғ, 54 таси сув ва 23 таси нефть ёки керосин кучи билан харакатга келтирилган. Уларда 648 та жин ва 157 та пресс бўлиб, 27919000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Биринчи жаҳон уруши арафасида, яъни 1913 йилда Фарғона вилоятида пахта тозалаш заводларининг сони ошди (60-жадвал).<sup>245</sup>

Хусусан Андижон шахри ва уездида биргаликда 44 та, Скоблевда 35 та, Наманганда 28 та пахта заводлари иш юритган. Умуман олганда вилоятда пахта тозалаш заводларининг сони 144 та ҳисобланган. Бу рақам фақат узлуксиз маҳсулот чиқараётган заводларни акс эттиради. Ваҳоланки, ўша жадвалда 161 та заводлар рўйхатда борлиги кўрсатиб ўтилган. Аммо улардан 17 та завод тамомила ёпилганлиги учун ҳисобга киритилмаган. Бундай заводлар кўпроқ Наманган, Андижон ва Қўқонда ишни тўхтатган. Афсуски, бунинг сабаблари кўрсатилмаган. Эҳтимол улар сувнинг етишмаслиги ёки банкротга учраганлиги орқасидан ёпилган бўлиши мумкин. Пахта тоза-

<sup>243</sup> Путеводитель по Туркестану и Среднеазиатской железной дороге. Под редакци А.И. Дмитриев-Мамонова. СПб. 1903 с. 86–87.

<sup>244</sup> *Ўша жойда.*

<sup>245</sup> В.В. Загорская и К.А. Александров. *Ўша асар*, 15-бет.

Уездлар	Ишлаётган заводлар	Маълумот бермаган заводлар	Ишламаётган заводлар	Жами	1913 йилда қурилган ва қурилаётган заводлар	Рўйхатга олинган заводлар	Ёпилган заводлар
Қўкон уезди	15	—	3	18	—	18	1
Қўкон шаҳри	10	—	1	11	—	11	1
Анджон уезди	18	1	1	20	1	21	3
Анджон шаҳри	26	—	1	27	—	27	3
Наманган уезди	11	2	3	16	—	16	4
Наманган шаҳри	17	—	—	17	—	17	—
Скобелев уезди	31	1	2	34	1	35	3
Скобелев шаҳри	4	—	—	4	—	4	1
Марғилон шаҳри	11	—	—	11	—	11	1
Ўш уезди	1	—	—	1	—	1	—
<b>Жами</b>	<b>144</b>	<b>4</b>	<b>11</b>	<b>159</b>	<b>2</b>	<b>161</b>	<b>17</b>

Миллатлар	Махсулот ишлаб чиқарувчилар			Двигателларда ишловчилар			Таъмирлаш ва улгуржи ишларни бажарувчилар			Қора ишлар билан шуғулланувчилар			Жами		
	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар
Руслар	19	—	—	314	—	—	12	—	—	12	—	—	357	—	—
Ўзбеклар	2924	—	5	37	—	—	13	—	—	1281	2	—	4264	—	7
Тожиклар	19	—	—	—	—	—	—	—	—	942	—	—	961	—	—
Дунганлар ва кашкарлар	34	—	—	—	—	—	—	—	—	61	—	—	95	—	—
Бошка миллатлар	42	—	—	9	—	—	—	—	—	55	—	—	106	—	—
<b>Жами</b>	<b>3038</b>	<b>—</b>	<b>5</b>	<b>359</b>	<b>—</b>	<b>—</b>	<b>25</b>	<b>—</b>	<b>—</b>	<b>2351</b>	<b>2</b>	<b>—</b>	<b>5776</b>	<b>—</b>	<b>7</b>

лаш заводларида руслар, ўзбеклар, тожиклар, қашқарликлар ва дунганлар ишлаган (61-жадвал).<sup>246</sup>

Пахта тозалаш заводларида ишлаётган 5783 нафар кишидан 4264 нафарини ўзбеклар ташкил этган. Улар асосан қора ишлар билан шуғулланиб, мавсумий ишловчилар ҳисобланганлар. Бошқачароқ айтганда, улар заводларнинг доимий ишчилари бўлмай, бу йил ишласа, кейинги йилда бошқа тирикчилик билан шуғулланар эди. Заводларда ўзбеклардан кейин тожиклар кўпчиликти ташкил қилиб, булар ҳам мавсумий ишловчилар қаторига кирган. Уларнинг сони 900 нафардан ошиб кетган эди. Руслар тўғрисида гап кетганда шуни айтиш лозимки, заводларда ишлайдиганларнинг сони 357 нафар кишидан иборат бўлиб, 334 нафар одам двигателларда, 12 нафари таъмирлаш ва 12 нафари қора ишларда меҳнат қилган. Ниҳоят, 1913 йилга келиб, ўзбеклардан 37 нафар киши двигателларда ишлай бошлади.

1913 йилда пахта тозалаш заводларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қуйидагича бўлган:

Қўкон уездида	— 2154661 пуд
Қўкон шаҳрида	— 2351736 пуд
Андижон уездида	— 2352782 пуд
Наманган уездида	— 1266810 пуд
Наманган шаҳрида	— 4114949 пуд
Скоблев уездида	— 4913114 пуд
Скоблев шаҳрида	— 675392 пуд
Марғилон шаҳрида	— 1444468 пуд
Ўш уездида	— 34130 пуд

Андижон шаҳри, Скоблев ва Наманган уездлари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича олдинги қаторларни эгаллаган. Заводларнинг узлуксиз ишлаши фақат уларнинг техник ҳолатига эмас, балки пахта хом ашёси билан таъминланишига ҳам боғлиқ бўлган. Айрим завод эгалари айни мавсум пайтида маблағ етишмаслиги туфайли етарли даражада пахта сотиб олмаган.

Пахта тозалаш заводларининг тобора ривожланиши туфайли вилоятнинг иқтисодий ҳаётида қатор ўзгаришлар юз берди. Зеро, улар саноат соҳасида етакчи ўринни эгаллаб, катта миқдорда маблағ кириб келишига таъсир кўрсатди. Уларнинг мавқеи кўтарилганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (62-жадвал)<sup>247</sup>.

<sup>246</sup> Ўша жойда, VII-жадвал.

<sup>247</sup> Ўша жойда.

Саноат соҳалари	Ишчилар										
	миллати						соғи				
	руслар	Ўзбеклар	кирғизлар	тожиклар	кашкарликлар	бошқа миллатлар	эркаклар	аёллар	болалар	Жами	
Пахта тозалаш заводлари	357	4264	—	961	95*	106	5776	—	7	5783	
Пилла қуриғиш	1	2168	—	—	—	1	842	1243	85	2170	
Ўғ заводлари	368	774	6	30	18	347	1529	1	12	1543	
Пилла уруғи тайёрлаш	81	1022	—	—	—	14	73	986	58	1117	
Ғишт заводи	4	299	10	—	60	245	618	—	—	618	
Пиво	101	40	—	—	—	20	138	33	—	161	
Босмахона	132	7	—	—	—	11	119	—	31	150	
Совун ишлаш	34	96	—	—	—	16	124	—	22	146	
Тегирмонлар	62	33	—	—	—	45	140	—	—	140	
Механика усталари	114	10	—	—	—	—	123	—	1	124	
Минерал сувни ишлаш	91	10	—	—	15	—	78	—	28	116	
Ичак тозалаш	27	88	—	—	—	—	113	2	—	115	
Электр станцияси	80	—	—	—	—	—	80	—	—	80	

Спирт тозалаш	42	9	—	—	—	3	41	11	2	54
Кўнчлик	—	43	—	—	—	—	40	—	3	43
Муз ишлаш	21	4	—	—	—	10	35	—	—	35
Пахта титиш	16	10	—	—	—	—	26	—	—	26
Экипажчилик	25	—	—	—	—	—	25	—	—	25
Инфекция камераси	—	18	—	—	—	—	18	—	—	18
Тахта тайёрлаш	11	—	—	—	—	—	11	—	—	11
Консерва тайёрлаш	4	2	—	—	—	—	2	4	—	6
Виночилик	1	—	—	—	—	—	1	—	—	1
<b>Жами</b>	<b>1572</b>	<b>8897</b>	<b>16</b>	<b>991</b>	<b>173</b>	<b>833</b>	<b>9942</b>	<b>2309</b>	<b>231</b>	<b>12482</b>

Саноат соҳаларида жами 12482 нафар киши ишлаб, улардан 4264 нафари пахта тозалаш заводларида ишловчи ўзбеклардан ташкил этган. Руслар эса 357 нафар бўлган. Тожиклардан 961, кашкарлик ва дунганликлардан 95 ва бошқа келгиндилардан 106 нафар киши меҳнат қилган. Вилоятдаги саноатда ишлаётган кишиларнинг 12482 нафаридан 8897 нафар ўзбеклар бўлган.

Олдинги саҳифаларда пахта тозалаш заводида ишловчиларнинг оғир аҳволи ҳақида қисман сўз юритилган эди. Бунга қўшимча қилиб шуни айтиш лозимки, вентиляторларнинг етишмаслиги туфайли кўп заводларнинг хонаси чанг-тўзон босиб кетган. Натижада ишлаётган одамларнинг юз-қўзи ва кийимлари чанг-тўзон бўлиб, нафас олиш ниҳоятда оғирлашган. Мана шундай чидаб бўлмайдиган шароит одамларни турли касалликларга учрашига сабаб бўлган.

Тиббий ёрдам деярли кўрсатилмаган. Бунинг устига-устак заводларда техника хавфсизлигига аҳамият берилмаган. Бу ҳол бахтсиз ходисаларни келтириб чиқариб, ногиронлар сони кўпайиб борган. Завод бундай кишиларни маблағ билан таъминламаган.

Вилоятдаги пахта тозалаш заводларида иш ҳақи жуда паст бўлиб, ишловчига бир кунга 40—50 тийин, ойига 15—17 сўм, бир йилга 177 сўм 30 тийин берилган. Ишчи бу пул билан оилани боқиши амри маҳол эди. Чунки озиқ-овқатлар, кийим-кечак ва солиқларни тўлаш учун харажат анча кўп бўлган. Заводда ишловчиларнинг орасида узоқ жойлардан келган ёки уйсиз кишилар бор эди. Улар хом гиштдан қурилган, пастак ва қоронғи хоналарда яшаб, похоллар устида ётганлар. Бундай хоналар кўп жиҳатдан ертўлани эслатган. Оғир шароитни 1913 йилда ўз қўзи билан кўрган В.В. Заорская ва К.А. Александровлар ўз китобида ертўлаларда яшовчи кишилар сони ҳақида қуйидаги маълумотни келтирган (63-жадвал)<sup>248</sup>.

Заводларда ишлаётган 5783 кишидан 4089 нафари ётоқхоналарда яшаганлар. Ўз уйларида яшовчилар эса 1744 нафарни ташкил этган. Демак, 70 фоиз ишчи завод ётоқхонасида истиқомат қилган. Бу ҳолат шу ҳақда гувоҳлик берадики, қашшоқлар ёки узоқ жойлардан келганлар

---

<sup>248</sup> *Ўша жойда*, 73-бет.

Уездлар буйича	Ишловчилар сони	Завод хоналарида яшовчилар	Уйда истиқомат қилувчилар
Қўқон уезди	474	258	216
Қўқон шаҳри	406	243	163
Андижон уезди	662	645	17
Андижон шаҳри	1499	1162	337
Наманган уезди	344	260	84
Скоблев уезди	1213	891	322
Скоблев шаҳри	144	90	51
Марғилон шаҳри	345	315	30
<b>Жами</b>	<b>5783</b>	<b>4089</b>	<b>1744</b>

ишловчиларнинг асосий қисмини қоплаган. Уларнинг кўпчилиги Андижон шаҳри ва Скоблев уездларидаги заводларда ишлаганлар.

Сирдарё вилоятидаги биринчи пахта тозалаш заводи ни 1880 йилда Тошкент шаҳрида тадбиркор С.И. Лахтин очган. 1885 йилда ўзбек савдогарларидан бири Шобек Ҳақимбоев заводи ҳам ишга тушган. Бу завод 3 та жин ва битта пресс билан жиҳозланган бўлиб, унчалик салоҳиятли бўлмаган. Мулла Йўлчибоев деган одам ҳам завод очган эди. 1889 йилда Тошкентдаги заводлар 1 миллион пуд пахта тозалаган.<sup>249</sup>

1892 йилда заводларнинг сони 16 тага етиб, улардан 5 таси Тошкент шаҳрида ва 8 таси Тошкент уездида, 3 таси Чинозда жойлашиб, 60 та жин ва 18 та пресс билан ишлаган. Уларни Мулла Алимов, Бадалбай Каримбоев, Степан Назаров, Ярославль катта мануфактура фирмаси, Исабек Ҳақимбоев, Мухаммадхўжа Али, Николай Сазонов, Абдумутал Шайхов, Саид Мурод Аминов, Константин Манцилов ва бошқа савдо-саноат вакиллари бошқарган.

<sup>249</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, опись 3, Д. 415, Л.11.



Айрим заводлар вақтинчалик ёки батамом ишни тўхтатган. Шу боис 1906 йилда 13 та завод ишлаб, улардан 6 таси Тошкент шаҳрида ва 2 таси Тошкент уездида, 2 таси Чимкент ва 3 таси Амударё бўлимида жойлашган. Уларда 372 нафар киши 1158000 сўмлик маҳсулот чиқарган. 1910 йилда заводларнинг сони 36 тага етиб, уларнинг 19 таси Амударё бўлимида жойлашган. Қолган 10 таси Тошкент шаҳри ва уездида, 7 та Чимкент уездида бўлган Амударё бўлимида заводлар сони кўп бўлса-да, уларда ишлаб чиқарилган маҳсулот 546,6 минг пудни ташкил этган. Ваҳоланки, биргина Тошкент шаҳридаги 6 та заводда 2 миллион 213 минг сўмлик маҳсулот тайёрланган.

Сирдарё вилоятида ҳам бошқа жойларда бўлгани каби заводларни техника жиҳатидан такомиллаштиришга аҳамият берилмади. Натижада маҳсулотларнинг сифати рақобатга бардош берадиган даражага кўтарилмади. Шунинг учун ўша давр матбуотида шундай ёзилган эди: «Агар руслар ўзларининг кўп фабрика ва заводларини қурмаган бўлсалар, бунга Туркистон ўлкасининг мустанлака сифатида ҳали ёшлиги, марказдан бу ерга келтири-лаётган саноатнинг тайёр маҳсулотлари билан рақобат қилаолмаслиги сабаб бўлмоқда».<sup>250</sup>

1912 йилда вилоятдаги пахта тозалаш заводларининг сони 42 тага кўпайди. Бундай ривожланиш пахтачилик-нинг ўсишига мос равишда юз берганлигига шубҳа йўқ<sup>251</sup> (64-жадвал).

64-жадвал

Заводлар-нинг жой-лашиши	Завод-лар сони	Тола «пуд»	Чигит «сўм»	Тола қиймати сони	Чигит қиймати «пуд»	Иш-чилар «сўм»	Иш хақи сони
Тошкент шаҳри	7	928887	735601	4580551	294240	360	68514
Тошкент уезди	8	335436	754731	4696110	291892	432	73253
Чимкент шаҳри	5	70500	916500	152750	68737	80	9300
Туркистон	3	22500	48750	292500	24375	31	7000
Амударё бўлими	19	210000	455000	2630000	227500	300	51000
<b>Жами</b>	<b>42</b>	<b>967324</b>	<b>2146833</b>	<b>13115661</b>	<b>906745</b>	<b>1223</b>	<b>209067</b>

<sup>250</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1911 г., Ташкент, 1913, С.125.

Тошкент шахридаги завод 928887 пуд тола ва 735601 пуд чигит тайёрлаб, пешқадамлик килган. Тошкент уезди ҳам салмоқли ўринни эгаллаган. Ишлаб чиқариш даражасига мос равишда маҳсулот қиймати ҳам баландга кўтарилган. Хусусан, у Тошкент шахрида 4580551 сўм ва уездида 4692110 сўм баҳоланган. Чимкент уездида пахта хом ашёсидан толага (70500 пуд) нисбатан чигит (916500 пуд) кўп олинган. Бунга пахта сифатининг пастлиги сабаб бўлган, албатта.

Ўша жадвалда заводларда тозаланган пахтанинг микдори тўғрисида маълумот берилмаган. Бу камчиликни 1913 йилга оид маълумот ёрдамида баргараф қилиш имкони бор. Бу вақтда ишлаётган 41 та пахта тозалаш заводида жами 2958994 пуд ва 12006776 сўмлик пахта хом ашёси тозаланиб, уездлар бўйича қуйидагича тақсимланган: Тошкент шахрида 1064994 пуд (4347276 сўм) ва Тошкент уездида 1230000 пуд (5043000 сўм), Чимкентда 120000 пуд (492000 сўм), Туркистонда 45000 пуд (224500 сўм) ва Амударё бўлимида 500000 пуд (1900000 сўм) пахта тозаланган.<sup>252</sup>

Тошкент шахри ва уездидаги барча саноат тармоқлари орасида пахта тозалаш заводлари маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринда турган.

Сирдарё вилоятидаги заводларда тайёрланган хом ашё узлуксиз Россияга жўнатилган. Масалан, у ерга 1910 йилда фақат Тошкент темир йўли орқали 176954 пуд, 1911 йилда 618360 пуд, 1912 йилда 1032069 пуд, 1913 йилда 1333272 пуд пахта олиб кетилган.

Самарқанд вилоятида пахта тозалаш саноати 1888 йилда иш бошлаб кейинги йилларда унинг сони кўпайиб борган. Ўша йилларда жами 35 та завод бор эди<sup>253</sup> (65-жадвал).

Завод эгалари орасида иккитада заводга эга одамлар бўлиб, сезиларли даражада кўп маҳсулот ишлаб чиқарган. Масалан, Миндер, Зайдель ва Рахимовлар шулар жумласидан. Заводларда 879518 пуд пахтадан 494881 сўмлик маҳсулот тайёрланган. Уларда 180 нафар киши

<sup>251</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1911 г., Ташкент, 1914, С.123, 125.

<sup>252</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1913 г. С.90.

<sup>253</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. М-18, 1-рўйхат, 11908 иш, 11764 иш, 27-бет.

	Завод эгалари	Пахта (пуд)	Махсулот қиймати (сўм)	Ишловчилар сони	1-йиллик иш хақи (сўм)
	<b>Самарқанд уезди бўйича:</b>				
1.	Е. Ф. Миндер	1798	12652	8	240
2.	Е. Ф. Миндер	1798	12652	8	240
3.	Мухаммад Рахимов	56000	115000	—	340
4.	Мухаммад Рахимов	ишлаган	—	—	—
5.	М. А. Зайдель	55000	4400	20	2500
6.	М. А. Зайдель	40000	3200	2	2500
7.	Маъруф Шокиров	80000	4106	—	5150
8.	Р. Шокиров	8000	4106	—	5150
9.	Илс Фузаилов	1000	7000	36	1190
10.	Амин Абдуаминов	30000	2800	—	1530
11.	В. Балин	9526	—	—	—
12.	Исмақул Ўринбоев	ишлаган	—	—	—
13.	А. Хусанов	—	—	—	—
14.	Д. Харваб	—	—	—	—

15.	А. Нажмиддинов	7600	-	-	-	-
16.	З. Каузаева	14875	-	-	-	-
17.	Х. Почаева	ишламаган	-	-	-	-
	<b>Каттакўрғон уезди:</b>					
18.	Ю. Файзуллаев	9919	3570	28	1785	
19.	А. Мухаммаджонов	139000	89400	-	2400	
20.	Л. Белич	45817	91482	-	-	
21.	Ярославль фирмаси	40188	106228	50-60	1500	
22.	Туркистон савдо саноат ширкати	41219	16084	18-24	4588	
23.	М. Салимов	-	-	-	-	
24.	М. Салимов	-	-	-	-	
	<b>Жиззах уезди бўйича</b>					
25.	З. Казава	8575	-	-	-	
	<b>Хўжанд уезди:</b>					
26.	М. Алимов	30000	-	-	-	
27.	М. Умаров	6500	13132	6	1180	
28.	У. Ниёзмухаммедов	92450	-	3	700	

29.	Ярославль фирмаси	107403	9069	3	800
30.	В. Кань	14950	—	—	—
31.	А. Пинхасов	1200	—	—	—
32.	В. Резблум	9900	—	—	—
33.	М. Искандар	—	—	—	—
34.	А. Хусайнов	—	—	—	—
<b>Жами</b>		<b>879618</b>	<b>494881</b>	<b>17080</b>	<b>31793</b>

меҳнат қилган. Бир йиллик иш ҳақи 31793 сўм эди. Шуниси диққатга сазоворки, юридик фанлар номзоди Л.Ф. Гаевиянинг ҳам заводи бўлган. Демак, зиёлилар ҳам ишбилармонлик билан шуғулланган<sup>254</sup>. Заводларнинг тўрттаси қандайдир сабабларга кўра ишламаган, бештаси ҳақида маълумот берилган.

1897 йилда амалда 26 та завод ишлаб, уларда 872518 пуд ва 494881 сўмлик маҳсулот тайёрланган. Бу ишни бажарган 206 – 216 нафар ишловчи бир йилда 31798 сўм иш ҳақи олган, маҳсулотлар қиймати 494881 сўмни ташкил этган.

1898 йилда ишлаб турган заводлар сони 22 тага қисқариб, 310216 пуд ва 2,402,000 сўмлик тола, 726400 пуд чигит олинган. Улар 69 та жин, 4030 та арра ва 4030 та пресс билан жиҳозланиб, 7 таси буғ, 4 таси керосин, 8 таси сув ва 3 таси от ва ҳўкиз билан ишлаган. Мунтазам ишловчилар сони 399 нафар, кунбай ишловчилар сони эса 82 нафар бўлган.

От ва ҳўкиз билан ишловчи заводларнинг мавжудлиги ҳам техника жиҳатидан қоқоқликдан далолат беради.

XX аср бошларида Самарқанд вилоятига қарашли шаҳар ва уездларда пахта тозалаш заводлари сони ва мавқеи янада кўтарилди. Чунончи, 1905 йилда Самарқанд уездидаги 8 та заводда 43 нафар ишловчи 872300



Пахта заводи. Тойланган тоза пахтани жўнатиш.

<sup>254</sup> Ўша жойда, 157-бет.

сўмлик, Жиззах уездидаги битта заводда 4 нафар ишловчи 34450 сўмлик ва Хўжанд уездидаги 6 та заводда 45 нафар ишловчи 862460 сўмлик махсулот тайёрлаган.

Каттақўрғон ва Хўжанд уездларида заводлар олдинги сафларда бўлиб, уларда 105 нафар киши ишлаган. Кейинги ўринни Самарқанд уезди эгаллаган. Бундай ҳолат 1906 йилда ҳам юзага келганлигини кўриш мумкин. Бу вақтда Самарқанд уездидаги 8 та заводда 43 нафар ишловчи 509310 сўмлик, Каттақўрғон уездидаги 11 та заводда 60 нафар ишловчи 872300 сўмлик, Жиззах уездидаги битта заводда 4 нафар ишловчи 34450 сўмлик ва Хўжанд уездидаги 6 та заводда 45 нафар ишловчи 862460 сўмлик махсулот чиқарган.

Одатдагидек заводларда руслар, ўзбек, тожик ва бошқа миллат вакиллари ишлаганлар (66-жадвал)<sup>255</sup>.

Заводларда 1000 нафар атрофида одам ишлаб, уларнинг 920 нафарини ўзбеклар, 79 нафарини руслар ва 3 нафарини бошқа миллат вакиллари ташкил қилган. Русларнинг деярли ҳаммаси двигателларни бошқарган, ўзбеклар асосан қора ишларда банд бўлганлар. Булар мавсумий ишловчилар ҳисобланиб, дуч келган ишни бажарадиган кишилар эди. Уларнинг заводлардаги иш шароити ҳам бошқа вилоятлардагига ўхшаш ниҳоятда оғир бўлган. Иш ҳақининг озлиги ва меҳнатнинг муҳофаза қилинмаслиги сабабли оғир ва ачинарли ҳаёт гирдобида яшаганлар. Самарқанд вилоятида 1905 йилда 26 та, 1906 йилда 45 та, 1907—1908 йилларда 35 та ва 1913 йилда 31 та завод ишлаганлиги маълум. Уларнинг нисбатини саноатнинг бошқа соҳаларига солиштирилса, мавқеи ва аҳамияти ҳақида тўлароқ тушунча ҳосил қилиш мумкин бўлади (67-жадвал)<sup>256</sup>.

Агар пахта тозалаш заводларининг махсулоти 1905 йилда 2278720 сўмни ташкил этган бўлса, 1908 йилда 3234000 ва 1913 йилда 5794612 сўмга ошган. Заводларда ишловчиларнинг сони 1905 йилдаги 129 нафар кишидан, 1913 йилда 1002 нафарга кўпайган. Пахта тозалаш заводлари ҳар жихатдан биринчи ўринни эгаллаган эди. Кейинги ўринларда пиво ва вино тайёрлайдиган корхоналар турган. Бу ичимликлардан асосан рус ва бошқа европаликлар фойдаланган.

<sup>255</sup> Загорская В.А. ва Александрова К.А. Ўша асар. 26-бет.

<sup>256</sup> Ўша асар. 142-бет.

Миллатлар	Махсулот ишлаб чиқарувчилар			Двигателларда ишловчилар			Таъмирлаш ва улгуржи ишларда ишловчилар			Қора ишчилар ва бажарувчилар			Жами		
	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар	эркаклар	аёллар	болалар
Руслар	—	—	—	74	—	—	—	—	—	5	—	—	79	—	—
Ўзбеклар	498	—	1	7	—	—	2	—	—	402	—	—	920	—	1
Бошқа миллат вакиллари	—	—	—	2	—	—	—	—	—	1	—	—	3	—	—



Саноат турларининг номлари	1905			1908			1913		
	Заводлар сони	Ишлаб чиқарган маҳсулоти (сўм)	Ишловчилар сони	Заводлар сони	Ишлаб чиқарган маҳсулоти (сўм)	Ишловчилар сони	Заводлар сони	Ишлаб чиқарган маҳсулоти (сўм)	Ишловчилар сони
Пахта тозалаш заводлари	26	2278720	129	35	3234000	420	31	5794612	1002
Пиво қорхоналари	1	466952	88	1	399000	175	1	400000	305
Виночилик	25	307850	63	28	205540	259	24	1040532	522
Тегирмонлар	4	258217	51	5	682100	95	3	346074	59
Қўрошин тайёрлаш	1	48000	36	1	95000	22	1	144045	29
Қўнчилик	12	119000	75	8	202692	60	14	406127	101
Ёғ заводлари	1	86000	85	1	220000	80	5	677182	147
Босмаҳоналар	2	78000	74	3	113000	103	3	128600	97
Ичак тозалаш қорхонаси	3	76500	32	3	87100	41	4	105906	62


Ароқ заводи	1	60000	11	2	241500	28	3	361052	38
Минерал сув	4	30600	15	3	25000	12	5	52586	30
Коньяк тайёрлаш	2	22169	--	3	53700	45	4	603457	140
Макарон тайёрлаш	1	9000	3	1	27000	8	2	69600	27
<b>Жами</b>	<b>83</b>	<b>3841408</b>	<b>662</b>	<b>94</b>	<b>5585632</b>	<b>1348</b>	<b>100</b>	<b>10129773</b>	<b>2559</b>

Шундай қилиб, Фарғона, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида пахта ни техника асосида тозалайдиган заводлар қурилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги анча ошган. Бу ҳолат пахтачиликни ривожлантиришда муҳим омиллардан бири бўлди. Гарчанд пахта тозалаш заводларини ишга тушириш катта аҳамият касб этган бўлса-да, уларнинг ривожланиш босқичида қийин кўчди. Чунки кам харажат қилиб, кўп фойда олиш йўлида борган тадбиркорлар заводларни техника жиҳатидан такомиллаштиришга ва иш шароитини яхшилашга, ишловчиларнинг манфаатларини қондиришга аҳамият бермадилар. Заводлар кўпроқ пахта мавсуми ойларида ишлаб, бошқа пайтларда ёпилиши сабабли асосий ишчи кучлари — ўзбеклар тарқалиб кетаверган. Улар бир жой ва касбда доимий ишламай мавсумий ишлар билан шуғулланишни давом эттираверган. Натижада пахта тозалаш заводларида маҳаллий ишчилар қатлами шаклланмади.

### Ёғ ишлаб чиқариш заводлари

Пахта тозалаш заводларида кўп миқдорда чигит чиқиши ёғ заводларини юзага келтирди. Фирмалар пахта ёғидан олинадиган даромадни ҳам қўлга киритиш мақсадида заводлар кура бошлади. Бундан олдинги вақтларда маҳаллий аҳоли чигитдан ёғни мойжувозда олган. Бу жуда оддий ва машақатли меҳнатни талаб қилувчи усул от ёки туя кучи воситасида бажарилар эди. Мойжувозда 14 соат мобайнида 3 пуд чигитдан 20 кадоқ ёғ олиниб, кетган харажат кунига 1,20 тийинни ташкил этган. Бошқачароқ айтганда, бир пуд ёғ тайёрлаш учун 2,40 тийин сарфланган. Маҳаллий усулда ёғ ишлаб чиқариш кенг тарқалиб, бу иш билан минглаб кишилар банд бўлишган. 1894 йилда Фарғона вилоятида 2911 та мойжувозда 226725 сўмлик маҳсулот тайёрланган. 1898 йилда Фарғона шаҳридаги 2 та мойжувозда 2300 сўмлик, Марғилон уездида 562 та мойжувозда 4671 сўмлик, Қўқон уездида 848 та мойжувозда 24880 сўмлик, Наманган уездида 1244 та мойжувозда 144000, Андижон уездида 204 мойжувозда 17300 сўмлик ёғ ишлаб чиқарилган. Уларда 4162 нафар киши меҳнат қилган.<sup>257</sup>

<sup>257</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282. Оп. 3, Д. 320, Л. 126—127.



Пахта-ёғ заводи. Қўкон.

Маҳаллий мойжувозлар ҳамма вақт бирдай ишламай, самарадорлиги бирмунча сусайган вақтлар ҳам бўлган. Масалан, 1900 йилда вилоятда мойжувозлардаги 3478 нафар ишловчи 305211 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган. Маҳаллий усул билан чигитдан ёғ олиш кейинги йилларда ҳам давом этаверди. Ҳатто маҳсулот миқдори ошди (68-жадвал)<sup>258</sup>.

68-жадвал

Уездлар	Мойжувозлар сони	Ишловчилар сони	Маҳсулот қиймати (сўм)
Андижон	1039	1107	138973
Қўкон	1068	1088	120.828
Марғилон	947	1069	120.590
Наманган	1059	999	85090
Ўш	221	282	20050
<b>Жами</b>	<b>4334</b>	<b>4515</b>	<b>485531</b>

<sup>258</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф И-40, 1-рўйхат, 75-иш, 308-бет.

Кўрсатилган уездларда ҳаммаси бўлиб 4334 та мой-жувозда 4515 нафар киши томонидан 485531 сўмлик маҳсулот тайёрланган. Демак, хунармандчилик усулида ёғни чигитдан ажратиш учун минглаб иш ўринлари ташкил қилиниб, ўз даври учун салмоқли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарилган. Аммо замонавий техника билан жиҳозланган заводлар уларнинг ахамиятини аста-секин пасайтириб борди.

Биринчи ёғ заводи 1884 йилда тадбиркор С.И. Лахтин томонидан Қўқонда ишга туширилган эди. Заводда 22 нафар ишловчи бўлиб, 10 соат мобайнида 35 пуд, йил мобайнида 10000 пуд маҳсулот олинган. Аммо 1900 йилда Чустда М. Соловьев, 1901 йилда Бешарикда В.Г. Омельчук ва Марғилон уездида Иброҳим Саримсоқов ёғ заводи очди. 1900 йилда Чуст заводининг ёғини тарғибот қилиш мақсадида Москвага юборилди.<sup>259</sup> Яхши баҳо олган бўлса керакки, 1902 йилда Наманганда К.М. Соловьев, Зигел Рейнгатен савдо уйи томонидан 2 та завод ишга туширилди. Пировардида бу 2 та завод 14 млн сўм маблағи билан акциядорлик жамиятига айлантирилди.<sup>260</sup>

Тажриба ўрганиш учун айрим кишилар Америка ва Ғарбий Европага юборилди. Америкадан машина ва жиҳозлар келтирилди.

1904 йилда Андреев савдо ширкати Наманган уездидаги Федченко станцияда завод қурди.<sup>261</sup> Шундан кейин ёғ заводларининг сони бирин-кетин кўпайиб борди. 1906 йилда Фарғона ёғ ишлаб чиқариш ширкати битта пресс ва 14 та плита билан жиҳозланган завод очган. 1907 йилда Андижонда К.М. Соловьевнинг 3 та пресс ва 16 та плита билан жиҳозланган заводи маҳсулот чиқара бошлади. Қўқонда Р.Ш. Потеляховга қарашли 2 та пресс ва 12 та плитага эга бўлган завод ишлай бошлади. Шунингдек, М. Мирмуҳаммедов, А.А. Азизхўжаевларнинг заводлари қурилди. 1910 йилга келиб, Фарғона вилоятида 39 та гидравлик пресс билан жиҳозланган ёғ заводлари сони 14 тага етиб, ўша йили 1350000 пуд шелуха ишлаб чиқарган.<sup>262</sup>

---

<sup>259</sup> *Ўша жойда*, 310-бет.

<sup>260</sup> *Ўша жойда*.

<sup>261</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-90, 1-рўйхат, 7-иш, 311-бет.

<sup>262</sup> *Ўша жойда*.

Заводларда фақат америка пахта навининг чигитлари ишлатилган. Улар йил бўйи 150 кун ишлаб, чигитнинг кўп қисмини сарфлаган.<sup>263</sup> Бошқа маълумотга кўра заводлар 250 кун ишлаган. Бу ҳолат пахта ҳосили мўл бўлиб, чигит кўп етиштирилгандагина юз берган.

Вақт ўтиши билан завод ёғининг довуғи ошиб, унинг маҳсулотига, айниқса Россияда талаб кучайиб борди. Натижада унинг бозор нархи кўтарилди. Агар 1901 йилда бир пуд ёғининг нархи 8–12 тийин турган бўлса, 1903 йилда 18–24, 1904 йилда 23–22, 1906 йилда 25–40, 1908 йилда 50–70 ва 1910 йилда 60–72 тийинга ошди.<sup>264</sup>

1910 йилда Фарғона вилоятида 39 та гидравлик пресс билан таъминланган 13 та заводда бир кеча-кундузда 35300 пуд чигитдан ёғ ажратилган. Ўша йилда заводларда ўрта ҳисобда 1350000 пуд ёғ, 3000000 пуд линтер ишлаб чиқарилган.

1911 йилда яхудий тадбиркор Вадьяевлар 2 та завод қурилишини тамомлаб, бир йилда 12000000 пуд чигитдан 1800000 пуд ёғ олиш имкониятини яратди. Вилоятдаги заводларда кунжара ва совун ҳам тайёрланган.

1911 йилга келиб, ишлаб турган вилоятда 14 та ёғ заводида 50 та гидравлик пресс кучи билан 12000000 пуд чигитдан 1800000 пуд ёғ, 4000000 пуд кунжара, 6000000 пуд шелуха ва 150000 пуд линтер (пахта чиқиндис) олинган.<sup>265</sup> Чигитдан озиқ-овқатга ишлатиладиган ёғ билан бир қаторда совун, маргарин ва чирокни ёқишга сарфланадиган «керосин» олинган. Шелуха эса қорамоллар учун тўйимли озуқа ҳисобланган, унинг толасидан қоғоз ҳам ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари у ўтин ўрнида ҳам ишлатилган. Чигит ёғини кунжут, даянак, қовун уруғи, ёнғоқ, кунгабоқар ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан қориштирилган ҳолда шифобахш ёғ тайёрланган. Манбада таъкидланишича, Фарғона вилоятидаги ёғ заводлари пахтадан ажратилган чигитнинг ҳаммасини ишлаш имкониятига эга бўлган. Ҳатто чигитни Тошкент ва Самарқанддан ҳам келтириш бошланган эди.<sup>266</sup>

---

<sup>263</sup> Центральный государственный исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1282, Оп. 3, Д. 320, И. 312.

<sup>264</sup> *Ўша жойда.*

<sup>265</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-90, 1-рўйхат, 75-иш, 309-бет.

<sup>266</sup> *Ўша жойда*, 311-бет.

Ўлкада, жумладан, Фарғона вилоятида заводларнинг тузилиши Американикига ўхшаш бўлган. Чунки заводлар у ердан келтирилган жиҳозлар асосида қурилган. Аммо вилоятдаги заводларда ишлаб чиқарилган ёғнинг сифати Америка ёғига қараганда маълум даражада паст эди.

1913 йилда заводларда 26811095 пуд пахтадан 18118242 пуд чигит олиниб, унинг 11956129 пудидан ёғ ажратилган.

1913 йилда ёғ ишлаб чиқариш заводларининг сони 18 тага етган (69-жадвал)<sup>267</sup>.

69-жадвал

№	Уездлар номи	Ўрнашган жойи
	Скобелев	
1.	Мухаммад Иброҳимқори Саримсоқов	Сурхонтепа
2.	Андреев савдо-саноат ширкати	Федченко станцияси
3.	Қорабек Ботирбеков	Тошлок
4.	Саидахмад Фиёсхўжаев	Гарчаков станцияси
5.	Або Маллаевич Симхаев	Асака
	Кўкон	
6.	Бр. Крафт савдо уйи	Бешариқ
7.	Потел Яхав савдо-саноат ширкати	Кўкон
8.	Андреев савдо-саноат ширкати	Кўкон
9.	Мирроби Мирмахмудов	Кўкон
10.	Мулла уста Умаров	Кўкон
	Наманган	
11.	К.М. Соловьев савдо-саноат ширкати	Наманган
12.	К.М. Соловьев савдо-саноат ширкати	Чуст

<sup>267</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-90, 1-рўйхат, 75-иш, 448-бет.

13.	Андреев савдо-саноат ширкати	Наманган
14.	Наманган савдо-саноат ширкати	Наманган
	Андижон	
15.	К.М. Соловьев савдо-саноат ширкати	Андижон
16.	Фарғона ёғ ишлаб чиқариш ширкати	Андижон
17.	Бр. Балюли савдо уйи	Кўрғонтепа
18.	К.М. Соловьев савдо-саноат ширкати	Хоникулобод

Заводларнинг 5 таси ўзбекларга, иккитаси маҳаллий яхудийларга, 11 таси эса фирмаларга қарашли бўлган. Андреев ва Соловьевларнинг ҳар бири иккитадан заводга эга эди. Яхудийлар ҳам иккитадан заводни бошқаришган.

XX аср бошларида ёғ ишлаб чиқариш заводларида ўрта ҳисобда 155 нафар киши ишлаган бўлиб, улардан 104 таси қора ишлар билан банд ўзбеклар, 37 нафар рус, 4 нафар эронлик ва 14 нафари бошқа миллат вакиллари эди.

Ўлкада 1910-1914 йилларда пахта тозалаш заводларида олинган чигитларнинг барчасидан ёғ олинмаган (70-жадвал)<sup>268</sup>.

#### 70-жадвал

Вилоятлар	Ёғи олинмаган чигит (пуд)	Ёғи олинган чигит (пуд)
Фарғона	18118242	11958129
Сирдарё	2265042	206900
Самарқанд	1908541	821980
<b>Жами</b>	<b>22291823</b>	<b>12985009</b>

Вилоятлардаги пахта тозалаш заводларида 22291823 пуд чигит ишлаб чиқарилган. Унинг 12985009 пудидан (58,3%) ёғ чиқарилган. Фарғона вилоятида бу рақам 66,0%ни ташкил этиб у биринчи ўринни эгаллаган. Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари иккинчи ва учинчи ўринда турган.

<sup>268</sup> Ўша жойда. 146-бет.



Шаҳар ва уездлар бўйича	Завод- лар сони	Маҳсулот қиймати (сўм)	Линтер (пуд)	Линтер қиймати (сўм)	Бир пуднинг нархи (сўм)	Ёр (пуд)	Ёрнинг қиймати (сўм)	Кун- жара (пуд)	Кунжа- ра қий- мати (сўм)	Шелуха (пуд)	Шелуха қиймати (сўм)
Қўқон уезди	1	710195	8433	54576	6,47	11830	423639	289351	144675	245900	49180
Қўқон шаҳри	2	4187390	89557	535,453	598	635269	2517053	1778318	821793	1693938	227090
<b>Жами</b>	<b>3</b>	<b>4897585</b>	<b>97990</b>	<b>590029</b>	<b>602</b>	<b>747099</b>	<b>2940692</b>	<b>2067669</b>	<b>966468</b>	<b>1939838</b>	<b>276271</b>
Андижон уезди	2	434970	9920	34560	3,48	70220	267459	178740	102113	167120	28744
Андижон шаҳри	1	295260	3000	19875	662	45000	206615	100000	49430	70000	13480
<b>Жами</b>	<b>3</b>	<b>731230</b>	<b>12920</b>	<b>54435</b>	<b>421</b>	<b>115220</b>	<b>474074</b>	<b>278740</b>	<b>151543</b>	<b>237120</b>	<b>42224</b>
Наманган уезди	1	323665	2340	16848	720	50862	213622	116100	63855	117360	29340
Наманган шаҳри	3	2954575	39701	274812	692	423439	1834711	1132586	626324	934980	200728
<b>Жами</b>	<b>4</b>	<b>3278240</b>	<b>42041</b>	<b>291660</b>	<b>695</b>	<b>474301</b>	<b>2048333</b>	<b>1248686</b>	<b>690179</b>	<b>1042340</b>	<b>230068</b>

Скобелев уезди	3	2627960	51500	195069	379	474550	1699130	1143000	531500	1197000	152116
Фарғона вилояти	13	11535015	204451	1131193	553	1811170	7162229	4738095	2339690	4416298	700697
Сирдарё вилояти	1	169399	553	3321	600	32070	118657	82760	33104	78955	11843
Самарқанд шаҳри	3	307147	3223	17842	554	49198	203415	138097	63757	143092	16376
Хўжанд шаҳри	1	26870	300	1950	660	4200	17960	14200	5680	11400	1140
Қаттақўрғон шаҳри	1	343165	3066	19198	626	51907	215417	151017	64734	219700	26364
Самарқанд вилояти	5	677182	6589	38990	592	105305	436792	303314	134171	374192	43880
<b>Ўлка бўйича жами</b>	<b>19</b>	<b>12381596</b>	<b>211593</b>	<b>1173504</b>	<b>555</b>	<b>1948545</b>	<b>7717678</b>	<b>5124169</b>	<b>2506965</b>	<b>4869445</b>	<b>765402</b>

Хамма вилоятларда чигит миқдори ва сифати бир хил бўлмаганлиги учун нархи ҳар хил эди.<sup>269</sup> Чунончи, Фарғона водийсида чигитнинг қиймати баландрок, Самарқанд ва Сирдарёда пастрок эди.

Заводларда ёғдан ташқари кунжара, шелуха ва линтер сингари маҳсулотлар тайёрланган (71-жадвал)<sup>270</sup>.

1913 йилда ўлкада 7717678 сўмлик ёғ, 2506965 сўмлик кунжара, 765402 сўмлик шелуха ва 1173504 сўмлик линтер ишлаб чиқарилган. Бу маҳсулотларнинг талай қисми пахта ёғи ва кунжарадан иборат бўлган, ундан кейинги ўринда линтер (пахта чиқиндиси) турган. Турли маҳсулотлар 4404 нафар ишловчлар томонидан тайёрланиб, улар заводларда кунига 12 соат, бошқаларида 8 соат ишлаган. Уларнинг орасида икки смена ишловчилар ҳам бўлган. 1913 йилда ёғ ишлаб чиқарадиган заводлардаги ишловчиларнинг миллий таркибини руслар, ўзбеклар ва бошқа миллат вақиллари ташкил этган (72-жадвал)<sup>271</sup>.

Туркистон ўлкасидаги барча заводларда 889 нафар ўзбек, 411 нафар рус, 276 нафар эронлик, 30 нафар тожик, 18 нафар дунган ва бошқа миллатлардан 72 нафар киши ишлаган. Ўзбеклар ва бошқа миллат вақиллари қора ишларни бажарган. Руслар эса машинист ва механик лавозимларини эгаллаганлар. Ўзбеклар жами ишловчиларнинг 51,7 фоизини ташкил қилган. Фарғона вилоятидаги заводларда 368 нафар рус ва 774 нафар ўзбек меҳнат қилган. Фарғона вилоятидаги ишловчиларнинг 18,3 фоизи ва Самарқанд вилоятидаги ишчиларнинг 43,5 фоизи завод ётоқхонасида истиқомат қилишар эди. Ишловчиларнинг иш ҳақи жуда оз бўлиб, уларнинг шароитини яхшилашга бор-йўғи 12886 сўм сарфланган, холос.

Пахта тозалаш ва ёғ заводларидан келтираётган катта даромад фирмалар ўртасида ўзаро рақобатни юзага келтирди. Натижада айрим фирмаларнинг Иттифоқи юзага келди. Масалан, 1913 йилда «Владимир Алексеев», «Москва савдо ширкати», «Ака-ука Шлосберг», «Ярославль катта мануфактура ширкати» ва «Ўрта Осиё ва Афғонистон савдо ширкати», «Ака-ука Вадьяевлар» фирмасининг рақиби сифатида ишга киришди. Чунки бу фирма

<sup>269</sup> *Ўша жойда*, 147-бет.

<sup>270</sup> *Ўша жойда*, 149-бет.

<sup>271</sup> *Ўша жойда*, 156-бет.

Вилоятлар	Руслар			Ўзбеклар	Қирғизлар	Эронликлар	Дунганлар	Тожиклар	Бошқалар	Жами			Фонзи			
	эркаклар	аёллар	болалар							эркаклар	аёллар	болалар		эркаклар	аёллар	болалар
<b>Ишлаб чиқаришда</b>																
Фарғонада	79	2	1	574	5	130	8	—	15	811	2	1	—			
Сирдарёда	—	—	—	22	—	—	—	—	—	22	—	—	—			
Самарқандда	22	2	2	68	—	—	—	—	—	90	2	2	—			
Жами	101	4	3	664	5	130	8	—	15	923	4	3	54,1			
<b>Машиностлар ва механиклар:</b>																
Фарғонада	18			—	—	—		—	1	19	—	—	—			
Сирдарёда	1			—	—	—		—	—	1	—	—	—			
Самарқандда	6			—	—	—		—	—	6	—	—	—			
<b>Машиност ва механик ёрдамчиси:</b>																
Фарғонада	16			—	—	—		—	1	17	—	—	—			

Гулаҳлар																							
Фарғонада	16		25				20									61							
Сирдарёда	4															4							
Самарқандда	10		2													12							
<b>Ёловчилар:</b>																							
Фарғонада	25		18												18	61							
Сирдарёда	2															2							
Самарқандда	5		3													8							
<b>Двигателларда:</b>																							
Фарғонада	9		8													17							
<b>Жами</b>	<b>112</b>		<b>56</b>				<b>20</b>								<b>20</b>	<b>208</b>							<b>121</b>
<b>Таъмирлашда:</b>																							
Фарғонада	120	11	40				2								24	186							11
Самарқандда	6		3													9							
<b>Жами</b>	<b>126</b>		<b>43</b>				<b>2</b>								<b>24</b>	<b>195</b>							<b>11</b>
<b>Қора ишларда:</b>																							
Фарғонада	63		53	1	77			30		8						232							
Сирдарёда	—				1											1							

Самарқандда	1	-	-	14	-	-	-	-	-	-	15	-	-	-
<b>Жами</b>	<b>64</b>	-	-	<b>67</b>	<b>1</b>	<b>78</b>	-	<b>30</b>	<b>8</b>	<b>248</b>	-	-	-	<b>14,4</b>
Четдаги ишловчилар														
Пиеда юрुвичилар:														
Отликлар:	8	-	-	54	-	46	10	-	5	123	-	-	-	-
Фарғонада				2						2				
Самарқандда	-	-	-	3	-	-	-	-	-	3	-	-	-	-
<b>Жами</b>	<b>8</b>	-	-	<b>59</b>	-	<b>46</b>	<b>10</b>	-	<b>5</b>	<b>128</b>	-	-	-	<b>7,4</b>
Жами ишловчилар сони														
Фарғонада	354	2	12	774	6	275	18	30	72	1.529	2	12	89,8	
Сирдарёда	7	-	-	22	-	1	-	-	-	30	-	-	1,8	
Самарқандда	50	2	2	93	-	-	-	-	-	143	2	2	8,4	
Ўлка бўйича жами	411	4	14	889	6	276	18	30	72	1702	4	14	100	
Фоиизи		24,9	0,4	51,7	16,0	1,1	1,7	4,2	-	-	-	-	100	



Кўрик ердаги Вадъяев пахта заводи омбори.

пахта ва ёғ савдоси бўйича тобора кучайиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда эди.

Фарғона ва ўлканинг бошқа вилоятларидан ёғ Россияга узлуксиз жўнатиб турилган. Бизнинг ихтиёримизда Россияга олиб кетилган пахта ёғининг умумий миқдорига доир қуйидаги маълумотлар мавжуд.<sup>272</sup>

1907 йил — 525685 пуд	1912 йил — 2382812 пуд
1908 йил — 569733 пуд	1913 йил — 211119 пуд
1909 йил — 1102876 пуд	1914 йил — 1789899 пуд
1910 йил — 1575980 пуд	1915 йил — 1426238 пуд
1911 йил — 1772186 пуд	1916 йил — 566876 пуд

Бу катта миқдордаги ёғнинг асосий қисми Фарғона вилоятида тайёрланган. Бошқа манбада кўрсатилишича, Фарғона вилоятининг ўзидан Россияга 1914 йилда 2090038 пуд ва 1915 йилда 2696735 пуд пахта ёғи юборилган.<sup>273</sup>

Пахта ёғи асосан турли фирмалар томонидан олиб кетилган бўлса-да, лекин маҳаллий миллат вакиллари бўлган айрим завод эгалари ҳам ёғни бевосита Россияга жўнатган вақтлар бўлган. 1913 йилда Қорабек Ботирбе-

<sup>272</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-90, 1-рўйхат, 2-иш, 26-бет.


<sup>273</sup> *Ўша жойда.*

ков дастлаб ўзининг заводида ишлаб чиқарган 836 пуд, сўнгра 829 пуд ёғни Санкт-Петербургга, 722 пуд ёғни Лодз шаҳрига жўнатган.<sup>274</sup>

Пахта ёғи Фарғона вилояти ва умуман ўлкада Москва, Самара, Нижний Новгород, Қозон, Саратов, Ярославль, Астрахань, Кастрома, Одесса, Ростов, Киев, Таганрог, Боку, Батуми, Новороссийский шаҳарларига, Сибирь ва бошқа жойларга тарқатилган.<sup>275</sup>

Вилоятдан Россияга чигит ҳам жўнатилган. Масалан, 1913 йилда 9942289 пуд чигит олиб кетилган.<sup>276</sup>

Ёғ заводларида катта миқдорда кунжара ҳам чиқарилган. У маҳаллий эҳтиёж учун сарфланиши билан бир қаторда Россияга ҳам жўнатилган. Масалан, 1912 йилда Туркистон ўлкасидан жўнатилган 2593381 пуд кунжаранинг ярмидан кўп қисми Фарғона вилоятида ишлаб чиқарилган эди. Аммо кунжара савдоси ҳамма вақт бир маромда бўлмаган. Унинг миқдори 2 миллион пудга етмаган пайтлар ҳам бўлган. Чунончи, ўлкадан олиб кетилган кунжаранинг миқдори 1908 йилда 1032921 пудни, 1909 йилда 1758407 пудни, 1910 йилда 1971917 пудни 1911 йилда 1336528 пудни ташкил қилган эди.<sup>277</sup>



Ёғ жувози шундай эди.

<sup>274</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-214, 1-рўйхат, 116-иш, 18, 21, 23, 26-бетлар.

<sup>275</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-90, 1-рўйхат, 75-иш, 314 – 315-бетлар.

<sup>276</sup> *Ўша жойда*. 21-бет.

<sup>277</sup> *Ўша жойда*. 22-бет.



Пахтанинг чиқиндиси ҳисобланган линтер ҳам эътибордан четда қолмай, кўпроқ Волга бўйлари ва Лодзга олиб кетилган. Шунингдек, ёғ заводларининг шелуха ва кир совун каби маҳсулотлари ҳам Россия бозорларида сотилган.

Шундай қилиб, айтиш керакки, пахтадан олинган ёғ, кунжара, шелуха, линтер сингари қимматли ва даромадли маҳсулотлар ҳам Россияга жўнатилиб турилган.

## Тоғ-кон саноати

Туркистон ўлкасида қадимдан фойдали қазилмалардан кенг фойдаланилган. Улардан харбий қуроқлар, уй-рўзғор буюмлари ва хунармандчилик асбоблари тайёрланган. Шунини айтиш лозимки, конларни техника жиҳатидан такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга етарли даражада аҳамият берилмаган. Натижада оддий қуроқлар ва қўл кучидан фойдаланиш асрлар оша давом этган. Ҳатто конлар ўз холига ташлаб қўйилган вақтлар ҳам бўлган. Бундай ҳолат XVI—XIX асрларда, яъни хонликлар даврида кўзга ташланган эди. Фойдали қазилмалардан фойдаланмаслик хонликлар даврида қолоқлик ва инкирозларни юзага келтирган асосий сабаблардан биридир.

XVIII аср охирида мустақил Тошкент ҳукмдори Юнусхўжа олтинни қўлга киритиш мақсадида рус императоридан мутахассислар юборилишини сўраган. Император буни инобатга олиб, Т.С. Бурнашев ва М. Поспеловларни Тошкентга юбориш ҳақида кўрсатма берган. Улар 1800 йилда Тошкентга келиб Юнусхўжа томонидан қабул қилинганлар. Сўнгра шаҳар атрофидаги тоғларда қидирув ишлари билан шуғулланиб, бу ерларда олтин йўқлиги тўғрисида Юнусхўжага ахборот беришган. Кон жиҳозлари ва мутахассислар йўқлигини маълум қилиб, конларни ишга туширишнинг иложи йўқлиги ҳақида хулоса билдиришган.<sup>278</sup> Дарҳақиқат, ўша вақтларда конларни очишга мутлақо имкон йўқ эди. Темир йўлларнинг йўқлиги сабабли Россиядан тегишли жиҳозлар ва мутахассислар келтиришнинг иложи бўлмаган.

---

<sup>278</sup> Центральный государственный Исторический архив России в Санкт-Петербурге. Ф. 1374, опись.3. Д.2306. Л. 240.

Шу тариқа Юнусхўжанинг ўта даромадли орзуси рўёбга чиқмай, руслар ватанига қайтиб кетганлар.

Россия хонликларни босиб олганидан кейин фойдали қазилмаларни очишга киришилди. Бу иш Фарғона вилоятида анча қизғин тус олган. Маълумки, вилоятда нефть ишлаб чиқаришни ўзбеклар аллақачонлар йўлга қўйган эди.

Бу ишни рус савдо-саноат вакиллари давом эттириб, ривожлантириб бордилар. Улар ўз фаолиятини 1868 йилдаёқ бошлаб, Қўқон хони Худоёрхон билан келишилган ҳолда нефть ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Бу ишга Феодоров, Хлудов, Зако, Громов ва бошқалар қўл урган бўлиб, шартномага кўра хонликка маҳсулотнинг ўндан бир қисми берилиши керак эди. Бироқ техника жиҳозлари етишмаслиги ва бошқа қийинчиликлар сабабли иш тўхтатилган. Қўқон хонлиги тугатилгандан кейин фойдали қазилма конларини очиш ҳаракати кучайиб кетди.

1883 йилда тadbиркор Герман хозирги Фарғона шаҳрининг атрофида нефтдан керосин олишни йўлга қўйди. Аммо маблағ етишмаслиги сабабли унинг фаолияти ҳам тўхтаган. Бироқ нефть ишлаб чиқаришга қаратилган ҳаракат давом этиб, 25 та кон борлиги аниқланган бўлса-да, улардан тўрттасигина маҳсулот берган. Чунончи, 1888 йилда Андижон уездида 2000 челақдан ортиқ, 1899 йилда 8809 пуд нефть тайёрланган. Нефтдан мум ва хилка (қурилиш жиҳози) олинар эди.

1889 йилда водий ҳудудига темир йўлнинг кириб келиши муносабати билан нефтга бўлган талаб кучайди. Шу боис нефть қазииш ишлари борган сари ўсиб борган. Конлар капиталистларга ижарага берилди.

1895 йилда улар Наманган уездида 350 пуд, Андижон уездида 5430 пуд (4140 сўмлик), бундан ташқари шағал заррачалари аралашган 10,310 пуд (2522 сўмлик) нефть олинган. Вилоятда тошкўмир конини очиш ҳам бошланиб, унинг миқдори Наманган уездида 34,000 пудни ташкил этган эди.

Шунингдек, Қўқон уездидаги Хонтахт деган жойда 498 пуд алибастр, катта миқдорда ош тузи ишлаб чиқарилган.<sup>279</sup>

---

<sup>279</sup> Обзор Ферганской области за 1895 г., Новый Маргелан, 1896, С.29.

XIX аср охирларида тоғ-кон саноати ҳали унчалик ривожланмаган эди. Бу тўғрида жонли гувоҳлардан бири шундай ёзган: Шубҳасиз, Фарғона вилояти фойдали қазилмаларга бой минтақадир. Бирок бу соҳада дастлабки қадам қўйилган, холос. Тоғ-кон саноатининг ривожланмаслигига техника жиҳозлари ва маблағ етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Шу боис тошқўмир, нефть, олтингургурт, ганч ва ош тузи маҳаллий эҳтиёжни қондириш учунгина ишлаб чиқарилмоқда.<sup>280</sup>

1900 йилда Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурияти тоғ конларида қидирув ишлари учун 2500 сўм ажратди. Шундан кейин инженер Ковалев бошчилигида бир гуруҳ темир йўл инженерлари Чимёнда ишлаб, нефть бўйича яхши натижаларга эришган. Темир йўл инженерларининг кон ишларига аралashiшидан мақсад паровозларни нефть ёқилғиси билан таъминлашдан иборат эди. 1901—1904 йилларда инженер Михайлов ҳам нефть конларини ишга тушириш бўйича фойдали ишлар қилган. Натижада нефтнинг отилиб чиқишига эришилди. Масалан, Наманган уездидаги Чимён ва Мойлисой конлари шулар жумласидан.

1901 йилда Фарғона нефть саноати ширкати нефть конини очиб, маҳсулот ола бошлади. 1904 йилда у «Чимён тоғ нефть саноати» ширкатига айлантирилди. У 2000000 сўм маблағга эга эди. Ширкат 20 та кон очган. Бирок барча конларни ишга туширишнинг иложи йўқлиги боис улардан айримларигина маҳсулот бериб турган. Масалан, 1-сонли кондан бир кеча-кундузда 500 пуд, 2-сонли кондан 400 пуд, 3-сон кондан 70 пуд, 4-сонли кондан 260 пуд, 5-сонлидан 1500 пуд, 6-сонлисидан 800 пуд нефть олинган.

Конларда 240 нафар киши ишлаб, улардан 63 нафари руслар мастер лавозимида меҳнат қилар эди. Қора ишларда эронликлар ва татарлар ишлаган. Мастерлар кунбайига 70 тийиндан 3 сўмгача иш ҳақи олишган. Чимён, Мойлисой, Солроҳ ва бошқа нефть конлари капиталистларга ижарага берилганди. Чунончи, Мойлисой конини князь Хилков бошқариб бир кеча-кундузда 15200 пуд нефть қазиб чиқарган. Унда 47 нафар киши ишлаган. Ўрта Осие нефть ширкати («Санто») Солроҳдаги

---

<sup>280</sup> Ўша жойда, 29-бет.

нефть конида 74 нафар кишини ишлатган. Булардан 51 нафар рус, 2 нафар қирғиз, 16 нафар эронлик ва 2 нафар қозонлик татарлар эди. Руслар мастерлар лавозимида бўлганлар, бошқалар қора ишларни бажарган. Оддий кишилар кунбайига 80—90 тийин, мастерлар 110—240 тийин иш ҳақи олганлар.

1906 йилга оид маълумотда кўрсатилишича, Фарғона вилоятида, хусусан, Қўқон уездида 30800 пуд, Марғилон уездида 4285600 пуд ва Наманган уездида 4460 пуд, жами 4320860 пуд нефть ишлаб чиқарилган.<sup>281</sup> Бу ўз даври учун катта миқдордаги маҳсулот эди.

Темир йўлнинг Ваннав бекатида «Чимён» жамоаси томонидан қурилган бензин ва керосин корхоналарида бир кеча-кундузда нефтдан 30000 пуд маҳсулот ажратилган. 1906 йилда бензини олинган нефть миқдори 3000000 пуд бўлган. 1907 йилнинг 9 оyi мобайнида 1800000 пуд бензини олинган нефт, 140000 пуд бензин тайёрланган. 1907 йилнинг октябридан 1909 йилнинг январигача 2500000 пуд нефтдан 470000 пуд керосин ва 175000 пуд бензин олинган. Нефть асосан Ўрта Осиё темир йўлининг эҳтиёжи учун сарфланган. Ишлатилган маҳсулотнинг умумий миқдори 6500000 пудни ташкил қилган. Чимёндаги нефтдан 4 фоиз бензин, 26 фоиз керосин олинган. Унинг таркибида парафин моддаси ҳам бўлган.<sup>282</sup>

Умумлаштирилганда Фарғона вилояти бўйича нефть қазиб чиқариш миқдори қуйидагича эди.<sup>283</sup>

(пуд ҳисобида)

1901 йил — 11595	1908 йил — 2830627
1902 йил — 22570	1909 йил — 847742
1903 йил — 33455	1910 йил — 1737116
1904 йил — 70000	1911 йил — 1737014
1905 йил — 2053695	1912 йил — 2421679
1906 йил — 4320480	1913 йил — 2337173
1907 йил — 3239079	

<sup>281</sup> Обзор Ферганской области за 1906 г., Новый Маргелан, 1907, С.42.

<sup>282</sup> Пален К.К. Ўша асар, 89-бет.

<sup>283</sup> Деҳқонов А. Ўзбекистонда тоғ-қон саноатининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихидан. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 12-сон, 1977, 60-бет.

Бинобарин, 1901 йилда 11595 пуд нефть олинган бўлса, 1905 йилга келиб у 2 миллион пуддан ошиб кетган. Кейинги йилда 4320480 пудни ташкил этиб, юқори даражага кўтарилган. Аммо кейинги йилларда гоҳ камайиб, гоҳ кўпайиб турди. Чамаси бу ҳолат нефтга нисбатан бўлган талабга боғлиқ бўлган.

Фарғона вилоятида фақат нефть эмас, балки тошкўмир ишлаб чиқариш ҳам салмоқли ўринни эгаллаган. 1905 йилда тошкўмир кони тадбиркор Александров томонидан Қўқон уездига қарашли Шуробда ишга туширилган. Бу ерда даставвал 813000 пуд кўмир олинган. 1907 йилнинг февралидан 1908 йил декабригача 186000 пуд маҳсулот тайёрланган.

Конда руслар, қирғизлар, афғонлар ва тожиклар ишлаб, иш ҳақини ўз вақтида ололмаган. Шахта эгаси улардан 4000 сўм қарздор бўлиб қолган. Тошкўмир конлари Андижон атрофидаги Чанғитсув, Навқа, Қизилқия, Маркасой, Исимбулок, Жал, Сулюк, Япалан, Жинжиган деган жойларда ишга туширилган. Жалдаги конда 28 нафар рус, 12 нафар тожик, 7 нафар қозон татарлари, 3 нафар эронлик, 2 нафар ўзбек, жами 52 нафар киши меҳнат қилган. Жинжиган конида 1898 йилдан то 1905 йилгача 3 миллион пуд кўмир қазиб олинган.

Норин дарёсининг атрофидаги кондан 1905 йилда 5000 пуд, 1906 йилда 33000 пуд, 1907 йилда 51000 пуд ва 1908 йилда 70000 пуд кўмир олинган. Тошкўмир Кўктепа деган жойда ҳам олинган.

Вилоятда очилган конларнинг ҳаммаси мунтазам ишлайвермаган. Масалан, 1901 йилда 7 та кондан учтаси, 1908 йилда 7—8 та, 1910 йилда 10 та ва 1913 йилга келиб 17 та кон маҳсулот берган.

XX асрнинг бошларида Фарғона вилоятида қазиб олинган кўмирнинг ҳажми қуйидагича бўлган:<sup>284</sup>

(пуд ҳисобида)

1901 йил — 235429	1908 йил — 1112319
1902 йил — 356490	1909 йил — 1617871
1903 йил — 981969	1910 йил — 2227380
1904 йил — 846169	1911 йил — 3972068
1905 йил — 1378018	1912 йил — 3740378
1906 йил — 1471346	1913 йил — 602207
1907 йил — 830000	

<sup>284</sup> Ўша жойда.

Агар 1901 йилда 235429 пуд кўмир қазиб олинган бўлса, кейинги йилларда бу рақам ошиб борганлиги кўзга ташланади. Хусусан, 1905 йилда 1378018 пуд, 1910 йилда 2227380 пуд ва 1911 йилда 3972068 пуд кўмир олинган. Айрим йилларни ҳисобга олмаганда тошкўмир қазиб ривожланиб борган эди. Шуроб, Маркасой, Қизилқия ва Сулюк кўмирларининг сифати яхши ҳисобланган.

Кўмир қазиб олиш миқдорининг уездлар бўйича кўрсаткичи қандай бўлганлигини қуйидаги маълумотлардан билиш мумкин. 1906 йилда Қўқон уездида 304447 пуд, Марғилонда 1101700 пуд, Наманганда 82000 пуд ва Ўшда 33139 пуд кўмир тайёрланган. Шундай қилиб барча уездларда кўмир қазиб чиқарилиб, бу соҳада Марғилон биринчи ва Ўш уезди охириги ўринда турган.

Фарғона вилоятида мис кони ҳам очилган. 1900 йилда Бельгия саноат ширкати Супатепадаги конни ишга тушириб, мис ола бошлаган. Аммо, у 1904 йилда ўз фаолиятини тўхтатган. Вилоят бўйича 1902 йилда 39100 пуд мис чиқарилган. 1906 йилда Қўқон уездида 3560 пуд, Наманган уездида 8945 пуд, жами 12505 пуд мис қазиб олинганлиги маълум. 1912 йилда 61214 пуд мис олинган. Бу ҳисобга Марғилон уезидан олинган мис ҳам қўшилиб унинг 30000 пуди Санкт-Петербургга жўнатилган. Вилоятда озокерит ҳам олинган. Унинг миқдори 1905 йилда 10350 пудни, 1910 йилда 32445 пудни ташкил этган эди. Озокерит Россия орқали хорижий мамлакатга ҳам юборилган. Вилоятдаги Қўқон уездида 1906 йилда 12400 пуд, 1911 йилда 1000 пуд олтингургурт олинган. Қўқонда асфальт ҳам олиниб, 1906 йилда 9000 пудни ташкил этган. Ўша йили 1934182 пуд ош тузи тайёрланган. Туз ишлаб чиқариш узлуксиз давом этган.

Шундай қилиб, Фарғона вилоятида нефть, тошкўмир, мис, олтингургурт, озокерит, асфальт ва ош тузи сингари ер ости бойликлари қазиб олинган.

XIX асрнинг охириларида Сирдарё вилоятида тоғ саноати дастлабки қадамни қўйган эди. Бундай кечикишга техника жиҳозлари ва маблағ етишмаслигидан ташқари табиий бойликларнинг озлиги ҳам сабаб бўлган. 1886 йилда ҳарбий инженер томонидан Чимкент уездидаги Арис арифининг ўнг томонида кўмир кони очилган. Бу ерда 1895 йилда 20000 пуд кўмир олинган. Ўша уездга қарашли Татаринов конидан 1905 йилда 33750 пуд (3375

сўмлик) ва 1906 йилда 32100 пуд (4815 сўмлик) махсулот чиқарилган.

1908 йилда Тошкент шахридан 60 чақирим наридаги Карамкўлда Первушин томонидан кўмир кони очилиб, 40000 пуд кўмир қазиб олинган. Кейин кон «Разведка» деб аталган рус тоғ-кон саноати ширкатининг қўлига ўтказган.

1913 йилги маълумотларга кўра Сирдарё вилоятида фойдали қазилмалар, жумладан, кўмир конлари Чимкент ва Тошкент уездларида (73-жадвал)<sup>285</sup> жойлашган бўлиб, 48 нафар ишловчи 133300 пуд махсулот ишлаб чиқарган.

73-жадвал

Кон эгаларининг номи	Конлар очилган жойлар	Ишловчилар сони	Махсулотнинг ҳажми (пуд)	Махсулотнинг нархи (сўм)
<b>Кўмир конлари:</b>				
Рудометкин	Чимкент уезди	10	10000	8000
Ольчинова ва Савинкава	—	19	67300	6057
Бацевич	Тошкент уезди	4	15000	—
Жами	—	48	133300	—
<b>Мис жинси:</b>				
Бацевич	Тошкент уезди	9	7500	—
Бацевич	—	14	5500	—
<b>Туз қазилмалари:</b>				
	Авлиёота уезди	—	—	—
Тўқберганов		10	38000	—
Саидвали Тўраев	—	1	3000	—
Қозоқлар жамоаси	Чимкент уезди	—	58500	2340
Баткент	—	10	36000	—

<sup>285</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1913г., Т., 1916. С.87.

Умарали Муллажонов	Казалин уезди	32	299400	—
Сак кўли	Амударё бўлими	—	8150	—
Машакли	—	—	18800	—
Жами	—	53	461800	—
<b>Ганч:</b>	<b>Чимкент уезди</b>	<b>2</b>	<b>7600</b>	<b>1140</b>
<b>Оҳак:</b>				
Қорачик	—	1	7500	1500
Хактоғ	Амударё бўлими	—	3100	—
<b>Жами</b>		<b>3</b>	<b>18200</b>	<b>—</b>

33 та кондан 92300 пуд кўмир қазилган. Мис Тошкент ва Авлиёта уездларида топилиб, 23 та конда 13000 пуд қазиб олинган. У анча кичик кон ҳисобланиб, бор-йўғи 23 нафар киши ишлаган. Ош тузи Авлиёта, Чимкент, Казалин уездлари ва Амударё бўлимида 461800 пуд қазилган.

7600 пуд ганч ва 18200 пуд оҳак тайёрланган. Конларнинг энг аҳамиятлиси Рудо Меткин, Ольчинова, Савинкова ва Бацевич сингари капиталистлар ихтиёрида бўлган. Бацевичнинг қўл остида кўмир ва мис конлари бор эди. Маҳаллий аҳоли вакиллари туз конларини бошқариш билан чекланган. Юқорида кўрсатилган конларда 104 нафар киши ишлаган. Умуман айтганда, Сирдарё вилоятида тоғ-кон саноати кенг кўламда ривожланмаган эди.

Бундай ҳолатни Самарқанд вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ерда 1895 йилда 12 та кўмир, битта графит, битта кўрғошин, 2 та нефть, битта ляпись-лазур, битта олтингугурт, жами 18 та майда кон мавжуд эди. Уларнинг айримлари ишламаган, асосан кўмир ишлаб чиқарилган. Дастлабки кўмир кони Пётрова ва Ивановлар томонидан Хўжанд уездидаги Кўкинасойда ишга туширилган.

1887 йилда бу конларнинг биринчисида 234083 пуд ва иккинчисида 110000 пуд кўмир қазиб олинган.<sup>286</sup> 1895

<sup>286</sup> Обзор Самаркандской области за 1887, Самарқанд 1888, С.30.



йилда кўмир қазиб чиқаришда бир оз ўсиш кўзга ташланди. Бу вақтда конлар сони учтага етиб, Пётрованинг конида 250000 пуд кўмир қазиб олинган. Бирок Ивановга қарашли конда бор-йўғи 30000 пуд кўмир олинб, самарадорлик пасайиб кетган. Аммо Самарқанд уездида янги очилган кондан 85000 пуд кўмир олинганлиги юқорида қайд этилган самарасизлик ўрнини қоплаган. Вилоятдаги учта кондан жами 365000 пуд кўмир қазиб олинган.

1902 йилда кўмир конлари сони 5 тага етиб, уларнинг биринчисида 182500 пуд, иккинчисида 184915, учинчисида 192169, тўртинчисида 11150 ва бешинчисида 6000 пуд кўмир қазиб чиқарилган. 1905 йилда Бауэрнинг конида 86000 пуд, Краузеникида 30000 пуд, Пётрованикида 40000 пуд ва Овсяновникида 700000 пуд, жами 856000 пуд кўмир қазиб чиқарилган. Кўмир қазиб чиқариш ва ундан келадиган даромадни янада ошириш учун тadbиркор Краузе 1905 йилда 1500000 сўм маблағи билан ошириш мақсадида Туркистон тошкўмир ва тоғ-кон саноати акциядорлик жамияти тузган.<sup>287</sup>

1906 йилда ўша конларда 184 нафар киши ишлаб, 650000 пуд кўмир олинган. Ишловчилар кунбайига 40–50 тийин меҳнат ҳақи олганлар. Кейинги йилда самарадорлик бир оз ўсиб, 175 нафар ишловчи 666824 пуд кўмир қазиб олганлар.

Вилоятда оз миқдорда ош тузи, ганч, оҳак ва нашатир етиштирилган. Демак, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида тоғ-кон саноати Фарғона водийсидан фарқли ўлароқ кенг ривож топмаган.

XX асрнинг бошларида ўлкада 27 та кўмир, 17 та нефть, 10 та мис, 4 та асфальт, 4 та озокерит, 4 та олтингургурт, 7 та туз, 8 та ганч, 3 та оҳак, битта нашатир ва битта кварц кони мавжуд эди. Аммо туз конларидан ташқари қолган барчаси капиталистларнинг, яъни келгиндиларнинг эгаллигида бўлиб, даромадлар уларнинг хамёнига ва Чор ҳукуматининг хазинасига тушган. Конларга қуйидагилар эгаллик қилган:

---

<sup>287</sup> Обзор Самаркандской области за 1895 , Самарқанд, 1896, С-40.

Манин	Назаров	Баршевский
Савинков	«Чимён»	Раевский
Мишенков	Никоревич	Шот
Иванов	Александров	Рокитин
Пётрова	Свечов	Фосс
Олгинова	Серов	Нобель
Савицкая	Мурзинов	Бакланов
Бацевич	Солодухин	Туркистон
Овсянниво	Хилкав	Кўмир ва тоғ са- ноати
Краузе	«Санъто»	Алексеев
Ростов	Первушин	Герман
Романов	Фавиц	

Кўриниб турибдики, қимматли фойдали қазилмаларга ўзбеклар яқинлаштирилмаган. Бундан мақсад даромадларнинг бўлиниб кетишига йўл қўймаслик эди. Ўзбеклар кам даромадли туз конларигагина эгалик қилганлар, холос. Ўлкада кўпроқ нефть, тошкўмир ва мис қазиб чиқарилган. Тоғ жинсларидан айримлари, хусусан, мис қимматли хом ашё ҳисобланган. У Фарғона вилоятидаги Новкат, Сипанау, Чилмахрам, Туямўйин, Жидбулок, Хўжанд уездидаги Мўғул тоғ ва Мирза Робот, Чимкент уездидаги Ожурай, Кур, Куркуксой, Тошкент уездидаги Карамқўл ва Оқтошдаги конларда қазиб чиқарилган. Фарғона вилояти нефть ва кўмир қазиб олишда ҳам олдинги сафда турган. Кўмир Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида қазиб чиқарилаётган фойдали қазилмаларнинг асосий қисмини ташкил этар эди.

Бухоро хонлигига келганда шуни айтиш лозимки бу ерда тоғ-кон саноати ҳали етарли даражада йўлга қўйилмаган эди. Хонликда капиталистлар олтин конлари билан шуғулланган. Масалан, 1897 йилда инженер П.А.Жоравко, Покорский Сафет дарёсидан 1—1,5 пуд олтин зарраларини олган. 1909 йилда эса 1372 пуд олтин олинган. У ўзининг 15 йилдан ортиқроқ фаолияти мобайнида Амир хазинасига 2,5 пуд олтин берган, холос. Пировардида у касодга учраб, ишни тўхтатган. Олтин кони билан тадбиркор Г.А. Сираас ва генерал Покатило ҳам шуғулланган. Аммо улар мақсадга эриша олмай, фаолиятни тўхтатишга мажбур бўлди.

Хива хонлигида эса табиий бойликлар йўклиги сабабли конлар ишга туширилмаган.

Туркистон генерал-губернаторлигига қарашли вилоятларда тоғ-кон саноати вужудга келган бўлса-да, лекин техника жиҳатидан жаҳон андозаси даражасидан анча орқада эди. Тоғ-кон саноати Чор ҳукумати ва капиталистларнинг манфаати учун хизмат қилган, холос.

### **Темир йўллар қурилиши ва унинг аҳамияти**

Чор ҳукумати ва капиталистлар ўлка бойликларини бутунлай қўлга киритиш ва ўз мақеини мустаҳкамлаш мақсадида темир йўллар қуришга астойдил киришдилар. Бу ўринда шуни айтиш лозимки, ўлкада темир йўллар қуриш ғояси Чор ҳукумати хонликларни босиб олишидан олдинроқ кўтарилиб, турли фикр-мулоҳазалар баён этилган эди. Чамаси хонликларнинг босиб олинишига ишонч қатъий бўлганлиги учун бу масала олдиндан ўртага ташланган. Чунончи, 1854, 1856, 1857 ва 1858 йилларда темир йўллар қуриш бўйича лойиҳалар тайёрланган. Бу масала 1869—1880 йилларда ошқора кўтарилиб, турли фикрлар билдирилди.

Хусусан, Каспий ва Орол денгизи оралиғида, Оренбург — Тошкент йўналишида, Каспийортида темир йўллар бунёд этишга доир таклифлар баён қилинди.

Бу вақтларда Чор ҳукумати туркманларни бўйсундириш учун курашаётган эди. Аммо 1879 йил Ахалтекиндаги жангда рус аскарлари мағлубиятига учраб, аҳвол ниҳоятда оғирлашди. Карвон йўлларининг узоклиги ва табиий шароит оғирлиги сабабли руслар ўз қўшинларини ўз вақтида қўшимча ҳарбий қисм ва қурол-аслаҳа билан таъминлаб туришнинг иложини тополмади. Шу боис Каспийорти темир йўлини қуришга киришилди. Иш 1880 йилда бошланиб, темир йўл Каспий денгизининг Михайловский қўлтиғидан Қизиларвотгача бўлган масофага етказилди. Шундан кейин у Красноводскка, 1885 йилда Ашхободга, 1886 йил бошида Самарқандга олиб келинди. 1898 йилда йўл Марвдан Кушкагача узайтирилди. 1895—1899 йилларда Самарқанд — Тошкент орқали Андиконга олиб борилди.

Каспийорти темир йўлининг қурилишида 100 минг нафар киши иштирок этган. 1896 йилга тегишли маълумотга кўра қурилишнинг биринчи қисмида 5900 нафар ўзбек, 3600 нафар рус, 2520 нафар эронлик, 700 нафар арман, 330 нафар лезгин ва 50 нафар италиялик қат-

нашган. Курилишнинг иккинчи қисмида 733 нафар, учинчи қисмида 860 нафар ўзбек ишлаган.<sup>288</sup>

XIX аср охирларида Каспийорти темир йўли ўлканинг ичини ҳам қамраб олганлиги учун 1898 йилда Ўрта Осиё темир йўли номи билан аталди. У бир нечта бекатга эга бўлган:

Бекатлар номи	Масофаси	Ишга туширилган
	(чақирим)	(йил)
Жабал — Қизиларвот	126—315	1881
Қизиларвот — Чоржўй	315—1070	1886
Чоржўй — Самарқанд	1070—1416	1888
Красноводск — Жабал	1—126	1896
Самарқанд — Андижон	496	1898
Марв — Кушка	294	1898
Черняев — Тошкент	1606—1748	1899
Горчаков — Скобелев	8	1912
Ашхобод — Феруза	32	1915

Жами 18 та бекат қурилиб, улар 12 йил мобайнида ишга туширилган. Шундай қилиб, Каспий денгизи темир йўл орқали Тошкент, Самарқанд, Андижон ва туркманларнинг ерларига уланганди.

Гарчанд темир йўл даставвал ҳарбий мақсадларда қурилган бўлса-да, ўлкани хом ашё манбаи ва тэйёр маҳсулотлар бозорига айлантиришда муҳим роль ўйнади. Аммо унинг ўзига хос камчиликлари мавжуд эди. Авваламбор, темир йўл Каспий денгизидан бошланганлиги учун ўлкани Россиянинг марказий жойлари билан боғланишни қийинлаштирди. У айланма йўл бўлганлиги учун кўп вақт ва қўшимча маблағ сарфлашни талаб қилган. Товарлар йўлларда узоқ сақланиши натижасида уларнинг сифати бирмунча пасайиб, таннархи ошган. Ай-

<sup>288</sup> Ахмаджонова З.К. К истории строительства железных дорог в Средней Азии. (1880—1917 гг.) Т., 1965, С-81.

ниқса қаттиқ совуқда Каспий денгизнинг музлаши молларнинг жойларда туриб қолишига сабаб бўлган. Юқлар Узунада ёки Красноводск бекатида кемаларга ортилиб, Петровск — Доғистонда яна вагонларга ортилган. Шундан кейин Астраханда Каспий денгизидаги кемаларга ортилиб, кўп қийинчиликлардан сўнг Волга дарёси орқали Нижний-Новгород, Москва, Варшава ва бошқа жойларга олиб кетилган.

Шу боис Оренбург — Тошкент темир йўлини қуриш масаласи кўтарилди. Умуман олганда Каспийорти темир йўли замон талабига етарли даражада жавоб беролмай қолди. Бу хусусда ўша даврдаги муаллифлардан бири шундай ёзган:

Россия ўз чегарасини Шарқ томон кенгайтириб, тарихий мақсадига эришди. Шубҳасиз, келажакда Туркистон ўзининг бойликлари билан империянинг энг илғор ўлкасига айланади. Бунга эришмоқ учун ўлкани Россиянинг юраги — Москва билан боғлайдиган Оренбург — Тошкент темир йўлини қуриш лозим. Бу ишнинг амалга оширилиши фақат савдо-саноат доирасини эмас, балки давлат манфаатини ва сиёсий мақсадни таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади. Оренбург — Тошкент темир йўли фавқулодда вазиятларда ҳарбий кучларни келтиришни тезлаштиради. Давлатнинг Туркистондаги мавқеини янада мустаҳкамлайди. У Оренбург ва Самарадан галлани кўплаб олиб келиш имконини яратиб, ўлкада буғдой етиштирилаётган экин майдонларини пахтага бўшатиб бериши аниқ. Фалланинг олиб келиниши Оренбург ва Самара вилоятларининг қишлоқ хўжалиги ривожланишига таъсир этади. Рус галласини кўплаб келтириш ҳисобига пахта майдонларининг кенгайиши пахтачиликни ривожлантириб, Россия чет эл пахтасига қарамликдан холи этади. Айни пайтда хориж пахтасига сарфланаётган ўн миллионлаб сўмларни тежайди. Масалан, фақатгина 3 миллион пуд пахта 30 миллион сўмни Россия фойдасига қолдиради.<sup>289</sup>

Мазкур сатрлардан кўриниб турибдики, темир йўлларни қуришдан мақсад мустамлакачилик сиёсатининг самарадорлигини оширишдан иборат эди.

---

<sup>289</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.11, 11-рўйхат, 1308-иш, 2—11-бетлар.

Оренбург — Тошкент темир йўлини қуриш масаласи 1874 ва 1880 йилларда ўртага ташланган. 1900 йилда ташки ишлар, харбий, темир йўллар вазирликлари раҳбарлари Оренбург — Тошкент темир йўли қурилиши ҳақида бир қарорга келди. Бу фикрни шахсан император қўллаб, қурилишни бошлашга рухсат берди.

Темир йўл дастлаб Самара — Златоуст темир йўлига уланган Оренбургдан бошланган. Сўнгра йўл Илеук — Октепа Урал, Темир, Кубалай ва Эмба дарёси бўйлаб ўтказилди. Қарағанда — Кульжур орқали Орол денгизининг қўлтиғи Сари Чағанокқа етказилган. Йўл давом эттирилиб, Сирдарё қирғоқлари орқали Перовский (Оқ масчит), Жулак, Тюмень ариқ ва Туркистонга келтирилган. Шундан кейин Икон, Ўтрор ва Арисгача етказилиб, Тошкент шаҳри атрофига уланган. Оренбург — Тошкент темир йўлининг узунлиги 1736 чакирим бўлиб, 80 га яқин бекатни ўз ичига олган:

- |               |                  |                |
|---------------|------------------|----------------|
| 1. Оренбург   | 27. Соленая      | 52. Терактузок |
| 2. Растахона  | 28. Улпан        | 52. Қораузок   |
| 3. Донгуз     | 29. Чалкар       | 53. Петровский |
| 4. Маяч       | 30. Брюк         | 54. Берқозон   |
| 5. Илецк      | 31. Жилон        | 55. Солитепа   |
| 6. Григорьев  | 32. Тугуз        | 56. Тортўқай   |
| 7. Окбулок    | 33. Қорачокот    | 57. Жулан      |
| 8. Якша       | 34. Олтин        | 58. Скоблев    |
| 9. Яйсан      | 35. Саксовул     | 59. Туманарик  |
| 10. Оксув     | 36. Конту        | 60. Янгиқўрғон |
| 11. Қоратўқай | 37. Орол денгизи | 61. Окқум      |
| 12. Курайли   | 38. Сапчак       | 62. Сауран     |
| 13. Октепа    | 39. Андреев      | 63. Чорнак     |
| 14. Бешмоқ    | 40. Камичли-бош  | 64. Гулистон   |
| 15. Томди     | 41. Бик-баули    | 65. Ўтрор      |
| 16. Оккамар   | 42. Казалин      | 66. Қорақўнғир |
| 17. Кандагач  | 43. Баскор       | 67. Арис       |
| 18. Темир     | 44. Майлибош     | 68. Қабинсой   |
| 19. Кер       | 45. Оксуат       | 69. Узунсой    |
| 20. Кудук     | 46. Тўратепам    | 70. Чанок      |
| 21. Эмба      | 47. Дўрмонтепа   | 71. Сариеғоч   |
| 22. Қазох     | 48. Хорхут       | 72. Жилға      |
| 23. Мугажар   | 49. Кармакчи     | 73. Дарвиза    |
| 24. Родник    | 50. Қизилтом —   | 74. Келес      |
| 25. Қорачанда | Қоракетган       | 75. Тошкент    |
| 26. Каулжир   | 51. Оксув        |                |

Оренбург — Тошкент темир йўли 1905 йилда ишга туширилиб, Ўрта Осиё темир йўлига уланди. Шундай қилиб, темир йўллар ўлканинг ички томонларини ҳам камраб олиб Туркистонни Россиянинг маркази ва атроф жойлари билан боғлади. Ўша даврдаги муаллифнинг сўзи билан изохлаганда темир йўллар Туркистон заминини сиёсий ва қтисодий жиҳатдан Россияга мустаҳкам боғлаб қўйди.<sup>290</sup>

1908 йилда «Кўкон — Наманган темир йўли жамияти» тузилиб, Андижон орқали Жалолободга, Андижондан Кўкон қишлоғи ва Чинободга темир йўл қуришни мақсад қилиб қўйди. 1912 йилда бошланган иш 1915 йилда тугатилиб, Кўкон — Наманган, Андижон — Гуручбозор, Гуручбозор — Қўрғонтепа, Қўрғонтепа — Қорасув, Қорасув — Султонобод, Султонобод — Жалолобод йўналишларида темир йўллар ётқизилди. Бу йўллар Фарғона темир йўли деб номланди.

Бухоро хонлигида ҳам темир йўллар қурилган эди. У Когон — Бухоро, Қарши — Когон, Қарши — Амиробод, Қарши — Самсонов ва Қарши — Ғузор йўналишини ўз ичига олган. Йўл қурилиши 1912—1915 йилларда амалга оширилди. 1917 йилда Бухоро темир йўли Қарши—Керки орқали Ғузор-Китоб тармоғи билан Термизгача узайтирилди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё, Оренбург — Тошкент, Фарғона ва Бухоро темир йўллари ўзаро боғланиши асосида Россиянинг марказий ва чекка ўлкалари билан ҳам йўл алоқалари ўтказилди.

Туркистон ўлкаси бўйича 182 та темир йўл бекати ишга туширилиб, улар орасида бир миллион пуддан ортиқ юкка хизмат кўрсата оладиганлари бор эди:

Сирдарё вилоятида	Самарқанд вилоятида
Тошкент	Арис
Самарқанд	Драгомиров
Орол денгизи	<b>Бухоро хонлигида</b>
Чинли	Чоржўй
Кривошент	Когон
Туругай	Бухоро
Казалин	

<sup>290</sup> Путеводитель по Туркестанскому и Средне-Азиатской дороге. Под редакцией Дмитрий Мамонова Н.И. СПб. 1905—1906. С. 412.

Фарғона вилоятида	Каспийорти вилоятида
Андижон	Польгарацкий
Кўкон	Мари
Федченко	Байрамали
Скобелев	Тадажон
Горчаков	Душок
Асака	
Мельников	
Посъетавка	
Ваннов	

Фарғона вилоятида юкорида кўрсатилганлардан ташкари Кўкон—Наманган, Андижон—Жалолобод, Андижон—Бойтон, Горчаков—Фарғона темир йўлларида бекатлар бор эди.

Темир йўлларнинг фаолиятига доир айрим мисолларни келтириш аини муддаодир.

Каспийорти темир йўлидан 1888 йилда 873012 пуд, 1889 йилда 1470503 пуд, 1890 йилда 2605061 пуд, 1891 йилда 2746783 пуд, жами 6600359 пуд пахта Россияга олиб кетилган.

XIX аср охирларида Каспийорти темир йўли «Ўрта Осиё темир йўли» деб аталганидан кейин бу йўл орқали 1898 йилда 5263642 пуд, 1899 йилда 5241291 пуд ва 1900 йилда 5846609 пуд пахта жўнатилган. 1881 йилда Россияга салкам бир миллион пуд пахта юборилган бўлса, темир йўл қурилгандан кейин бу кўсаткич 1900 йилда салкам 6 баробарга кўпайди. Аини пайтда чигитни ҳам Россияга жўнатиш бошланиб, олиб кетилган чигит 1898 йилда 318557 пудни, 1899 йилда 512513 пудни ва 1900 йилда 1169312 пудни ташкил этди.

Демак, илгари пахта Россияга бамисоли ховучлаб жўнатилган бўлса, энди темир йўл орқали тонналаб жўнатиладиган бўлди.

XX аср бошларида пахта хом ашёси Ўрта Осиё ва Оренбург—Тошкент темир йўллари орқали ташилди (74-жавдал)<sup>291</sup>.

Бу ерда кўрсатилишича Шарқий йўналиш бўйича Тошкент темир йўли орқали 1905 йилда 426000 пуд, 1906 йилда 5486 пуд ва 1907 йилда 24840 пуд Москва йўнали-

<sup>291</sup> Туркестан в районе Ташкентской жизненной дороги и грузы этой дороги. Сост. И.П. Верховский. СПб. 1910. С.-290—293.



	Темир йўллар	Тошкент темир йўли оркали ташилган пахта			Ўрга Осие темир йўли оркали ташилган пахта			Икки йўл бўйича ташилган пахта		
		(пуд)			(пуд)			(пуд)		
		1905	1906	1907	1905	1906	1907	1905	1906	1907
	Варшава — Вена	—	—	—	480171	1800387	1173915	480171	1800387	1173915
Шар- кий	Сибирь	—	31	77	—	—	1124	—	31	1201
то- мон-	Пермь	—	—	—	—	939	2638	—	939	2638
да	Самара	426	1981	23151	2606	469	69612	3032	4450	92763
	Ўрга Осие	—	1474	1612	—	—	—	—	1474	1612
	Тошкент	—	—	—	8	335	2904	8	335	2904
	<b>Жами</b>	<b>426</b>	<b>3486</b>	<b>24840</b>	<b>2614</b>	<b>1743</b>	<b>7627840</b>	<b>3040</b>	<b>7229</b>	<b>101118</b>
Мос- ква	Сизрань	—	—	—	988	744	—	988	744	40
то- мон-	Москва — Козон	9230	58096	184026	321664	1108432	2197337	330894	1116528	2381363
да	Москва — Курск	—	2819	480	217787	345898	741194	217587	348717	741674
	Москва — Нижний	—	17255	29220	87538	66120	144274	87538	83375	173491

	Москва — Брест		4210			2851	13373	124794	2851	17583	124794
	Кичик йўллар		13694	12799	1		3678			17372	12799
	<b>Жами</b>	9230	96074	226525	630828			37207639	640058	1634319	3434164
Пе-тер-бург то-мо-нда	Николаев		14615	46249	170301		365568	688674	170301	379183	734923
	Либаво — Ремен				3573		2222	449	3573	2222	449
	Москва Рибин-ский							10313			10313
	Шимоллий	1872	45625	92454	222040		548778	1825539	223912	594403	1917993
	Шимоллий — Фарбий		2001	7407	931		25203	152846	931	27204	160253
	Полессюяг	—	—	—	37199		6403	3137	37199	6403	3127
	Ригу — Орлов	—	—	460	4774		24561	27886	4477	24561	28346
	<b>Жами</b>	1872	62241	146570	438818		971735	2708834	440690	1033976	2855404
	Урал	—	160	2386	139567		188754	411673	139567	188914	414059
Коз-лов то-мо-нда	Жанубий — Фарбий	1			460		11453	17380	461	11453	17380

	<b>Жами</b>	<b>1</b>	<b>160</b>	<b>2386</b>	<b>140027</b>	<b>200207</b>	<b>429053</b>	<b>140028</b>	<b>200367</b>	<b>4341439</b>
Харьков	Жанубий йўл				250118	3036	3592	250118	3036	3592
	Москва – Киев – Воронеж	–	9136	9037	7397	5057	11892	7397	14193	20929
	<b>Жами</b>			<b>9037</b>	<b>257515</b>	<b>8093</b>	<b>15484</b>	<b>257515</b>	<b>17229</b>	<b>24521</b>
Киев томонда	Призвин			–	3400	2971	17666	3400	12975	59850
	Жанубий – Ғарбий				1154	4350	2924	1154	43501	2924
	Бошка жойлар	–	10004	42184	3197018	4466678	2354369	3197018	4466678	2354369
	<b>Жами</b>	–	<b>10004</b>	<b>42184</b>	<b>3201572</b>	<b>4473999</b>	<b>2374959</b>	<b>3201572</b>	<b>4484003</b>	<b>2417143</b>
	<b>Ҳаммаси</b>	<b>11529</b>	<b>183101</b>	<b>451545</b>	<b>5151545</b>	<b>8994409</b>	<b>9986162</b>	<b>5163074</b>	<b>9177510</b>	<b>10437704</b>

ши бўйича 1905 йилда 9230 пуд, 1906 йилда 96074 пуд ва 1907 йилда 226525 пуд, Петербург йўналиши 1905 йилда 1872 пуд, 1906 йилда 62241 пуд ва 1907 йилда 146570 пуд, Козловский йўналишида 1906 йилда 10004 пуд пахта ташилган. Жами 1905 йилда 11529 пуд, 1906 йилда 9136 пуд ва 1907 йилда 9057 пудни ташкил этган. Киев йўналишида 1906 йилда 10004 пуд ва 1907 йилда 42180 пуд пахта ташилган.

Пахта катта ҳажмда Ўрта Осиё темир йўли орқали ҳам олиб кетилган. Ҳар икки темир йўл орқали ҳаммаси бўлиб 1905 йилда 5163074 пуд, 1906 йилда 9177510 пуд ва 1907 йилда 10437704 пуд пахта Россияга жўнатилганлигини манбаларда кўриш мумкин.

Бинобарин, Россияга юборилаётган пахта миқдори йил сайин ошиб борган. Бошқа маълумотнинг кўрсатишича, 1905—1907 йилларда Россияга 26690104 пуд пахта, бундан ташқари 478062 пуд «ғўза», яъни тозаланмаган пахта олиб кетилган.

Ўрта Осиё темир йўли томонидан ўлканинг айрим жойлари ва бекатларидан олинган пахта миқдорига доир маълумотлар мавжуд. Фарғона ва Хўжанддан 1908 йилда 5557339 пуд, 1909 йилда 6773196 пуд, 1910 йилда 5631679 пуд пахта вагонларга ортилган. 1912 йилда пахта қуйида келтирилган темир йўл бекатларидан юкланган эди.

Хилковдан	52374 (пуд)
Драгомировдан	135567
Мельниковдан	148107
Постъетовдан	96410
Қўқондан	2442699
Сероводан	187423
Ванновдан	50642
Горчаковдан	844421
Скобелевдан	195178
Федченковдан	795519
Асакадан	823609
Андижондан	2636476
<b>Жами</b>	<b>8309424</b>

Пахтанинг энг кўп қисми Андижон ва Қўконда, нисбатан камроқ қисми Горчаков ва Асакада вагонларга ортилган. Пахтанинг 4767640 пуди Тошкентга ва 3541784 пуди Красноводск орқали Россияга жўнатишган. Тошкентдаги пахта эса Оренбург—Тошкент темир йўли орқали жўнатилар эди.

Оренбург—Тошкент темир йўли бўйлаб ҳам пахта турли бекатлардан олинган. Масалан, 1912 йилда Тошкент, Келес, Арис, Туркистон ва бошқа жойлардан 403139 пуд пахта вагонларга юкланган.

Темир йўлларда ташиладиган юкларнинг кўп қисмини пахта ташкил этган. Буни 1911—1914 йилларда Ўрта Осиё темир йўлига тааллуқли маълумотлар мисолида кўриш мумкин (75-жадвал)<sup>292</sup>.

### 75-жадвал

Ташилган маҳсулот турлари	1911 йил	1912 йил	1913 йил	1914 йил
	(пуд)	(пуд)	(пуд)	(пуд)
пахта	14603065	152270659	14465755	16292902
чигит	7133513	7501820	9290912	7978396
ун	10346659	9966303	7944000	7393897
буғдой	12013671	9350455	6734727	5895278
ёғочлар	6279638	7040549	6559450	4885097
ўтин	6004889	5387175	5157848	4289454
кўмир	2962454	3531384	4047322	4831737
керосин	2802939	3127831	2870277	3015460
нефть	3250826	2999758	2646635	2855140
пахта чиқиндиси	2602456	3655322	2553893	2691504
пахта ёғи	1772421	2381921	2357647	2447518
гуруч	2892543	2606457	2274134	1930771
газламалар	2184898	2374300	2238731	2326870
канд	2719911	2596948	1980185	1769297
темир, пўлат	1500631	1422625	1561154	1399393

<sup>292</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-33, 2-рўйхат, 171-иш, 69—71-бетлар.

туз	1271860	1254641	1521484	—
шакар	158248	1424500	1420634	—
тош	155778	112985	130669	—
алибастр, охак	636300	420752	130314	—
гипс	1035655	1218386	1311544	1552301
арпа	1384537	1398440	1270475	1271326
жўхори	1986340	1952867	1041185	1729840
майиз	039940	753410	674564	938989
кўк чой	1374410	666075	798105	337255
жун	500638	538496	785657	746035
шиша идиш	553222	505893	635335	384450
пиво	507638	573335	638489	480863
чигит	801596	893624	538850	543597
хашак	7781302	1016832	479255	292215
тери	324018	362922	455484	474562
сабзавот	462099	340244	381888	258864
фишт	486951	357425	376803	289244
кора чой	243020	417816	200832	259960
чарм	305068	230906	244861	190434
ипак	82855	90077	102150	42706
жами	—	—	89345785	84666400
бошка моллар	—	—	16423121	19386822
хаммаси	—	—	105708906	104053222

Энг кўп ташиладиган маҳсулотлар орасида пахта олдинги ўринда бўлган. 1911 йилда Россияга 14603065 пуд, 1912 йилда 15227659, 1913 йилда 14465755 ва 1914 йилда 16292902 пуд пахта жўнатишган. Бошқача қилиб айтганда, 1881 йилда, яъни темир йўллар ишга туширилишидан олдин ўлкадан Россияга жўнатишган салкам бир миллион пуд пахтага таққосланса, юкнинг миқдори ўрта ҳисобда 15 баробар ошганлигини кўриш мумкин. Чигит ҳам анча кўп миқдорда олиб кетилиб, 1911 йилда 7133513 пудни, 1912 йилда 7501820, 1913 йилда 9290912 ва 1914 йилда 7978396 пудни ташкил этган эди. Темир йўлларда ташилган товарларнинг бир йиллик умумий миқдори 100

млн пуддан ошган. Бу кўрсаткич ўз даври учун анча юкори эди. Темир йўллар орқали ўзбеклар ишлаб чиқарган товарлар Россиянинг марказий ва узоқ жойларига тарқатилган. Ўз навбатида улар Россиядан турли товарларни ўлканинг турли жойларига келтиришади.

Хуллас, темир йўллар ўлкани тамомила Россиянинг хом ашё манбаига айлантиришда ғоятда муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, темир йўллар туфайли ўлкани тайёр маҳсулотлар бозорига айлантиришда муҳим ўрин эгаллади. Темир йўллар орқали келтирилган ишлаб чиқариш жихозлари эвазига пахта тозалаш ва ёғ тайёрлаш заводларини, умуман саноат тармоқларини ривожлантириш имкони туғилди. Русларни оммавий равишда ўлкага кўчириб келтириш таъминланди. Ҳарбий кучлар ўз вақтида етказилишига эришилди. Темир йўллар асосан Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ РОССИЯ ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР БОЗОРИГА АЙЛАНТИРИЛИШИ

### Хонликлар даврида савдо алоқалари

Чоризм ҳукмронлиги вақтида савдо алоқаларида хонликлар даврига нисбатан кескин ўзгаришлар содир бўлиб, салбий оқибатлар юзага келган эди. Шу боис авваламбор, хонликлар давридаги савдо ҳақида сўз юритилса, ўша ўзгаришларнинг нималардан иборатлигини билиш имкони пайдо бўлади.

XVI асрдан XIX аср 50—60 йилларида ҳам Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари Россияда ўзларининг тайёр маҳсулотлари билан савдо-сотик қилган. Шунингдек, Россия ҳам хонликларда тайёр маҳсулотлари билан савдода қатнашган.

Бундай тенг ва адолатли савдо алоқалари ҳар икки мамлакатда ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатган.

Хўш, бундай фойдали савдо алоқалари хонликларда қандай ташкил этилган эди?

Маълумки, Ўзбекистонда пахтачилик ривожлангач, газлама ва кийим-кечак ички ва ташқи савдонинг муҳим товарлари ҳисобланган. Россияда ўзбек товарларига, хусусан, газлама ва кийим-кечакларига талаб катта бўлиб, фақат марказий жойларида эмас, балки Волгадан тортиб, то Енисейгача бўлган ерларда сотилган.

Ўзбек газламалари ташқи кўринишидан дағалроқ бўлса-да, лекин арзонлиги ва пишиқлиги туфайли оддий кишиларга жуда қўл келган. Оқ бўз, чит, алача, заңдонни каби газлама турлари Оренбург ва Троицк орқали Россиянинг қўп жойларига тарқалган.

1840—1849 йилларда Оренбургга қуйидаги миқдорда оқ бўз келтирилган (76-жадвал).



76-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)
1840	125695	49650	—	—
1841	36950	21110	60531	36318
1842	18790	9014	86276	43138
1843	14192	6464	25349	11902
1844	3820	1874	44808	21892
1845	53778	26205	31884	15555
1846	31591	4887	57100	27156
1847	27375	10896	22331	9218
1848	37619	16011	2197	1204
1849	49810	20388	51137	20893
<b>Жами</b>	<b>399620</b>	<b>176503</b>	<b>381613</b>	<b>187279</b>

Оқ бўз кўпроқ Бухородан келтирилиб, 10 йил мобайнида 399620 тўп (176503 сўмлик) сотилган. Хива хонлигидан 381613 тўп (187279 сўмлик) оқ бўз олиб келиниб, сифати нисбатан яхшироқ бўлгани боис нархи бирмунча баланд юрган.

Хонликларда оқ бўз Бухоро ва Кўқон хонлигидан нуфузли савдо маркази — Троицкка ҳам жўнатиб турилган (77-жадвал)<sup>293</sup>.

77-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)
1840	13916	6866	—	—
1841	56817	28364	—	—
1842	59137	29359	400	192
1843	76630	38067	908	272

<sup>293</sup> Уша жойда, 277-бет.

1844	94033	46712	13788	5509
1845	98293	47868	5887	2549
1846	140637	65807	1421	671
1847	83515	41596	3306	1542
1848	101074	48187	11501	5172
1849	58436	29155	2889	1332
<b>Жами</b>	<b>782488</b>	<b>381985</b>	<b>40100</b>	<b>17240</b>

Бухородан 782488 тўп (381985 сўмлик) ва Қўқондан 40100 тўп (17240 сўмлик) оқ бўз жўнатилган. Россияда бу газламага талаб шунчалик зўр бўлганки, 1840–1849 йилларда Оренбург ва Троицкка 1600000 тўп олиб келинган. Шундан 1182108 тўпи Бухорода ишлаб чиқарилган. Ўзбек газламаларидан бири зандони Россияда жуда кўп харид қилинган. Чунончи, у Оренбургга ҳам олиб келинган (78-жадвал)<sup>294</sup>.

#### 78-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)
1840	47726	16049	—	—
1841	94348	46004	81646	40242
1842	23381	9497	39488	15795
1843	1560	621	27526	9052
1844	850	205	45832	18152
1845	9,985	3765	18068	7324
1846	7515	2956	36448	14571
1847	2347	940	26606	11999
1848	10808	3939	20010	804
1849	29248	10468	39080	14045
<b>Жами</b>	<b>227768</b>	<b>94447</b>	<b>316701</b>	<b>131986</b>

<sup>294</sup> Ўша жойда, 278-бет.

Бухородан 227768 тўп (94447 сўмлик) ва Хивадан 316701 тўп (131986 сўмлик) зандони олиб келинган. Бу борада Хива салмоқли ўринни эгалаган.

Зандони газламаси Троицкда харид қилинган (79-жадвал)<sup>295</sup>.

79-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)	Газлама тўпининг сони	Газлама қиймати (сўм)
1840	15956	7069	—	—
1841	226666	191377	—	—
1842	41468	21501	821	277
1843	50422	25080	276	110
1844	63106	30323	5351	2144
1845	66733	32474	2926	1330
1846	88714	41197	1669	750
1847	51212	24751	748	299
1848	64912	28980	4305	1744
1849	35069	15831	2643	158
<b>Жами</b>	<b>704258</b>	<b>418589</b>	<b>18739</b>	<b>7816</b>

Зандони газламаси асосан Бухородан келтирилиб, 704258 тўп (418589 сўмлик)ни ташкил этган. 1841 йилда 226666 тўп олиб келинган. Қўқондан эса бор-йўғи 18739 тўп (7816 сўмлик) зандони келтирилган.

Хом сурп ҳам Россияда катта ҳажмда сотилган (80-жадвал)<sup>296</sup>.

<sup>295</sup> Ўша жойда.

<sup>296</sup> Ўша жойда, 282-бет.

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Газлама тўпининг (сони)	Газлама қиймати (сўм)	Газлама тўпининг (сони)	Газлама қиймати (сўм)
1840	112138	79661	—	—
1841	322221	287113	5033	5619
1842	214634	166087	63736	30865
1843	26186	18427	12826	6998
1844	11135	7785	13270	7310
1845	124309	93237	12702	8257
1846	86226	56137	10064	6451
1847	77311	55787	35280	22906
1848	75046	56131	641	426
1849	55362	34191	26096	14266
<b>Жами</b>	<b>1104568</b>	<b>854560</b>	<b>179648</b>	<b>101092</b>

Бу Оренбургда сотилган хом сурп миқдорини кўрсатувчи ракамлардан маълум бўладики. 1840 — 1849 йилларда 1104568 тўп (854560 сўмлик) хом сурп Бухороники эди. Бу газламаларнинг миқдори айрим йилларда 322221, 214634 ва 124309 тўпни ташкил этган. Шубҳасиз, улар минглаб туяларда олиб келинган. Хивадан 179648 тўп (101092 сўмлик) хом сурп олиб келинган, холос.

Чит Троицкка кўп келтирилганлиги маълум (81-жадвал)<sup>297</sup>.

Йиллар	Бухоро		Тошкент	
	Газлама тўпининг (сони)	Газлама қиймати (сўм)	Газлама тўпининг (сони)	Газлама қиймати (сўм)
1840	149747	132634	—	—
1841	9085	12126	—	—
1842	207620	182744	453	261
1843	108109	86961	3378	1914

<sup>297</sup> Ўша жойда, 283-бет.

1844	90105	76251	2960	1970
1845	124193	97628	5171	4114
1846	163323	122310	30132	23316
1847	126099	100057	3889	3344
1848	124979	91691	8488	5780
1849	173577	128705	15642	10698
<b>Жами</b>	<b>1276737</b>	<b>1031112</b>	<b>70113</b>	<b>54400</b>

Троицкийга 1276737 тўп (1031112 сўм) хомсурп олиб келинган. Газламалар Тошкентдан ҳам келтирилиб, 70113 тўп (51400 сўмлик)ни ташкил этган. Бу Тошкентда хомсурп тўкиш ривожланганлигидан дарак беради. 1840—1849 йилларда Оренбург ва Троицкка олиб келинган хомсурпнинг умумий миқдори 2600000 тўпдан иборат бўлган.

1840—1849 йилларда Оренбург ва Троицкка алача газламаси Бухоро, Хива, Тошкентдан 171932 тўп олиб келинган. Россияга катта миқдорда калава ип ҳам келтирилган. У асосан аёллар томонидан қўл кучи билан тайёрланиб, сўнг ундан газламалар тўқилган. 1840—1849 йилларда Оренбургга олиб келинган калава ипнинг миқдори кўп бўлган (82-жадвал)<sup>298</sup>.

#### 82-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Калава ип (пуд)	Ипнинг қиймати (сўм)	Калава ип (пуд)	Ипнинг қиймати (сўм)
1840	22402		224027	—
1841	14319		136632	6107
1842	9402		75217	2090
1843	794		7122	873
1844	697		5580	1001
1845	9933		99318	362
1846	6536		65360	2744
1847	5511		55145	2835

<sup>298</sup> Ўша жойда. 269-бет.

1848	7805	76866	432	4079
1849	3501	35012	1941	19415
<b>Жами</b>	<b>80912</b>	<b>780281</b>	<b>18387</b>	<b>174453</b>

Калава иплар асосан Бухородан келтирилиб, уларнинг умумий миқдори 80912 пудни (780281 сўмликни) ташкил қилган. Хиваники эса 18387 пуддан (174453 сўмликдан) иборат бўлган.

Калава ип Троицк бозорида ҳам сотилган. Бу ерга 1840—1849 йилларда Бухородан 58349 пуд (795850 сўмлик) ва Қўқондан 804 пуд (10948 сўмлик) калава ип келтирилган. Бухоро бу борада ҳам олдинги ўринда турган. Кўрсатилган йилларда хонликлардан Оренбург ва Троицкка 125217 дона (90781 сўмлик) кўрпа олиб келинган. Бундан ташқари 20000 ортиқ белбоғ келтирилган.

Россияда ўзбек чакмонлари ва чопонлари ҳам харид қилиниб, 1840—1850 йилларда (83-жадвал)<sup>299</sup> Оренбургга 73069 дона (103706 сўмлик) Бухоро чопони ва 112013 дона (135405 сўмлик) Хива чопони савдогарлар томонидан олиб келинган.

83-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Чопонлар (сони)	Чопонлар қиймати (сўм)	Чопонлар (сони)	Чопонлар қиймати (сўм)
1840	16131	18309	—	—
1841	14751	30999	18643	28314
1842	5900	11587	12152	14304
1843	396	524	19764	23624
1844	357	372	18004	19675
1845	4241	5464	5373	6295
1846	1509	1890	8176	9519
1847	3345	3350	12137	13013
1848	13237	15576	3688	4841
1849	13202	15630	14075	15818
<b>Жами</b>	<b>73069</b>	<b>103706</b>	<b>112013</b>	<b>135405</b>

<sup>299</sup> Ўша жойда, 288-бет.

Бу моллар билан савдо қилишда Хива хонлиги олдинги ўринда турган. Чопонларни кўп миқдорда келтирилган вақт ҳам бўлган. Масалан, 1845 йилда Бухородан 4241 та чопон Оренбургга олиб кетилган. Бундан олдинги 1840 йилда 16131 та ва 1841 йилда 14751 та чопон жўнатилган эди.

Чопонлар кўпроқ Троицкка (84-жадвал) юборилиб,<sup>300</sup> 1840—1849 йилларда жами 119673 дона (107523 сўмлик) Бухоро чопони ва 10482 дона (12352 сўмлик) Тошкент чопони Троицкда сотилган.

#### 84-жадвал

Йиллар	Бухоро		Хива	
	Чопонлар (сони)	Чопонлар қиймати (сўм)	Чопонлар (сони)	Чопонлар қиймати (сўм)
1840	1955	2646	—	—
1841	11905	5252	—	—
1842	13246	14740	46	142
1843	11999	1311	210	188
1844	10099	9528	1315	1016
1845	10489	7446	307	242
1846	14532	12854	710	1102
1847	13089	12661	2148	2078
1848	16744	15675	2611	3031
1849	15615	46407	3135	4551
<b>Жами</b>	<b>119673</b>	<b>107523</b>	<b>10482</b>	<b>12352</b>

Бухородан 10, 13 ва 16 мингдан ортиқ чопон келтирилган. Тошкентдан энг кўпи билан бир йилда 2 ва 3 мингтадан ортиқ чопон олиб келинган эди.

Оренбург ва Троицкка ҳаммаси бўлиб 300000 мингтадан ортиқ ўзбек чопони келтирилиб, уларнинг қиймати 350000 сўмга борган.

Шундай қилиб, Россияда 100 минглаб кишилар ўзбек чопонини кийган. Россияга ўзбек белбоғи ва дўппилари ҳам олиб келинган. Масалан, 1840—1850 йилларда Бу-

<sup>300</sup> Ўша жойда, 289-бет.

хородан Оренбургга 14664 дона (3412 сўмлик) ва Троицкка 4321 дона (803 сўмлик), Тошкентдан Троицкка 601 дона (414 сўмлик) ва Хивадан Оренбургга 4960 дона (971 сўмлик) белбоғ ва дўппи келтирилган. Жами 25000 донага яқинлашади. Белбоғ ва дўппиларни ўзбек аёллари тиккан.

Россияда ўзбек пардаларига ҳам талаб мавжуд бўлиб, 1840–1850 йилларда Бухородан, Хивадан ва Тошкентдан Оренбург ва Троицкка 86288 дона (38265 сўмлик) парда келтирилган.

Оренбургга ипакдан ишланган дорои, банорас, беқасам, адрас сингари газламалар ҳам келтирилган.

Хонликлар даврида Сибирь билан савдо алоқалари кучайди. 1851 йилда Тошкентдан 4032 та туяга ва 117 та аравага ортилган товарлар Петропавловскка юборилган эди. Қўқонликлар 41 та туя 40 та аравага ортилган товарларни Семипалатинскка олиб келганлар. Тошкентдан Омскка ҳам қарвон жўнатилган.

Қарвонларда 1851 йилда Сибирга асосан тайёр маҳсулотлар олиб келинган.<sup>301</sup>

Бўз, зандони, ипак газламаси	33429 тўп
Чит ва пардалар	268020 тўп
Калава ип	1596 тўп
Қорақўл	1069805

Шунингдек, чой, туз, гилам, бош кийим ва бошқа турдаги жами 1861802 сўмлик маҳсулот келтирилган.

1852 йилда Тошкентдан 2356 та туя ва 673 та аравада, Бухородан 28 та туя, битта арвада Петропавловскка, Қўқондан Семипалатинскка 67 та туя ва 135 та аравада моллар келтирилиб, уларнинг умумий қиймати 1.751.834 сўмга тенг эди. Хива ва Қўқон хонликлари бевосита Сибирь билан ҳам савдо олиб борган. Масалан, 1861 йилда бу ерга 270011 сўмлик ип газламалар, 33876 сўмлик ипак буюмлари, 9172 сўмлик жун буюмлари келтирилган.<sup>302</sup>

Россияга келтириладиган молларнинг салмоқли қис-

<sup>301</sup> Центральный государственный исторический архив России в Ленинграде. Ф. 1265, оп. 1, Д. 61. Л.5.

<sup>302</sup> Омский государственный архив. Ф.3, Д.5488, Л.9.



мини тайёр маҳсулотлар ташкил этиб, буни 1840—1850 йилларда олиб борилган савдога тегишли маълумотлардан ҳам кўриш мумкин:<sup>303</sup>

Ип газламалар	4012028
Ипак ва ярим ипак газламалар	137945
Калава ип ва пахта	2747666
Жун матолар	12022
Шойи матоси	161616
Мевалар	298770
Мўйна ва қорақўл	1075702
Рўян	223733
Қимматли тошлар	123727
Турли моллар	178370
<b>Жами</b>	<b>8971675 сўм</b>

Ип, ипак ва ярим ипак газламалар биргаликда молларнинг ярмидан кўпроғини ташкил этган. 1839—1840 йилларда Россияга пахта хом ашёси ҳам келтирилган. Чунончи, Бухородан Оренбургга 79667 пуд (378839 сўмлик) ва Хивадан 68480 пуд (333914 сўмлик) пахта олиб келинган. Ўша йилларда Бухородан Троицкка 50267 пуд (266210 сўмлик) ва Тошкентдан 1436 пуд (7171 сўмлик) пахта келтирилган. Аммо пахтанинг миқдори газлама кийим-бошларга нисбатан анча оз бўлган.

Пахтанинг бир қисми Вятъ ва Қозон губернияларига олиб келиниб, улардан татарлар қўлда газлама тўқишган, пахтанинг талай қисмидан тўқимачилик саноатида газламалар тўқилган.

Ўз навбатида Россия Бухорода асосан тайёр маҳсулотлар билан қуйидаги тарзда савдо-сотик олиб борган.

<sup>303</sup> Ўша жойда, 330-бет.



Мато XIX асрда шу йўсинда бўялган.

Ип газламалар	1044714
Олтин ва кумуш тангалар	1426464
Металл ва улардан ишланган маҳсулотлар	547543
Мис	307377
Ипак ва ярим ипак газламалари	70377
Жун маҳсулотлар	336449
Чарм	543623
Мўйна	12757
Ойна	25190
Ёғоч буюмлари	57306
Бўёк	324233
Дори	1886
Чинни ва кулолчилик идишлари	4519
Қанд, асал, мум	203490
Чой	9124
Турли моллар	312202
<b>Жами</b>	<b>5225287 сўм</b>

Ип газламалар, олтин ва кумуш тангалар, чарм, темир асбоблар, мис ва бўёк каби моллар Россия ташқи савдосининг асосий қисмини ташкил этган.

Ўлкага рус газламалари Москва, Москва губернияси, Владимир губернияси, Шуй, Александр ва Суздаль уездлари, Кострома губерниясидаги Кинетем уезди, Қозон губерниясидаги Церевококшай ва Мамдиш уездлари ва Вятка губерниясидаги Елабут уездидан олиб келинган. Бу ерларда асосан америка пахта навидан маҳсулотлар тайёрланган. Шундай қилиб, хонликлар ва Россия ўртасидаги савдо алоқалари ўз моҳияти ва йўналиши жиҳатидан тенг ҳуқуқли хусусиятга эга бўлган.

Аммо Чор ҳукумати хонликларни босиб олгандан кейин аҳвол ўзгариб борди.

### Чоризм даврида савдо алоқалари

Бу вақтларда ўзбек савдо аҳли тайёр маҳсулотлар билан савдо-сотик қилишдан маҳрум қилиниб, катта зиён кўрган. Эндиликда Россия саноат моллари ички ва ташқи савдода маҳаллий молларни борган сари кўпроқ сиқиб чиқарди. Бундай ҳолат биринчи навбатда газламаларга тегишли бўлди (85-жадвал)<sup>304</sup>.

85-жадвал

Йиллар	Россиядан хонликларга келтирилган газламалар (сўм)	Умумий фоизи	Россияга юборилган газламалар (сўм)	Умумий-фоизи	Газламалар қиймати (сўм)
1856	320000	28,2	815000	71,8	1135000
1857	527000	42,7	706000	57,3	1233000
1858	655000	48,8	686000	51,2	1341000
1859	945000	56,3	734000	43,7	167900
1860	1015000	61,5	636000	38,5	1651000
1861	1478000	66,3	751000	33,7	2229000
1862	1722000	76,8	521000	23,2	2243000
1863	1410000	67,3	686000	32,7	2096000

<sup>304</sup> Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азией. (40 – 60 годы XIX века), 1963. С-67.

1864	2395000	85.4	410000	14.6	2805000
1865	2380000	85.4	408000	14.6	2788000
1866	3777000	92.1	322000	79	4099000
1867	6952000	93.1	517000	69	7469000

Агар Россиядан газламалар хонликларга 1856 йилда 320000 сўмлик миқдор келтирилган бўлса, бу рақам 1866 йилда 3777000 сўм ва 1867 йилда 6952000 сўмни ташкил этиб, 282 фоиздан 931 фоизга кўтарилган. Россияга юборилган ўзбек газламалари 1856 йилдаги 815000 сўмликдан 1867 йилда 517000 сўмгача, яъни 71,8 фоиздан 6,9 фоизга камайган. Демак, ўлкани рус қўшинлари босиб олишининг дастлабки йилларидан бошлаб, Туркистонга Россиянинг тайёр маҳсулотларини келтириш кучайган эди. Эндиликда Россия газламалари миқдор жиҳатидан бошқа молларга нисбатан биринчи ўринга чиқиб олди (86-жадвал)<sup>305</sup>.

Ўлкага 1857 йилда 1942116 сўмлик, 1866 йилда 6725303 сўмлик ва 1867 йилда 10797090 сўмлик Россия газламалари келтирилган. Демак, газламалар миқдори деярли ўн баробарга кўпайган. Калава ип 1857 йилда 164271 сўмга, 1866 йилда 480838 сўмга 1867 йилда 900413 сўмга кўтарилган. Жун буюмлар 980717 сўмга кўпайган, металл асбоблари, металл, чой, қанд ва бошқа моллар миқдори ҳам анча ошди. Россиянинг бутун Туркистон бўйича савдоси 1857 йилдаги 3596095 сўмдан 1867 йилда 16318558 сўмга кўтарилди.

Ўлкага бевосита Сибирь томондан ҳам моллар олиб келинган. Чунончи, у ердан 1866 йилда 1393852 сўмлик газлама, 85385 сўмлик жун буюмлари, 7659 сўмлик темир асбоблар, 18744 сўмлик мис асбоблари, 131727 сўмлик чарм ва бошқа турдаги моллар келтирилди.<sup>306</sup> Кейинги йилда Россия газламаларининг миқдори янада ошиб, 2171929 сўмликни ташкил этди.

Чор ҳукумати Тошкентни босиб олгандан кейин шаҳар йирик савдо марказига айланиб борди. Бу ерга Россия ва бошқа жойлардан турли моллар олиб келинди.

<sup>305</sup> Костенко Л. Средняя Азия и водворение в ней русской гражданственности. СПб. 1870. С. 360. Бу ерда хонликлар билан бир қаторда Қозоғистон ва Туркменистонга Россиядан келтирилган газламалар ва бошқа моллар ҳақида маълумот берилган.

<sup>306</sup> Омский государственный областной архив. Ф.3. Д.8514. Л.8.

Моллар	1857 (сўм)	1858 (сўм)	1859 (сўм)	1860 (сўм)	1861 (сўм)	1862 (сўм)	1863 (сўм)	1864 (сўм)	1865 (сўм)	1866 (сўм)	1867 (сўм)
ип газламалар	1942116	2259718	2863506	2747624	2946532	2802650	2261149	3012721	3396744	6725303	10797090
чарм	531158	442832	445323	443186	555467	4241090	393840	532762	640236	851639	836128
жун буюм- лари	160324	233189	805918	274211	1399613	349440	317906	426468	272169	555062	980717
калава ип	164271	249691	153767	258973	449746	224152	160178	445882	167715	480838	900413
буғдой	29852	272478	249095	321976	311496	348338	306770	332572	421547	354819	221696
металл буюмлар	200713	120568	208680	204751	344587	339056	278467	405890	224551	352856	465494
канд	84749	107306	58601	90698	135190	115442	206210	323439	269645	237187	191672
чай	1851	3100	4378	3945	4462	11282	19017	37459	158415	208613	433963
ичимликлар	13851	13406	15216	28599	34882	12708	53939	127462	128431	207751	309984
металл	76848	95962	172837	148775	162417	222214	261472	337639	168053	181552	365094
бўёк	66059	74363	97247	65372	155169	263012	238547	123541	102962	87693	146255
мўйна	38665	29096	38049	41292	62819	104111	85377	85937	52880	84308	70914
ипак буюм- лар	17338	32209	54032	45387	40103	50494	58358	72267	33076	71011	98138
<b>Жами</b>	<b>3596095</b>	--	--	--	--	--	--	--	--	--	<b>16318558</b>

Айниқса Россия билан савдо-сотик қизғин тус олди (87-жадвал)<sup>307</sup>.

87-жадвал

Йиллар	1865	1866	1867	1869	1871	1873	1874
Моллар	(сўм)	(сўм)	(сўм)	(сўм)	(сўм)	(сўм)	(сўм)
Ип газла-малар	260628	2880102	3857209	3299747	3904820	4240671	2998364
Ип		164677	252993	174315	94047	186874	124238
Мовут	9690	91658	213680	120792	179623	87007	81451
Ипак ва ярим ипак газлама-лар	1772	4219	38410	5000	16748	140028	124899
Чарм маҳсулот-лар	71496	169030	147330	327314	365555	396150	331481
Металл ва металл асбоблари	77798	155999	229475	302957	433495	273927	226055
Буёқ	4494	43061	55833	101818	137348	160448	162458
Чой, қанд	69673	86948	424241	574127	851951	799505	434793
Мўйна	2480	7396	13110	98822	123493	63902	47834
Турли моллар	25416	175608	241753	80879	270194	139358	139320
<b>Жами</b>	<b>523447</b>	<b>3778698</b>	<b>5474034</b>	<b>5082771</b>	<b>6377274</b>	<b>6487880</b>	<b>4670893</b>

Маҳсулот орасида газламалар биринчи ўринни эгаллаб, уларнинг миқдори узлуксиз ошиб борган. 1867 йилда 3857209 сўм, 1871 йилда 3904820, ва 1873 йилда 4210671 сўм миқдорида бўлган. Аммо 1874 йилда яна камайган. Афтидан бунга Хива хонлигига қарши харбий юришлар тўсқинлик қилган бўлса керак. 1874 йилда чарм моллари, металл ва металл буюмлар, чой ва қанд сингари моллар ҳам кўп келтирилган. Рус моллари билан савдо ҳажми 1865 йилда 523447 сўм бўлган бўлса, 1873 йилга келиб 6487880 сўмга кўпайган.

<sup>307</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.1, 16-рўйхат, 876-иш, 1-бет.

Тошкентга келтирилган товарларнинг маълум қисми Бухоро ва Қўқон хонликларига, Еттисув вилояти ва бошқа жойларга олиб кетилган. Ўз навбатида у ерлардан Тошкентга келтирилган моллар Россияга жўнатилган (88-жадвал)<sup>308</sup>.

88-жадвал

Тошкентга келтирилган моллар

Йиллар	Россиядан (сўм)	Қўқон хонлигидан (сўм)	Сирдарё вилояти ва шаҳарларидан (сўм)	Бухоро, Самарқанд ва Еттисувдан (сўм)	Жами (сўм)
1871	5079551	2487631	754750	504730	8827432
1872	6374120	2189836	2249153	833953	11647063
1873	6401074	1715865	2245028	576192	10938150
1874	4633497	1472175	1339703	614162	8050537

Тошкентга келтирилиб Россияга олиб кетилган моллар қиймати

Йиллар	Россияга (сўм)	Қўқон хонлигидан (сўм)	Сирдарё вилояти шаҳарларидан (сўм)	Бухоро, Самарқанд ва Еттисувдан (сўм)	Жами (сўм)
1871	2558720	1606660	1444526	502592	5112998
1872	2109466	1273521	1349078	874925	5606990
1873	1784053	1981823	1637372	895435	6299183
1874	1309992	1244062	1284368	825801	4664223

Россиядан Тошкентга хонликларга келтирилганига нисбатан анча кўп мол олиб келинган. Уларнинг қиймати тўрт йил мобайнида 22 миллион сўмдан ошиб кетди.

Тошкентдаги савдода Қўқон хонлиги ҳам қатнашиб, келтирилган мол миқдори бўйича Россиядан сўнг иккинчи ўринни эгаллаган. Тошкентга Сибирдан ҳам маҳсулотлар олиб келинган. Масалан, 1872 йилда у ердан 1273520 сўмлик мол келтирилиб, 1224157 сўмлик мол

<sup>308</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. 11-рўйхат, 51-иш, 53-бет.

олиб кетилган. 1873 йилда эса бу нисбат 586848 га келтирилиб, 903440 сўмни ташкил этди.

Тошкент бозорларидаги 2630 та дўкондан 2324 таси ишлаган. Бундан ташқари шаҳар кўчаларида 690 та дўкон бўлиб, улардан 96 таси ёпилди. Руслар яшайдиган янги шаҳарда рус ва ўзбекларга қарашли 70 та дўкон фаолият кўрсатган.<sup>309</sup> Шаҳарда молларни ялписига сотиш масаласи билан В. Пупишев, Д. Пупишева, Бакиров, Якушев ва Баязитов сингари Россия савдогарлари шуғулланар эди. Молларни ялписига сотиб олишга 60—80 нафар кишидан иборат маҳаллий савдогарлар уюшмаси томонидан сайланган раҳбар — чокбоши шуғулланган. Бу лавозимни эгаллаган киши молларнинг нархи ва умуман савдо сирларини яхши билган. Харид қилинган моллар чокбоши раҳбарлигида савдогарларга тарқатилган.

Россиядан моллар 16—18 пуд юкни кўтарадиган туяларда олиб келинган. Апрель ойидан то июлгача 10000 та туяни ёллаш имкони бор эди.<sup>310</sup> Тошкентда молларни Россияга ташиш билан Н. Иванов, Назаров, ака-ука Каменскийлар ва Петропавловск савдогарлари — Зинков, Данилов ва Камчатовлар бошлиқ тўртта фирма шуғулланган. Улар молларни Оренбург ва Троицкка жўнатишар эди. 1875 йилда салкам 300000 пуд мол ташилган. Айрим савдогарлар ўзлари қарвон ташкил қилиб, молларни Тошкентдан олиб кетган. Хусусан, татар савдогарлари 100000 пуд молларни жўнатган.

Мазкур даврга келиб, Туркистон заминида мустамлакачилик сиёсати қаттиқ ўрнашиб олган эди. Зеро, ўша даврдаги амалдорлардан бири шундай ёзган эди:

Хива, Бухоро ва бошқа жойларда бизнинг фабрикаларга пахта ва ипак хом ашёси етказиб бериш билан бир қаторда ўз бозорларини бизларнинг фабрика ва заводларимизнинг маҳсулотлари учун очиб берди.<sup>311</sup>

Бу бозорларни очган маҳаллий аҳоли эмас, балки Чор ҳукумати ва капиталистлар бўлган эди, албатта.

XIX асрнинг 80-йилларига келиб Россия маҳсулотлари Сирдарё вилоятида, шу жумладан, Тошкентда мустахкам ўрин эгаллади. Айниқса, ип газамалар катта миқ-

---

<sup>309</sup> *Ўша жойда.* 46-бет.

<sup>310</sup> *Ўша жойда.* 10-бет.

<sup>311</sup> *Ўша жойда.* 55-бет.



дорда келтирилди. Ўлка маъмурияти рус газламаларига нисбатан рақобат юзага келишининг олдини олиш мақсадида Ҳиндистон, Эрон ва Туркиядан газламалар келтиришни тақиқлади. Маҳаллий газламалар эса рақобатга бардош бераолмай, борган сари уларнинг мавқеи пасайиб кетди. Чунки бу вақтга келиб Россия тўқимачилик саноати техника жиҳатидан яхши натижаларга эришиб, сифатли ва бирмунча арзон газламаларни ишлаб чиқаришга муваффақ бўлган. Маҳаллий газламаларга нисбатан талабнинг камайиши жуда катта салбий оқибатларни келтириб, қанчадан-қанча тўқувчи, тикувчи ва бўёқчилар ўз ишидан айрилди ва натижада қашшоқлашдилар. Россия тўқимачилик саноатидан эса газламаларни кўплаб келтириш давом этди. 1887 йилга тегишли маълумотларга кўра газламалар билан савдо ҳажми Тошкентда 1608000, Хўжандда 182900, Туркистонда 59200, Авлиёотада 200500 ва Петропавловскда 49800 сўмни, жами 2100890 сўмни ташкил қилган. Тошкентдан Россия ва маҳаллий моллар атроф жойларга, ҳатто узоқ Хива хонлигига гарқатилган (89-жадвал)<sup>312</sup>.

#### 89-жадвал

Маҳсулот тури	Бухорога		Хива ва Амударё бўлимига		Сирдарё, Фарғона ва Зарафшонга		Жами	
	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)
Газлама	19926	946874	422	15161	31171	1688061	51518	2650096
Қанд	55150	439227	256	2560	—	—	55406	441787
Чой	58	2235	—	—	18	2320	76	4555
Қалава ип	639	1928	—	—	352	4875	974	6803
Атторлик моллари	723	10890	468	12927	3907	81831	5098	105668
Турли моллар	2615	32995	5735	40710	15340	195428	23690	269133
Уй жиҳозлари			447	690	57	1500	504	2190
Ун	22	110	87	213	10	50	119	373

<sup>312</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1886., Т., 1887. С-143.

Керосин	—	—	—	—	341	1023	341	1023
Тамаки	—	—	—	—	22	1175	22	1175
Машина кисмлари	—	—	2	120	923	9341	925	9461
<b>Жами</b>	<b>79133</b>	<b>1484259</b>	<b>7417</b>	<b>72401</b>	<b>52113</b>	<b>1985604</b>	<b>138673</b>	<b>3492264</b>

Бу 1886 йилга тегишли жадвалдан кўринадики, газламалар 2650096 сўмлик, қанд 441787 сўмлик ва бошқа моллар 269133 сўмлик миқдорда, жами 3492264 сўмлик товар Тошкентдан олиб кетилган эди. Товарларнинг талай қисми (1484259 сўмлик) Бухоро хонлигига, қолган қисми (1985604 сўмлик) Сирдарё, Фарғона ва Зарафшон округига юборилган. Уларнинг асосий қисмини Россиядан келтирилган маҳсулотлар ташкил этган. Масалан, 1893 йил 9688700 сўмлик газлама, 996900 сўмлик темир асбоблари, 708100 сўмлик чарм ва 2050400 сўмлик бошқа маҳсулотлар вилоятга олиб келинган.<sup>313</sup> Савдонинг умумий айланма ҳажми 29609700 сўмни ташкил этиб, шундан 22178520 сўми Тошкент шаҳрига тўғри келган.

XX асрнинг бошларида Россиянинг Сирдарё вилояти билан алоқаси қизғин тус олиб, 1901 йилда унинг савдо айланмаси 45300000 сўмга етди. Бунинг 30900000 сўми вилоятга келтирилган молларга тегишли эди. Улар орасида Россия газламалари энг кўп — 20000000 сўмни ташкил қилди.<sup>314</sup> 1904 йилда Россиядан мол келтириш янада кўпайди (90-жадвал)<sup>315</sup>.

Россиядан Тошкент шаҳрига келтирилган товарлар қиймати 23585759, Сибирдан 215218 ва Тошкент уездига келтирилганларники 8000 сўмга тўғри келди. Чимкент уездига Россиядан 281525 сўм ва Сибирдан 1951915 сўм, Авлиёота 1570797 сўм ва Амударё бўлимига 1336770 сўм қийматдаги мол олиб келинган.

Россия билан олиб борилаётган савдо-сотик шу даражада ривожланганки, товарлар тури 50 хилдан ошиб кетди. Келтирилган буғдой қиймати 500000 сўмни ташкил этди.

<sup>313</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.И-1. 11-рўйхат, 1308-иш, 83-бет.

<sup>314</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.И-1. 27-рўйхат, 383-иш, 3-бет.

<sup>315</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1904, Т., 1909. С-15

Махсулот турлари	Тошкент шаҳрига				Тошкент уездига				Чимкент уездига			
	Россиядан		Сибирдан		Россиядан		Сибирдан		Россиядан		Сибирдан	
	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)	(пуд)	(сўм)
Газлама	255760	13257500	—	—	250	1200	3550	68700	159960	245600	—	—
Атторлик моллари	116561	658414	—	—	—	—	2360	39950	22630	112900	—	—
Баққоллик моллари	115640	452738	—	—	1000	6000	620	18200	14800	103900	—	—
Дори-дармон	18956	230546	—	—	—	—	—	—	520	22345	—	—
Темир ва пўлат буюмлар	1264622	4638338	—	—	—	—	1000	8250	35600	142400	—	—
Қозон ва чўян буюмлар	259262	556497	—	—	—	—	650	9400	7450	29800	—	—
Мис ва мис буюмлар	56483	1084038	—	—	—	—	100	2900	2640	52800	—	—
Ёғоч ва ёғоч буюмлар	22477	118900	—	—	—	—	110	700	720	8200	—	—
Эгар	3	100	—	—	—	—	200	1000	2320	6960	—	—
Сандик	21876	138058	—	—	—	—	200	1000	2930	5860	—	—
Қийиқ шохлари	50	100	11519	123918	—	—	—	—	—	—	—	—
Қўй чарми	—	3000	4560	11800	—	—	—	—	—	—	—	—
Қорамол чарми	—	—	8700	3600	—	—	—	—	—	—	—	—
Ишланган чарм	2589	105240	—	—	—	—	605	6000	16700	212000	—	—
Қўй жуни	—	—	2800	1800	—	—	—	—	—	—	—	—

Туя жуни						1500													
Эчки жуни					8500	1000													
От ёли					2000	100													
Мўйна					6000	1000													
Қорақўл	56	1680																	
Арқон	1700	8500																	
Кигиз							100	800		100	3000								
Пойабзал	31043	1047								160	8010	4375							87500
Мовут	20853	2100000										1670							38750
Гилам	17	1000								24	2360	350							3500
Ипак буюмлар	3008	1305000										180							126400
Чит	40395	709288								16400	59000								
Мағо	549	1836																	
Смола (капрон)	16	65								900	2400	60							360
Керосин	235894	387850								50	570	28230							56460
Шағач	15000	105000								240	1800	2440							10280
Гугурт	16495	145032								15	600	1495							11960
Тамаки	12460	82542								905	1075	2285							71950

Идиш	105000	1426430							550	26800	2640	23999
Чой	34600	2040700							680	5800	10565	425700
Канд	332300*	2166750									21200	155800
Гуруч	495	1710										
Бугдой	450000	500000										
Бошка донлар	7604	1200									720	560
Металл	4334	17518										
Арок, вино	4006	42320										
Қорамол	276312											
Балик	893	8930										
Цемент ва курилиш жихозлари	820	1500										
Қоғоз ва китоблар	545	5450										
Бошка хил махсулотлар	2780	56990										
Кондитер махсулотлари	318	4470										
Совун ва ўсимлик ёғи	6805	54440										
Бошка хил махсулотлар	9613	104800										
<b>Жами</b>	<b>3471739</b>	<b>23585759</b>	<b>31379</b>	<b>215218</b>	<b>1350</b>	<b>8000</b>	<b>26735</b>	<b>281525</b>	<b>342580</b>	<b>1952915</b>		



Бухоро. Чор Россиясининг сиёсий агентлиги биноси.

1906 йилда Россиядан Тошкент шахрига 2585662 пуд (29575000 сўмлик) ва Тошкент уездига 21155 пуд (317050 сўмлик), Чимкентга 259160 пуд (3232450 сўмлик) ва Амударё бўлимига 115475 пуд (1219070 сўмлик) миқдорда мол келтирилган.<sup>316</sup> Хусусан, Россия газламалари 500000 пудни ёки 15 миллион сўмни ташкил этган. Товарларнинг жами қиймати 40487230 сўм бўлган. Уларнинг асосий қисмини тайёр маҳсулотлар ташкил этар эди. Ўлканинг асосий маҳсулоти хом ашё ҳисобланган.<sup>317</sup>

Архив ҳужжатларига кўра 1906 йилда Сирдарё вилоятида савдо айланмаси 73000000 сўм бўлиб, шундан 50000000 сўми Россиядан келтирилган товарларга тегишлидир. Биргина газламалар қиймати 19000000 сўмга тенг бўлган.<sup>318</sup>

1909 йилда вилоятнинг умумий савдо айланмаси 80000000 сўмга кўтарилиб, шундан 55000000 миллион сўми Россия моллари эди.<sup>319</sup>

Тошкент шахри ўлканинг ички ва ташқи савдосида етакчи ўринни эгаллаган.

<sup>316</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1906 г. Т., 1907. С.198 – 199.

<sup>317</sup> *Ўша жойда.*

<sup>318</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 25-рўйхат, 114-иш, 3-бет.

<sup>319</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 12-рўйхат, 1588-иш, 69-бет.

Россия учун Фарғона вилояти жуда катта бозор ҳисобланиб, бу ерга саноат моллари кўплаб келтирилган. 1903 йилга оид маълумотларга кўра Россиядан водийга қуйидаги хил ва миқдордаги Россия товарлари келтирилган (91-жадвал)<sup>320</sup>.

91-жадвал

Газлама	582036
Бугдой ва ун	2737182
Қоп	3222
Калла қанд	173687
Шакар	181668
Қора чой	73566
Кўк чой	95834
Қоғоз	9656
Спиртли ичимликлар	87393
Пиво	4133
Пойабзал	2729
Кигиз	19014
Атторлик моллари	3889
Темир, пўлат ва чўян	298508
Дехқончилик асбоблари	11580
Қурилиш жиҳозлари	967469
Қўйлак	1413
Керосин	320966
Нефть қолдиги	94021
Машина ва машина қисмлари	32404
Бўёқ	10081
Мис	4006
Калава ип	15138
Калава ипдан тўқилган буюмлар	37539
Қўрғошин	9300

<sup>320</sup> Ежегодник Ферганской области. Том. III выпуск 1904 г. новый Маргелан, 1904. С.34—35.

Шам	11770
Гугурт	8514
Баққоллик моллари	48099
Чинни идишлар	32323
Резина буюмлари	6577
Чарм ва чарм буюмлари	12620
Тамаки маҳсулотлари	12783 пуд

Булардан ташқари яна бир нечта хилдаги моллар водийга келтирилиб сотилган. Уларнинг орасида газламалар (582036 пуд) салмоқли ўринни эгаллаган. Шунингдек, буғдой ва ун кўп миқдорда (2737182 пуд) олиб келинар эди. Одатдагидек, Фарғона водийсига ҳам темир, пўлат ва чўян буюмлари (298508 пуд) олиб келинган. Чой Россиянинг ўзида етиштирилмай, балки Хитойдан Сибирнинг Кяхта деган жойига келтирилган. Бу ердан рус савдогарлари 73566 пуд қора ва 95834 пуд кўк чойни ўлкага келтириб катта фойда кўрган.

1906 йилда водийда 40487230 сўмлик Россия моллари харид қилинди. Улар орасида газлама ва умуман тайёр маҳсулотлар муҳим ўринни эгаллаган. Шунингдек, буғдой ва ун сингари ғалла маҳсулотлари катта миқдорда сотилган. Бунга ғаллани қисқартиш ҳисобига пахта майдонини янада кенгайтириш сабаб бўлди. Зеро, келтирилган ҳар бир миллион пуд ғалла пахта учун яна 10 минг десятина ерни бўшатиш имконини берган. Шу боис Россиядан водийга ҳар йили 11 миллион пуд ғалла олиб келинган. Шу тариқа мустамлакачилар пахтани ривожлантириш ва ғаллани сотишдан икки ёқлама катта даромадни қўлга киритган.

Самарқанд вилоятига келтирилган Россия моллари ҳам асосан тайёр маҳсулотлардан иборат эди. Масалан, XIX аср охирларида улар вилоятга қуйидаги миқдорда келтирилган (92-жадвал)<sup>321</sup>.

<sup>321</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф. И-1, 11-рўйхат, 1308-иш, 54-бет.



Махсулотлар номи	(пуд)	(сўм)
Газлама	130000	2500000
Қанд	50000	350000
Чой	15000	600000
Ун	10000	35000
Мева-чева	70000	15000
Ёнғоқ	14000	20000
Консерва	500	30.000
Папирос	700	30000
Тамаки	1000	40000
Қандолатчилик махсулотлари	3000	45000
Спиртли ичимликлар	3000	10000
Пиво	600	6000
Колбаса, пишлок, балик	2000	15000
Туз	120000	48000
Озиқ-овқат махсулотлари	1200	18000
Бўёқ	10000	100000
Қурилиш жихозлари	1000	15000
Чарм	1000	15000
Мўйна	100	3500
Чўян	150	450
Темир, пулат	10000	30000
Мис	1000	17000
Калава ип	18000	400000
Жун газлама	3000	150000
Чарм буюмлари	2000	60000
Ярим ипак газламалар	200	70000
Қоп	6000	30000
Рўмол ва кўйлак	2000	75000
Чинни ва кулолчилик идишлари	15000	90000
Керосин	60000	90000
Комик моллар	1500	30000

Гугурт	3000	27000
Мис, пўлат, мис асбоблари	18000	140000
Қоғоз	2000	20000
Китоб	400	8000
Атторлик моллари	25000	90000
Шам	1500	14000
Бошқа тур маҳсулотлар	10000	100000
<b>Жами</b>	<b>741950</b>	<b>5975450</b>

Бу озгина қискартирилган жадвалда Россия газлама-лари 2500000 сўмлик, калава ип 400000 сўмлик, қанд 350000 сўмлик ва чой 600000 сўмликни ташкил этиб олдинги ўринда турган. Темир, чўян, пўлат, мис ва улардан тайёрланган жиҳозлар ҳам келтирилган. Жами 5975450 сўмлик маҳсулот сотилган.

Келажакда Россия молларининг миқдори 11540500 сўм бўлиши назарда тутилган.<sup>322</sup> Уларни Самарқандга келтириш кейинги йилларда ҳам давом этиб борди.

Россия моллари Бухоро ва Хива хонликларининг бозорларида ҳам мавқеини мустаҳкамлаб олган эди.

1886 йилда Бухорога 22000 тўп газлама, 237000 пуд темир ва улардан ясалган жиҳозлар, 100000 пуд қанд ва конфет, 25000 дона чинни идиш, 48000 пуд бўёқ, 7000 пуд чарм ва анча миқдорда сандиқ ва қоғоз келтирилган.<sup>323</sup> Россиядан ҳар йили 40000 та туядан иборат карвонлар қатнаган. Бу савдо алоқаларининг қизғин тус олганлигини кўрсатади. Россия моллари Ярославль мануфактураси, Кудрин, Ўрта Осие Ширкати, Бродский Дюршмидт, Дюков, Девлекамов, Абрамов сингари кишилар томонидан олиб келинган. Бухорода маҳаллий савдогарлардан 100 нафар киши 20 минг сўмдан 500 минг сўмгача, 10 нафар киши 10 минг сўмдан 100 минг сўмгача маблағи билан иш юритганлар. Маҳаллий яҳудийлардан 20 нафар киши 30 минг сўмдан 400 минг сўмгача маблағ билан савдода қатнашган.

1880–1891 йилларда Россиядан Бухорога 43000 пуд

<sup>322</sup> *Ўша жойда*, 56-бет.

<sup>323</sup> Ўзбекистон Марказий давлат архиви. Ф.1, 11-рўйхат, 504-иш, 3-бет.

газлама, 7000 пуд қанд, 2000 пуддан ортиқ темир жиҳозлари, 2000 пуд бакқоллик моллари, 1000 пуддан ортиқ атторлик моллари, 1000 пуддан ортиқ бўёқлар келтирилган. Кўриниб турибдики, Бухорода ҳам Россиянинг моллари харид қилиниб, газламалар муҳим ўринни эгалланган. Вақт ўтган сайин Россия билан савдо алоқалари ривожланиб борган. Молларнинг турлари ҳам ўзгариб керосин, гуруч, спиртли ичимликлар, калава ип ва бошқа моллар қўшилган. Буни қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин (93-жавдал)<sup>324</sup>.

93-жавдал

Молларнинг номи	1890 йил (пуд)	1891 йил (пуд)
Газлама	163000	132000
Бугдой, ун	660000	700000
Гуруч	650000	585000
Мевалар	49000	13000
Қанд	187000	370
Спиртли ичимликлар	33000	39000
Ёғоч	—	102000
Чинни идишлар	10000	13000

Гуруч Кавказдан келтирилган. Спиртли ичимликлар хонликда яшовчи руслар ва бошқа европаликлар эҳтиёжини қондириш мақсадида олиб келинган. Бухорога бугдой ва уннинг кўп келтирилиши (700000 сўм) буларга талаб кучли эканлигидан дарак беради. Газламаларнинг миқдори 132000 сўм ҳисобланган. Россия моллари шаҳардан хонликнинг бошқа жойларига ҳам тарқатилган.

XX аср бошларида Бухоронинг Россия билан савдо алоқалари янада кегайди. Хусусан, 28000 пуд (13680000 сўмлик) газлама, 300 пуддан ортиқ (407000 сўмлик) юнг маҳсулотлар, 2800 пуд (420000 сўмлик) зиғир ва каноп газлама, 22000 пуддан ортиқ (912000 сўмлик) чинни идишлар, 72000 пуд (1008000 сўмлик) темир асбоблар, 331000 пуддан ортиқ (1790000 сўмлик) қанд ва шакар,

<sup>324</sup> Ремезе А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. Ташкент, 1922. С-50-51.

923000 пуд (1200000 сўмлик) буғдой, 877000 пуд (1764000 сўмлик) ун, 856000 пуд (1712000 сўмлик) гуруч, 55000 пуддан ортиқ (1016000 сўмлик) тамаки, 23000 пуддан ортиқ (526000 сўмлик) чарм сингари товарлар Бухорода сотилган. Шунингдек, туз, ёғ, қурилиш жиҳозлари, баллик, нефть, сода ва бошқа моллар келтирилган. Айниқса темир кўп миқдорда (496.000 сўмлик) харид қилинган. Жами 35344000 сўмлик товар олиб келиниб, шундан тайёр маҳсулотлар 59 фоизни, озиқ-овқатлар 26 фоизни, хом ашё 14 фоизни ва хайвонлар маҳсулоти бир фоизни ташкил қилган.

Шундай қилиб, Россия молларининг 85 фоизи тайёр маҳсулотлардан иборат бўлган. Айрим маълумотларга кўра, 1911—1913 йилларда Бухорога 21280000 сўмлик ип газлама, 880 сўмлик жун газлама, 480000 сўмлик каноп ва зиғир газлама, 1512000 сўмлик ипак ва ярим ипак газламалар, 1750000 сўмлик темир жиҳозлари, 1410000 сўмлик қанд, 1435000 сўмлик шакар ва бошқа моллар келтирилган. 1913 йилнинг ўзида Бухорога Ўрта Осиё темир йўли орқали 24990000 сўмлик Россия товарлари олиб келинган. Шу жумладан, 12350000 сўмлик ип газламалар, 3600000 сўмлик чой, 3220000 сўмлик гуруч, 870000 сўмлик ёғочлар, 310000 сўмлик темир, пўлат ва чўян, 520000 сўмлик темир жиҳозлари, 200000 сўмлик терилар, 2000000 сўмлик нефть, 580000 пуд керосин, 245000 пуд машина ва унинг қисмлари, 1010000 сўмлик буғдой, 1095000 сўмлик қанд ва бошқа моллар келтирилган.<sup>325</sup> Бинобарин, газламалар ўз салмоғини йўқотмай, келтирилган молларнинг деярли ярмини ташкил этган. Юқорида берилган маълумотлар Бухоро хонлиги Россиянинг тайёр маҳсулотлар бозорига айланганлигидан яққол далолатдир.

Хива хонлиги ҳам Россия моллари билан тўлдирилган эди. О. Содиқовнинг берган маълумотларига қараганда, 1899 йилда Россия билан савдо-сотикнинг ҳажми 4453000 сўмни, 1907 йилда 23071500 сўмни ташкил этган бўлса, Биринчи жаҳон уруши арафасида 26881000 сўмга ошган.<sup>326</sup> Бу Россия товарларининг талай қисми газмол-

